

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРАЛИГИ

ШУХРАТ СИРОЖИДДИНОВ

ШУҲРАТ СИРОЖИДИНОВ

БАГРИКЕНГЛИК — ДИНЛАРНИНГ МАЪРИФИЙ АСОСИ

中華人民共和國農業部農業科學院植物保護研究所編著

Масъул мұҳаррір
профессор **А. Маннанов**

Тақризчилар:
тарих фанлари доктори, профессор **С.Агзамходжаев**,
тарих фанлари номзоди, доцент **Д.Рахимжонов**

Үқув қўлланма Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг ИТД- 4-156 «Ёшларда диний бағрикенглик маданиятини шакллантириш» илмий лойиҳаси доирасида ёзилган бўлиб, номутахассис таълим йўналишларида «Диншунослик» фани бўйича кўшимча материал сифатида фойдаланишига мўлжалланган. Унда Ўзбекистон халқарининг кўп мингийиллик маънавий тараққиёти босқичларида ўзаро мулоқотда бўлган диний эътиқодлар тарихи ва таълимотлари ҳақида маълумотлар берилади. Муаллиф ушбу қўлланмада динларнинг маърифий асослари билан таништиришга ҳаракат қилган ва шу жиҳатдан, асосий эътибор диний таълимотларнинг шакллапишига сабаб бўлган давр ва муҳит, ахлоқий ўғитларга қаратилган.

Ушбу қўлланмадан олий таълим муассасаларида маданиятишунослик, маданий антропология каби фанларни ўқитиша ҳам фойдаланиш тавсия этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўймитанинг 1811-сонли тавсияси билан чоп этилди.

ISBN 978-9943-390-07-2

0100 - тиз

© «Тошкент ислом университети»
нашириёт-матбаа бирлашмаси

КИРИШ

Дин нима? Унинг мазмун-моҳияти нимадан иборат? Бу саволларга дафъатан жавоб бериш мушкул. Инсоният асрлар давомида тафаккурниңг ушбу хаёлий, сирли ва ўзига хос шаклининг пайдо бўлиш сабабларини ақл тарозисида тортиб, тушуниб олишга ҳаракат қилиб келди. Бироқ ҳалигача унинг сири очилган эмас. Цивилизациянинг шаклланиши ва тараққиёти ҳақида сўз юритганда диннинг таъсирини ҳисобга олмасдан гапириш мушкул. Шу билан бирга, унинг жамият ҳаётидаги ҳал қиувчи ўрнини ҳеч ким инкор эта олмайди. Дин, биринчи навбатда, ахлоқий категориялар мажмуудир. Маънавий покланиш, ахлоқий камолот ва эзгулик фазилатларини ўстиришда диннинг аҳамияти бекиёсdir. Диннинг қудрати кишиларнинг юриш-туришига таъсир қиласи ва шахс, гурух, жамоа ўртасидаги муносабатларни айрим ғоялар, қадриятлар, фикрлар, анъанаалар, одатлар воситасида тартибга солиб туради. Бу диний нормалар тизими асрлар давомида ахлоқнинг шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Дин тартибга солиб турмаганида, жамиятдаги барча ахлоқий тушунчалар бекор бўлиб, нафсоний ҳирс-ҳаваслар чегарадан чиқиб кетган бўлар эди. Бугунгача мавжуд диний таълимотлар силсиласига назар ташлайдиган бўлсанк, уларнинг барчаси асосида жамиятда инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойилларини барқарор этишга қаратилган ҳаракат ётганилигини кўрамиз. Бироқ, инсоният тараққиётининг тури босқичларида диний таълимотлар тури ёт ёндашув ва ғоялар билан тўлдирилганлиги сир эмас.

Дин инсон психикасига тури даражада таъсир кўрсатиши билан жамият бошқарувида катта ўрин тутади. Дин одамларнинг бошига тушган мусибат ва фалокатларга қарши курашда ёрдам беради, уларга умид баҳш этади. Дин инсонларнинг ички дунёсига таъсир ўтказиб, уларнинг бирор кун келиб азоб-уқубатдан халос бўлиш, баҳтли бўлиш умидида яшашига ёрдам беради, яъни оптимизмни туғдиради.

Дин ўзининг илк даврлариданоқ инсоннинг номаълум руҳий кучлар, ёвуз таъсиirlар қаршисида ҳис этган қўрқув, ваҳима ва эсанкираш ҳолатларида унинг бу ҳолатлардан тез чиқиб кетиш, таъсиirlарга жавоб қайтариш ёки ўзини ҳимоя қилиши учун қўл келган. Ўзига хос хаёлий-илоҳий мадд шаклида унинг кучига куч, иродасига қувват қўшади, яъни етишмаётганини компенсация қиласи. Диний жамоаларда инсонга панд-насиҳат натижасида ижтимоий турмушнинг номуккамаллиги ва ҳаёт мураккабликларини тушунмаслик оқибатида ҳаддан зиёд асабийлашганлар тинчлантирилади ва сабр-тоқат қилиш йўллари ўргатилади.

Одамларнинг жамоа бўлиб, гурух бўлиб бирлашишларида дин алоҳида аҳамиятга эга. У жамиятда барқарорликни таъминлайди. Дин инсонларни

бир диний гоя, диний қоидалар, одатлар, қарашлар, қадриятлар атрофида бирлаштиради. Дин ижтимоий бирдамликни вужудга келтиради, анъаналарни қўллаб-қувватлайди. Дин маданиятнинг таркибий қисми сифатида ёзувнинг, китоб нашр этиш ишларининг ривожланишини, санъатнинг узоқ яшашини, диний-маънавий мероснинг авлоддан-авлодга ўтиб боришини таъминлаб келган.

Шу билан бирга, диний мутаассибликка берилиш маданий ривожланишини тұхтатади, жаҳолатга йўл очади. Афсуски, инсоният тарихида диний онгнинг ажралмас қисми бўлган одамлардаги эътиқоддан фақат бунёдкор куч сифатида эмас, балки вайрон қилувчи куч, ҳатто фанатизм (ўта кетган мутаассиблик) сифатида фойдаланилганлигини кўрсатувчи мисоллар кўп. Фанатизмнинг ўзига хос ҳусусияти ва қўринишлари, авваламбор, ўз динининг ҳақиқийлигига ўта қаттиқ ишониш, бошқа диний эътиқодларга муросасиз муносабатда, бўлишдан иборатdir¹.

Дин моҳиятини тушунтиришда бир неча ~~хизб~~ ёндашувлар мавжуд. Масалан, диний ёндашув тарафдорлари динни «ичдан» билиш, муайян диний тажриба воситасида англаш лозим деб ҳисоблайдилар. Улар динга инсоннинг Худо билан алоқаси натижаси сифатида қарайдилар. Диндорларга кўра, дин истилоҳи гайритабиий кучларнинг мавжудлиги ва улар билан муносабат ўрнатиш мумкинлигига қатъий эътиқод қилиш натижасида пайдо бўлган тафаккур ва қарашларни ифодалаш учун ишлатилади. Дин тушунчасининг муқаддас таълимотларда, ибодатларда ифодаланган моҳияти унинг илоҳийлиги, азалий ва абадий ҳақиқат даракчиси эканлиги билан белгиланади. Машҳур гарб теологлари Э. Трельч (1865–1923), Р. Отто (1869–1937) ва бошқалар ана шу нуқтаи назарни қўллаб-қувватлаганлар. Протестант илоҳиётчisi Р. Отто бўйича, «дин – бу, илоҳийликнинг тажриба қилинишиди, диннинг предмети нуминозлик (лотинча нумен – илоҳий қудрат, ирод) бўлиб, у Илоҳдан таралади. Илоҳийлик инсон томонидан икки хил тажриба қилинади. Бир томондан у тақводорларча қўрқиши ва хавотир ҳиссиётини пайдо қиласди. Ўзининг «гайб»га қарам эканлиги ва унинг учун мутлако тушунарсиз бўлган мавжудотнинг борлигини сезиш инсонда қўрқув ҳиссини кучайтиради. Иккинчи томондан эса, нуминоз (илоҳийлик) инсонга умид баҳш этади, жонлантиради ва ўзининг жозибаси билан мафтун этади. Илоҳийликни, яъни нуминозни сезиш ва билиш инсонга Худо томонидан қисмат қилиб берилган. Инсон қайсиидир даражада ушбу тажрибани бошдан ўtkазишга мажбур». Бошқа бир православ илоҳиётчisi ва файласуфи П.Флоренский (1882–1937) динга таъриф берар экан, «дин – бу, рухнинг најот тогишини таъминлағувчи ҳаракатлар ва кечинмалар тизимиди. Диннинг асосий ўрни – қалбdir», деган.

¹ И. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, 1997. 37-бет.

Динни дунёвий талқин этиш олмон файласуфи И.Кантдан (1724–1804) бошланди. У биринчилардан бўлиб динни фалсафанинг таркибий қисмига айлантириди. У динни ахлоқий гоялар мажмуаси сифатида тушуниш концепциясини илгари сурди. Кант дин моҳиятини ботинан маҳфий, аммо зоҳирان ҳаёт тарзида намоён бўлувчи фикрнинг ахлоқий ифодасида кўради. Ахлоқقا асосланган дин мунтазам равишда эзгу ҳаёт тарзини тарғиб этувчи диндир. Инсоннинг инсон олдиғаги ахлоқий бурчларини адо этиши – илоҳий фарзларни бажариш демакдир. Кантта кўра инсон табиат билан узвий bogliq. У табиат қонунларига бўйсунади. Шу билан бирга, иродада эркинлигига (руҳга) эга. Бундай эркинлик жисмоний bogliqdan xoli bўlsa-da, ahloq bilan chegaralanggan. Кант анъанавий эътиқод, яъни диний маросимлар ҳамда диний ўйтларга зоҳиран риоя қилиш ва соғ диний эътиқод – қалбдаги эътиқоднинг бир-биридан фарқ қилишини таъкидлайди. Унингча, анъанавий эътиқод мажбурий бўлиб, қалб эътиқоди эркиндир.

Анъанавий динда одамлар Худо олдиғаги бурчларини қандайдир ибодатларни бажаришдан иборат деб биладилар. Бунда ахлоқий қадриятларга вижданан содик бўлмасалар-да ва ахлоқан тубан бўлсалар-да, кўпроқ зоҳирда Худонинг буюрганларига амал қилишга, Унга ёқилишга ҳаракат қиласидар.

Анъанавий дин ҳақиқий динни тарғиб этиш воситаси, холос. Инсон қалбида Худо иродаси билан азалдан муҳрланган Ахлоқ атальмиш Қонун бор. У ҳар бир ҳақиқий диннинг асоси бўлиб, уни яратувчиидир. Аслида, одамда Олий саодатнинг ўрнатилиши Ахлоқ Қонунияти (Худо) томонидан белгиланадиган хоҳиш-ироданинг зарурий мақсадидир. Мазкур Қонуният (Худо) биринчи навбатда, Олий саодатнинг бопи ва асосий шарти бўлган ахлоқ ва эзгуликни тўлиқ рўёбга чиқишини талаб қиласидар. Оламнинг яратилиш сабаби Ахлоқдир ва биз буни тан олишимиз керак, дейди Кант.

Кант Эзгулик қонуниятларига бўйсунувчи одамларнинг ахлоқий бирлашувини (ахлоқий-фуқаролик жамияти) ижтимоий тартибда оммавий ҳуқуқий қонунларга бўйсунадиган сиёсий бирлашувидан (ҳуқуқий-фуқаролик жамияти) фарқлади. Кейингиси мажбурий, биринчисида эса одамлар ҳар қандай мажбуриятдан холи бўлиб, Эзгулик қонунлари асосида бирлашадилар. Кантнинг қарашлари моҳиятан, янги бўлмай, қадим юонон файласуфлари ва Шарқ дошишманд ҳакимлари асарларида илгари сурилган гояларнинг илмий қайта ишланган кўриниши деса ҳам бўлади.

Адабиётларда келтирилишича, хозирги пайтда дунёда беш мингга яқин дин бор². Улар бир-бирларидан ўзларининг ақидалари, эътиқод объектлари, ибодат тарзлари, расм-руссумлари, диний ташкилотларининг мураккаб ёки соддалиги ва ҳоказо жиҳатлари билан фарқланадилар.

² Основы философии. Ташкент, 2004, стр. 416.

Аммо улар ўргасида бир умумийликни кўриш мумкин. Бу инсон камолотига масъуллик ва унинг тарбияси вазифасидир. Инсонни комил ахлоқли қилиб етишиши ҳар бир диннинг бош вазифаларидан биридир. Юксак ахлоқ ва бағрикенглиқ гоялари ҳар бир диний таълимотнинг мағзини ташкил этади. XX асрда пайдо бўлган айрим диний оқимларнинг ушбу муқаддас вазифа ва гоялардан оғиб, нопок ишларга қўл ураётгани жаҳондаги барча анъанавий мумтоз диний таълимот вакилларининг кучли нафратига сабаб бўлаётгани сир эмас.

Ушбу қўлланмада диний таълимотларнинг маърифий асослари билан танишириш, уларни ахлоқий қадриятлар мажмуи сифатида ўрганиш мақсад қилиб қўйилди. Ўзбекистон азалдан кўп конфессияли юрт бўлиб келган. Бу диёрда зардуштийлик, буддийлик, христианлик, монийлик динлари ислом динигача маҳаллий аҳоли орасида ўзаро этник тотувлик ва жамият барқарорлигини сақлаш, ахлоқий қадриятларнинг чуқур томир ёйишига катта таъсир кўрсатган. Ислом дини кириб келгандан сўнг Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилиб келган ҳалқларнинг қон-қонига сингиб кетган багрикенглиқ тамойиллари ислом таълимотининг ҳанафийлик мазҳаби негизида янада ривожланди. Бугунги кунда Ўзбекистонда дин соҳасида олиб борилаётган оқилона сиёsat натижасида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча анъанавий диний ташкилотларнинг бирдек ривожланишига, ўзаро тутув ва иноқ яшашига ҳар томонлама шароит яратилган. Шу жиҳатдан ҳам замонавий ёшларга таълим жараёнида азалий багрикенглиқ анъаналарини синдириш, бошқа динларнинг тарихи ва моҳияти билан танишириш ва шу орқали ўзга конфессияларга ҳурмат ҳиссини уйғотиш диншунослик фани таълим стандартларида ифодаланган.

I ҚИСМ. ҚАДИМИЙ ДИНЛАР

Кишилик жамияти тараққиети босқычларыда ишлаб чиқариш мөхиятининг ўзгара бориши ва меҳнат қуролларининг такомиллашиши натижасида жамоа олдида ортиқча мулкни сақлашга эҳтиёж пайдо бўлди. Шунингдек, унинг тақсимоти билан алоҳида шугууланишига ҳожат туғилди. Жамоа мулки қаторида шахсий мулк ҳам пайдо бўла бошлади ва аста-секин ижтимоий табақаланиш ҳамда ижтимоий тенгсизлик юзага келди. Муайян уруғ-қабилалар ўртасидаги низолар жиiddий тус олиб, худудий жиҳатдан чегараланиши юз берди. Натижада шаҳар-давлатлар пайдо бўлди. Қабилалар ўрнида одамларнинг давлат асосида бириккан фуқаролар жамоаси шаклланди.

Қадимги даврларда уруғ-қабила эътиқодий қарашларининг асосий сигиниш обьектлари табиат ҳодисалари билан бояли бўлган. Сигиниш маросимлари шаман воситачилигида жамоа билан бирга ўтказилган. Сеҳргарлар, шаманлар, ёвуз кучларни ҳайдовчилар алоҳида тоифа бўлмай, жамоанинг тенг аъзолари бўлганлар. Шаҳар-давлатлар шакллангач, инсонларнинг руҳлар олдидағи мажбуриятлари, мистик урф-одатлари ва анъаналари энди давлатнинг ҳуқуқий тартиботлари ва мажбуриятлари билан тўлдирилди. Илгариги диний қарашлар замонавийлаштирилиб, диний тизимнинг янгича турлари пайдо бўлди. Ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ва мураккаблашуви жараёнида диний сигиниш обьектлари сифатида инсон қиёфасида тасаввур қилинган илоҳдар пайдо бўлди. Матриархат даврида илоҳлар аёллар қиёфасида тасаввур қилинган ва барча илоҳларга аёллар номини бериши расм эди. Энди эркак қиёфасидаги илоҳлар яратилди ва илоҳлар ҳаёти ҳақидаги тасаввурлар кенг тарқалди. Култ шаклларининг янада мураккаблашиб бориши ва ижтимоий ҳаётнинг тараққий топиши жараёнида маҳсус сигиниш жойлари яратилди. Бундай урининиларнинг ёрқин ифодасини синфий жамият пайдо бўлгандан сўнг яратилган муҳташам саждагоҳ-ибодатхоналарда кўриши мумкин. Улар фақатгина диний ҳаётнинг маркази бўлиб қолмасдан, тарихда иқтисодий ва сиёсий ҳаётга ҳам аралашиб турган.

Сўз юритилаётган даврлардаги диний таълимотлар одамлар томонидан ўйлаб чиқарилгани Куръони каримда ҳам айтиб ўтилган. Чунончи Куръони каримнинг «Нажм» сурасида шундай сўзлар бор: «(Эй мушриклар!) Кўрдингизми (санамларингиз) «ал-Лот», «ал-Уззо»ни (20) ва яна учинчилари бўлмиси «Манотни»?!(21) Эркак сизларникую, аёл У (Аллоҳ)никими? (22) У ҳолда бу адолатдан эмас-ку! (23) У (номлар) фақат ўзларингиз ва ота-бобола-рингиз қўйган номлардир. Аллоҳ уларнинг (мъбудалиги) ҳақида бирор ҳужжат туширган эмас. Улар Парвардигор томонидан ҳидоят келиб турган ҳолда фақат гумонга ва ҳавои нафсларигагина эрганимоқдалар».

Ургуғ-қабилалар ичида ижтимоий табақаланишнинг пайдо бўлиши ва қабила бошлиқдарининг етакчи ўринга чиқиши ниҳоятда кенг имтиёзларга эга бўлишига олиб келди. Улар муқаддас саналиб, уларга эътиқод қилиш ҳаракати шаклланди. Жамиятда инсонлар орасида турли даражадаги табақаларнинг мавжудлиги одамларнинг руҳлар дунёсида ҳам табақалар бор деган фикрга олиб келди ва натижада руҳлар иерархияси яратилди. Бу руҳларнинг юкори даражадагилари Илоҳлар деб номланадиган бўлди. Албатта уларнинг ичида энг катта Худо бўлиши шарт ва бопшалари унга бўйсуниши керак деган тамойил шаклланди.

Диний асотирларнинг маъно-мазмунни, диний маросим ва эътиқод объектлари тартиби ўзгарди. Нариги дунёда ҳисоб-китоб қилиниш ғояси шаклланди. Инсон руҳининг бу дунёдаги юриш-туришига қараб уни мукофот-ажр кутади ва аксинча жазо берилади. Нариги дунё, унинг жаннат ва дўзах каби маконлари ҳақида тасаввурлар туғилди. Сигиниш даргоҳларининг хизматчилари бўлган коҳин, роҳиб, шаман ва афсунгарларнинг диний фаолияти уларнинг касбларига айланди. Шунингдек, уларда ҳам касбий ворисийлик анъаналари шаклланди. Содда диний қарашлар бу даврларда муайян тизимга эга диний таълимотларга айланди. Улар ҳам бора-бора тараққий этиб, ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган қоида ва қонунларга эга диний таълимотлар тусини олди.

Бу динарнинг бизгача етиб келган кўринишлари икки турга: политеистик ва монотеистик, яъни кўпхудолик ва бирхудолик динарнага бўлинади.

1.1. Қадимги Миср ҳалқлари диний таълимотлари

Қадимий Миср Нил дарёси водийсида эрамиздан аввалги II минг йилликда тузилган биринчи давлатлардан ҳисобланади. Уларнинг дини политеистик (кўпхудоликка асосланган) дин бўлиб, мисрликлар кўплаб худоларга сигинар эдилар. Миср малики Рамзес II нинг Хетт подшосига юборган битим хатида мингга яқин худоларнинг исми зикр этилган экан. Дастлаб, мисрликларнинг қарашларида тотемизм кучли бўлган (лочин, хўқиз, сигир, кўй ва ҳ.к.) Астасекин тотемизмга нукта қўйилиб, худоларнинг қиёфаларига алмаштирилган. Масалан, Худо Ра – лочин бошли одам, Худо Хнум – қўй бошли одам, Худо Хора лочиннинг ёйик ёзилган қанотларини ўзида ифодалаган қуёш гардиши қиёфасида тасвирланган. Улар ҳар бир миңтақага хос маҳаллий ва бутун Миср учун умумий бўлган худоларга бўлинар эдилар. Худоларнинг кўплиги уларнинг вазифаларини аниқ фарқлашни тақозо этарди. Шунинг учун коҳинлар масаланинг шу тарафига жиiddий эътибор бера бошладилар. Шу тариқа Миср худоларнинг мунтазам иерархияга бўйсунган таснифи яратилди. Унга биноан,

Олий худолар:

Худо Ра – қуёш худоси;

Худо Птах – илоҳлар оламини ва одамларни яратган;

Улардан сүңг турувчилар:

Осирис – табиат худоси;

Изида – нариги дунё худоси. У Осириснинг хотини сифатида барча оиласи ишқ ва оналикинг ҳомийсидир.

Шунингдек, Мисрда фиръавн ҳам илоҳ даражасига кўтарили. У қуёш худоси Ра ва фиръавннинг онаси ўртасидаги яқинликдан туғилган илоҳий зурриёт деб эълон қилинди.

Мисрликларнинг эътиқодларига биноан, худолар инсонларни ўзларига хизмат қилишлари учун яратганилар. Агар одамлар уларни эсдан чиқарсалар, уларни жазо кутарди. Худоларнинг ҳомийлиги туфайли ёки хафа-хурсандлигига қараб инсон тақдирни ҳал бўлади. Одамлар худоларнинг хайриҳоҳлигига эришиш учун уларга хизмат кўрсатишда жиiddий ҳаракат қилмоғи, уларга мунтазам қурбонликлар қилиши керак эди. Натижада Қадимги Мисрда сигиниш тизими анча тараққий этиб, ибодатхоналар қурилган, худоларнинг ҳайкаллари ясалган. Қурбонлик учун маҳсус жойлар қурилган. Коҳинлар ибодат ва худоларга хизмат кўрсатиш маросимларининг асосий бажарувчилари ҳисобланниб, жамиятда имтиёзли мавқега эга эдилар.

Мисрда марҳумлар руҳига сигиниш одати қучли бўлган. Мисрликлар эътиқодига кўра, ҳар бир одам уч манбадан иборат: жисм-тана, тананинг руҳоний қиёфаси ва Рух. Одам ўлгандан сўнг шу уч манба бирга қолсагина, инсон мангу ҳаётга эришиши мумкин. Шунинг учун бўлса керак, мисрликлар жасадни мумиёнланган ҳолатда сақлашга ҳаракат қилгандар.

1.2. МЕСОПОТАМИЯ ҲАЛҚЛАРИНИНГ ДИНИЙ ЭЪТИҚОДЛАРИ

Миср билан деярли бир даврда Дажла ва Фрот дарёси оралигига сомирлар (шумерлар) давлати барпю бўлган. Бу давлат ўзининг юқори маданияти билан машҳур эди. Эрадан аввали IV–III минг йиллик арафасида Сомир (Шумер)да қатъий ишлаб чиқилган илоҳият тизими мавжуд эди. Сомир давлатининг дини ҳам кўтіхудоликка асосланган, ҳар бир шаҳри ўз ҳомий-худосига эга бўлган. Шу билан бирга, уларнинг умумий худолари ҳам мавжуд эди. Масалан, осмон худоси – Ану, ер худоси – Энлиль, сув худоси – Энки ёки Эа, ой худоси – Наинар, қуёш худоси – Уту ва ҳ.к. Худолар оламида Ану бош худо ҳисобланган.

Илоҳлар табиатнинг стихия кучларини ифодалагандар ва қўпинча космик жисмлар сифатида тасвиранган.

Месопотамия тамаддунининг кўплаб худолари аллақачон инсон қиёфасига киргизилган бўлса-да, уларнинг етитаси осмон сайёralари тимсолида гавдалантирилган. Шумерлар, аккадлар ва бобилликларнинг афсоналарида оламнинг яратилиши ва оламшумул тўфон ҳақида маълумотлар бор. Мазкур афсонага биноан, ер ва осмондаги ҳаёт илоҳий буйруқлар асосида кечади. Уларнинг исломий ривоятларда қайд этилиши муайян бир даврларда бу ҳалқлар орасида

яққаудолик тарғиб этилганга ўхшайды. Мусулмон панд-насиҳат адабиётларида бобилликлар ҳәтидан олинган лавҳаларнинг учраши шу фикрга олиб келади.

Месопотамия тамаддуни астрономиянинг кенг тараққий этгани билан аҳамиятларидир. Шунинг учун бу давлатларнинг диний тизимида инсонларнинг осмон ёритқичлари билан ўзаро муносабатига алоҳида аҳамият берилади. Бу диний тизимлар осмон сайёрлари воситасида ердаги ҳодисаларнинг сабаблари ва ифодасини аниқлашга ва астрология, нужум илми ёрдамида инсон ҳәтини башпорат қилишга ҳаракат қиласлар. Күёш худоси Уту, ой худоси Наинар (у Энлилнинг ўғли), севги ва ҳосилдорлик маъбуласи Иннар (бобилликлар ва ассорийлар уни Иштар деганлар), мангут тирик табиат ва ўлиб-тиридувчи на-бботни акс эттирувчи Думузи (бобилликларда Таммуз) ҳалқ ичида энг машҳур ва ҳурматли маъбуллар эдилар. Уруш, касалликлар ва ўлим худоси Нергал Mars сайёраси билан боғланган. Ҳар бир илоҳга алоҳида функциялар юкланган. Масалан, Энлиль (Нишпур шаҳри ҳомийси) тақдир худоси, шаҳарларни яратувчи, дәхқончилик асбоблари (плуг ва омоч)ни яратгандан худо ҳисобланган.

Сомир икки дарё оралиғидаги ягона давлат эмас эди. Сомирлар (шумерлар) каби аккадлар, бобилликлар ва ашшурлар (ассорийлар) дам-бадам ўз ҳукмронликларини ўрнатар, муайян даврдан сўнг ўз ўрнини бошқасига бўшатиб берар эди. Эрадан аввалги XX–XIX асрларда Месопотамия давлатлари – Фрот (Евфрат) устидаги Мари, Дажла (Тигр) дарёси этагидаги Ашшур, Эшнунна давлатлари ўртасида қирғинбарот урушлар кўп бўлган. Шунинг учун ҳам бу минтақада ҳамиша диний эътиқодий тизимнинг шакли ўзгариб, уйгунашиб борган: бальзи худолар эсдан чиқарилиб, уларнинг вазифаси ва хизматлари уларнинг ўрнига келган янгиларига ўтказилар, ибодатхоналар ҳам шунга мослаштирилар эди.

Бобилликларнинг олий худоси Мардук (Юпитер) донишмандлик рамзи ҳисобланган. Мардук Бобил шаҳрининг ҳомийси санаалган. Дунёнинг яратилишига оид Бобил афсоналарига кўра, ибтидода олам Тиамту исмли маҳлуқ қиёфасида бўлган. У худоларни дунёга келтирган, аммо улар жуда шовқин қилиб, оналарини безор қиласлар. Шунда Тиамту уларни ўлдирмоқчи бўлган. Қўрқмас Мардук барча худолар билан келишиб у билан ёлғиз ўзи олишмоққа қарор қиласди ва бунинг эвазига барча худолар унга келажакда тобе бўлишлари лозим эди. Мардук Тиамтуни ўлдиришга муваффақ бўлади. Унинг танасидан осмонни, юлдузларни, ерни, ўсимликларни, ҳайвонларни ва балиқларни яратади. Шундан сўнг Тиамту томонига ўтгани учун қатта этилган бир худонинг қонини лойӣ билан қориб, одамини ясайди. Сомирларда ҳам шунга яқин қараш бўлган, аммо уларда Мардук ўрнида Энлил маҳлуқни ўлдириб, дунёни яратган лейилади. Маъбуллардан ташқари, месопотамияликлар турии эзгу девларга эҳтиром кўрсатгандар. Ёвуз девларга эса, касаллик ва кулфат, баҳтсизлик, ўлим келтирмасликлари учун садақалар қилиб турганлар. Ёвуз девлардан дуо ва

сөхрлар, түмөрлар воситасида сақданишга ҳаракат қылғанлар. Барча девлар ярим одам, ярим махлук қиёфасида тасаввур этилган. Айниңса, Ламассу номли одам бошли, қанотли ҳұқиз қиёфасидаги әзгу дөв жуда машхұр бўлган. Ашшур подшоҳларининг сарой дарвозалари олдида ана шу ламассуларнинг баҳайбат ҳайкаллари қурилган бўлиб, улар гўё саройга ёмон девларни қўймас эмиш.

Сомир ва аккад халқи (Месопотамиянинг дастлабки икки халқи) нариги дунёга ишонганилар. Уларнинг тасаввурларича, нариги дунё соялар салтанати бўлиб, марҳұмлар мангуд очлик, сувсизлиқдан азоб чекадилар ва лой ҳамда чанг билан озиқланадилар. Шунинг учун марҳұмларнинг болалари уларга ҳамиша озуқа – курбонликлар юбориши лозим.

1.3. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ЭРОН ХАЛҚЛАРИ ДИНИЙ ТАЪЛИМОТЛАРИ

Марказий Осиё ва Эронда мавжуд бўлган қадимги эътиқодлар мажмуида оламнинг яратилиши қуиидагича тушунилган: Ҳудолар оламни етти босқычда яратгандар. Аввал осмон яратилган. У тошдан бўлиб, улкан туҳум қобиги шаклидадир. Қобиқнинг таг қисмида сув жойлашган. Сув юзасида ясси идиш каби ер қалқиб туради. Бутун олам ҳаракатсиз ва ўзгармас ҳолатда бўлган. Шундан сўнг ҳудолар ерда уч мавжудотни – инсон, ҳұқиз ва ўсимликни яратадилар. Уларга ҳаёт багишлаш учун олов ёқадилар. Олов қуёш шаклида ҳамиша ерни ва ундаги жонзорларни қиздириб туради ҳамда ернинг ҳаётийлигини таъминлади. Шу тариқа ҳаёт ва ўлимдан иборат цикл оламнинг асосини ташкил қиласди. Шунингдек, қуёш осмон бўйлаб ҳаракат қилас (чиқиб-ботади) экан, йилнинг фаслларга бўлинишини таъминлади. Шунинг учун олдинги эътиқодларда сув ва олов илоҳий ҳисобланган. Дарё ва сув ҳавзалари учун курбонликлар қилиш расм эди. Илоҳлар ўсимликни янчадилар, ҳұқиз ва одамни ўлдирадилар. Уларнинг аъзоларидан кўплаб ўсимликлар, чорва ва одамлар пайдо қиласди. Зардуштийлиқда илоҳларга курбонлик қилиш анъанаси шу тасаввурга боғланади.

Қадим тасаввурларга биноан инсон рухи (Урван) танадан ажралгач, уч кун ерда туради. Шунинг учун уч кун мобайнода марҳұм шарафига маросимлар ўтказиб туриш мұхим ҳисобланган. Маросимларда ўқилган дуолар рухнинг ёвуз кучлар қўлига тушиб қолишидан сақлар экан. Шундай тасаввурлар ҳам бор эдик, рух нариги дунёга ўтиш чогида қандайдир хавфли жойни кечиб ўтишига тўғри келади. Гўё бу жой дарёга ўхшар эмиш. Рухнинг муваффакиятли ўтиши учун одамлар уч кун мобайнода аза ва рўза тутиши, рухоний эса кўп дуо үқиши керак. Нариги дунё ер остида бўлиб, марҳұмлар салтанати дейилади. Салтанатни биринчи одам Йима рухи бошқаради. Марҳұмнинг қариндошлари унинг марҳұмлар салтанатига эсон-омон ўтиб олиши учун жонлиқ сўйиб, биринчи қурбонлик қилишлари керак. Бу маросим учинчи кеча олов атрофида бажарилади. Жонлиқнинг гўшти ва марҳұмнинг кийим-кечаги оловга ташланади. Марҳұм рухи гўшт ва кийим-кечакларини олиб тўртинчи кун саҳарда нариги

Аүнёга йўл олар экан. Шундан сўнг ҳам ўттиз кун давомида ҳар куни мархум учун овқат тайёрланиб, оловга ташлаб борилган. Охирги куни иккинчи қурбонлик қилинади ва энди ҳар куни овқат юбориш тўхтатилиди. Аммо бир йилгача ҳар ой бир марта овқат юбориш-канда қилинмайди. Бир йиҳ ўтгач, охирги-учинчи қурбонлик қилиш маросими ўтказилади. Тасаввурларга биноан, йил охирига келиб, руҳ мархумлар жамиятига қабул қилинади. Бундан сўнг ҳар йили бир марта овқат юбориш кифоя. Руҳмархумларга юбориладиган овқатлардан тановул қилиб юраверади. Руҳлар янги йил киришидан олдин ўз оиласари ва яқинлари ёнига қайтар эканлар. Шунинг учун йилда бир юбориладиган тортиқлар барча одамлар томонидан эски йилнинг охирги кечаси «Хамаспатмаэдая» – Руҳлар байрамида ташкил қилинади. Руҳлар янги йилнинг биринчи куни кун чиқмасдан яна мархумлар салтанатига қайтиб кетар эканлар. Назрларни ташкил қилиш мархумнинг катта ўғли зиммасида бўлади. У ўттиз йилгача мархум ёнига назрлар юбориб туриши лозим.

Кейинчалик нариги дунё ҳақидаги тасаввурлар кенгая борган. Баъзиларига кўра, руҳларнинг айримлари, жумладан, сардорлар, жангчилар ва коҳинларнинг руҳлари абадий зулмат, қайгу ва азоб-уқубат макони бўлмиш мархумлар салтанатига тушмай, осмонга кўтарилиар экан ва у ердаги нурафшон илоҳлар салтанатига қабул қилинап экан. Нариги дунёга ўтиш йўли энди кўприк шаклида тасаввур этилган. Бу кўприк дунёда энг баланд ҳисобланмиш Ҳара тогидан осмонга тик кўтарилган. Ҳаётида ким кўп қурбонлик қилиб, илоҳларни хурсанд қилган бўлса, кўпприқдан осон ўтади. Аксинча, қурбонлик қилмаган одамларнинг руҳлари ундан йиқилиб, еrostи мархумлар салтанатига қулақ тушадилар.

Илоҳлар салтанатига кўтарилишдан умидворлик аста-секин самовий баҳтли ҳаёт (жаннат) ҳақидаги янги тасаввурларнинг тугилишига хизмат қилди. Қадимда хиндолар орасида вафот этган инсоннинг жасади бир йил ичида чириб битгача, суюклари мангув самовий тана касб этади ва осмонга кўтарилиб, руҳи билан кўшилади деган ақида кенг тарқалган. Эндиликда мархумнинг жасади тезроқ самовий танага эга бўлиши ва жаннатга тезроқ тушиши учун уни куйдириш одатга айланган. Жасад куйдирилиб суюклари ажратиб олинган ва маҳсус жойларда кўмилган. Эроний халқлар эса оловни муқаддас санаганликлари туфайли мархумнинг жасадини очиқ ерлар, тепаликларда қолдирганлар ва унинг гўштини қузгуналар еб битиргандан сўнг, суюкларини йигиб, маҳсус идишга солиб даҳмаларда сақлаганлар.

Одамларнинг нариги дунё ҳақидаги тасаввурлари мавҳум ва ноаниқ бўлгани учун еrostи қоронгулиқ салтанатига тушишдан кўркиб, нурафшон жаннат учун тайёргарлик кўриб борганлар. Турли илоҳларга сигиниш ва қурбонликлар қилиш авж олган. Яна шундай ақидалар бўлганки, гуё ҳавода учиб юрадиган «Фраваши» номли нажот руҳлари бўлар эмиш. Бу руҳларга

қанчалик күп қурбонлик багишланса, улар шунчалик күп ёрдам берар, уларни химоя қилас эканлар.

Қадимий халқлар сиғинган худолар сони күп. Ҳар бир худога багишланган алоҳида маросимлар ўйлаб топилган. Масалан, сув худоси Апасга багишланган маросим қуидагича ўтказилган: ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёси номидан уч элементдан иборат назр тайёрланган. Назр сут, шарбат ва икки ўсимликтинг барглари қоришмасидан иборат бўлиб, уни сув ҳавзаси ёки дарёга оқизганлар. Шу жараёнда Апасга багишлиб турли дуолар ўқилган. Назрлар ўсимликлар ва чорвага ҳаётий куч багишилайди деб ишонилган. Ҳудди шундай, олов худоси Атарга (ҳиндларда Агни) ҳам уч элементдан иборат назр тайёрланган: тоза шох-шаббалар йигилиб, муаттар қуруқ барглар билан қопланган ва устига ҳайвон ёги қўйиб ёқилган. Олов бу назрлардан куч олишига қаттиқ ишонилган.

Назр кунинга уч марта-саҳар, туш ва кун ботиш пайтлари амала оширилган. Марказий Осиё ва Эрон халқларининг бизга маълум бўлган қадимий диний таълимотлари зардуштийлик ва монийлиқдир.

ЗАРДУШТИЙЛИК

Зардуштийлик дини ўзининг асосчиси Зардушт (Зороастр) номи билан машҳур бўлди. Зардушт Ахура Маздага эътиқод қилишга даъват этганда унинг вазълари оғзаки равища тарқалган. Фақат сосонийлар даврига келиб унинг матнлари ёзма тартибда қайд этилган. Унгача ёзув эроний халқлар тасаввурида ёвузлик маъбути Ахира-Манпонинг ихтироси бўлиб, муқаддас сўзларни ёзиш ман этилган. Коҳинлар барча муқаддас матнларни ёддан билар эдилар ва ёшлиқдан маҳсус машқлар ёрдамида хотираларини чиниқтириб борар эдилар. Зардуштининг ватани Хоразм воҳаси эканлиги бугунги даврда кўпчилик олимлар томонидан эътироф этилган. Бироқ унинг қачон яшаб ўтгани номаълум. Олимларнинг фикри турлича. Жумладан, юонон файласуфи Аристотель у Платон ўлемидан 6000 йил олдин яшаб ўтган деган. Зардуштийлик устида маҳсус тадқиқот ишларини олиб борган машҳур диншунос олима Мери Бойс эса бронза даври тугаб, темир даврига ўтилган даврларда, тахминан эрамиздан аввали 1500–1200-йиллар орасида яшаган, деб ҳисоблайди. Айнан шу даврларда зардуштийлик дини пайдо бўлгани ҳақида илмий маълумотлар мавжуд.

Дастлаб бу дин Зардушт ватанида муайян тўсиқларга учраган. Зардушт бир неча йил омадсизликдан сўнг Кави-Виштасп юртига бориб шоҳнинг ва малика Хутаосанинг ҳомийлигига эришади. Сарой аҳли унинг таълимотини қабул қиласди. Ривоятларда айтилишича, у етмиш етти йил умр кўрган ва ибодат қилиб турган пайтда ғанимлари томонидан орқасига ханжар санчиб ўлдирилган экан.

Кейин унинг номи юононлар орасида «Зороастр» сифатида машҳур бўлиб, уни мунажжим-астролог, донишманд сифатида улуғлаганлар ва унинг издошларини «астрон» – юлдузга нисбат бериб зороастрлар деб атаганлар.

№ Зардүштийлик эрадан аввалги VI асрдан эранынг VII асригача, яъни ислом динининг тарқалишигача Эронда ҳукмронлик қилган уч буюк сулола (аҳмонийлар, аршокийлар ва сосонийлар) даврида давлат дини мақомида бўлган. Эрон империясининг Яқин ва Ўрта Шарқдаги узоқ ҳукмронлигини ҳисобга олсан, зардүштийлик яхудийлик, христианлик, юнон антик диний-фалсафиј қарашларига муайян таъсир қилган дейиш мумкин.

Эрамиздан аввалги VI–V асрларда аҳмонийларнинг қудратли қўлида жамланган улкан ҳудуд Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари, Миср ва Юнонистон билан савдо алоқаларига қуладай имконият яратди. Юнон савдо карвонлари Эрон ва Марказий Осиё орқали ўтадиган Буюк Ипак йўлидан фойдаланиб Хиндистон, Хитой ва ҳатто Жанубий Сибирь ўлкаларига қатнаган. Савдо алоқалари минтақаларнинг маданияти ва эътиқодлари билан ўзаро танишувида муҳим ўрин тутган. Кир Кичик Осиё ва Бобилни босиб олганда, юнонлар Зардуст ҳақидаги хабарлар ва унинг таълимоти билан танишганлар. Охириги даврлардаги тадқиқотларда қадимги юнон файласуфлари Зардуст таълимотидан яхши хабардор бўлганларлари ва ундан илҳомланганларлари айтилмоқда. Фалес (тахм. 624–575) Мидия шоҳи Крезнинг Кирга қарши юришларида қатнашган экан. Шунда у Мидиядаги муг қабиласи ва уларнинг зардүштийлик анъаналари, табиат ва коинот ҳақидаги тасаввурлари билан танишган. Уларнинг космогоник таълимотларини ўргангандар ва шулар асосида борлиқ ҳусусияти, осмон ва ер ҳақидаги назариясини яратган. Афсуски, Фалес асарлари қадим даврларда ёк йўқолиб кетган. Унинг издоши бўлган Аристотель асарларида Фалеснинг таълимоти ҳақида айрим маълумотларни олиш мумкин. Масалан, Фалес илгари сурган ер куррасининг сувда туриши, сув барча нарсаларнинг моддий асоси эканлиги ҳақидаги гоялар Зардуст таълимотига айнандир. Зардүштийлик таълимотида намлиқ, сув – борлиқнинг асоси. Ер гардиш шаклида ва сувпушакка ўхлаш океан юзасида қалқиб туради.

Фалес таълимотида «табиатдаги ҳамма нарсаларда худоларнинг иштироқи бор, улар мангу тирик» деган гоя бор. Зардүштийликда ҳам Худо Ахура Мазда аввал борлиқни, сўнг барча нарсаларни шаклсиз ва танасиз яратган, кейин уларга шакл берган деган гоя илгари сурилган.

Фалес, маълумки, юнон олимларининг ва файласуфларининг энг биринчи сидир. Унинг таълимотини давом эттирган Анаксимандр юнон фани тарихида биринчи бўлиб табиат ҳақида рисола яратди. Унинг космогоник таълимоти бошқа юнон файласуфларинидан фарқ қиласи. Унинг фикрича, коинотдаги ҳар бир оламни аввал ҳаво кейин олов қуршаб олган. Унинг таълимотини ўргангандар олимлар эрон космогонияси таъсирини қайд этганлар. Ф.Сулаймонова ўзининг «Шарқ ва Ғарб» китобида зардүштийликнинг юнон фалсафасига кўрсатган таъсири ҳақидаги бир неча кузатишларини баён қилган. Дастребки юнон олими ва файласуфларидан яна бирин Анаксимен бўлиб, у Анаксиман-

дрининг дўсти ва шогирдиdir. Унинг таълимоти ҳам кейинги файласуфларнинг асарлари орқали маълум. Олимнинг фикрича, ҳамма нарса ҳавонинг суюлиши ёки қуюқлашувига боғлиқ: суюлса оловга айланади, қуюқлашса шамол, булут, туман, сув, ер, тошга айланади. Ер ясси доира, уни ҳаво ушлаб туради, ердан чиққан буглар мусаффолашиб оловга, олов қўёшга, ой ва юлдузларга айланади, юлдузлар баргларга ўхшаб фазода учб юради. Анаксимен юоннларнинг қўёш ва осмон ёритқичлари ер тагига кириб кетади деган тасаввурларига зид равишда улар баланд төғ орқасига яшириниб, яна чиққади ва шу тарзда кеча ва кундуз алмашиб туради деган фикрни билдирган. Зардуштийлар таълимотида ҳам кеча ва кундузга шундай таъриф берилади.

Марказий Осиёда ривожланган ибтидоий фалсафий таълимотлар, айниқса, зардуштийлик диалектика асосчиларидан бўлмиш эфеслик Ҳераклит дунёқарашига кучли таъсир қилган. Унинг асарлари ҳам парча ҳолида етиб келган. Фалес борлиқнинг асоси сув, Анаксимандр ҳаво деса, Ҳераклит ҳамма нарсанинг асоси олов деб ўйлаган. Зардуштийлик таълимотида Ахура Мазда олти борлиқни оловдан барпо қилган, олов борлиқларга ҳаёт ва иссиқлик улашади, дейилади. Ҳераклитнинг фикрича, олов ер қаъридан чиққан ва ерни ўзгартириб юборган. Олов коинотдаги оламлар ўртасидаги алоқани таъминлади. Ҳаво, сув ва ер оловдан пайдо бўлган. Маълум вақтдан кейин яна ҳаммаси оловга айланади. Дунёдаги ҳамма нарса доимий ҳаракатда ва ўзгаришда, қотиб қолган нарса йўқ. Доимий ўзгаришни ва ҳаракатни Ҳераклит қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши сифатида тушунади. Бу тезиснинг асосида зардуштийликдаги Яхшилик ва Ёмонлик ўртасидаги кураш ётади. Ҳераклитнинг фикрича, Қўёш ҳаракатини Дике бошқаради, зардуштийликда эса Митрадир. Ҳераклит тақдим этган нариги дунё талқини юнонликларнинг дунёқарашига мутлақ ёт қараш эди. Зоро, уларнинг тасаввурicha, ҳамма ўликлар Тартарга – ўликлар дунёсига, маъбуд Аид хукми остидаги ўлкага борадилар (Хомерда ҳатто Троя урушининг қаҳрамони Ахилес ҳам Аид дунёсига тушиб қолади). Шунга биноан, Ҳераклит инсоннинг ўлимидан кейинги тақдирни ҳақидаги назариясини зардуштийлик асосида ишлаб чиққан дейиш мумкин. Ф.Сулеймонова бунга қўшимча исбот сифатида ерни ифлослантирмаслик учун зардуштийларнинг мурдани кўммасдан маҳсус овлоқ жойларда қузгуналар еб битиргунча сақлашлари ҳақидаги одатни мисол келтиради. Ҳераклит ҳам жон чиқиши пайтида жасад айнийди ва шунинг учун уни на ерга кўмиб бўлади ва на оловда куйдирib бўлади, энг маъқули, уни күш ва ҳайвонлар еб кетиши керак, деб ҳисоблаган.

Зардушт олти абстракт, ахлоқий тушунчаларни ҳам илоҳийлаштириб, уларга мангуда авлиёлар деб ном берган бўлса, Ҳераклит ҳам уларни илоҳийлаштирган. Унинг фикрича, **доналиқ** илоҳийдир. У инсон фаолиятини кечоа кундуз қузатиб боради. **Яхшилик, ростгўйлик, диёнат** каби фазилатларга эга инсонлар руҳи ўлгандан сўнг осмонга кўтарилиб, қўёш ва юлдузларнинг мусаффо фазосида

мангу жойлашадилар. Энг олижаноб инсонлар – қаҳрамонлар рухи осмоннинг энг юқори мақомига кўтариладилар. Нафсга берилганлар эса ой атрофида қолиб, табиий оғатлар, совуқлик маконидан жой олади. Комил инсон бўлиш – уч тамойилга эътиқод қилишдир. Булар – эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амалдир.

Зардушт ўз таълимотида ахлоқ кодексини биринчи ўринга қўйгани сингари, Ҳераклит ҳам соҳтакорлик, ёлғончилик, бузуқлик ва манманлик каби салбий иллатларни қоралайди.

Платон издошлиари ўртасида ҳам зардуштийлик таълимоти кенг тарқалган бўлиб, ҳатто, улар Платон таълимотини муғлар билан боғлашга, зардуштийликдан келтириб чиқишига мойил бўлганлар. Жумладан, Аристотель шарқ маданияти ва донишмандларига катта ҳурмат ва эҳтиром билан қараган. Унинг зардуштийликка бағишиланган маҳсус «Муғлар» номли рисоласи ҳам бўлган. Бироқ у бизгача етиб келмаган. Бу ҳақда ёзган Диоген Аристотель зардуштийларни мисрликлардан ҳам қадимиyoқ анъаналарга эга эканликлари, уларнинг эътиқодларида эзгулик ва ёвузлик кучлари қарама-қаршилиги гояси асосий ўринни эгаллашини ёзиб қолдирганини қайд этган.

Ф. Сураймонова қадимги юнон-рим мутафаккирлари ва олимлари Ҳеродот, кичик Плиний, Книдлик Евдокс, Плутарх, Страбон, Цицерон, Диоген ва бошқаларнинг асарларида зардуштийлик ҳақида маълумотлар учрашини айтиб ўтади.

Зардуштийлик моҳияти

Зардуштийлик таълимоти бизга Эрон ва Ҳиндистондаги кам сонли ихлос-мандаларининг туркум ибодат ва диний ривоятлари ҳамда зардуштийликнинг асосий манбаси Авестонинг сақланиб қолган қисмлари орқали етиб келган. Авесто диний ақидалар мажмуасидир. Маълумки, «Авесто»даги асосий ғоя – дуализм ақидасидир. Ушбу гояга кўра, бутун оламда икки қарама-қарши руҳий куч – ижобий ва салбий кучлар ўртасида абадий кураш давом этади: коинотда – нур ва зулмат, табиатда – ҳаёт ва ўлим, руҳий оламда – эзгулик ва ёвузлик, жамият аъзолари ҳаётида эса адолат ва адолатсизлик ўртасида доимо муросасизлик мавжуддир. Барча қарама-қарши кучлар эзгулик худоси Хурмузд ва ёвузлик рухи Ахриманда мүжассамлапади.

«Авесто»да умри давомида эзгулик, яхшилик, поклик ва тозалик тамойиллари билан иш кўрган одам ўлганидан сўнг унинг рухи роҳат-фарогатда бўлиши, гуноҳкор, фосиқ кишиники эса аксинча, азоб-уқубат ҳамда қийинчилик комига маҳкум этилиши айтилади.

Зардушт Авесто гатларида ўзини Заотар, яъни руҳоний деб атаган. Пахлавий ёзувларида сақланиб қолган ривоятларга кўра, у «Ҳақиқат»ни излаб, анча йиллар дунё кезган, кўп илмларни ўрганганди. Беаёв ваҳшийликлар, шафқатсиз

жанглар, ижтимоий адолатсизлик ва зўравонликларнинг гувоҳи бўлган. У инсоннинг ожиз ва нотавонлигидан қайтурган, илоҳларнинг барча учун бирдек кучга эга бўлиши лозим бўлган инсонпарварлик қонуниятлари бажарилмаётганлигини таҳлил қылган. Ривоятларга кўра, у ўттиз ёшга кирганда унга худодан ваҳий келади. Бу ҳақда Авестода (Ясна, 43) шундай ҳикоя қилинади: Зардушт Наврўз байрамида саҳар чоги сув олгани дарёга тушади. Кўзани сувга тўлдириб, соҳилга чиқаётганида осмонда муаллақ турган ва ўзидан нур сочиб турган одамга кўзи тушади. У ўзини Воху-мана (Эзгу ният) деб танишиди ва Зардуштни Ахура Мазда ва яна ўзидан нур таратиб турган беш илоҳ ёнига олиб чиқиш учун келганини маълум қиласди. Осмонга чиқарилган Зардушт мазкур етти илоҳдан ўзининг дастлабки вазифасини олади ва Ахура Маздага вавъда беради: «Мен бошдан сенга тааллуқлиман. Куч-кувватим борича инсонларни Ҳақиқат – АИШАга интилишга даъват этаман (Ясна, 44.11; 28, 4)». Шу тариқа У Бош худо ҳақидаги тасаввурга эга бўлади ва Ахура Мазда ягона илоҳ, У мангу тирик ва уни ҳеч ким яратмаган деган гояни тарғиб эта бошлайди.

Зардуштгача ҳам Ахура Мазда номи ҳалққа таниш бўлган. Айтилишича, «Ҳақиқат»ни қўриқловчи ахурлар (ахурлар – ёвуз девларга қарши бўлган илоҳларнинг умумий номи) учта бўлиб, Мазда уларнинг улуғи бўлган.

Кунларнинг бирида унга Ахура Мазданинг ашаддий рақиби Анхра-Манию (Ёвуз Рух) намоён бўллади. Зардушт борлиқда икки қарама-қарши куч борлигини тушунади. Йибтидода икки рух бор: бири эзгулик ва иккincinnиси ёвузлик бўлиб, барча нарсаларда, фикрда, сўзда, амалда ўзларини намоён этадилар, уларнинг илк тўқнашуви оқибатида олам пайдо бўлган деган фикрга келади. Инсон икки куч таъсири остида яшайди, ким ёвузликка эргашса, уни охиратда энг ёмон ҳаёт кутади ва ким эзгуликка эргашса, у баҳтли ҳаётга эришади.

ЕТТИ ИЛОҲ ВА ЕТТИ АСОСНИНГ ЯРАТИЛИШИ

Зардуштнинг етти илоҳ ҳақидаги фикрлари унинг таълимотидаги энг асосий янгилиқдир. Унга биноан, Ахура Мазда аввал Воху-Манани (Эзгу ният) яратди. У Муқаддас Рух (Спэнта-Манию) деб ҳам тилга олинади. Сўнг унинг ёрдамида қўйи даражали илоҳларни яратади:

- Аша-Вахишта (Тақво)
- Спэнта-Армайти (Поклик)
- Хшатра-Ваирти (Ироди)
- Хаур-Ватат (Яхлитлик)
- Амеретат (Мангулик)

Ушбу илоҳлар Амеша-Спэнта (Мангу муқаддас илоҳлар) деб аталади. Уларнинг ҳар бирига сигинилган. Бу илоҳларнинг яратилиши ҳақидаги фикрлар зардустийлик манбаларида турлича. Гоҳ Ахура Мазда ~~удартишга отаси, тоҳ~~ улар Ахура Мазданинг кўринишлари сифатидан ~~таклифлариди. Зардушт~~ кўйи

бу олти илоҳ, ўз навбатида бошқа илоҳларни яратганлар. Улар ҳам эзгулик илоҳлари бўлиб, қадим халқлар эътиқодларида мавжуд илоҳларнинг (Масалан, Митра, Апам-Напату, Сраоше, Аши, Гэуш-Урвану) номлари билан аталган. Барча илоҳлар Ахура Мазда раҳбарлигига ўз вазифалари доирасида эзгуликни яратиш ва ёвузликка қарши кураш билан шугулланадилар.

Зардушт шулардан бошқа жангари ва тубан гояли иблис-девларга топинишини жиддий қоралаган (Авесто, Яшт, 32, 3).

Зардустийликда қадимий халқлар томонидан илоҳларни табиат ҳодисалари билан боғлаш анъанаси бир қадар ўзлаштирилган. Масалан, Хшатри-Ваирта (Ирода) – осмон худоси бўлиб, ерни ҳимоя қилиб туради. Спэнта-Армаити – ер худоси, Ҳаур-Ватаг – сув худоси, Амеретат – ўсимликлар маъбуди, Воху-Мана – орий халқлари орасида яратувчилик тимсоли бўлган сигир ҳукмдори, Аша-Вахшита барча махлуқотни иситувчи олов ва йил фасларини бошқариб турувчи Күёш худоси бўлиб, оламни тартибга солиб турувчи «Низом» ҳисобланган. Инсон, унинг ақли ва танлов ҳукуқи билан Ахура Мазданинг ўзи шугулланади.

ОЛАМНИНГ ЯРАЛИШИ ВА УЧ ДАВРИ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТ

Зардушт таълимотига кўра, Ахура Мазда оламни икки босқичда яратган. Дастраб, барча нарсаларни жисмоний қолилдан холи яратган, яъни «руҳоний, номоддий» суратда яратган. Сўнг барчасига моддий қиёфа берган. Бу икки босқич «Бундакшин» (Асосларнинг яратилиши) деб аталади. «Яратиш» – олам тарихининг биринчи даврийdir.

Инсон маддий танага эга бўлгач, ёвуз кучлар билан тўқнашди ва уларнинг таъсирига қаршилик кўрсатишига ожиз бўлиб қолди. Ёвуз руҳ – Анхра-Маню, ривоятларга кўра, қаҳр билан инсонлар дунёсига тушиб келади. Аввалига у метин осмоннинг қуий қисмидан ўтиб, оламнинг уйғунлигига путур етказади, сўнг сувга кириб, унинг кўп қисмини шўрлантиради. Қуруқликка чиқиб, қаерга борса, ўша ерни саҳрога айлантиради. Ўсимликни куритади, ҳўқизни ва одамни ўлдирали. Энг охирида оловга ҳамла қилиб, уни туттун билан булғайди ва шу тариқа барча эзгу ишларга зарар етказади. Шунда барча эзгу илоҳлар унга қарши бирлашадилар. Амеретат (мангулик) ўсимликни янчиб, унинг кулини ёмғир воситасида оламга сочиб юборади, ҳўқиз ва одамнинг қиймаларини қўёш ва ой ёрдамида тозалаб, атрофга сочади. Ўсимликлардан кўплаб ўсимликлар униб чиқади, ҳўқиз ва одам ургуларидан чорва ва одамзод пайдо бўлади. Анхра-Манюнинг ҳамласи олам тарихининг иккинчи даврини бошлаб берди. Энди ҳаёт илгаригидек сокин ва тинч эмас, эзгулик ва ёвузлик ўргасидаги курашдан иборат. Шунинг учун бу давр «Қоришиш» даври дейилади. Ҳаёт цикли юриб кетгач, Анхра-Маню ўзи яратган кўплаб иблис-девлар ва бошқа ёвузлик кучлари билан эзгу илоҳларга қаршилик кўрсата бошлади. Улар фақат маддий дунёга зарар келтириш билан чекланиб қолмасдан, балки илоҳларни хафа қиласиган

ва инсонларни улардан узоқдаштирадиган палид ва тубан одатларни, ахлоқий бузуқликларни келтириб чиқардилар. Инсоният уларга қарши курашиш учун Ахура Мазда ва олти илоҳга бўйсуниши, буюрган нарсаларини бажариши, қалбидан эзгулиқдан бошқа нарсаларни чиқариб ташламоги лозим эди. Зардустийликка биноан, инсон нафсоний хирс-туйғулардан қутулиши керак, ахлоқий такомиллашув сари интилмоги лозим. Шундагина у Ахура Мазда томонидан инсоният зиммасига юқлатилган вазифани бажарган ва дунёни асл соғ кўринишига қайтариш учун ҳаракат қилган бўлади.

Вақт-соати етиб, инсоният ва илоҳлар ёвузликни енгадилар. Оlam тарихининг иккинчи даври тугайди ва учинчи – Фрашегирд – Бўлиниш даври бошланади. Бу давр мангу баҳт-саодат давридир. Бу даврда ёвузлик барҳам топади. Илоҳлар ва инсонлар бирга умр кечирадилар.

Зардуст ҳаёт циклининг уч даври орқали инсоният кечираётган қайгуазоблар, фалокат ва мashaққатлар сабабларини тушунтиришга ҳаракат қиласи ва одамнинг яратилишидан кўзда тутилган эзгу ният ва вазифаларни тушунтириб беради.

Зардусттинг ушбу қараши оламнинг ибтидо ва интиҳога эга эканлиги ҳақидаги дунёдаги дастлабки таълимот бўлиб, бизга маълум ўша даврлардаги эътиқодларда бундай қараш бўлмаган. Қадимий халқларда токи илоҳлар ва инсонлар ўз ҳаётий мажбуриятларини бажарар эканлар, дунё интиҳосиз давом этиб кетаверади деган тасаввур бўлган.

ЎЛИМ ВА ОХИРАТ

Зардуст фикрича, инсон вафот этгач, унинг руҳи танадан ажралиб, нариги дунёга тушади ва илоҳлар олдида ҳаёти даврида қилган ишлари юзасидан ҳисобот беради. Мажусий-оташпастлар давридан қолган «Айирувчи кўприк» тушунчаси Зардустта «Чинвот» кўприги номини олади ва ҳисоб-китоб ўша кўприк устида амалга оширилади. Бироқ, энди мажусийлар тарғиб қилганидек, қилингандай курбонниклар эмас, балки ахлоқий, эзгу фазилатлар ва амаллар тарозида тортилади. Ушбу сўроқ Митра томонидан бошқарилиб, унинг икки томонида Сраоша ва Рашиу адолат тарозисини ушлаб турадилар. Тарозининг бир палласига руҳнинг эзгу фикри, эзгу сўзи ва эзгу амали, иккинчи палласига уларга тескари бўлган ишлари кўйилади. Қайси палла тош босса, шунга қараб руҳнинг кейинги борар манзили белгиланади. Агар жаннатга бориши қарор қилинса, унинг қаршисидаги кўприк кенгайиб, имонининг тимсоли бўлган хушчехра қиз суратидаги фаришта келиб уни эргаштириб кетади. Агар унинг дўзахга тушиши муқаррар этилса, унда кўприк тораяди ва худди қиличининг дамидек ингичка тортиб, ўткирлашиб қолади. Бадбашара алвости уни қарши олиб, кўприкдан ўтишига халақит беради ва уни пастга – «Палидлик макони – Дўзах»га тортади. Зардустийликда яхши ва ёмон амаллари тент келган руҳлар ҳақида ҳам ажрим

борлиги белгиланган. Бундай рухлар «Аралашғанлар макони»га юборилади ва унда улар худди ер ости марҳумлар салтанатида бўлгани каби шодлик ва гамдан холи, маъюс ҳолатда кун кечиришади. Зардушт орийларнинг «бахтиёр рух жанинатта етгач, ўзининг самовий либосга эга бўлган танаси билан қўшилади» деган (бу қараш хинд ведаларида давом эттирилган) тасаввурларни рад этди. Унингча, жанинатдаги покдоман тақвадорларнинг рухлари ҳам Қиёмат кунигача, яъни эзгулик ёвузлик устидан ғалаба қозонадиган кунгача (Фрашокерети) тўла маънода, баҳтли бўла олмайдилар, зоро мукаммал баҳт-саодат фақат дунёнинг охирги – «Бўлиниш» даврида ато этилади.

Фрашегирд пайти (Бўлиниш даврида) барча марҳумлар қайта тириладилар. Ер уларнинг суякларини қайтариб беради ва рухлар ўз таналарига қўшиладилар. Охирги суд боiplанади. Аряман (дўстлик ва соғлиқ худоси) олов худоси Агар билан бирга тоглардаги барча рудаларни эритиб дарё қилиб оқизади. Қайта тирилган одамлар ўша дарёдан кечиб ўтишлари лозим бўлади. Покдомонлар эритилган темир дарёсидан худди янги согилган сутдан ўтаётгандек лаззатланиб ўтадилар. Гуноҳкорлар эса куйиб, батамом ўладилар. Улардан ному нишон қолмайди. Зулмат ва ёвузлик кучлари Илоҳлар билан бўлган охирги жангда енгиладилар ва йўқ қилинадилар. Эриб оқаётган темир дарёси бориб дўзахга қўйилади ва у ерда макон қурган Анхра-Манюни ҳамда унинг хизматкорларини қўйдириб ҳалок қиласди.

Шундан сўнг, Ахура Мазда ва унинг Амеша-спэнта деб аталадиган ёрдамчилари ўзларининг охирги ибодат-маросимларини ўtkазадилар: оқ ичимлик – «мангу оби ҳаёт» тайёрланади ва барча одамларга ичирилади. Шу кундан эътиборан, инсонлар илоҳлар билан фикрда, сўзда ва амалларда бир бўлиб қоладилар. Худонинг ердаги салтанатида абадий саодатга эришадилар.

Гарчи Ахура образи Зардуштнинг таълимотидан олдин ҳам маҳаллий халқларга таниш бўлган бўлса-да, уни янгича сифатлаш халққа ёқмаган. Чунки жанинатта фақат коҳинлар, олий табақа вакиллари ёки энг кўп қурбонлик қилган бойваччалар эмас, балки оддий инсонлар ҳам тушиши мумкинлиги ва аксинча, бойларнинг дўзахга тушиш эҳтимоли, золимларнинг охир-оқибат ўйқ қилиниши ҳақида Зардушт қарашлари жамиятни бошқариб келаётган кучлар манфаатига зид эди. Унинг ягона Парвардигор, эзгулик ва ёвузликнинг бўлиниш даври ва охират ҳақида таълимоти қўпхудолик эътиқодидаги инсонларга тушунарсиз ва нотаниш эди. Зардушт бир неча йиллар давомида қабиладошларини ўз томонига оғдиришга ҳаракат қилиб кўрди. Аммо натижа бермагач, ўз юртидан чиқиб кетди. Бир неча вақтлардан сўнг у эронийлар маликаси Хугаоса ва шоҳ Виштаспнинг ишончини қозонишга муваффақ бўлди. Виштаспнинг янги динни қабул қилгани қўшни ҳукмдорларнинг норозилигига олиб келади ва урушга сабаб бўлади. Жангда Виштасп голиб чиқади ва бу зардуштийлик динини давлат динига айлантиради. Зардуштдан илгари мажусийларнинг ибодатлари

кунига уч марта – күн чиқиш, пешин вақти, күн ботиш пайты амалға оширилған бўлса, унинг таълимоти бўйича 5 маҳал қилиниши лозим. Олдингиларга яна иккита – кечки ва тунги ибодатлар қўшилган. Илгаригидек, ҳар бир ибодат муайян илоҳларга багишланган.

Зардушт тунги ибодатларни иккига бўлади. Биринчиси нажот руҳлари – Фравашига, иккинчиси Сраоша, яъни ибодатлар илоҳига багишланган. Бу ибодатлар Ўша деб аталиб, туннинг иккинчи ярмидан тонгтacha амалға оширилган. Сабаби қоронғиликда ёвуз кучлар қувват олар эканлар ва айни шу дамларда оловни назрлар билан кучлантириб, уларга қарши дуолар ўқиш уларни кучизлантирап экан.

Ёз мавсумида тушдаги ибодатлар Рапитва – иссиқлик ва ёруғлик руҳига багишланади. Унинг ҳомийси олов маъбути Аша-Вахиштадир. Қишда олам совугани ва қоронги бўлгани сабабли дев-иблислар ҳукмронлиги кучаяр экан. Бу даврда Рапитва ер остига кириб, ўсимликларнинг илдизлари ва сув манбаларини ўзининг тафти билан илитиб турар экан. Зардустийлар қишда тушки ибодатларини Митрага багишлиайдилар.

Зардустийликнинг энг муҳим жиҳатларидан бири озодаликка эътибордир. Зардушт ҳар ибодатдан олдин таҳорат қилишни буорган. Ибодатларда нигоҳ оловга қаратилган.

Зардушт бир неча байрамлар таъсис этган. Улар еттига бўлиб, Ахура Мазда ва олти илоҳга багишланган. Ушбу байрамлар келиб чиқиши жиҳатидан чорвардорлар ва деҳқонларнинг мавжуд анъанавий мавсумий ва касб байрамларига асосланган. Масалан, «Баҳор ўртаси», «Ёз ўртаси», «Дон йигиш байрами», «Чорванинг ёзги яйловлардан уйга қайтиши», «Ҳосил байрами», «Наврӯз» каби. Наврӯз ҳақиқат қарор топувчи Охират ва ундан кейин келувчи Мангубахт – саодат асли дебочаси рамзидир. Шунингдек, бу байрам ёвуз руҳлар ҳукмронлиги даврининг (кишининг) тугаши ва эзгу кучлар даврининг (ёзнинг) бошланиши белгисидир. Наврӯзда Ахура Маздага багишланган маросимлар ўтказилган.

Зардустийликнинг ўзига хос жиҳатларидан бири – Халоскор Саошянта ҳақидаги башоратдир. Авестода Зардустдан сўнг ҳалқни ёвузликка қарши охирги жангга бошлаб борувчи пайғамбар келиши башорат қилинган. Унда (Ясна, 43, 3) айтилишича, дунё тутатилишидан олдин Кансаея номли кўл остида сақланаётган пайғамбарлик уругидан шу кўлда чўмилган бир қиз ҳомиладор бўлиб қолади ва вақт-соати етиб ундан Астват-Эрета (Ҳақиқатнинг ифодаси) деб номланадиган ўғил дунёга келади. Ғайритабии ҳомилага қарамасдан, у одам боласи бўлиб, Ахура Мазданинг топшириғи билан дунёдан ёвузликни ҳайдайди.

Моний ва монийлик

Монийнинг (216–277) отаси бобиллик, онаси эронлик эди. У ёшлигидә жуда күп саёшат қылган. Ўрта Осиё ва Хиндистанда бўлиб, бу ерлардаги динларни ўрганган. Христианлик, буддавийлик ва турли диний-фалсафий таълимотлардан яхши хабардор Моний зардустийлик асосида ўзининг янги диний таълимотини яратади. Бу таълимот, гарчи, Эронда яратилган бўлса-да, унинг таъсири Римдан Хитойгача тарқалди. Монийлик синкетик дин бўлиб, у ўзигача мавжуд барча диний таълимотларнинг моҳиятини ўз ичига қамраб олган.

Монийнинг диний таълимоти минг йилга яқин яшаган ва ҳатто Уйгур хоқонлигидә VIII асрда давлат дини даражасига кўтарилид. Моний таълимотининг мазмун-моҳияти қуйидагича: бизни ўраб турган мұхит зардустийликдаги каби икки ибтидо – эзгулик ва ёвузлик кучларининг кураш майдонидир. Бироқ зардустийликдан фарқли равишда ёвузлик ва зулмат олами мoddий асосга эга. Демак, атрофимиздаги мoddий олам-ёвузлик оламидир. Ҳаёт циклидан мақсад – инсон қалбида яширин нурни (руҳни) мoddийлик исканжасидан кутқаришадир.

Буддавийликдаги баъзи ритуаллар Моний томонидан ўзлаштирилган: ҳақиқий монийчилар – «хослар» таркидунё қилишлари ва узлатда яшашлари лозим эди, оила қурмаслик, мулк сақдамаслик, муқим бир уйда яшамаслик, гўшт ва шароб ичмаслик, ҳатто фойдали ўсимликларни узмасликлари шарт бўлган. Буддавийлар каби монийчилар ҳам аҳоли садақаси ҳисобидан тирикчилик қилишган. Аҳоли орасидан чиққан мухлислар уларни боқар ва шунинг ҳисобига улар ҳам вақти келиб, «хослар»дан бирига айланишга умид қилар эдилар.

Монийчиларнинг тасаввурига биноан, энг ибтидода оламдаги барча эзгу нурлар манбаси бўлган Буюклик Отаси ва барча ёвуз кучлар яратувчиси бўлган Анхра-Манию орасида мувозанат бор эди: нур тепада – гоявий-руҳий ибтидо сифатида, зулмат пастда – мoddий олам ибтидоси рамзи сифатида ҳукмрон эдилар. Ушбу мувозанат зулмат эгасининг нур салтанатининг порлашидан кўзи қамашган пайтда бузилган. Зулматнинг унга қарши қўзғалишидан хавфсираган Нур отаси ўзининг бир неча кўринишлари-руҳий асосларини яратади. Улар зулмат билан бўлган олишувда енгилиб, мoddият билан булганиб қоладилар. Нур отаси ой ва қуёшни мoddиятдан тозалайди. Аммо Нур кучларидан яратилган юлдузлар, шамол, олов, сувнинг таркибий қисмида озигина бўлса-да зулмат кучи сақланиб қолди. Нур отаси ўз кучларини мoddиятдан ҳалос қилиш учун етти илоҳий кўринишини яратади. Шунинг учун етти сони монийчиларда муқаддас саналади. Уларнинг ёрдамида жинлар олами тўлалигича маглуб қилинади. Бироқ мoddий оламда бу ишни амалга оширишнинг иложи бўлмади. Инсоният ёвузлик исканжасида қолди. Буни Одам ва Момо Ҳавво мисолида кўриш мумкин. Уларда Нур ва зулмат ибтидоси бирдек мавжуд. Ёвузлик моҳияти ва уни енгизи

йўлларини Одам Атога тушунтириш лозим бўлди. Шунда Нур отаси томонидан яратилган Исо ҳаёт дараҳти мевасидан еган Одамга ёвузлик ва эзгуликни таниши ўргатади ҳамда тарихий ҳақиқатдан огоҳ этади. Шундай бўлса ҳам одамзод шу пайтгача ёвузликнинг мудҳиш оқибатини тўлиқ идрок эта олмади ва шу туфайли Нур отаси Монийни пайғамбар сифатида юбориб, ҳақиқатни ҳалқларга етказиш вазифасини топшириди. Моний таълимотида одамзод ўз вужудидаги нур ва зулматни ажратиши учун фурсат ва муддат берилгани ҳақида гапирилади. Муддат ердаги ҳаёт интиҳосида тугайди. Охират ҳисоб-китоби қилингандан сўнг ер юзини олов қоплайди ва 1468 йил давомида ёнади. Бу орада барча нурли нарсалар яна осмонга кўтарилади. Моддият эса жинлар билан бирга тубсиз жаҳаннамга қулайди ва кўйиб кул бўлади.

Моний таълимотининг моҳияти ушбу диний ҳаракатнинг муқаддас китоби – Хуастуанифтда кенг баён этилган. Манбашунос олим Н.Раҳмонов ўзининг «Рұҳиятдаги Нур муроди» китобида бу ҳақда кенг тўхталади. «Хуастуанифт» «Авесто»дан кейин исломгача бўлган даврда минтақамизда энг кенг тарқалган, моҳиятан ахлоқий мажмуя ҳисобланган манбадир. «Хуастуанифт»да Хурмузд ва Шимну орасидаги кураш акс этади. Хурмузд (бош маъбуд) бошчилигидаги беш маъбуд – енгил шабада, шамол, нур, сув ва олов тангрилари – эзгулик; Шимну бошлиқ беш иблис эса ёвузлик тимсоллариdir. Эзгулик руҳий оламда, ёвузлик моддий оламда мавжуд. Шунга кўра, монийлик эътиқодига иқтидо қиувчилар тўрт тамғани ўз қалбига муҳрлашлари керак. Булар: севги – Азруа маъбуднинг тамғаси; имон, ишонч – кун ва ой маъбудининг тамғаси; кўркув – беш маъбуднинг тамғаси; донишмандлик – бурҳанларнинг (илоҳий битикларнинг) тамғаси. Бундан ташқари, улар зоҳидона ҳаёт кечиришлари, ҳалол, покиза, бирорвинг ҳақини емасдан, юксак ахлоқ эгаси бўлиб яшашлари, ўз қалбидаги илоҳийликка йўғрилган нурни ўткинчи, моддий хоҳиш-истаклар исканжасидан озод қилиб умр кечиришлари лозим.

«Авесто»даги Хурмузд мифологик образи монийликда шахслантирилади. Натижада монийликка асос бўлган таълимотлардаги најот ҳақидаги гоя Хурмуздга юклатилди. Жамики гуноҳлардан халос бўлишпнинг омили – Хурмуздни билишдир, Хурмуздни билиш эса монийлик таълимотига эътиқод қилиш демақдир. Хурмуздни англаш «Хуастуанифт»да Зерван орқали амалга ошади. Зерван «Хуастуанифт»да барча моддий нарсаларнинг ибтидоси, асосидир. У Хурмуздни ва ёвузлик тимсоли Шимнуни бино қилган отадир. Хурмузднинг отасини билмаслик – нурни зулматдан ажратадир. Хурмузднинг

«Хуастуанифт»нинг тузилиши

Биринчи бўлим – Хурмузднинг ёвузлик оламига қарши отлангани, нур билан зулматнинг қўшилуви ёмон оқибатларга олиб келгани ва инсоният худони унугиб, оғир гуноҳ ичидаги қолганлари баёнидан иборат. Мазкур

бўлим охирида Раймасшоҳ барча Моний жамоаси аъзолари номидан тавба қиласди.

Иккинчи бўлим – Кун ва Ой худоларининг фаолияти ва вазифаси ҳақида.

Учинчи бўлим – Хурмузднинг ёрдамчи илоҳлари – енгил шабада худоси, шамол худоси, нур худоси, сув худоси, олов худоси ҳамда бу худоларнинг фаолияти, мазкур бешта худога тобе бўлган моддий олам тўғрисида сўз юритилади.

Тўртингчи бўлим – Будданинг тимсоли – бурханларга, хабарчилар – руҳларга, лашкарлар – Хурмузднинг беш ёрдамчи илоҳларига бағишлиланган. Бу бўлимда турли диний тизимларда мавжуд бўлган худолар ва руҳлар монийликда яхлит ҳолга келтирилгани кўринади.

Бешинчи бўлим – Оламдаги жонзорлар ва уларга нисбатан қилинган гуноҳлар тўғрисида.

Олтинчи бўлим – гуноҳларнинг ўн тури: қасамхўрлик, гуноҳкорларга ён босиш, бегуноҳларни таъқиб қилиш, инсонларни бадном қилиш, уларни руҳсан ва жисмонан ўлдириш, алдаш, гаровга берилган пулларни еб қўйиш, зино, жонзорларга гов бўлиш (туғилмаган наслаларга ишора) тўғрисида.

Еттичинчи бўлим – шайтону арвоҳдарга сажда қилиш, соҳта худоларга ишониш оқибатида бехуда қурбонлик қилгандарнинг чеккан афсус-надоматлари ҳақида.

Саккизинчи бўлим – Моний динига кириш талаблари. Чинакам худо Зервани, муқаддас ёзув – Монийнинг «Инжил»ини, нур ва зулматшинг илдизини билиш, Уч қонуният – Ҳаёт онасини (Момо Ҳавво назарда тутилган бўлиши мумкин), Илк инсон (Одам Атонинг самовий талқини, баъзи манбаларда Хурмузд) ва Монийга имон келтириш баёни.

Тўққизинчи бўлим – Моний жамоаси аъзолари адo этишлари шарт бўлган ўн хил назр турлари тўғрисида баёни.

Ўнинчи бўлим – тўрт худога – Зерванга, Кун, Ой худоларига, қудратли худо Хурмуздгэ ва Буддага ҳар куни ижро этилиши керак бўлган маҳдия тўғрисида.

Ўн биринчи бўлим – Монийнинг «Инжил»и учун адo этилиши шарт бўлган етти хил назр тўғрисида.

Ўн иккинчи бўлим – рўза тутиш, мол-мулкка ружу қўйиш оқибатида рўзани бузиш оғир гуноҳ эканлиги тўғрисида.

Ўн учинчи бўлим – инсониятнинг гуноҳлари учун Кун худосининг ибодат қилгани ва инсонлар бу худога эътиқод қилмай, гуноҳга ботгандар тўғрисида.

Ўн тўртингчи бўлим – йиалига етти марта қилинадиган қурбонлик тўғрисида.

Ўн бешинчи бўлим – юқоридаги ўн тўрт бўлимнинг хulosаси. Барча гуноҳлар учун тавба-тазаррулар баёни.

«Хуастуанифт»нинг ҳар бир бўлимида инсоннинг ўз ахлоқсиз хатти-ҳаракатлари, гуноҳларидан тавба қилиб бош маъбуд Хурмуздга илтижо-ибодатлари келтирилган.

Моний таълимоти инсониятни руҳий азоблардан қутқазишнинг пассив методларини тарғиб этди. У дастлаб ҳокимият томонидан қўллаб-қувватланди. Монийнинг фаолияти Ардашер даврида ҳам, унинг ўғли Шопур ва Шопурнинг ўғли Хурмуз даврида ҳам кенг ёйилиб бораверди. Хурмузднинг ўғли Баҳром эса Монийнинг таълимотига қаттиқ қаршилик кўрсатди ва ниҳоят уни излаб топди. Моний қатал этилди. Монийлик жамоалари Эрондан қувиди. Улар шу тариқа бир неча давлатлар ҳудудига тарқалиб кетиб, ўша ерларда ҳам мавжуд диний-фалсафий қарашларга таъсир кўрсатишган. Масалан, унинг машхур христиан теологи, христиан динини юонон фалсафаси билан синтезлаштирган олим Августин дунёқарашига таъсир қилгани маълум.

Моний ҳақида Абу Райҳон Беруний «Ўтмиш асрлардан қолган ёдгорликлар» асарида айрим маълумотларни келтириб, «Самарқандда уларнинг жамоалари бор», – деб айтади. Шунингдек, Беруний Моний издошлари яраттан «Инжил» христианларнинг Инжилидан фарқ қилишини таъкидлайди. Монийчилар Инжили алифбонинг 22 ҳарфи тартибида жойлаштирилган. Моний ёзуви шунга асосланади.

1.4. ХИТОЙ ДИНИЙ ВА ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТЛАРИ

Маълумки, Хитой ва Ўзбекистон ҳудудида шаклланган давлатлар ўртасида яқин савдо-сотиқ алоқалари бўлган. Буюк Ипак йўлининг асосий бекатларидан бўлган Ўзбекистон минтақасида кўплаб хитойлик савдогарлар доимий яшаганлар. Улар орқали Хитой диний ва фалсафий эътиқодларидағи кўплаб элементлар маҳаллий таълимотларга сингган.

Хитой давлатида ижтимоий ахлоқ ва бошқарув тамоийлари мистик мавҳумликлардан ва нариги дунёда нажот тоғиши йўлидаги диний нокланиш масалаларидан кўра муҳимроқдир. Хитойлар ҳеч қачон борлиқ сирлари ва ҳаёт-мамот муаммолари билан жиҳдий шугулланмаганлар, аммо Олий Эзгулик тимсолини яхши тасаввур қилиб, ҳамиша унга тақдид қилишини муқадас бурчлари деб ҳисоблайдилар. Эзгулик пешволари одамзоднинг идеали ҳисобланган. Бу тамоий Конфуций томонидан юз карра зиёда қилиб такомиллаштирилди ва Хитой халқининг маънавий ҳаётини минг йилларга татигулик мустаҳкам асосга қўйиб берди. Ким уларни қабул қилинган юксак ахлоқ қоидаларига муносиб кун кечиришга ўргатган бўлса, ўшалар хитойликларнинг буюк авлиёлари қаторига киритилган.

Конфуций таълимоти

Конфуций таълимоти унча катта ҳажмга эга бўлмаган «Лун юй» («Хукмлар ва сұхбатлар») китобида ифодаланган. Бу китоб Конфуцийнинг вафотидан кейин унинг шогирдлари томонидан тартиб берилган.

Конфуций (м. авв. 551–479) ишлаб чиққан «комил инсон (цзюнь-ци)» концепцияси бўйича, юксак ахлоқди киши ибрат намунаси сифатида икки инсоний фазилатга эга бўлиши лозим. Биринчидан, инсонпарварлик (жэны) бўлиб, иккинчиси – расм-русумларга садоқатдир (ли).

Конфуций инсонпарварлигини ўзаро ёрдам, муносабатлардаги тенгликда деб билади. Аммо одамлар ўз табиий мижозларига кўра турлича бўлганликлари каби ижтимоий даражалари ҳам бир хил бўлиши мумкин эмас. Унда қандай қилиб табиатан тенг бўлиши мумкин бўлмаган одамлар орасида тенглик ўрнатиш мумкин? Конфуций бунинг ечимини расм-русум феноменида кўрди. Оддий қилиб айтганда, одамларнинг ижтимоий мутаносиб бўлиши муаммони ҳал қилади. Шу ерда «расм-русум» истилоҳига шарҳ бериб ўтиш фойдадан холи бўлмайди. «Расм-русум» деганда, биз, асосан, анъанавий урф-одатларни тушунамиз. Хитойликлар учун эса, ўрнатилган тартибларни англатади. Шуни алоҳида таъкидаш керакки, биздаги «одоб» тушунчаси замирида ҳам, аслида ҳозирда биз қабул қилган «ахлоқ» маъноси ёмас, балки ҳар бир нарсанни амалга ошириш тартиби ётади. Масалан, саломлашиш одоби, эҳтиром кўрсатиш одоби, меҳмон кутиш ва кузатиш одоби каби. Конфуций таълимотидаги «расм-русум» маъносини айнан шундай тушуниш керак. Конфуций ўз олдига юксак ахлоқий фазилат учун курашадиган эзгу инсон намунасини яратишни мақсад қилиб қўйди. Унинг шогирдларидан бири «Ҳаётда инсон учун энг асосий маслак нима?» деганда, Конфуций: «Бу ўзига раво кўрмаган нарсанни бирорвга ҳам раво кўрмаслиқдир» деб жавоб берган экан. Унинг бу ҳикматли гапи кейинчалик Европада «ахлоқнинг олтин қоидаси» деб ном олди. Аслида бу ҳикмат барча шарқ ҳалқлари этикасида бўлган бўлиши керак. Сабаби, Мұҳаммад алайҳиссаломнинг бир ҳадисида ҳам айнан шундай ўтил ифодаланган. Ахлоқий мажбуриятларнинг расм-русум ва бурч (Ли) орқали сингдирилиши тарбия, таълим ва маданиятни ўстиришда асосий усулага айланди. Тарбия, Конфуций таълимотида «вэнь» тушунчаси замирига сингдирилди.

«Лунь-юй» бошдан оёқ «жўмард инсон» тушунчасига бағишлиланган. Конфуцийнинг энг муҳим категориялари – «жень», «ли», «вэнь» бўлиб, бир вақтнинг ўзида комил инсон ва ҳам «жўмард инсон»нинг ҳусусиятлари дидир.

Жўмард одам тушунчаси Конфуций таъкидича, жамиятнинг барча қатламларига хос ўз маънавий камолоти устида ишламоқ зодагонларга ҳам, оддий ҳалқа ҳам бирдек бурчдир. Жўмард одам – барча мақтовга сазовор хислатларга эга бўлган комил инсон. У ҳамиша ва ҳамма нарсада инсонпарвар. У барча ишларида расм-русумни ўз ўрнига қўяди.

Инсонийлик тушунчаси Конфуций томонидан жуда кенг таҳдил этилган ва бир қанча фазилатларни ўз ичига олади: камтаринлик, адолатлилик, босиқлик, ор-номуслилик, бегаразлиқ, инсонларга меҳр-муҳаббатли бўлиш ва ҳ.к. Бироқ инсон камолоти учун фақат инсонийликнинг ўзи етарли эмас. Унда бурч

масъулияти кучали бўлиши керак. «Эзгу инсон бурч ҳакида, пасткаш инсон ўз манфаатини ўйлар», – деб тушунтириди Конфуций. Бурч тушунчасига илм эгаллаш, донишмандларнинг панд-насиҳатларига қулоқ тутиш ҳам киради. У бошقا тушунчаларни ҳам ишлаб чиқди. Садоқат ва самимият, ўзаро хурмат, анъанавий урф-одат ва расм-русумларга тўлиқ хурмат кўрсатиш шулар жумласидандир.

Ўрга асрларда аста-секин ҳар бир кишининг ўз ижтимоий мавқеига қараб шакланиши лозим бўлган қатъий ахлоқ-одоб нормалари, этикет нормалари ишлаб чиқиди. Ҳаётнинг ҳар бир ҳолати бўйича, таваллуд, мактабга қадам қўйиш ёки мансаб пиллапоясига кўтарилиши, ҳар бир ҳодисанинг расм-русуми қатъий қоидаларга биноан бажариладиган бўлди.

Хан даврида Конфуцийнинг зоҳирий назокат ва тавозеъ қоидалари мукаммал тўплам ҳолига келтирилиб, «Ли цзи» китоби деб аталди. Бу қоидалар мажбурий қонунлар бўлиб, ижтимоий мавқеи қанчалик баландлашган сари фуқаро бу қонун-қоидаларни шунчалик пухта билиши ва амал қилиши талаб этилган. Конфуций ўзи ўйлаб топган ижтимоий идеалидан илҳомланиб ижтимоий тартибни шундай тасаввур қиласди: «Ота оталигини, фарзанд фарзандлигини, ҳукмдор ҳукмдорлигини, амалдор амалдорлигини қилсин», яъни агар ҳамма ўзи ҳуқуқ ва бурчини яхши тушуниб, ўшани сидқидилдан бажарса, жамиятда тартиб бўлади. Демак, шу тариқа шаклланган жамият икки асосий қатламдан иборат бўлади. Юқори қатлам – фикрлайдиганлар ва бошқарувчилар қатлами, иккинчиси эса қўйи-бажарувчилар (мехнат қилувчилар) ва бўйсунувчилар қатламидир. Қайси қатламга мансуб бўлиши шахснинг бой ёки камбағал бўлиши, аслзода ёки оддий одам бўлишига қараб эмас, балки билим ва эзгу фазилатлар соҳиби бўлиш, аниқроғи, комиа инсон – «цзюнь-цизи» андозаларига нечоғли тўғри келиши билан белгиланган. Расман, бу ҳар бир фуқаронинг тенг равиша юксак мартабаларга эришишига йўл очар эди. Конфуций бўйича, қўйи қатламдан чиқсан ҳар бир инсон, агар саводли ва тиришқоқ бўлса, юксак мартабаларга эришиши мумкин эди. Лекин ҳаётда бу жуда кам сонли одамларга насиб этган. Амалда тенгликни таъминлаш мураккаб эди. Амалдорлар ўз фарзандларига таълим олиш ва фаровон ҳаёт кечириши учун барча шароитни яратган эдилар. Аҳолининг ноchor қатлами бундай имкониятдан маҳрум эди.

Ижтимоий интизомнинг муҳим асосларидан бири, Конфуций бўйича, қатталарга сўзсиз бўйсуниш ҳисобланади.

Конфуций фарзандлик эҳтироми – «сю» таълимотини ишлаб чиқди. Шу ерда яна конфуцийча расм-русумга тўхтalamиз. Юқорида кўриб ўтганимиз, «жень» (инсонпарварлик) инсоний муносабатнинг руҳи бўлса, «расм-русум», яъни уни амалга ошириш тартиби, унинг жисмидир. Мазмунан конфуцийча расм-русум икки асосга таянади: фарзандлик эҳтироми (сю) ва ном обрўсини сақлаш (чжен мин). Сю таълимоти оила ва урут культидининг гуллаб-яшинашига сабаб бўлди. Ота фарзанд учун мутлақ ахлоқ намунасига айланди. Ота фар-

зандининг хатосини, фарзанд эса отасининг хатосини биролардан яшириши фазилат белгисига айланди. Отага қарши чиқиши кечириб бўлмайдиган жиноят деб тарбия берилди. Зеро, инсонларварлик фарзандлик эҳтиромидан бошланади. Оила жамиятнинг қалби, оиласининг манфаатлари алоҳида шахснинг манфаатларидан устун қўйилиши лозим. Хитойда хонадонлар, мактаблар ва сулолалар шаъни учун фидойилик анъаналари шу қарашларга асосланади.

Катталарнинг иродасига, сўзига ва хоҳишига кўр-кўронада бўйсуниш – бу, кичикларнинг мажбурий одоб нормаси бўлиши керак. Бу одоб бўйсунувчиларнинг, у давлат миқёсида бўладими, уруг даражасидами, оила мисолидами, фарқи йўқ, барча тоифасига таалуқлидир. Мутафаккирнинг таъкидлашича, давлат–катта оила, оила эса кичик давлатdir.

Ўтмиш Конфуций таълимотида муносиб хулқ-автор намунаси ва ибрат мезонидир. «Мен ўтмишга ишонаман ва уни севаман», – дер эди у. Инсон ўтмиш маънавий идеаллари даражасига кўтарилиш учун ахлоқан баркамолликка интилиши лозим. Унинг таълимотидаги шиорлардан бири шундай: «Ажоддларга таъзим ва катта биродарларига эҳтиром кўрсатиш инсонсеварлик асосидир».

Конфуцийлик ажоддлар культига интизом асоси сифатида катта эътибор қаратди. Ажоддлар куъти, бу – инсонийлик асосидир. Ҳар бир фарзанд отаона ва улуг ажоддларининг ҳурматини жойига қўйишига бурчли. Айниқса, у саводли бўлса, масъулиятни янада чуқурроқ сезиши лозим. Конфуцийнинг бу таълимотига мувофиқ, яхши фарзанд бир умр ота-онаси ҳақида гамхўрлик қилиши керак. Гарчи конфуцийлик дин бўлмаса ҳам, диний таълимотдан ҳам кўра таъсирчан эди. Икки ярим минг йилдан ортиқ давр ичидаги конфуцийлик хитойликларнинг онгу шуурини бутунлай эгаллаб, уларнинг руҳияти, эътиқоди, хулқи, тафаккури, нутқи, ҳаёт тарзида чуқур из қолдириди.

Конфуций таълимоти расмий таълимотга айлангач, унинг моҳияти эмас, балки кексаларга ҳурмат кўрсатиш, катталарнинг буйруғига бўйсуниш, камтарликни намойиш этиши ва фозил бўлиб кўриниш каби тамойиллари маънавиятнинг асосига айланди.

ДАО

Даосизм Конфуций таълимоти билан бир даврда пайдо бўлган мустақил фалсафий таълимот бўлиб, ўз олдига оламнинг яратилиши, ҳаёт ва ўлим муаммоларини тушунтиришни мақсад қилиб қўйган. Ушбу таълимот асосчиси Лао-цзидир (м. авв. III асрнинг ўрталарида яшаган деб тахмин қилинади). Ривоятларга кўра, у Хитойни ташлаб чиқиб кетар экан, ўзининг Дао дэ цзин асарини Гарб дарвозасининг қўриқчисига ташлаб кетади. Китоб қўриқчилар брасида катта қизиқиш уйготади ва натижада қўлма-қўл бўлиб, бутун ҳудудга тарқалиб кетади.

Таълимотнинг асосида Буюк Дао (Мутлақ ва Умумий Қонуният) ҳақидаги гоя ётади. Дао – барча ернинг ва ҳамма нарсанинг эгаси бўлиб, ҳокимияти мангу ва чегара билмасдири. Уни ҳеч ким яратган эмас, аммо барча ундан тарқалади. Ҳиссий қувватлар билан Уни кўриши, эшитишнинг иложи йўқ. У абадий, номсиз ва шаклсиздир. Бироқ ҳаётни ҳаракатга келтирувчи, дунёдаги нарсаларга ном ва шакл берувчи удир. Ҳатто буюк Осмон ҳам унга бўйсунади. Даони билиш учун унга эргашиш керак, унга қўшилиб кетиш керак. Ҳаётнинг мазмун-моҳияти шундадир. Дао ўзининг тажаллиёти орқали, яъни Дэ орқали намоён бўлади. Дао барча нарсаларни яратган бўлса, Дэ уларни боқади. Даосизм ҳинд ведаларидағи қиёфасиз Мутлақ ҳақиқат таълимотини эслатади.

Даосизмдаги пировард мақсад – мангу ҳаётга эришувдир. Инсон танаси микрокосм бўлиб, макрокосм, яъни Коинотнинг кичик нусхасидир. Коинот Ер ва Осмон, юлдузлар, сайдералар ва бошқа самовий жисмлардан ташкил топгани каби инсон танаси ҳам руҳлар ва илоҳларнинг тўпланиши жойи бўлиб, эркаклик ва аёллик ибтидоларининг ўзаро муносабати натижасида фаолият кўрсатади. Мангу ҳаётга эришишни истаган киши, аввало, маҳсус воситалар ёрдамида ўз танасидаги Зб мингга яқин руҳни кучлантириши керак, токи улар танани тамоман ўзларига бўйсундирсанлар. Шунда тана моддийликдан ажралади ва инсон ўлмас бўлиб қолади. Бу биринчи навбатда овқат ейишни камайтиришдан бошланади. Номзод олдининг гўшт ва вино истеъмол қилишдан бош тортиши лозим. Сўнг умуман овқатланишдан воз кечиши керак (руҳлар қон ҳидини ва умуман ўткир ҳидларни ёмон кўрадилар). Танани озиқлантирувчи дон ва сабзвотлардан ҳам воз кечилади. Овқатланиш вақтлари ораси аста-секин үзайтириб борилади. Бу даврда озгина-озгина мева-чева, ёнгоқдан, илдизлардан тайёрланган толқонлардан истеъмол қилинган. Шунингдек, гўё сехрли кучга эга бўлган маҳсус таркибдаги дорилар тайёрланиб, истеъмол қилинган. Шунингдек, тупукни ютиш воситаси билан очаликни қондириш йўли ўргатилган.

Мангу ҳаётга эришишнинг яна бир муҳим элементи – бу, йога воситасида жисмоний чиниқиши ва иродани нафас машқдарини бажариш орқали бошқаришдан иборат бўлган. Тўгри нафас олиш ва чиқариш, нафасни ушлаб туриш ҳолатларига доир қўплаб тавсиялар ишлаб чиқилган эди. Масалан, оддий ҳолат ва ҳаракатлар (йўлбарс, кийик, лайлак, тошбақа ҳолатлари) билан бир қаторда жисмоний муносабатларга доир машқлар тизими ҳам ишлаб чиқилган.

Дао назариясида ахлоқ омилларига катта аҳамият берилади. Мангу тирик бўлиш учун, номзод камида 1200 эзгу ишни амалга оширган бўлиши керак. Битта содир қилинган ахлоқсиз ҳаракат барча эзгу ишларни бекорга чиқаради. Мангу тирикликка тайёргарлик жуда узоқ вақтни, деярли бутун умрни ўз ичига олиши мумкин. Бафот этган даочи «ўлган» деб эмас, балки кўздан гойиб бўлган деб ҳисобланиши зарур. Чунки ўзининг жисмоний танасидан қутулиб, моддиятдан холи одамга, яъни мангу тирик инсонга айланади. Бунинг исботи

сифатида даочилар турли ривоятлар тўқиб чиқарган эдилар. Масалан, улардан бирида айтилишича, мангутирниклик муаммолари билан шугулланган Вэй Бо Янь номли олим мўъжизавий дори тайёрлабди ва уни синаб кўриш учун шогирдларини ва итини олиб, тоққа йўл олибди. Аввалига итга бериб кўрибди. Ит ўша дамда тил тортмай жон берибди. Сўнг ундан олимнинг ўзи татиб кўрибди ва шу заҳоти жонсиз йиқилибди. Даоғояларига содик шогирдлардан бири ҳам устозининг кетидан дорини ичибди. Бошқалар дорини тотиб кўришга ботина олмабдилар ва жасадларни кўмиш учун ул-бул келтириш мақсадида қишлоқка жўнабдилар. Қайтиб келсалар мурдалар гойиб бўлган эмиш. Уларнинг ўрнида бир парча қозони топибдилар. Унда Вэй Бо Янь, шогирд ва ит тирилиб осмонга кўтарилиб кетганларни ёзилган экан.

Даосизмда инсоннинг мангутирни ҳаёт касб этиш масаласи жуда қийин жараёнлиги ва фақат камдан-кам одамларгагина насиб қилиши қайта-қайта таъкидланади. Аммо ҳамма мангутирни ҳаётга эришишни хоҳлафди. Айниқса, императорлар бу ишни тоқатсиз оғир машқлар билан эмас, балки қандайдир дорилар, тилсимлар ва мўъжизавий ичимиклар орқали амалга оширишни истар эдилар. Шунинг учун императорлар даочи олимларнинг тадқиқотларига ҳомийлик қилдилар. Мўъжизавий дори топишга бўлган кенг қизиқиши қадимги Хитойда алхимия фанининг кескин ривожланишига олиб келди. Императорларнинг моддий ёрдамига таяниб, даочи алхимиклар органик дунёning бор маҳсулотлари ва ашёларини қайта ишлаб кўришга интидилар. Алхимиклар мўъжизавий дорилар устида ишлай туриб, астрология борасидаги билимларни ҳам чуқур ўргандилар. Натижада улар самовий жисмларга қараб фол очиш ва башорат қилиш илмини ҳам эгалладилар. Даочи алхимиклар осмон тузилиши, юлдуз ва сайёralарнинг жойлашиши ҳақида бир қанча карталар, жадваллар ва тақвим-календарлар тузганлар. Инсоннинг қайси бурж остида тугилганига қараб, унинг тақдири ҳақида хуносалар ясаганлар. Гороскоплар тузилиб, мунажжимлик кенг тарқалган.

Даочилар ўзлари сигинадиган маъбуналарнинг сонини аниқлаш, рухлар ва мангутирни ҳаёт қаҳрамонларининг ҳисоби билан шугулланмаганлар. Агар амалдор эзгулик билан номчиқарган бўлса, ўлганидан сўнг муқаддаслаштирилиб, даочилар томонидан маъбуллар сафига қўшиб юбораверилар эди. Даочилар Буюк ибтидо Тайчу илоҳлари, Фарб илоҳи Сиванму, биринчи одам Паньгу, қаторида, император Хуанди, алхимик Вэй Бо Янь ва бошқа бир қанча тарихий шахсларга ҳам сингинганлар.

Эрамизнинг бошларида Хитойга кириб келган буддавийлик даосизмни ўзига сингдирди. Даосизм буддавийлик каби ҳеч қачон Хитой расмий-мафкуравий қадриятлари тизимида етакчи ўрин эгалламаган. Даочилар томонидан Конфуцийликнинг пешқадам мафкура эканлиги ҳеч қачон баҳс қилинмаган.

1.5. ИУДАИЗМДА АХЛОҚЙ БУРЧЛАР

Яхудийларнинг энг қадимги ва кенг тарқалган ахлоқ нормалари Мусо номи билан боғлиқ. Бу қоидалар ўнта бўлиб, Худо томонидан Мусога Синай тоғида берилган илоҳий амрлардан иборат (Шмот, 20. Итро). Бу фарзлар яхудийларга жуда оддий хукуқий ва ахлоқий нормаларни бажаришни буюар эди. Улар қуйидагича:

Якка Худо (Яхве)дан бошқа илоҳга имон келтирмаслик.

Бут ва санамларга сигинмаслик.

Заруратсиз Худо номи билан қасам ичмаслик.

Шанба куни қоидаларини бузмаслик ва у кунни Худога бағишлиш.

Ота-онани ҳурмат қилиши.

Қотиллик қилмаслик.

Зино қилмаслик.

Үйирлик қилмаслик.

Ёлғон гувоҳлик бермаслик.

Бегона нарсаларга кўз олайтирмаслик (бировнинг уйи, хотини, қули, чорваси ва ҳ.к.).

Дастлабки уч ўтит яккахудоликка чакиради. Улар Ундан бошқага сигинмаслик, Худонинг амларидан оғишимаслик ҳақидаидир: «Ва Худо айтди Мусога: Истроил фарзандларига айт, осмондан туриб сизлар билан гаплашганимни кўрмадингларми? Мен бўла туриб ўзларингизга кумуш ва олтин бутларни ясаманглар! Ерда мен учун қурбонлик қиласидиган жой қилинглар. Мен учун чорва молларидан қурбонлик қилинглар» (Шмот, 20 Итро).

Бошқа ҳалқлардаги кўпхудолик иллатидан сақланишни таргигб этар экан, Мусо уларнинг бутларга ўғил ва қизларини қурбонлик қилишларини, ҳаром нарсаларни ейишлари, афсунгарлик ва сеҳргарлик, руҳларни чакириш билан шугулланишларини ман этади. Бу – Худонинг амри эди.

Тўртингчи ўтит дам олиш кунини унутмаслик ҳақидаидир (Таврот: Шмот, 20 Итро, Ваикра, 19 Кдошим). Ушбу ўтит Худо ва ҳалқ ўртасидаги алоқа нуқтаи на- заридан жуда муҳим ҳисобланади. Шанба – дам олиш куни Худога бағишиланиши керак. Шу билан бирга, шу кунда барча яхудийлар, ким бўлиши ва қандай мавқени эгаллашибдан қатъи назар, тенг кўрилади. Яъни ҳамма – қул ҳам, подшоҳ ҳам дам олиши керак, ҳатто уй ҳайвонлари ҳам дам олиши керак.

Бешинчи ўтит ота-онага ҳурматни тарбиялашга қаратилган.

Қолган ўтитлар (олтинчидан ўнинчигача) яхудийларнинг ўз яқинлари билан муносабатларига алоқадор деса бўлади. Яқинлар деганда яхудийлар асосан, Истроил ҳалқини тушунадилар: «Ўз ҳалқинг болаларига зулм қилма ва қасос олма. Яқинларингни ўзингни севгандек сев» (Таврот: Ваикра 19. Кдошим).

Үн илохий амринг иккинчи қисмини ташкил қылган кейинги беш ўгит – «қотиллик қылма, зино қылма, ўғирлама, туҳмат қылма, яқинларингнинг нарсаларига кўз олайтирма» (Шмот, 20 Итро) деган амрлар адолат ўрнатишнинг дастлабки талаблариридир. Айнан ана шу амрларни ҳаётий қоидага айлантириш яхудийларнинг Худога азиз бўлишининг белгиси эди.

Мусо айтадики, яхудийлар фақат адолатли тузилган жамият ва қонунлар устуворлигига риоя қилиш орқалиғина саодатга эришиши мумкин. Шундай қилиб, инсон хулқ-автори дунёнинг асосида туради. У нажот бўлиб, унга эришиш ҳаётда миллат учун тинчлик ва фароғат, алоҳида шахс учун оила ва тўкинчилик келтиради. Илохий амрлар ижтимоий-диний ҳаётни ҳам тартибга солиб туради. Табиат ҳам, тарих ҳам, барчаси Худо иродаси ва хоҳишига биноан бошқарилади. Дунё ҳамиша дуо ва тавба туфайли янгиланади, аммо яна содир этилган гуноҳлар ва такаббурлик туфайли фалокатлар ва саросималарга юз тутади.

Мана шу сабаблар яхудийлар ўзларини бошқалардан афзал ҳалқ деб тушунишига олиб келган. Яхудийларнинг ўзларини олий ирқ деб ҳисоблаши диннинг миллийлашувининг асосий сабабидир. Бу динга бошқа миллат вакиллари қабул қилинмайди.

Куръони карим яхудий динидаги миллий биқиқликни танқид қиласди: «Албатта, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Одам алайҳиссалом, Нуҳ алайҳиссалом, Иброҳим алайҳиссаломнинг авлодларини ва Имрон авлодларини бутун олам аҳлининг афзали деб танлади. Улар бир-бирларига зурриёт эдилар. Аллоҳ әшитгувчи ва билгувчидир» («Оли Имрон» сураси, 35-оят). Бундан кўриниб турибдики, Аллоҳнинг Мусо тили билан ҳалқа айтилган: «Сизлар олам аҳлининг ичиди афзалисизлар», – деган қаломи яхудийлар томонидан нотўғри тушунилиб, «биз инсонлар ичиди энг афзали эканмиз» деган ақиданинг пайдо бўлишига олиб келган.

Худди шунингдек, Имрон авлодлари дейилганда христианлар назарда тутилган ва бу билан улар ҳам яхудийлардан заррача кам бўлмаган одамлар эканлиги уқтирилган ва тинч-тотув яшашга даъват этилган. Масиҳнинг пайдо бўлиши яхудийликда Худо Салтанатининг бошланиши, барча ҳалқлар томонидан ягона Худога ва унинг Тавротда қайд этилган инсониятга юборган қонунларига имон келтирилиши

билин бөгланади. Мусо пайғамбарга юқлатилган асосий вазифа жамиятда қонун устуворлигини амалга ошириш, Худога бўйсуниш – қонунга бўйсуниш, унинг амларини бажариш билан чекланган эди.

Мазкур ўн илоҳий амрдан ташқари, Мусога яна бир қанча ҳуқуқий нормаларни ўрнатиш топширилганди. Масалан, яҳудий янги сотиб олган қулни олти йил ишлатгандан сўнг озод қилиши керак. Мусо давр шароитидан келиб чиқиб, темир интизом ўрнатиш орқали ахлоқий нормаларни ўрнатишга ҳаракат қилди. Бу даврларда комил инсон ҳақида гапиришга ҳали эрта эди. Халқ онгига қонунларининг мажбурийлигини сингдириш лозим эди. Зоро, унинг зиммасида бошқа халқлар тарихида ўхшаши бўлмаган тафаккур ва эътиқодга эга жамият қуриш вазифаси юқлатилган эди. Буни амалга ошириш эса, давлат шаклидаги сиёсий макон яратилгандагина мумкин бўларди. Шунинг учун Мусонинг асосий эътибори бўлажак Истроил давлатининг ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилди. У тарқоқ қабилаларни жипслаштириди, яҳудийларни ўз Худосига ва илоҳий қонунларига эга халқقا айлантириди.

Иудаизмнинг пайдо бўлиш тарихи

Унинг тарихи Истроил халқининг муқаллас китоби Тавротда ривоятлар асосида батафсил қайд этилган.

Яҳудийларнинг диний ривоятларига қараганда, Худонинг иродаси билан ердаги цивилизация тўфон туфайли йўқликка юз тутгандан фақат Нуҳ пайғамбарнинг жамоаси жон сақлаб қолган. Дунё халқлари Нуҳ пайғамбарнинг уч ўғли – Ҳом, Сом ва Ёфасдан тарқалган. Таврот ва Инжилда айтилишича, яҳудий халқи Сомнинг авлодлариидир. Ушбу даъво Иброҳим пайғамбар тарихи орқали далилланади. Ривоятга кўра, Иброҳим Халилulloҳнинг шажараси пайғамбар Нуҳнинг невараси – Эверга тақалади. У Сом (Шим)нинг ўғли бўлган. У бир қанча сом(семит) – араб халқларининг ҳам отаси ҳисобланади. Тавротда айтилишича (Таврот:Брейшит, 10–11 Нуҳ.), Иброҳимнинг генеалогик шажараси қўйидагича:

Нуҳ

Шем

Арпахшад

Шелах

БАЛЫКСЫН АРДАСЫ	Эвер
БАЛЫКСЫН АРДАСЫ	Пелег
БАЛЫКСЫН АРДАСЫ	Рей
БАЛЫКСЫН АРДАСЫ	Сруг
БАЛЫКСЫН АРДАСЫ	Нахор
БАЛЫКСЫН АРДАСЫ	Терах
	Иброҳим

Иброҳим месопотамиялик эди. У яшаган давр, таҳминан ІІ минг йилликнинг иккинчи ярмига түгри келиб, кўпхудолик, бутнарастлик ва ширкнинг авж олган даври эди. Бу даврда самовий афсоналар кенг тарқалған эди. Тавротнинг Лех Леха бобида (Таврот:Брейшит, 13-15 Лех Леха) айтилишича, Худо Иброҳимга ўзи тутилган Ур юртидан чиқиб, Кањон дие́рига отланишни буоради. Худо Кањонни унга багишлади ва ундан пайдо бўладиган кўпдан-кўп авлоднинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга вазъда беради. Бунинг эвазига Иброҳим яккахудоликни тарғиб этиши лозим эди. Иброҳим шу тариқа ягона Худони тарғиб этиш йўлига ўтади. Бутнарастлик даврида Олам яккаю ягона Нарвардигор томонидан яратилганилиги ҳақидаги гояни илгари сурисишидан катта жасорат ва фидойилик билан курашиши талаб қиласади. У Худонинг амрига биноан тарғибот ишларини Мисрдан бошлади. Куръони каримда келтирилишича («Анбиё», 52-70) Иброҳим бир куни бутхона ходимларининг байрамга кетганлигидан фойдаланиб, бутхонадаги энг катта санамдан бошқа барчаларини синдириб ташлабди ва ҳеч нарса кўрмагандек ўз ишини қилиб юраверибди. Коҳин қайтиб келгач, буни уларнинг динига очиқдан-очиқ қарши чиқиб юрган Иброҳимдан бошқа киши қиласлигига ақли етиб, уни маҳкамага судрабди. Подшоҳ Намруд ундан нега бу ишни қиласлигини сўраганда, у бу ишни бутхонадаги катта санам қиласлигини айтибди. Шунда ўтирганларнинг жаҳди чиқиб: «Ахир у тоғдан ясалган-ку?!» дебдилар. Шунда Иброҳим: «Агар сизга фойда ҳам, зарар ҳам бера олмайдиган бўлса, бутларга нега сигинасизлар? Ҳар нарсага қодир, ўз бандасининг ғамини ейдиган, ўлгандан кейин тирилтирадиган ва барча оламларнинг Яратувчиси бўлган яккаю ягона Худони нега тан олмайсизлар?! – дебди. Намруд ғазабланиб: «Майли, сенинг худойининг сенинг ғамингни ейишини бир кўриб қўяйлик. Уни ёқиб юборинглар. Шу иш билан ўз илоҳларингизга ёрдам беринглар», – деганча уни гулханда ёкишни буоради.

Катта гулхан тайёрланади. Иброҳим ловуллаб ёнаётган гулхандан бирон жойи қўймаган ҳолда чиқиб келади. Подшоҳ уни афсунгар гумон қилиб, мамлакатдан бадарга қиласади. У Аллоҳ фармони билан Кањон (ҳозирги Исройл давлати) ҳудудига кўчади.

Бу даврларда яхудийлик, христианлик ва ислом каби динлар бўлмаган. Иброҳим мазкур динларнинг асосий таълимоти бўлган яккахудоликни тарғиб

этгани учун ҳам ҳар учала динда буюк ва эъзозли пайғамбар сифатида эътироф этилади. Худо билан аҳдлашганда Иброҳим жуда кекса бўлиб, 86 ёшда эди. Унинг Сора исмли хотини бўлиб, улар фарзандсиз эдилар. Шунинг учун ҳам Худо ҳар гал кўринганида унга кўплаб авлодлар бериши ҳақида эслатиб туриши Иброҳимга эриш тутоларди (Таврот: Брейшит, 17 Лех Леха). Худо унга Ҳожар исмли Мисрдан сотиб олган жориясига уйланишни буюради. Худонинг иродаси билан Ҳожар ҳомиладор бўлади ва вақти-соати етиб ўғил тутиб беради. Уни Исмоил (Ишмаэл) деб атайдилар. Бир неча йиллардан сўнг, Иброҳим 100 ёшга, унинг биринчи хотини Сора 90 ёшга кирганда Худонинг иродаси билан Сора ҳомиладор бўлади ва у ҳам вақти-соати келиб ўғил тугади. Унинг номини Исҳоқ (Ицхак) деб кўядилар. Яхудий халқининг бевосита тарихи Иброҳим Ҳалиуллоҳнинг Сорадан тугилган ўғли Исҳоқ билан боғлиқдир.

Иброҳим 157 йил умр кўрди. Яхудий диний-тарихий манбаларида Иброҳим вафот этганида неча ёшда бўлгани қайд этилган бўлса-да, унинг умр ниҳоясидағи ҳаёти тафсилотлари учрамайди. Шунинг учун ҳозирги яхудий адабиётларида юқорида келтирилган маълумотлардан бошқа Иброҳим пайғамбар тўғрисида маълумот йўқ. Унинг ўғли Исҳоқ ҳақидағи маълумотлар ҳам унинг балогатга етган давридан, яъни яхудийларниң қарашлари бўйича қирқ ёшдан бошлаб берилади.

Исҳоқ 40 ёшга кирганда арамей Бетуэлнинг қизи Ривкани ўз никоҳига олади. У 60 ёшга кирганда эгизак фарзанд кўради. Бирига Ийсу (Эйсав) ва иккинчисига Яъқуб (Иаков) деб исм кўйдилар. Исҳоқ кексайиб, кўзи ожизлашиб қолганда севимли катта ўғли Ийсуга халқни бошқариш учун фотиҳа бермоқчи бўлади. Бу ишни қилишдан олдин уни чақириб, оҳу овлаб келиш ва ундан хуштаъм таом пишириб беришни топширади. Ривка кўпроқ кичик ўғли Яъқубни яхши кўрар ва Исҳоқ фотиҳани айнан Яъқубга беришини хоҳлар эди. Шунинг учун Ийсунинг овга кетганидан фойдаланиб, Яъқубга подадан иккита ёш эчкини танлаб, пишириб келишни буюради. Исҳоқ кўзи яхши кўрмагани учун Яъқубни Ийсудан ажратса олмайди ва уни дуо қилиб, барча биродарлари, ҳатто Ийсу устидан ҳукмрон бўлишига фотиҳа беради. Бундан хабар топган Ийсу шу кундан эътиборан укаси Яъқубнинг ашаддий душманига айланади (Таврот: Брейшит, 27. Толдот).

Яъқуб акасининг қаҳридан қўрқиб, онасининг маслаҳати билан тогаси Лаванинг хизматига, Падан-Арам юртига жўнайди. У дастлаб тогасининг кўлида 14 йил хизмат қиласди. Хизмат ҳақига арамей Лаванинг икки қизига, Лея ва Роҳилага (Рахель) уйланади (Таврот: Брейшит, 29 Ваеце). Шу билан бир қаторда хотинларининг энг суюкли жорияларидан Зилпа ва Билҳого уйланади. Бирин-кетин 12 фарзанднинг отаси бўлди (Таврот: Брейшит, 25 Толдот). Яхудийларниң 12 асботи-қабиласи шу фарзандларниң номи билан аталади. Ушбу авлоднинг дунёга келиш тартиби қуйидагича: Ревувен, Шимон,

Леви, Яхудо (Инжилда Иуда, Тавротда Йихуда, Күръони каримда Яхудо тарзида келтирилган) номли фарзандлар Яъқубнинг биринчи хотини Леядан; Дан ва Нафтали Яъқубнинг иккинчи хотини – Рахелнинг жорияси Билҳодан; Гад ва Ашер Леянинг жорияси Зилпадан; Исахар ва Звелун яна Леядан; Юсуф (Иосиф) ва Бенямин Рахелдан (Таврот: Брейшит, 30 Ваеце). Тавротда айтилишича, Яъқуб ҳаммаси бўлиб, тогасининг қўлида 20 йил хизмат қилган. Шундан 14 йил Лаваннинг қизларига уйланиш учун ишлаб берган бўлса, яна 6 йил унинг чорвасини боқиб беради. Сўнг Худонинг амри билан болаларини олиб Кањъон мамлакатига қайтади. Бу даврларда Ийсу Кањъоннинг Сеир деган ҳудудида яшар эди. Улар Урдун (Иордан) дарёси бўйида бир-бирларига пешвоз чиқадилар ва ярападилар. Яхудий манбаларида қайд этилишича, Яъқуб кеч пайти бола-чақасини Урдун дарёсидан ўтказиб қўйгач, ёлғиз қолади. Шунда унга қандайдир одам ҳужум қиласди. Улар туни билан курашиб чиқадилар. Тонг оттак, номаълум одам Яъқубга ўзининг фаришта ёланлигини билдиради ва: «Бундан сўнг сенинг номинг Истроил бўлади, чунки ^ш сен сабр-чидам билан фаришта билан курашдинг», – дейди (Таврот:Брейшит 32 Ваишлах). Шу-шу, Яъқуб пайғамбарнинг номи Истроил, унинг авлоди Бани Истроил деб атала бошлади. Замонавий тадқиқотчиларнинг фикрича, эр. авв. II–I асрдан бошлаб Кањъон юрти «Эрец Израэл», яъни Истроил мамлакати деб юритила бошлаган. Исломда Бани Истроил пайғамбарлари деганда айнан Яъқубдан кейинги пайғамбарлар тушунилади. Яъқубгacha бўлган пайғамбарлар назарда тутилмайди.

Юсуф ва Бенямин Яъқуб пайғамбарнинг энг кенжка болалари эди. Яъқуб, айниқса, Юсуфни жуда яхши кўрар эди. Бундан рашк қилган акалари Доган яйловида уни ўлдиришга қасд қиласдилар. Оддинига уни чоҳга ташлайдилар. Сўнг эса, арабларнинг Мисрга кетаётган савдо карвони ўтаётганидан фойдаланиб, Яхудонинг таклифи билан уни чоҳдан чиқарип, 20 кумуш тангага сотиб юборадилар. Юсуфнинг кўйлагини эчкининг қонига белаб, Яъқубга элтадилар. Суюкли фарзанди ваҳшӣ ҳайвон ҳужумидан нобуд бўлганига ишонтирилган Яъқуб дод-фарёд кўтаради ва ғамга ботади.

Араблар Мисрга келгач, Юсуфни фиръавннинг бош жаллоди Потифарга сотдилар (Таврот:Брейшит 38–39 Ваешев). Юсуф Потифар уйида ўзининг тақводорлиги билан унинг меҳрини қозонди ва уй бошқарувчиси вазифасига тайинланди (Таврот:Брейшит, 38–39. Ваешев). Бош жаллоднинг хотини Юсуфни севиб қолади. У Юсуфни қанчалик хилватга тортмасин, Юсуф ундан ўзини олиб қочади. Кунлардан бир кун уйда ҳеч ким бўлмагандა хотин Юсуфга ёпиши. У юлқиниб, беканинг қучогидан қочганда, унинг кўйлаги йиртилиб, беканинг қўлида қолди. Бека разабланиб, дод солади ва хизматкорларни чақириб, Юсуфни унинг номусига тажовуз қилишга уринганликда айблайди. Воқеадан хабар топган Потифар уни фиръавн зинданига ташлайди. Зинданда Юсуф зинданбоннинг ҳурматини қозонди. Тез орада зинданбон уни барча маҳбусларга

бошқарувчи қилиб қўяди (Таврот:Брейшит, 39–40 Ваешев). Шу орада Миср шоҳининг соқйиси ва новвойи гуноҳ ишда гумон қилиниб, зинданга ташланди. Юсуф уларга қараб турадиган бўлди. Бир йил ўтгач, уларнинг ҳар иккаласи бир кунда туш кўради. Соқий тушида узум токини кўрибди. Токда З новда бўлиб, унинг кўз олдида куртак ёзиб, мева солибди. Соқийнинг қўлида фиръавининг пиёласимишу, соқий узумни эзиб, фиръавинга узатармиш. Юсуф уни қуидагича таъбир қилибди: «Бу тушингни таъбири шуки, уч новда уч кундир. Уч кундан сўнг фиръави сени афв этади ва яна илгаригидек ўз лавозимингта тиклади. Ишинг юришиб кетгач, мен ҳақимда фиръавинга эслатсанг ва бу ердан мени озод этсанг. Мен ҳеч бир гуноҳ содир этмаганман».

Унинг таъбири қилиш қобилиятини кўрган новвой ҳам унга тушини айтибди: «Менинг бошимда уч сават бор эмиш. Энг юқоридаги саватда фиръави учун ёпилаган нонлар бор экан. Қушлар бошимга қўниб, саватдан нонларни чўқиётган эмишлар». Юсуф дебди: «Тушингни таъбири шуки, уч сават уч кундир. Уч кундан сўнг фиръави сени бошингни узиб, тапангни дарахтга осиб қўяди. Қушлар сенинг жасадингни чўқийдилар».

Юсуфнинг таъбири тўғри чиқади. Уч кундан сўнг фиръави тугилган куни муносабати билан катта зиёфат уюштиради. Шунида унинг ёдига соқий тушиб, уни озод этади ва яна ўз лавозимига тиклади. Новвойни эса қатал этади. Бироқ соқий Юсуфга берган ваъдасини унутади ва Юсуф яна икки йил зинданда қолиб кетади. Кунлардан бир кун фиръави туш кўради. Тушида у дарё бўйида турганмиш. Дарёдан етти бош семиз сигир чиқиб, яйловда ўтлай бошлайди. Уларнинг ортидан яна етти бош сигир чиқиб келибди. Улар озгин ва кўримсиз эканлар. Озгин сигирлар семизларига ҳамла қилиб, уларни еб қўйибди. Шу тобда фиръави уйгониб кетибди. Яна уйқуга кетгач, иккинчи бор туш кўрибди. Бу сафар етти бошоқли буғдойни кўрибди, бошоқдаги доналар етилган ва иирик экан. Унинг остидан яна етти бошоқ ўсиб келаётганмиш. Улар заиф ва шарқ шамоли таъсирида куйиб қуриб қолган экан. Заиф бошоқлар етилган бошоқларни ютиб юборибди. Шу онда фиръави уйгониб кетибди.

Эрталаб фиръави барча фолбину мунажжимларни чорлаб, тушини таъбир қилишини буюрибди. Бироқ ҳеч ким бунинг ўддасидан чиқолмабди. Сарой соқийсининг ёдига Юсуф тушибди ва фиръавинга у ҳақида эслатибди. Юсуф тезда фиръави ҳузурига келтирилибди. Юсуф унинг тушини шундай таъбир этибди: «Етти бош қора мол – бу етти йил. Ҳудди шундай етти бошоқ ҳам етти йилни англатади. Мисрда етти йил тўкин-сочинчилик бўлади ва ундан сўнг етти йил давомида курроқчилик, очлик ва қаҳатчилик ҳукм суради. Тушнинг кетма-кет икки кўришда тақрорланиши бу воқеа яқин орада юз беришини кўрсатади. Ким етти тўкинчилик йилида кейинги йилларнинг ғамини еса, оғатдан омон қолади».

Фиръавн Юсуфнинг ақл-заковатига, билимдонлигига қойил қолиб, уни Миср шаҳрига малик этиб тайинлабди. Юсуф етти йил давомида давлатни одиллик билан бошқарибди. Ҳар йилги ҳосилни тежаб, омборхоналарни дон билан тўлдирибди.

Етти йил ўтгач, бутун дунёда қурғоқчилик ва қаҳатчилик бошланади. Мисрдан бошқа барча давлатларда очарчилик авж олади. Миср давлати ўз халқини тўйдириш билан бирга, бошқаларга ҳам дон-дун сота бошлайди ва ниҳоятда бойиб кетади. Миср малики Юсуфнинг довруни етти иқдимга таралади. Яъқуб хонадони ҳам очлиқдан қийналиб, Мисрдан бугдой сотиб олиш фикрига тушади. Яъқуб ўғилларига олтин-кумуш бериб Мисрга юборади. Улар Юсуфни олдига киргач уни танимайдилар. Юсуф эса акаларини дарҳол танийди, аммо сир бой бермайди ва уларни жосуслиқда айблаб, дағал муомала қиласди. Улар ўзларининг ҳалол инсоннинг фарзандлари эканликлари, оталари уйда кенжака укалари билан қолганни ва оч наҳор ўтирганликларини айтиб, қасам ичадилар. Юсуф отаси ва укаси Беняминнинг тирик эканлигидан ич-ичидан қувонса-да, заррача сир бой бермайди. Иш шу даражага етадики, Юсуф акаларининг бирини гаровга олиш шарти билан уларга бугдой сотади. Акалари бугдойни оталарига етказиб, энг кичик укалари Беняминни Юсуф қошига келтиришлари шарт эди. Бенямин акаларининг ҳалол эканлигини тасдиқлаши зарур эди (Таврот:Брейшит, 42 Микең).

Алқисса, Яъқуб кенжака ўглини акалари бирор нарса қилиб қўйишидан қўрқиб, анча пайт уни Мисрга юборишга унамади. Бироқ олиб келинган бугдой тугаб, яна очлик бошланганда ўғилларига Беняминни қўшиб жўнатишдан бошқа иложи қолмади. Юсуф уларни қабул қилиб, бир неча кун меҳмон қилди ва кетиши асносида Беняминга тегишли буғдой орасига ўзининг кумуш косасини яширишни буюрди. Ҳеч нарсадан хабарсиз Яъқуб ўғиллари шаҳардан чиқар-чиқмас, орқадан этиб келган шоҳ мулозимлари уларни ўтирилиқда айблаб, ҳибсга оладилар. Юсуфнинг мақсади Беняминни ҳибс баҳонасида ўз ёнида қолдириш эди. Улар Юсуф қошига келтирилгач, Яҳудо унга дейди: «Сен бизнинг ҳалоллигимизни билиш учун энг кенжака укамизни олиб келишни шарт қилиб қўйганингда бизнинг отамиз зўрга кўнглан эди. Чунки энг кичик укамиз отамизнинг қариган чогида кўрган фарзанди бўлиб, уни ва акасини жуда яхши кўрар эди. Акаси ёшлигида вафот этган. Отамиз унинг ҳажрида ҳануз дилхастадир. Агар бу фарзандидан ҳам жудо бўлса, буни кўтара олмайди. Укамиз ўрнига мени ҳибсга ол, уни озод этиб, ортга, отамизнинг ҳузурига қайтаришишнги илтимос қиласман» (Таврот:Брейшит, 44–45 Вангаш). Бу гапларни эшитган Юсуфнинг кўзларига ёш келибди. Ўзини тўхтата олмай, уларни бағрига босибди ҳамда ўзини таништирибди. Акалари Юсуфни танигач, унга нисбатан қилган ишлари учун тиз чўкиб, кечирим сўрабдилар. Юсуф уларни кечирибди ва отаси ҳамда қариндошларини Мисрга кўчиб келишларини таклиф этибди.

Юсуфнинг Мисрга кўчиб ўтиш ҳақидағи таклифи етти йилдан бери азоб кўраётган ва қурғоқчилик, очлик ҳамда қаҳатчиликдан қийналаётган Истроил қавми учун айни муддоа бўлди. Шу тариқа Истроил халқининг 12 бўғини Мисрда ўрнашди.

Бани Истроил Юсуф сабабли Мисрда фаровон ҳаёт кечирди ва мамлакатнинг энг нуфузли табақасига айланди. Бундай ҳаёт Юсуф дунёдан ўтгандан сўнг ҳам бир неча авлодларга насиб этди. Охирги давларга келиб Яъқубнинг тўртинчи ўғли Яҳудонинг авлодлари ниҳоятда кўпайиб, 12 бўғин ичидаги миқдор жиҳатидан энг каттасига айлангани боис, Истроил қавми яҳудийлар деб атала бошлади.

Давлар ўтиши билан Юсуфнинг мамлакатдаги хизматлари аста-секин унуптилди. Миср фиръавилари мамлакатда катта сиёсий кучга эга бўлган яҳудийлардан ҳадиксирай бошладилар.

Фиръави уларнинг обрў ва эътиборини сусайтириш мақсадида уларни қаттиқ эзиб, қулга айлантириш сиёсатини юргизди. Яҳудий нақлларига кўра, Аллоҳ Иброҳимга унга комил имони учун Канъон ерларини иноят қилиб кўплаб зурриётли бўлиш неъматини ато этганди. Аммо Аллоҳ унинг зурриёти 400 йил давомида мусоғир юртларда қул бўлишини ҳам башорат қилган эди. Ушбу башорат Бани Истроил қавми Мисрда кечирган ҳаётининг айнан шу даврига тўғри келади (тахминан, милоддан олдинги XIII аср). Тазийк шу даражага етдики, яҳудийларнинг янги дунёга келган болаларини қата қилиш бошланди.

Мусо ҳудди ана шу даврда, чақалоқлар қирғин қилинаётган бир пайтда туғида. Мусо Яъқубнинг учинчи ўғли Левидан тарқалган урутга мансуб эди. Бечора она чақалоқни Нил дарёсининг бўйидаги қамишзор орасига яшириб қўяди. Худонинг иродаси билан уни фиръавининг қизи топиб олади ва саройга келтиради. Чақалоққа Мусо деб ном берадилар. У саройда тарбияланади. Мусо балогатга етгач, қул яҳудийни аёвсиз калтаклаётган мисрлик назоратчини жаҳд устида уриб ўлдириб қўйди ва фиръавининг қаҳридан қўрқиб, мамлакатдан қочди. Юриб-юриб, тақдир тақозоси билан Реузъ номли Мидён мамлакатининг подшоси эътиборига сазовор бўлди. Сал ўтиб, унинг қизига уйланди (Таврот: Шмот, 2 Шмот).

Кунлардан бир кун Мусо қўй боқиб юрганда рўпарасидаги бутага кўзи тушди. Бута оловга чулганган бўлса-да, бирор барги ёнмас эди. Мусонинг қизиқиши ортиб, яқинроқ борди. Шу пайт бутадан унга инсон тилида кимдир мурожаат қилгандек бўлади. Кўринмас мавжудот ўзини унинг аждодларининг Парвардигори сифатида танишириб, унинг халқини мисрликлар зулмидан қутқаришга жазм этгани ва бу ишни унинг номидан Мусо бажариши зарурлигини айтибди: «Фиръавининг ҳузурига бор. Менинг халқим—Истроил халқини Мисрдан олиб чиқ» (Таврот: Шмот, 3 Шмот). Мусо бу вазифани удалай олмаслигини айтади. Парвардигор у билан бирга бўлишга ваъда беради. Шунда Мусо Худони нима деб аташни сўраганда Парвардигор жавоб беради:

«Мен мангу ва бокий зотман (Яхве)! Истроил авлодларига «Сизларнинг отабоболарингизнинг құдратли Худоси, Иброҳимнинг құдратли Парвардигори, Исҳоқ ва Яъқубнинг құдратли Худоси мени сизларнинг ҳузурингизга юборди, –деб айт!» (Таврот: Шмот, 3 Шмот).

Мусо олдинига иккиланаверади. Худо фиръевнни турли азобларга гирифтор этишга ваяда беради ва Мусони қўрқмасликка ундаиди. Шунда ҳам Мусо «агар менга Истроил халқи ишонмаса-чи?» деб ҳадиксирайди. Шунда Парвардигор Мусога мўъжиза кўрсатади. Худо иродаси билан Мусонинг бир қўли пес билан қопланади ва яна ўз ҳолига қайтади (мумтоз адабиётда яди байзо ибораси ишлатилганда шу мўъжизага ишора этилади), ҳассаси илонга, Нил суви қонга айланади. Шунда ҳам Мусо бу вазифадан бош тортишга ҳаракат қиласди: «Мен дудук бўлсан, – дейди у, – қандай қилиб халқ олдида ваъз ўқийман?» Худо Мусони керакли нутқларга ўргатишини ва бу нутқларни халққа унинг иниси Ҳорун (Арон) етказишини таъкидлайди.

Бу пайтда Мусо 80 ёшга кирган мўйсафийд эди. У Худонинг иродасига биноан оиласини олиб, ўзи мансуб бўлган Истроил қавмига қайтади. Йўлда унга Худонинг амри билан Арон йўлиқади. Улар биргалашиб, Худонинг иродасини истроилликларга эълон қиласдилар.

Мусо зиммасига юклатилган тарғиботдан мақсад битта эди. У ҳам бўлса «Истроил қавмиги Миср қулигидан қутқазиш ва уларни қайта Канъонга кўчириш» эди. Халқ унинг ғояларини қабул қиласди.

Шундан сўнг Мусо фиръевн қошига бориб, Истроил халқининг Худоси қўриниш бергани ҳақида сўйлайди ва фиръевндан яхудийларга уч қунлик йўлда жойлашган саҳрого чиқиб, ўз Худоларига қурбонлик қилиш маросимини ўтказишларига рухсат беришини сўрайди. Фиръевн Мусодан пайғамбар эканини исботлашини талаб қиласди. У ҳассасини аждархого, Нил сувини қонга айлантиради. Шундай бўлса ҳам, фиръевн унинг илтимосини рад этади. Шунда Мусо уни Худонинг қаҳри ёмонлиги ва мамлакатни турли балоларга гирифтор этиши мумкинлигидан огоҳлантиради. Фиръевн эса, қулоқ солиш ўрнига, яхудийларни баттар қийноқларга сола бошлади. Яхудийлар ўша даврларда гишт ишлаб чиқариш корхоналарида қул бўлиб, оғир меҳнат қиласдилар. Яхудий диний манбаларида айтилишича, фиръевннинг ишидан газабланган Худо мамлакатга ўн оғат юборади: Нилнинг суви айнийди; мамлакатни қурбақа босади; тупроқ паишшага айланиб, одамларнинг тинкасини қуригади; чивинлар еру осмонни қоплади; чорвага қирон келади; одамлар ва чорвани яра босади; очиқдаги барча нарсани ҳалок қилувчи даҳшатли чақмоқ билан ёмғир ёғади; учраган нарсани ямлаб ютувчи чигиртка ёпирилиб келади; қўрқинчли қоронгумлик чўқади. Аммо фиръевн таслим бўлмайди. Шунда Худонинг қаҳри келиб, 10-оғатни юборади: мамлакатда янги тутилган одам боласи борми, ҳайвон боласи борми, барисини ҳалок этади (Таврот: Шмот, 7–11 Бо). Бу азобларга фақат мисрликлар дучор

қилинади. Яхудийлар булардан зарап күрмайдилар. Фиръавн янги туғилған фарзандың үлім хавфи яқынлашғандагина, Мусонинг илтимосини рад этиб қаттиқ хато қылганини англайди ва яхудийларга бир неча кунга мамлакатда չиқишига рози бўлади.

Худо Истроил халқини кундузи булаттоситасида, тунлари нурли устун билан саҳрода йўл кўрсатиб борди. Бу орада фиръавн яхудийларнинг қайтиб келмасликларидан хабар топади. У олти юз Миср жанг аравасини ҳозирлаб, уларнинг орқасидан қувишига тушади. Истроил халқи Қизил денгиз қирғоқларига этиб қолганда, фиръавн қўшини қувиб келади. Яхудийлар учун кутулишнинг бирор имконияти қолмаган эди. Шунда Мусо Худонинг иродаси билан ҳассасини сувга урганда, денгиз иккига ажралиб, ўртада қуруқлик пайдо бўлди. Тонгда денгиз орасидан ўтаётган яхудийларни кўрган мисрликлар уларнинг ортларидан денгизга тушадилар. Яхудийлар эсон-омон нариги қирғоққа чиқишилари билан Мусо ҳассасини яна бир марта сувга урибди. Денгиз олдинги ҳолига қайтибида ва мисрликлар сув остида қолиб, ҳалок бўлибдилар (Таврот: Шмот, 14 Бешалах). Ушбу ҳодиса Худонинг бекиёс құдратга әгалиги ва унга имон көлтириш лозимлигини яхудийларга исбот қилди.

Уч ой йўл юрилгач, яхудийлар Синай ярим оролидаги тог ёнбагрига этиб келдилар. Мусо тоққа кўтарилиб, Худо билан мулоқот қилди. Худо Мусо орқали Истроил халқига, агар улар унга имон көлтириб, илоҳий амрларга риоя қылсалар, У уларни бошқалардан афзал халқ қиласажаги, Ўзининг борлиги ва Мусонинг пайғамбарлигини тасдиқлаш учун уч кундан сўнг булатда Синай тогининг устига келишини хабар қилади.

Барча воқеалар Мусо хабар көлтиргандек рўй берди. Синай тоги Худонинг ҳайбатидан титраб, ларзага келди. Худо Яхве олов кўринишида, кучли карнай товушни остида тог устида тўхтади. Мусо иккичи марта тог тепасига кўтарилиди ва Худодан ўн илоҳий амрдан ташқари, яхудийларнинг ҳаёт тарзларини белгиловчи бир қанча ҳуқуқий, ахлоқий ва диний ҳукмларни қабул қилиб олди.

Мусо Худонинг барча амрларини оқизмай-томизмай ўз халқига етказди. «Ва жавоб берди халқ бир овоздан: «Яхве айтган барча сўзларни бажарумиз!» (Таврот: Шмот, 19 Итро).

Шундан сўнг Худо учун ҳўқиз сўйиб, курбонлик қилинибди. Мусо Истроил халқи ва Худо ўртасида тузилган Аҳд рамзи сифатида курбонлик қонидан халқ устига пуркайди.

Яхве ва Истроил халқи ўртасида тузилган Аҳд тарихи шундан иборат.

Шундан сўнг Худо Мусони яна ўз ҳузурига мулоқотга чорлаб, унга илоҳий ўтитлар ёзилган тош парчаларини беришни ихтиёр этди. Мусо тоққа кўтарилиб, қирқ кун қолиб кетди. Пастда қолган халқ Мусонинг узоқ вақт қолиб кетганидан хавотирланиб, саросимага тушиб қолди. Уларнинг ичида бир шумерлик (сомирий) ҳам бор эди. Унинг бузғунчилиги оқибатида яхудийлар Мусонинг

қайтишидан умид узиб, сигиниш учун ўзларига бут ясашга киришдиilar. Улар ўзларидағи бор тилла буом ва тақинчоқларни эритиб, бузоқ ҳайкалласини ясадилар ва унга сигина бошладилар. Яхвенинг қаҳри келди ва бу осий халқни халок қилишини ихтиёр этди.

Мусо пастта тушіб, күрдіки, барча халқ бузоқ атрофида турли ўйинлар күрсатыб, унга сигинмоқдалар. У шунчалық газабландикі, құлидаги илохий битиклар мавжуд тош парчаларини улоқтириб, бузоқни оловга ташлади. Уни юмшатыб, қуқунга айлантириды ва сувга құшиб, барчаны уни ичишга мажбур қылди. Шундан сұнг у ўзига содиқ қолған Левілар хонадони вакилларига бузгүнчиларни қириб ташлашни буюрди. Ўша күни уч минг киши қатал этилди. Эртаси тоң маҳали Мусо халққа мурожаат қилиб, улар жуда оғир гуноҳ қылған бўлсалар ҳам Худодан уларнинг гуноҳларини сўраб олишга ҳаракат қилишини айтди. Мусо Худонинг амрига биноан, улоқтириб юборган тош парчаларидаги илохий ўйтларни қайтадан икки тош парчаңига ўйиб ёзди.

Мусо ҳар бир бўғиндан бир кишини танлаб, жами 12 кишини Канъон юртини кўриб келишга юборади. Улар Канъонда қирқ кун туриб, сұнг қайтиб келадилар ва у юртнинг ниҳоятда ҳосилдор ерларга, боғ-роғларга бой эканлиги, аммо у ернинг халқи йирик жуссали одамлар бўлиб, яхудийлар уларга бас келолмасликлари мумкинлигини айтадилар.

Исройл халқи яна ноумид бўлиб, Мисрни ташлаб чиққанликларига пушаймон бўла бошлайды. Ҳатто баъзилар яна Мисрга қайтиш ғоясини ўртага ташлайдилар. Худо Яхвенинг яна осий бўлган ва шунча исботларга қарамай, осонликча Худодан юз ўтираётган бу халққа нисбатан ғазаби қайнади. Мусо яна орага тушди. Худо унинг узрини қабул қылди, аммо бу осий халқни жазолашга жазм этди: Исройл халқи саҳрода адаштириб қўйииди ва қирқ йил давомида, токи жамоанинг катта ёшдаги аъзолари батамом дунёдан ўтиб кетмагунча, Канъонга ета олмадилар. Шу йиллар давомида Мусо халқни қайта тарбиялашга эришди. Афусски, Мусонинг ўзига ҳам Канъонда яшаш насиб қилмади. Худо унга фақат халқни бошлаб келиш ва узоқдан Канъонга назар солишни раво кўрди. Бу пайтда унинг ёши 120 да эди (Дварим 31. Ваелех). Унинг қаерда дағи этилгани номаълумдир.

ЯХУДИЙ ХАЛҚИННИГ МУҚАДДАС КИТОБЛАРИ

Яхудий халқининг муқаддас китоби Тавротдир. Таврот иброний тилда «Хумаш» деб аталади. Хумаш Инжилда «Мусонинг беш китоби» номи остида берилган. Хумаш – Брейшит, Шмот, Ваикра, Бедимбар и Дварим каби қисмлардан таркиб топган.

Хумаш синагогаларда йил давомида тўлиқ ўқиб чиқилади. Буни осонлаштириш мақсадида у йилнинг ҳар ҳафтасига мос равиша ҳафталик бобларга бўлиб чиқилган. Хумаш синагогаларда фақат қўлёзма ҳолатда сақланиши шарт. Шу

билин биргә, яхудийлар ўз уйларыда Хумашиң түрли шаклдаги нашрларидан фойдаланишлари ва ўқиб боришлари мумкин.

Яхудийларниң бошқа диний китoblари ҳам бор. Мазкур диний сиёсий жанрдаги қадимий манбалари түплами Танаҳ дейилади.

Танаҳ қуиңдагилардан иборат:

- а) Невиим (Набийлар) – диний-сиёсий ва тарихий характердаги 21 китоб;
- б) Кетувим (Китблар) – 13 түрли диний жанрларга оид манбалар.

Танаҳнинг энг қадимий қисми милоддан аввалги X асрға таалукқылы, унинг түлиқ тартиб берилishi милоддан аввалги 3–2 асрға түгри келади деб – ҳисоблайдилар.

Яхудийларниң ибодатгоҳлари – синагога тарихи ҳам ўзига хосдир. Дастлаб, Канъон водийсининг яхудийлар томонидан әгалланиши даврларида (м. авв. XIII–XII асрлар) ва ундан кейин ҳам, мил. авв. 1004 йилда Довуд пайғамбар томонидан Исройл давлати ташкил қылингунга қадар яхудийларниң доимий ибодатхоналари бўлмаган. Улар Мусодан қолган ўн ўтилган варақларни маҳсус сандиқда сақлаганилар. Сандиқ яхудийлар қаерга кўчиб ўтишса, ўша ерда ташкил этилган «скиния» деб аталмиш муваққат кўчма ибодатхонада турган.

Худога содиқлик гояси қурбонликлар қилиш, муқаддас ўтиларга риоя қилиши, намоз ва ўғил болаларни суннат қилиш орқали намойиш этилган. Довуд даврида сандиқ Иеруссалимда сақланган. Милоддан аввалги 945 йилда Довуднинг ўғли Сулаймон пайғамбар томонидан Иеруссалимда маҳбобатли шоҳ саройи ва биринчи ибодатхона курилди. Шундан сўнг Иеруссалим яхудийларниң муқаддас шаҳрига айланди.

Яхудий ҳалқи ўз давлатчилиги тарихида бир неча марта оммавий қувгинга учраган. Биринчи марта м. авв. 722 йилда ассирийлар томонидан Исройл давлати забт этилган ва яхудийларниң қувгини бошланган. Кейинроқ, м. авв. 586 йилда мамлакат бобиллик Навуходоносор томонидан босиб олингач, бу жараён янада тезлашади. Шу тариқа яхудийларниң муҳожираликдаги жамоалари пайдо бўла бошлади. Шундай жамоаларнинг энг каттаси Бобилда эди. Диншуносларнинг фикрича, худди шу юртда яхудийлар зардуштийлар эътиқоди билан танишиб, ўз динларига фаришталар, шайтон ва нариги дунё ҳамда рухнинг ўлмаслиги ҳақидаги таълимотларни киритгандар.

Эрон подшоҳи Кир ўз ҳукмронлиги даврида (м. авв. V асрда) Таврот қонунларига бўйсунувчи яхудий давлатини қайта тиклаб, Иеруссалимдаги вайрон этилган ибодатхонани таъмирлаб берди. Ушбу ибодатхона яхудийлар тарихида Иккинчи ибодатхона номи билан машхур.

Бу ибодатхона ҳам Рим босқинчилари томонидан эрамизнинг 70-йилида бузуб ташланди ва яхудийлар оммавий қувгин остига олини. Натижада бაъзи яхудийлар Рим босқинчиларига қарши курашга отландилар. Кураш жараёнида ҳалқ ичидаги бўлинин юз берид, бир неча диний-сиёсий фирмалар пайдо бўлади.

Масалан, **содикийлар** Иеруссалим ибодатхонасини ҳимоя қилиш, Тавротнинг асрий анъаналарини сақлаб қолиш мақсадида римликлар билан муроса қилишга чакирдилар. Форисийлар инсон ўлгандан сўнг тирилишига имон келтирган, руҳнинг ўлмаслиги ва Халоскорниң осмондан тушишига ишонган, Муқаддас китобни турлича талқин қилишга мойил фирмә бўлиб, уларнинг бир қисми римликларга нисбатан муросасиз, баъзилари эса бетараф қолдилар. Ессеилар жамиятдан узлатни афзал биладиган фирмә бўлиб, форисийлар каби эътиқодга эга бўлсалар ҳам Рим босқинчиларига нисбатан муросасиз эдилар. Бу даврда халқ ичида кенг тарқалган фирмәлардан бири золотлар эди. Улар, ўзлари каби қарашларга эга бўлган яна бир фирмә – сикарийлар билан бирга Рим империясига қарши ҳаёт-мамот урушини эълон қилдилар. Улар шу билан бирга, ибодатхона ходимлари ва бой яхудийларни ватанфурӯшилик ва муросасозлиқда айблаб, уларга ҳам қарши чиқдилар.

Синагога*

Яхудийларнинг 66–77-йиллардаги урушда енгилиши, 115–117-йилларда Ўрта Ер денгизи ҳавзаси мамлакатларида яшовчи яхудийларнинг римликларга қарши чиқишилари бостирилгач, айниқса, 135 йилдаги Бор-Коҳбу исёнидан сўнг яхудийларни Фаластиндан оммавий қувгин қилиш авжга чиқди. Бу ҳол яхудийларнинг дунё бўйлаб тарқалиб кетишига сабаб бўлди. Шу тариқа Иеруссалим ибодатхонасидан анча узоқлашиб кетган яхудийлар учун синагога асосий ибодатгоҳ бўлғигина қолмай, балки жамоа йигинлари ўтказиладиган, муҳим сиёсий ва фуқаровий-ҳуқуқий масалалар ечиладиган ўзига хос марказга айланиб борди.

Шундай шароитда руҳонийлар ўрнини дин олимлари эгалладилар. Тавротни шарҳлаш ва тафсир қилишга иқтидори тан олинган олимлар сони кўпая бошлади. Яхудийларнинг Бобидаги нуфузли жамоаси ичида Ёзма ва Оғзаки диний қонунларни тафсир қилувчи олимлар раввин (ибронийча «буюк, улуғ» маъносини беради) деб аталди. Улар Таврот тафсири устида узоқ иш олиб бордилар. Натижада муқаддас китоблар асосида яхудийларнинг кундалик ҳаёт тарзини тартибга солувчи, замонга мослаштирилган ҳуқуқий қоидалар мажмуаси ишлаб чиқилди. Ушбу тўплам Мишна (Такрорлаш) номи билан машҳур бўлди. Унинг таркибига Галаҳа номи остида меъёрий актлар тўплами ва Аггада (Нақллар) деб номланган диний анъаналарни тушунтириб берувчи ривоят ва нақллар тўплами киритилди. У Фаластин раввиини Яхудо Носий (Иегудай) (II асрнинг охири – III асрнинг боши) томонидан яратилди.

IV–V асрларда яхудий муфассирлари янада янги ҳуқуқий низомлар ишлаб чиқиб, уларнинг тўпламини Гемара (Хотима) деб номладилар. Гемара Мишна билан биргаликда Талмуд (Таълимот) деб аталди. Хуллас, замонлар ўтар экан, тарқоқ халқнинг тарихий тараққиёти турлича кечиб, ҳамиша жўғрофий, сиёсий

мухит ва шароитларга мослашиб бориш жараёни диний қарашларга таъсир қилди, миллий биқиқлик дин асосларини баҳолашда кўплаб бир-бирига зид талқинларнинг ишлаб чиқилишига сабаб бўлди. Рабби Симлай (III аср) диний мактабининг намояндалари ёзиб қолдирисича, яхудийликнинг б13 та ақидаси бўлган. Ўрта асрларда Фостат шаҳридан (ҳозирги кўхна Қоҳира) бўлган раввин, лотин манбаларида Маймоний номи билан машҳур яхудий олими Моше бин Маймон-Рамбам (1135–1204) яхудийлик дини асосларини фалсафий таҳдил этиш билан Имом Газзолий қаторида буюк илоҳиётчилар қаторидан ўрин олди.

Синагоганинг ибодатлар амалга ошириладиган қисми бўлган супа Иерусалим шаҳри йўналишида жойлаштирилган. Яхудийлар шу муқаддас шаҳар томонга юзланиб ибодат қилиши шарт. Супанинг юқори қисмида меҳроб мавжуд бўлиб, Арка деб аталади. Аслида у қадимги иврит тилидаги Арон Кадеш, яъни «муқаддас бурчак» маъносини англатувчи иборанинг бузилган шаклидир. Меҳробда Тавротнинг қўлёзма нусхаси сақланади. Меҳробнинг эшиги ва ички пардаси (Парохет) Иерусалимдаги Ибодатгоҳ эшиги ва ички пардаси тимсоли ҳисобланади. Меҳробнинг юқорироқ қисмида Абадий машъала (нер тамиқ) деб аталмиш чироқ ўрнатилган. Ушбу чироқ қадимда Табернаклда Аҳд меҳробини қоплаб турган парданни ёритган машъала рамзидир.

ЯХУДИЙЛАРНИНГ БАЙРАМ ВА МАРОСИМЛАРИ

Шанба куни яхудийлар учун муқаддас кун ҳисобланади. Чунки Шаббуют, яъни шанба кунида Худо оламни яратиш ишини тутатиб, дам олишга ўтирган экан. Шунинг учун шанба куни яхудийларнинг ишлаши мумкин эмас. Тавротда айтилишича, олам б кунда яратилди, еттинчи куни Худо дам олди ва унинг шарафига шанба куни байрам деб эълон қилинди.

Шанба кунларида олов ёқиши мумкин эмас. Табиийки овқат ҳам пиширилмайди. Анъанавий шанба ибодатлари жума куни тушдан кейин бошланади. Кундузи азиз меҳмон келадигандек тайёргарлик кўрилади. Ювиниб, тоза ва оппоқ кийимлар кийган ҳолда кун ботиши интизорлик билан кутилади. Яхудийларнинг таомилига кўра кун ботиши билан кейинги кун бошланади. Кун ботишига 18 дақиқа қолганда дастурхон устидаги шамлар ёқилиб, дуо ўқилади. Дуо «зачор» (шаббот кунининг муқаддаслигини унугмаслик ҳақида) ва «шамор» (шаббот куни маросими қоидаларига қатъий амал қилмоқлик ҳақида) дуолари деб аталади. Дуо уйдаги энг табаррук, ёши улуғ аёл томонидан ўқилиб, иккита шам ёқиласди. Шундан сўнг бутун оила ибодатгоҳа бориб, 45 дақиқалик маросимда қатнашади. Ибодатдан сўнг, уйда ёки синагогада ўтказилишидан қатъи назар, барча ўтириб, шанба куни ҳаққига дуо ўқийди. Ибодатгоҳдан қайтгач, дастурхон атрофида ўтириб кечки тамаддини бошлайдилар. Аввал, анъанага мувофиқ ота-оналар болалари ҳаққига дуолар қиладилар. Кейин, хонадон эркаги дастурхондаги вино ҳаққига, сўнг дастурхондаги тухум қориб

пиширилган ширин кулчанинг (чалла) икки кичик бўлакчасига багишланган дуоларни ўқиди. Шундан сўнг барча ўтирганлар таомга қўл чўзадилар.

Хуллас, шанба куни ҳамма дам олади. Кунни фақат сұхбатлар, учрашувлар билан ўтказадилар.

Яхудийларнинг байрамлари кўп ва ҳар бири ўзига хос. Асосийси, янги йил – «Рош-ха-шана» икки қисмдан иборат. Янги йилнинг дастлабки кунлари «Йамим-нораим» деб аталади. Бунинг маъноси – «рўза кунлари»дир. Ўн кун давом этиб, Йом-кипур байрами билан тугайди (тавба қилиш ва Худо марҳаматига эришиш куни). Яхудийларнинг ақидаси бўйича, «Рош-ха-шана» кунларида Худонинг бутун борлиқ, жумладан, инсоният ва ҳар бир инсон устидан ўтказиб борадиган йиллик ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилар экан. Инсонларга 10 кун мұхлат берилган бўлиб, шунинг ичида у ўз аъмолларини ақл тарозисида тортиб, тавба қилиши керак. Йом-кипур кунидан кейингина Илохий қарор қабул қилинади ва инсоннинг кейинги йилдаги тақдири ҳал қилинади.

ЎРТА ОСИЁДА ЯХУДИЙЛИК

Бобил Эрон подшоҳи Кир II томонидан фатҳ этилгач, яхудийларнинг анча қисми мұхожирлиқдан Канъонга қайтиб, подшоҳнинг розилиги билан иккинчи марта ўз давлатларини қайта тиклашга эришдилар. Олимларнинг фикрича, мұхожирлиқда қолган қисми, Кир салтанати даврида бутун империя ҳудудида эркин ҳаракат қилиши имкониятидан фойдаланиб, шарққа, хусусан, Ўрта Осиёга кўчib ўтган бўлишлари эҳтимолдан холи эмас.

Ўрта Осиё яхудийлари ҳақида Эрон яхудийларига нисбатан маълумотлар анча кам. Шундай бўлса ҳам, яхудийлар Ўрта Осиёнинг исломлаштирилишидан олдинги даврда ҳам бу минтақада яшаганлиги ҳақида айрим маълумотлар бизгача етиб келган. Рус археологи С.Толстов Ўрта Осиёнинг шимолий қисми – Хоразмда 1937–47-йилларда ўтказган тадқиқотлари натижасида яхудийлар исломнинг келишидан олдин ҳам Хоразмда яшаганлар деган хulosага келган. Демак, яхудийлар ва уларнинг дини, Ўрта Осиё ҳалқлари учун гайритабиий ҳол бўлмаган. Яхудийлик ўрта асрлар Европасида, Византия империясида аёвсиз сиқувга олиниб, қувғин қилинганда Ўрта Осиёда барча бошқа динлар каби тенг ҳукуққа эга эди. Илк синагога Бухорода VIII асрда қурилган. XII асргача яхудийлар ахолининг ҳимоя қилинувчи қатлами – зиммийлар деб аталиб, уларга алоҳида маҳаллалар қуриб, ўз жамоалари билан тинч-осуда яшашга шароит яратиб келинган. Уларга ўз ораларидан диний раҳнамо сайлашга руҳсат берилган бўлиб, унинг номзодини маҳаллий ҳокимият тасдиқлаб берган. Албатта, чекловлар ҳам бўлган. Жумладан, уларнинг кийимларида ажратувчи белгилари – сариқ рангдаги мато парчаси бўлган. Курол олиб юриш ва от миниш тақиқланган. Яхудийларга савдо ва табиблик билан шуғулланишда ҳеч ким монелик кўрсатмаган, балки улар билан ҳамкорлик қилинган. Саёҳатчи Бенямин

Тудельский ўз кундаликларида ёзиб қолдиришича, 1170 йилда Самарқандда 50000 яхдий яшар экан. Жамоа бошлигининг номи Рабби Ободяҳ эканлиги саёчатчи томонидан қайд этилган.

Амир Темур даврида ҳам яхдийлар ўзларига нисбатан бирор бир хавф сезмаганлар. Чунки Амир Темур фанатизм ва мутаассиблиқдан жуда узоқ инсон эди.

XVI асрда сафавийлар хукмронлиги даврида Эронда яхдийлар қирғин қилинганды үларнинг кўпчилиги Ўрта Осиёда паноҳ топган. Ўрта Осиёда яхдийларнинг узоқ даврлар давомида тинч-тотув яшаши ва бу ерларга боғланиб қолиши яхдийлар тарихида «бухоро яхдийлари» этник қатламини вужудга келтириди. Уларни гарбда «монголоид яхдийлар» деб атасади.

Ўрта Осиё Чор Россияси томонидан босиб олингач, Россиянинг Европа қисмидан кўплаб яхдийлар Ўзбекистонга кўчиб ўтишган. Улар асосан, савдогарлар бўлиб, тијкорат мақсадларида кўчиб келганлар. Темир йўлнинг Ўрта Осиёга кириб келиши ва иккинчи томондан, русларнинг яхдий жамоаларига нисбатан ижобий муносабати кўплаб маҳаллий яхдийларнинг Иерусалимга қайтиши билан боғлиқ орзуларини амалга оширишга ёрдам берди.

Яхдийларнинг Ўзбекистонга кўчиб келиш жараёни Иккинчи жаҳон уруши даврида янгиланди. Ўша йиллар Россия, Молдавия, Украина ва Белоруссиядан деярли 180 минг яхдий Ўзбекистонда бошпана топди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда таҳминан 15–20 минг яхдий истиқомат қиласди. Улар, асосан Бухоро, Самарқанд ва Тошкент каби ийрик шаҳарларда яшайдилар ва ўзаро тожик ва рус тилларида гаплашадилар.

1.6. Ҳинд ВЕДА АДАБИЁТЛАРИ ТАЪЛИМОТИ

Ҳиндистонликларнинг дини ўзининг кўп мингийллик тараққиёти давомида бир неча бор такомиллапиб, номи ҳам ўзгариб борган. Дастав, унинг номи Варнашрама – «табақалар йигилган жой» маъносини англатган. Кейинчалик жамиятда юз берган ижтимоий-сиёсий тараққиёт ва интеллектуал салоҳиятнинг ўсиши маросимчилик ва қурбонликлар қилиш билан чекланиб қолган диний тизимнинг ислоҳ қилинишига олиб келди. Бу давр веда адабиётларидағи илоҳиёт масалаларининг кенг ўрганилиши билан аҳамиятлидир. Шунинг учун ҳам бу босқич браҳманизм босқичи деб аталди.

IV–VI асрларда браҳманизм бағридан бхакти йўналиши ўсиб чиқди. Шу даврдан ҳиндларнинг дини ҳиндуийлик дини сифатида фанда қатъийлашди. Ҳиндуийлик буддийликни тўла-тўқис Ҳиндистон миңтақасидан сиқиб чиқарди. Кейинчалик кириб келган ислом дини ҳам у билан муроса қилишга мажбур бўлди. Ҳиндуийлик бу динларга нисбатан эгиувчанлик ва бағрикенглик мавқесидан ёндашди. Уларнинг анъаналарини, урф-одатларини, илоҳларини ўзининг қадим маданияти сифатида ўзлаштириди. Бу оқим браҳманликдан

фарқыл равища Худога чексиз мұхаббат орқали Ҳақиқаттаға эришиш амалға ошади, деган ақидан илгари суради. Бхактилар бүйічі, Худо бандасининг әхтиросли ишқи ва мұхаббатига жавобан саодатлы ҳаёт билан таъминлады, қийинчиликлардан асрайди, ажал қайғусидан хотиржам қиласы. «Бхакти» йұналиштіннің ривожи Ҳинд дінінде ибодатхоналарнинг ҳисобсиз равища күпайишига сабаб бўлди. Ибодатхоналарда мунтазам равища диний маросимлар ўтказиш расм бўлди. Бундай тизимли ибодат тарзи веда таълимотида назарда тутилмаган эди. Ибодатхоналар зиёрат ва сиғиниш марказларига айланди. Ибодатхоналар тушган садақалар ҳисобидан мустақил иш юритадиган, ўзининг бօғ-роғларига ва полизига эга хўжаликка айланди.

Бугунги Ҳиндистоннинг қарийб 83% аҳолиси шу динга эътиқод қиласы. Шунингдек, у Непал, Покистон, Шри-Ланка, Бангладеш ва Индонезияда ҳам учрайди.

Ригведа гимнларининг бирида Илк одамнинг қурбонлик қилиниши билан бөглиқ афсонада қурбонлик қилинган Илк Одамнинг аъзоларидан одамзод вужудга келтирилганилиги баён этилади. Эмишки, илк Одамнинг оғзидан браҳманлар, қўлларидан кшатрийлар, сонидан вайшпийлар, оёғидан шудралар деб номланган ижтимоий тоифалар вужудга келган. Мазкур бўлиниш ҳиндларнинг ижтимоий даражаларини белгилайдиган асосий кўрсаткич ҳисобланади. Шунга биноан, браҳманлар жамиятдаги олий табақа бўлиб, коҳинлар жамоасидан иборат эди. Кшатрийларга ҳукмдорлар, аслзодалар ва ҳарбийлар киради. Савдогарлар, дечқонлар ва чорвадорлар вайшпийлар табақасини ташкил қиласы. Жамиятнинг энг паст, оми табақаси шудрийлар деб аталган.

Браҳманлар диний ҳаётни бошқарип борувчи коҳинлар табақасидир. Улар ведалар бўйича иш юритишар, жамиятнинг олий табақаси ҳисобланар эдилар.

Бундай табақаланиш оламдаги даражалар – осмон, ҳаво, ер ва илоҳларнинг иерархияси каби тушунчалардан келиб чиқкан.

Ҳиндуйликка кўра, инсон руҳи ўлмайди. У инсон ўлгандан сўнг тугилаётган болага кўчади. Инсоннинг ижтимоий кастанинг қайси бирига мансуб бўлишини олдинги ҳаётдаги қилимиш-аъмоли патижаси белгилайди. Бу «Карма» дейилади. Агар инсон ўзи мансуб каста доирасида эзгу ишлардан қочса ва маънавий камолатга интилмаса, унинг кармаси инсон руҳининг илоҳлар макомига кўтарилиш жараёнини янада кечиктиради. Илоҳлар макомига эришиш – ҳар бир ҳиндунинг сўнмас орзуви.

Танадан танага ўтаверган сари инсон руҳи ўз кармасини тузатиб боравериши, ахлоқан такомиллашиб бориши ва охир-оқибатда браҳманлар табақасида тугилиши лозим. Браҳман оиласида тугилса, илоҳларга деярли яқин даражада яшайди. Ўлимидан сўнг қайта тугилмайди ва у осмонда илоҳлар маконидан ўрин олади.

Браҳманлар фақатгина қурбонлик маросимига башчилик қиласынан
коғын бўлиб қолмасдан, ҳалқнинг етакчиси ва ҳукмдор ҳузуридаги асосий
маслаҳатчи ҳам эдилар. Уларнинг зиммасига илм-фан ва санъатга ҳомийлик
қилиш, қозилик вазифалари юклатилган эди. Улар илмли, покдоман, юксак
маънавиятли, комил инсонлар бўлиши лозим. Уларга мулк йигиш, қурбонликка
аталган ҳайвонларнинг гўшидан бошқа гўшт маҳсулотларини истеъмол қилиш
мумкин эмас. Улар муқаддас ҳисобланардилар. Браҳманнинг сўзи қолганлар
учун қонун бўлиб, ҳатто ҳукмдорлар учун вожиб саналарди. Ҳалқ башига кулфат
тушганда, улар балони даф қилишга қодир, касаллик тарқалганда уларнинг
дуоси билан оғат қайтирилади. Ёки, аксинча, уларнинг қарғиши ўлим ва кулфат
келириши мумкин.

Кшатрийлар асосини жангчи ҳарбийлар ташкил этади.

Вайшийлар деб аталувчи учинчи табақа дәхқонлар, тожирлар ва
қунармандлардан иборат. Дәхқончилик ўзга меҳнат турлари ичидаги энг
улуғи ҳисобланади.

Тўртинчи табақа – шудралар юқорида санаб ўтилган тоифаларга кир-
майдиган аҳолидан иборат. Уларнинг тайинли касби йўқ. Тирикчилик учун
тўғри келган ишни қилиб кетаверадиган тоифадир. Савдо ёки ҳунармандлилик
билан шугуулланадиган шудралар энг омади чопган ҳисобланади. Шунингдек,
шудралар ичидан ўз умрини браҳман хизматига багишлиганлари жамиятда
муайян илиқ муносабатга сазовордирлар. Вайшийлар ва шудралар ҳарбий
хизматни ўтамайдилар. Шудралар ичидаги парий деб аталувчи тоифа мавжуд. Улар
жамият томонидан четта суриб қўйилган, жирканч тоифа деб қабул қилинган
инсонлардир. Шу боис парийлар ҳеч кимга қўшила олмайдилар, ўзлари тўп-тўп
бўлиб, автоном кун кечирадилар.

Турли ижтимоий касбларга мансуб инсонларнинг оила қуриши, гарчи,
қонунга зид бўлса-да, бироқ юқори кастага мансуб кишининг кўйи кастадаги
аёлга уйланиши қаттиқ қораланади.

Ҳиндуийликнинг муқаддас китоблари веда адабиётлари (санскрит
тилида «веда» – билим, маърифат деган маъненинг англашади). Веда адабиётлари
бир пайтда яратилмаган. Улар қадимий ҳинҷ фалсафий тафаккури тараққиёти
босқичларида китоб-тўпламлар ҳолида жамлаб борилган. Ҳиндуийлар бу китоб-
лар Кришна сўзларига асосланиши ва шу жиҳатдан инсоният цивилизацияси
ҳақидағи ҳақиқат ифода этилган илоҳий китоблардир деб ҳисоблайдилар. Веда
адабиётлари тўрт босқичда тугал даражага етган. Биринчи босқичда тўртта
адабиёт яратилган. Булар қўйидағича номланадилар:

Ригведа (мадхиялар ведаси).

Яжурведа (қурбонликлар ҳақида).

Самаведа (қўшиқлар).

Атхарваведа (дуолар тўплами).

Ригведа оламнинг яратилиши, Олтин тухумдан яратилиш ибтидоси, Пуруша номли биринчи одам, илоҳдар ва уларнинг олами, Браҳма, Вишну ва Шива каби кўринишиларга эга буюк Тангри ҳақиқидаги бадий юксак шаклда ифодаланган назмий мурожаатлар, мадҳиялар, қасидалар ва алқов-кўшиқлардан иборат.

Веда адабиёти ҳинд фалсафаси асосида тартиб берилган диний муножотлар, афсоналар, панд-насиҳатлар, тарихий қиссалар ва диний маросимда қўлланиладиган дуо тўпламларидан иборатdir. Ведаларнинг дастлабкиси Ригведа деб аталиб, у илк илоҳий китобдир. Уни 5000 йил олдин ер юзига тушган Худо Кришна баён этган экан. Ҳинд донишманди Ведавъяса томонидан ёзиб қолдирилган ушбу ҳақиқатлар ўн бўйимдан иборат 1028 та қўшиқда ифодаланган.

Ригведа юксак бадииятга йўғрилган муножотлар, илоҳлар – Агни, Индра, Митра, Варуна, Сома, Ушас ва бошқаларга бағишлиланган ҳамду санолар, кўшиқлар воситасида оламнинг яратилиши, Олтин тухум қиссаси, Одам Ато – Пуруша қиссаси, илоҳлар олами ҳақида ҳикоя қиласди.

Олий илоҳ уч – Браҳма, Вишну ва Шива худолари кўринишига эга. У ер аҳолиси ҳаёти учун хавфли ҳолатлар юзага келганда, Кришна исмли илоҳ қиёфасида ер юзига тушади ва ҳалқа йўл кўрсатади.

Ригведадан кейин пайдо бўлган иккичи муқаддас тўплам «Яжурведа» деб аталади. У яратилган даврларда ҳиндулар Панжоб атрофидан Гангда дарёсининг Шарқий соҳили бўйлаб катта ҳудудни ўз тасарруфларига ўтказган эдилар. Ҳиндлар энди чорвадорликдан ташқари дехқончиликни ҳам ўзлаштириб, ўтроқ ҳалқа айландилар. Эътиқоднинг қарашларида касталар ҳақиқидаги таълимот бош ўринга чиқди. Руҳнинг кўчиши (таносух) ҳақиқидаги қарашлар инсоннинг маънавий-ахлоқий камолоти билан боялиқ равишда ҳиндларнинг ижтимоий ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлди. Яжурведа шеърий ва насрый матнлардан иборат бўлиб, коҳин томонидан ўқиладиган дуолар, диний маросимлар моҳиятига оид изоҳлар, уларни ўтказиш тартиблари, коҳинларга тиљсимларни ечиш бўйича йўл-йўриқлар, турли афсоналар тўплантган. Ундаги шарҳлар насрый усууда ёзилган бўлиб Авесто матнлари каби қадимий ҳинд адабиётининг ноёб намуналариdir.

Яжурведанинг тили Ригведанини каби санскритdir. Китобдан жой олган афсоналар ҳам Ригведадан олинган, бироқ айрим муҳим жиҳатлари Яжурведада ўзгача талқин этилади. Масалан, Вишну ва Шива бош Худолар сафидан чиқарилган, ибодат ва маросимларга катта аҳамият берилади. Рамзларга бой мистик – фалсафий мушоҳадалар тизими ривожлантирилган. Яжурведада афсоналар шеърий достонлар кўринишида берилган бўлиб, улар кейинчалик пурон-достонларда янада кенгайтирилган.

«Самаведа» ҳиндларнинг учинчи муқаддас китобидир. Самаведанинг асл маъноси «Оҳанг маърифати» демакдир. Ҳиндларнинг тўрттинчи китоби

«Атхарваведа» бўлиб, «Коҳинлар маърифати» маъносини беради. У коҳинлар учун қўлланма вазифасини ўтайди ва асосан, ёвуз руҳлар, йиртқич ҳайвонлардан сақланиш, ғанимларнинг афсунларидан сақлагувчи дуоларни ўз ичига олади. Ушбу дуоларнинг ибодат ва маросимларга алоқаси йўқ. Шунинг учун у муқаддас китоб санаалмайди. Атхарваведа 20 китобдан иборат. Уларда 160 дан зиёд кўшиқ бўлиб, 6000 шеърни ташкил қиласди.

Кўриб ўтилган тўрт манба – Ригведа, Яжурведа, Самаведа ва Атхарваведа веда адабиётлари тараққиётидаги биринчи босқич адабиётлари сирасига киради. Веда адабиётларининг иккинчи босқичи Браҳман адабиётларининг яратилиши билан боғлиқ. Браҳман адабиётлари маросим матнларидан ташкил топган. Ушбу адабиётларда браҳман олимларнинг даврлар ўтиши мобайнида тушунарсиз бўлиб қолган маросимларнинг багишланган шарҳлари акс этган.

Веда адабиётлари тараққиётидаги учинчи босқич адабиётларини зоҳидлик ҳаёт тарзи ҳақидаги адабиётлар ташкил этади. Ушбу адабиётларда ҳиндуйлик фалсафаси кенг ёритилган бўлиб, асос-эътибори билан браҳман адабиётларининг ўрнини эгаллади. Бу манбалар «Араняк» (ўрмонда яшовчи зоҳидлар учун қўлланма) ва «Сутра» (Ҳинд фалсафаси моҳиятини очиб берувчи ҳикматлар тўплами) деб аталади.

Веда адабиётлари тараққиётида тўртинчи ва энг охирги босқич Упанишад адабиётлари босқичи деб аталади. Бу адабиётлар пир-мурид суҳбатлари шаклида яратилган бўлиб, илоҳиёт масалалари, Мутлақ борлиқ аталмиш қиёфасиз Бош яратувчи ҳақидаги фалсафа моҳияти ҳақидадир.

Веда адабиётлари икки синфга бўлинади. Юқорида зикр этилган барча адабиётлар «Шрути» маънолари дейилади. Шрутининг сўзма-сўз таржимаси «Эшитилган» маъносини ифодалайди. Худо Кришнадан Эштилган деган мазмунни берувчи «Шрути» бизнинг тушунчамиздаги «ваҳий» истилоҳига тўғри келади. Шрути манбаларида Коинот қонуниятлари, тақдир, билиш назарияси, эзгулик ва ёвузлик манбалари, нафси енгиш йўллари, яккахудолик ва кўпхудолик ҳақидаги қарашларга доир теологик масалалар атрофлича кўриб чиқилади.

Веда адабиётларининг иккинчи синфи «Смрити» манбалар деб аталади. Смрити шрutiга асосланган, бироқ яратиш даври жиҳатдан ундан кейинги даврларга тааллуқлидир. «Смрити» истилоҳининг таржимаси «ёд олинган» маъносини беради.

Смрити манбаларига «Махобхорат» ва «Рамаяна» каби эпик достонлари, ибратли хулқ-автор ҳақидаги қонуллар мажмуаси бўлган «Ману қонуллари» (Ману дхарма-шастра) тўплами ва турли тарихий-фалсафий қиссалар киради.

«Бхагавад-гита» ҳиндуйлик таълимотида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бхагавад-гита Махобхорат таркибидағи асар ҳисобланиб, Кришна ва Аржуна (эпик қаҳрамонлардан бири) ўргасидаги суҳбат тарзида ёзилган. «Бхагавад-

гита»да веда фалсафаси моҳияти ифодалантган бўлиб, кейинги даврларда Ҳиндистонда учраган барча диний оқимларининг муқаддас китобига айланди.

Ведалар энг обрўли китоблар эди. Бироқ уларни тушуниш зиёли коҳинларнинг энг ўқимишли олимларигагина мусассар бўлар эди. Ҳатто браҳманлар ҳам уни янги таълимотлар руҳидага тафсир қиласар эдилар. Бу китоблардан фарқли ўлароқ, эпик асарлар, пуронлар ва дхарма матнлари бутун ҳинд ҳалқига, кенг жамоатчиликка, ҳатто аёлларга ҳам тушунарли эди.

УПАНИШАДЛАР

Эрадан авв. VIII–IV асрлар Упанишадлар даври ҳисобланади. Улар браҳманлик тизимига таркибий қисм сифатида кириб, диний-фалсафий тафаккурдаги тараққиётни юқори босқичга кўтарди. Упанишадлар икки юздан ортиқ бўлиб, узоқ вақт давомида яратилган. Ведалардан фарқли равишда Упанишадларда ибодат маросимлари қисқартирилган, асотир эса фалсафий мушоҳадалар учун калит вазифасини ўтайди.

Аслида, «Упанишад» устознинг (пирнинг) шогирда тарбиялаш жараёнини билдиради. Бироқ аста-секин у тарбия жараёнинда бериб борилаётган сабоқлар моҳиятини ифодаловчи фалсафий матнга нисбатан кўллана бошлаган. Шу жиҳатлари билан Упанишад Платон сұхбатлари тарзига ўхшаб кетади. Упанишаднинг асосий мавзуларидан бири туғилиш ва ўлим ўртасидаги мангу дарбадарлик гояси дид. Бу гарбда реинкарнация деб аталади ва мавжудотлар ўлгандан сўнг руҳларининг бир танадан иккинчи танага ўтиб ҳаётни мангу давом эттириш таълимотидир. Мангу қайтарилиб борадиган бу цикл *сансара* дейилади. Айнан шу жараёнда инсон энг бирламчи моҳиятини қайта касб этади (*атман*). Упанишаднинг кейинги асосий гояси худо Браҳман ва Атман айнан бирдир деб билишидир. Инсон охир-оқибат ўзининг бирламчи илоҳий моҳиятини эгаллайди. Бунга инсон машқ ва риёзат орқали эришиди. Бу дараҷага эришиш зоҳидона ҳаёт кечиришни талаб қиласи. Шу жиҳатдан Упанишад файласуфларининг асосий мақсади таркидунёчилик, зуҳдни тарғиб этишдир. Уларнинг фикрича, Ҳақиқат «ташқарида» эмас, балки инсон ичиладир. Инсон «ўзлигини» топишни ўрганиши зарур. Илоҳият борасида кўп нарсаларни ўқиб, ўрганиш мумкин, аммо уни эгаллаш ниҳоятда мушкул. Уни фақат метин ирода ва риёзат билан қўлга киритиш мумкин.

Упанишадларда Ригведадаги айрим тасаввурлар янада ривожлантирилган. Масалан, тақводорлар ўлимдан кейинги ҳаётга икки йўл орқали кирадилар: бири **илоҳлар йўли** бўлиб, ирфоний билимларни эгаллаш орқали Ҳақиқатга этишган одам Браҳма оламига-фароғат оламига кўчиб ўтади ва у ердан ортга қайтиш йўқ. Иккincinnisi эса, **ота-боболар йўли бўлиб**, бу йўл муттасил ибодат билан шугуулланган, аммо ўз билимида чегараланиб қолганлар йўлидир. Улар

Браҳма оламига бориб, айрим ўзгаришларга учрайдилар, сўнг яна бу оламга қайтадилар(сансара).

IV–VI асрларда браҳманларнинг ведага асосланган маросимлари, иккинчи томондан буддавийларнинг мавхум ақиий-мантиқий тафаккури ўзаро таъсирга киришиб, хиндуийлиқда янги оқим – бхакти йўналишининг пайдо бўлишига олиб келди. Бу оқим Ҳақиқатга эришиш Худога чексиз муҳаббат орқали амалга ошади деган ақидани илгари сурди. Бхактийлар бўйича, Худо бандасининг эҳтиросли ишқи ва муҳаббатига жавобан уларни саодатли ҳаёт билан таъминлади, қийинчилклардан асрайди, ажал қайғусидан хотиржам қиласди. «Бхактий» йўналишининг ривожи Ҳинд диёрида ибодатхоналарнинг ҳисобсиз равишда кўпайишига сабаб бўлди. Ибодатхоналарда мунтазам равишда диний маросимлар ўтказиш расм бўлди. Бундай тизимли ибодат тарзи веда таълимотида назарда тутилмаган эди. Ибодатхоналар зиёрат ва сигиниш марказларига айланди. Ибодатхоналар тушган садақалар ҳисобидан мустакил иш юритадиган, ўзининг бօғ-роғларига ва полизига эга хўжаликка айланди.

Веда адабиётларига кўра, бизнинг Коинотимиздан ташқарида ўз сайёralари ва юлдузларига эга яна кўплаб бошқа коинотлар ҳам мавжуд. Бу худди сабаблар океанида сузиб юрган кўпикларга ўхшайди. Ушбу коинотларнинг барчаси моддий оламга тегишилди. Ундан ташқарида руҳоний олам мавжуд бўлиб, моддий оламдан камида уч баравар каттадир.

Веда маърифати асослари руҳ танадан алоҳида нарса эканлиги ва улар бирбиридан фарқ қилиши ҳақидаги тушунчадан билинади. Руҳ ва тана ўртасидаги фарқни, уларнинг фаолиятини (Кшетра) ва ўзаро муносабатини мантиқан тушунтириб берувчисиз веда маърифатига эришиш мушкул. Пир-устоз воситасида маърифатни эгаллаш асосий шартларданadir. Веда адабиётларида руҳ (жон) жива деб аталади. Айрим манбаларда живатма, яъни «Тирик жонзот» деб ҳам кўрсатилган. Бундай дейилишига сабаб, инсон руҳи (жони) ҳайвонлар ёки ўсимликлар жонидан фарқ қилмаслигини таъкидаш бўлган бўлса керак.

Руҳнинг бош сифати – бӯ, абадийлик (сат), илм (чит) ва сокинлик (ананда).•

Руҳ Абадий дейилганда руҳ тугилмаган ва ҳеч қаҷон ўлмайди, деган ақида тушунилади. Бхагавад – гитада (2:12) ёзилишича Кришна шундай дейди: «Мен ёки сен, барча шоҳларнинг бўлмаган пайтнинг ўзи бўлмаган. Ва ҳеч қаҷон биронтамиз ҳам йўқ бўлиб кетмаймиз». Маърифат дегани ўзи руҳий борлигингни таниш демакдир.

Тана руҳдан фарқи равишда фонийдир. У түғилади, ўсади, қарийди ва ўлади. Тана жоҳиллик, билимсизлик ва нафс билан тўлиб-тошган. Руҳ танага кирад экан, зикр этилган тана иллатлари билан булғанади ва асл ҳолатидан узоқлашади. Шу тариқа тана руҳ учун азоб-уқубат манбасига айланади. Моддий тана саккиз унсурдан иборат: тупроқ, сув, олов, ҳаво, эфир, ақл, тафаккур ва нафс (БГ, 7.4.).

Дастлабки беш элемент тирик жонзотнинг дагал танасига дахлдордир. Қолган учтаси, яъни ақа, тафаккур ва нафс жонзотнинг нозик танаси деб ҳисобланади.

Веда таълимоти бўйича, ўлим пайти нозик танага бурканган руҳ дагал танани тарк этади. Муайян вақт ичидан нозик танага эга руҳ ота уруги орқали она бачадонида жойлашади ва янги танани шакллантиради. Янги тананинг ҳаёти қандай бўлиши ўлим олдидан руҳнинг нозик танаси, айниқса, ақл ва тафаккурнинг қандай тамойилларга суюнган ҳолатда бўлишига боғлиқдир. Кришна шундай дейди: Инсон ўлаётib қандай камолот даражасида бўлса, у албатта ўша даражадаги камолот билан кейинги ҳаётини бошлайди (БГ, 8.6.).

Шундай қилиб, руҳнинг инсон танасидаги фаолияти кейинги ҳаёти йўналишига сабаб бўлади. Ушбу фаолият ёки бошқача айтганда, хулқатвор «Карма» дейилади. Карма – қилмишлар йигиндиси, хулқатвор натижасида тўплланган эзгу ва гуноҳ амаллар, сабаб-оқибат қонуниятидир.

Карма тушунчаси ҳар бир инсон ўзи сабаб бўлган қилмишлари оқибатини тотили билан боғлиқ. Карма таълимоти инсон руҳининг кўчиб юриш сабабини тушунтиради ва ҳозирги ҳаёт – кейинги ҳаётининг пойдевори, ўлим арафаси – руҳ учун имтиҳон эканлигини таъкидлайди. Таносух, бошқача айтганда, руҳнинг ҳулули, яъни бир танадан иккинчи танага кўчиши жараёни веда таълимоти бўйича шундай кечади.

Ведаларда руҳнинг эволюцияси жараёни ҳам баён этилган. Инсон танасини қабул қилиш фақат ўз даражасида юқори погонага эришган руҳга насиб қиласи. Инсон шаклидаги руҳ ривожланган онг ва тўлиқ ироди эркинлигига эга. Шу жиҳатдан руҳ инсон танасини қабул қилгач, ўзининг қўйи даражаларида эга бўлмаган катта имкониятга эга бўлади.

Энди у ҳаётини қандай ўтказишига қараб, кейинги ҳаёти учун замин тайёрлаши мумкин. Ведантасутра қўйидаги жумла билан бошланади: «Мана энди, сен инсон танасини қабул қилган пайтда, Мутлақ ҳақиқат ҳақида ўйлаш вақти етди». Шу тариқа инсон ҳаётидан мақсад асл кўринишни касб этиш, туғилиш, касаллик, қариллик, ўлим билан боғлиқ азоб-уқубатлардан мангуда бўлиш эканлиги тушунтирилади.

Веда адабиётларида «Худо (ёки Илоҳ)» ва «Мутлақ ҳақиқат» тушунчалари бир-биридан фарқланади. «Худо» деганда муайян вазифаларга масъуль илоҳий қувватлар, бошқача айтганда, ҳукмдорлар (ишвара) тушунлади. Мутлақ ҳақиқат эса, жамики қувватларнинг бирламчи манбасидир. Веданта сутрада айтилади: «Мутлақ ҳақиқат шуки, барча нарса ундан яралган». «Ширман – Бхагаватам»да Мутлақ ҳақиқат «парам сатям» деб аталади.

Мутлақ ҳақиқатнинг турли номлари мавжуд. Мутлақ ҳақиқат уч кўринишида – Браҳма, Вишну ва Кришна номлари остидаги кўринишларда тасаввур этилади. Ҳар бирининг вазифалари бор. Браҳма (айрим пайтларда Браҳман деб ҳам юритилади) Мутлақ ҳақиқатнинг қиёфасиз деб тасаввур этилган кўринишидир. Унинг бир неча кўринишлиари бор. Уни англаш орқали инсон моддият билан боғлиқ барча хирс-ҳаваслардан, нафсадан ва шаҳватдан халос бўлади. Бундай ҳолат «Мокша» ҳолати дейилади. Инсон ана шу мақомга эришгач, унга моддий табиат таъсир кўрсата олмайди, руҳ озодликка эришади ва ўзининг асл абадий табиатига қайтади. «Мокша» мақомидаги руҳ ҳиндуийликда эътироф этилган уч уқубатдан: 1) жисмоний ва ақлий азоблардан; 2) бошқа тирик мавжудотлар етказган уқубатлардан; 3) табиат ҳодисалари билан боғлиқ азоблардан (совуқлик, иссиқлик, зилзила ва ҳ.к.) бутунлай озод бўлади.

Ушбу мақом таълимоти буддавийлик томонидан ўзлаштирилган. Бироқ «Мокша» буддавийликда «Нирвана» деб номланган.

Оlam Браҳма (Вишну, Кришна) томонидан яратилган. Яратиш жараёни икки босқичда, дастлабки яратиш (сарга) ва иккинчи яратиш (висарга) босқичларидан иборат. Браҳма – Коинотнинг яратувчиси, Вишну – Коинот ҳаёти учун жавобгар. Бхагаван ёки «Кришна» номи «барчани ўзига ёвалб қилювчи, жозибали, мафтункор» маъноларини англатади. Olamдаги барча бойликлар, шуҳрат, гўзаллик, құдрат, илм ва поклик соҳиби Удир. Кришна Параматмадир (Олий руҳ). Унинг жисми абадий илм ва фарогат шаклидадир. Параматма моддий оламни бошқаради, моддий қувватларни йўналтиради. Параматма ҳар бир тирик мавжудот ва ҳар бир зарранинг қалбига кириб боради. Шу тариқа, ҳар бир заррани Ўзи ўрнатган табиат қонунларига бўйсунишга мажбур қиласиди. У (Параматма) ҳамма нарсани ёшитади, унинг қўли, оёғи ҳамма жойга етади. Кўзи, боши ва юзи ҳамма койда кўринади. Бу дегани, Параматма жамики нарсаларнинг ичидаги мавжуд, деганидир (БГ, 13.14). Ёки, «Параматма ўзи ҳиссиётга эга бўлмасада, оламда мавжуд барча ҳиссиётнинг бирламчи манбасидир. У ҳеч нарсага боғлиқ эмас, аммо бутун тирик жонзорни (руҳларни) ўзаро боғлиқликда ушлаб туради. У моддий табиат сифатларидан холидир, аммо моддий оламни бошқарувчиидир (БГ, 13.15).

Упанишадларнинг бирида дарахт шохида ўтирган икки қуш ҳақида ривоят берилган. Унда айтилишича, қушлардан бири ҳадеб мева чўқилар ва бундан ўзини тия олмас экан. Иккинчиси эса, сокин ўтирас ва овқат дардида тинмайтган шеригининг ҳаракатларини кузатиб турар экан. Ана шу иккинчи, кузатувчи қуш Параматмадир. Биринчиси эса, инсон

жонидир. Дараҳт мевалари эса ҳаётнинг аччиқ-чучук лаҳзалари, яъни баҳт ва баҳтсизлик онлари рамзиdir». Демак, ривоятдан англашиладики, Жива (жон) табиат қонунларидан мустақил мавжуд эмас, яъни моддий олам қонуниятларига бўйсунади.

Параматма ҳар бир мавжудотнинг қалбида жойлашган. «Сенга маълум бўлсинким, мен ўзим алоҳида бўлсанм ҳам, ҳар бир жисмда мавжудман (БГ, 13.3). «У – илмдир. У билиш предметидир. У маърифат мақсадидир (БГ, 13.18). Ёки, «Ҳар бир танада уни кузатувчи ва эрк берувчи илоҳий куч – олий Ҳукмдор мавжуд ва унинг номи Параматмадир (БГ, 13.23).

Яна бир жойда шундай дейилади: «Олий ҳақиқат барча ҳаракатланувчи ва турғун тирик мавжудотларнинг бағрида ва ундан ташқарида мавжуд (БГ, 13.16). Шундай бўлса-да, «Гарчи Параматма жамики жонзорлар орасида бўлинниб кетгандек туғюлса-да, аслида у яхлитдир. У бўлинмасдир. У тирик мавжудотни ҳаёт билан таъминланувчи, тараққий эттирувчи ва йўқ қилувчиидир (БГ, 13.17).

Ведаларда кўрсатилишича, Мутлақ ҳақиқатнинг асосий кўринишлари томонидан илоҳлар пантеони яратилган. Жумладан, Индра – жаннатий сайдералар ҳукмдори, Ямаража – ўлим ҳукмдори, Сурё – қуёш ҳукмдори бўлиб, уларнинг барчаси ўз борлиғи, қудрати ва илмида Мутлақ ҳақиқатга боғлиқ. Мутлақ ҳақиқат ягона ва барча нарсалардан мустақилдир.

П ҚИСМ. ЖАХОН ДИНЛАРИ

2.1. Буддавийлик

Буддавийлик бундан икки ярим мингйил илгари Ҳиндистонда вужудга келган. Буддавийлик аслида диний таълимот бўлмаган. У Сиддхарта Гаутама исмли роҳибнинг ҳаёт моҳияти устида тафаккур қилиши ва медитация натижасида мушоҳада қилган турли хаёлий хуласаларига асосланган фалсафий таълимотдири.

Сиддхарта Гаутама (э. авв. 563–483) Ҳиндистонда Шакья қавмининг бошлиғи Гаутама хонадонида туғилган. Ёшлигидан веда таълимоти таъсирида бўлишига қарамай, унинг ақидалари ижтимоий адолатсизликка йўл очиб берганидан норози эди. У замондошлари бошдан кечираётган азоб-уқубатларни кўрар экан, ҳаёт ташвишлари манбалари устида фикр юритади. Ўша даврларда ижтимоий адолатсизликка қарши чиқсан ва қастачиликни қоралаган роҳиблар ҳаракати бўлмиш жайнийлик Сиддхартани қўйнаётган саволларга жавоб бериши мумкин эди. У 29 ёшида дайди роҳибларга қўшилиб дунё кезишга қарор қиласди. Ўзининг бой хонадони, мол-мулки ва оиласини тарк этиб, олти йил давомида қаландарона ҳаёт кечирди, зоҳид жайнийлар билан бўлган узоқ суҳбатларда ҳаёт ҳақиқатини топишга ҳаракат қиласди. Риёзат ва нафсни ўлдириш билан иродасини чиниқтиради. Бироқ жайнийлар ҳам инсон уқубатларига чек қўйиш йўлларига аниқ жавоб бера олмадилар. Сиддхарта жайнийлик йўлининг самарасизлигига ишонч ҳосил қилгач, ўзи уқубатлар сабаби за уни енгиш йўллари ҳақида бош қотира бошлади. Кунларнинг бирида дараҳт остида ўтириб, чуқур муроқабага кетди ва хаёлан инсон ҳаёти за унинг қонуниятлари занжирини тиклади. Шунда «ялт» этиб кўз өлдида излаётган нарсасининг аниқ тасвири намоён бўлди. Шу лаҳзадан у ўзининг тарғиботини бошлайди. Уни Будда – «Маърифатга эришган» деб атай бошлайдилар.

Будда 40 йил давомида Шимолий ва Марказий Ҳиндистонда таълимотини тарғиб этган ва тахминан 80 ёшларда вафот этган.

Сиддхарта асос солган роҳиблар жамоаси ҳам айрим жиҳатлари билан жайнийликни эслатар эди. Аммо шу билан бирга, ундан айрим ақидалари билан жиддий фарқ қиласди. Шунингдек, бу ҳаракатда браҳманликнинг ҳам айрим элементлари бор.

Буддавийлик ўз даврида жуда кенг ҳаракатга айланиб, тарафдорлари сон-саноқсиз бўлган бўлса-да, ўз ватанида ривожлана олмади. Ҳиндистонда ўз мавқеини сақлаб қола олмаганлигининг бош сабаби, у Аахрий қарашларага эга эди. Чунки Сиддхарта инсондан ташқари оламда

илоҳлар борлигини инкор этар ва гайритабиий кучларнинг мавжудлигига инсон тафаккурининг маҳсулни деб қарар эди. Бу эса Ҳинд заминида мавжуд барча эътиқодий қарашларга, хусусан, веда таълимотига зид эди. Фақат буддавийлик Ўрта Осиёга кириб келгандан сўнг бу ердаги маҳаллий эътиқодлар билан синтезлашиб диний таълимотга айланди. Шу ерда Будда таълимоти таҳрир қилинди ва унинг ўзи илоҳга айлантирилди. Веда пантеонидаги барча илоҳлар Будда издошлари тарафидан буддавийлик қарашларига мос равишда қабул қилинди.

Яна юз йил ўтгач, Ашока (э. авв. III аср) даврида Паталипутра (ҳозирги Патна) шаҳрида учинчи умумий йигин ўтказилиб, буддавийликнинг муқаддас китоблари матни тасдиқланган. У Трипитака деб аталган.

Трипитака (Уч сават) уч қисмдан иборат:

Сутра-Питаки (ип) – Будда таълимотининг асосий моҳияти ифодаланган суҳбатлар. Унда Будда ҳаётидан кўплаб лавҳалар келтирилган. Ғиная-питаки (низом) – Будданинг умр кечириш қоидалари ҳақидаги ё ўрсатмалари. Бунда роҳибларнинг ахлоқ қоидалари, роҳиблик жамоасининг низоми акс этган. Унинг асосий қисми – Пратимокша бўлиб, унда роҳиблар томонидан йўл қўйилган хатоликлар ва уларга тайинланган жазолар мажмуми акс этган.

Абхиҳарма-питаки (олий таълимот) – унда ахлоқий ва мавҳум фалсафий мавзулар ёритилган.

Будда таълимоти

Маълумки, ҳиндуйлик ва жайнийликда оламда ўзгармас миқдорда руҳлар мавжуд (атман) ва у танадан-танага ўтиб кўчиб юради, деган ақида бор. Буддавийлик улардан фарқли равишида, инсон, барча нарсалар каби ҳамиша ҳаракатда: тугилади, яшайди, ўлади. Бу жараёнда ўзгармасдан қолувчи нарса йўқ, ўзгармас «мен» йўқ. Бошқача айтганда, ўзгармас руҳ ёки барча жараёнларнинг бошида турган ўзгармас худо борлиги ҳақидаги эътиқодлар алдоқчи ҳиссиятдир, пайдо бўлаётган барча нарсалар йўқликка маҳкум. Жонзот ўлгач, унинг руҳи (буддавийликда руҳ «онг» тушунчасини ифодалайди) янги танага кўчмайди, балки янада комидлапув учун қайта тугилади. Буддавийликда оламнинг яратилиши ҳақида ривоятлар йўқ. Улар ҳиндуйлар каби вақт ва макон ибтидога ҳам интиҳоға ҳам эга эмас, катта ва кичик цикл ичида ҳаракатдан иборат деб биладилар. Моддий коинот сокин ҳолатдан ривожланиб, ўзининг чўққисига етганда яна орқага дастлабки ҳолатига қайтади ва яна ҳаракатта келиб, ривожлана бошлади. Будда таълимотида қарма оқибатида ҳаётий шаклларнинг (жонзотларнинг) янгиланиб бориши (сансара) инсоният олами тизимида тури жонзотларни яратади. Инсон ўлгач, осмонда илоҳ қиёфасида, дев, ёвуз руҳлар, инсон ёки ҳайвон қиёфасида тугилиши мумкин. Бу унинг кармаси оқибатида

рўй беради. Инсоннинг ҳаётда йигтан эзгу амаллари унинг фарогат осмонида илоҳ шаклида қайта тугилишига сабаб бўлади. Агар ўлими арафасида эзгу ишларидан ёмон кармаси устунлик қиласа, унда у инсон сифатида қайта тугилса лаззат ва азобни бирдек татийди ва агар дев, ёвуз руҳ ёки ҳайвон бўлиб тугилса у фақат уқубат чекади. Шунинг учун энг яхшиси, илоҳ бўлиб тугилишига ҳаракат қилиш, ҳеч бўлмаганда, инсон бўлиб қайта тугилиш ва такомиллашувни давом эттиришдир. Осмонда яшовчи илоҳларнинг узоқ муддат лаззатланиши улар инсон пайтида йигған эзгу амаллари миқдорига боғлиқ. У вақти-соати етиб тугаши мумкин. Шунда улар ўзларининг илгариги ҳаётларидан қолган арзимас нолойиқ амаллари миқдорига қараб қўйироқ даражадаги жонли мавжудотлар сифатида қайта тугиладилар ва ўзларининг хатолари учун азобланадилар. Шунинг учун буддавийликнинг олий мақсади – кармадан ва қайта тугилишдан, азоб-уқубатлардан најот топишдир.

Инсоннинг ўзи ўзгарувчан ҳолатдаги умр ва моддий неъматларни ушлаб қолишига ҳаракат қилиб, ўз уқубатларига сабабчи бўлади. Уқубатлардан қутулишнинг ягона йўли – моддий лаззатлардан узилиш, қаноат ва сабр (ўзни жиловлаш) ва медитация – муроқабадир. Улар инсонни бодхи – етукликка, яъни уйгонишга, ҳаёт мазмунини тушунишга ва уқубатларни тўхтатишга – нирвана мақомига олиб келади. Инсон ўзини назорат қилиш орқали уқубатларнинг сабабчиси бўлган нафсга барҳам беради.

Нирвана ва маърифатга йўл эътиқоддан, сўнг меҳр-муруватдан, сўнг ахлоқий интизом ва охири медитация орқали ўтади. Эътиқод бу – уч хазина, инсон камолотининг уч бебаҳо манбаси – Будда, Ҷхарма ва Сангха таълимотига фидойиларча ишониш ва бўйсунишдир.

Будда уқубатлардан халос бўлиш мумкинлигини намойиш қила олган инсон сифатида олий намунаидир. У буюк устозидир.

Сангха эса роҳиблар жамоаси бўлиб, у – авлиёлик ва құдрат манбаси деб ҳисобланади. Сангха архат мақомига, яъни Будда сингари комил инсон даражасига етган авлиёлардан таркиб топган. Роҳибларга яқин бўлиш уларнинг таълимотларига эргашиш билан баробардир ва ихлосмандларнинг ҳаётий машаққатларини камайтиради. Дунёвий одамлар роҳибларни моддий таъминлашлари лозим ва бунинг натижасида улар ҳам роҳибларнинг құдратидан баҳраманд бўладилар.

Роҳиблар дастлаб худбинлиқдан қутулишнинг изчил дастурини тарғиб қилганлар. У аввал садақа қилишдан (дана) бошланади, сўнг ахлоқий камолотга эришила бошлаган сари (Шила) медитацияга (самадхӣ) ўтилган. Эзгу амаллар, айниқса, муқаддас авлиё роҳибларга сигиниш ва уларга хизмат қилиш халқда ахлоқий фазилатларни ўстиради ва роҳиблар эришадиган муқаддас хизматларга шерик қиласи. Шу тариқа ахлоқ инсонни худбинлиқдан кутқазади. Бундай саховат кўрсатиши инсонларга ҳаётда ўзликдан кечиш қобилиятини пайдо қиласи ва

тұла поқдомонликка эришишга олиб келади ва медитация билан шугулланишга имкон яратади. Агар инсон ҳәётида шу даражага күтарила олмай қолса, у қайта түгилиб, олдинги даражасидан күра баландроқ даражага етиш учун ва нирвана ҳосия қилиш учун ҳаракат қила боради. Рохаблик йүйини тандаган мухлис беш улғ рохіб томонидан муридликка қабул қилинади. Рохаблик сафига қабул қилиш маросимінде эса улғ рохіблар сони үңтадан кам бўлмаслиги зарур.

Маросимда улар қуйидаги ўн қоидага амал қилиш ҳақида қасамёд қиласылар:
Ҳеч кимни ўлдирымаслик.

Ёлғон гапирмаслик.

Үғирлик қымаслик.

Жинсий алоқа қымаслик.

Маст қилувчи ичимликлар ичмаслик.

Тушдан кейин саҳаргача овқат емаслик.

Зеб-зийнатлар билан безанмаслик.

Томошалар ва ўйин-кулгуларда қатнашмаслик.

Ҳашаматли ётоқлардан фойдаланмаслик.

Пулдан ҳазар қилиш.

Шундан сұнг байъат қылған шахсларнинг сочлари қиришипланади ва уларға янғы ном берилади.

Дхармага оид таълимот буддийлікнинг магзини ташкил этади. Дхарма – инсон ҳәёти фалсафасини очиб берувчи түрт ҳақиқатдир. Биринчи ҳақиқат шуки, моддий ҳәёт үқубатдан иборатдир. Иккінчи ҳақиқат шуки, үқубатнинг сабаби нафсдир. Учинчи ҳақиқат шуки, азоб-үқубатли ҳәётдан құтулиб, роҳат ва оромда япаш имконияти бор (нирвана). Түртінчи ҳақиқат шуки, азоб-үқубатли ҳәётдан құтулиш ва фарогатда умр көтириш учун «йұл»ни босиб үтиш керак.

Бу ҳақиқатлар оддий назария ёки фалсафий мушоҳадалар маҳсұлы эмас, вахий орқали англанған ҳам эмас, балки Будданинг медитация ва ахлоқий интизом – жиiddий тафаккур қилиш натижасыда келған холосалариидир.

Қуйида ана шу түрт ҳақиқатни шарҳлаб үтамиз.

1. Үқубат

Үқубат (духкх) түрли шаклларда учрайди. Туғилиш, ўсиш, касалланиш, қариш, ўлиш каби үқубатлар жисмоний оғриқлардир. Қаноатсизлик, баҳтсизлик, хавотир каби үқубатлар рухий азоблардир. Айниқса, құрқұв күп үқубатларға сабаб бўлади: нимадандир ажралышдан ва ниманидир йўқотишдан қўрқиши, ўлимдан қўрқиши. Қўрқұв инсонни түрли ҳаракатларга бошлайди, у ҳаётни бошқарувчи асосий күчдир. Ҳиссий органлар (кўз, қулоқ, бурун, тил, тан ва психика) ҳиссий обьектлар билан түқншашар экан, ёқимли ёки ёқимсиз ҳис уйғотади. Олти ҳиссий орган, ўз нағбатида, обьектни ҳиссий билишнинг олти турига эга (кўриш, товуш, ҳид, таъм, сезиш, фикр). Улар ўзгарувландыр. Ўзгармас нарса йўқ.

2. Нафс

Инсон умри ўзгарувчан. Унинг моҳиятини моддий ва руҳий уқубат ташкил қиласди. Инсонга нафс, яъни хоҳиш-истак ҳамиша уқубат келтиради. Нафс мазмунини сабаблар занжири воситасида бир-бирига ибтидо вазифасини ўтовчи омиллар ташкил қиласди. Улар гидирак ўз ўқи атрофида айлангани каби туғилиш, ўлим ва янгидан туғилишдан иборат чексиз айланма ҳаракатда бўладилар. Бундай занжирсизмон ҳаракат сансара деб аталади. Сансара Мара (Ўлим) исмли иблис қучоқлаб турган гидирак тимсолида тасвиранади. Унинг марказидаги доирада бири-бирининг кетидан тишлаб турган уч жонзот – чўчқа, хўрз ва илон тасвиранган. Улар азоб-уқубатларни туғдирувчи уч иллат – маккорлик, нафрат ва хомхәёл орзулар тимсоллари бўлиб, сансарани мангуда ҳаракатта келтириб турадилар. Улар инсонларни жазолар мухитида – жинлар, ҳайвонлар, оч арвоҳлар сифатида туғилишга мажбур қиласдилар. Агар ким бу уч иллатни енгишга ҳаракат қиласа, улар яна инсон сифатида янгидан туғилиши ёки фарогат осмонида илоҳ кўринишида туғилиши мумкин. Нафс инсоннинг ҳисларга асирилигидан келиб чиқади. Ҳислар эса билиш, (татиш, ушлаш ва ҳ.к.) туфайли юз беради. Билиш, хиссийт ва руҳият воситасида туғилган моддий жисмоний органдан ва маънавий таассуротдан ҳосил бўлади. Жисмоний орган ўз навбатида, ўз ҳаётий қувватларини Онгдан олади.

Демак, Онг – ҳаётий куч бўлиб, уни ҳеч ким яратмаган. У оламда рўй берадиган ирода ҳаракатларининг (Карма) натижасидир. У уруғ ва тухумхужайранинг ўзаро муносабатидан пайдо бўлади ва она қорнида моддийлашиб, мияга, асаб тизими ва ҳиссий аъзоларга эга танани ўстиради. Инсон туғилгач, ўз-ўзи ва ташкил мухит билан контактда нафсни уйғотувчи ҳисларни тажриба қиласди. Нафс ҳаёт тарзини оғирлаштириб борадиган, бошқача қилиб айтганда, тикланиш жараёнини таъминловчи ва ҳаракатда ушлаб турувчи омил – нарса ва инсонларга боғланиш, яъни муҳаббатни туғдиради. Ана шу ҳиссий лаззатларга асосланган муҳаббат ҳаётнинг мазмунини ташкил этади. Бироқ муҳаббат воқеликнинг қақиқий моҳиятини билмаслик, гафлат натижасида юзага келади. Шундай қилиб, нафс шахсада ўзини доимо намоён этадиган гафлат билан боғлиқ. Нафс инсонни ҳаётга боғланиб қолишига сабаб бўлади. Нафс инсонни ўзининг «мен»ига муҳаббат қўйишига, худбинлик, манфаат асосида фикр юритишига мажбур қиласди. Бу билан нафс янги тикланиш, туғилиш, туғилиш кетидан қарилек ва ўлимни бунёд этади.

3. Уқубат интиҳоси

Нафс азоб-уқубатнинг сабаби эканми, демак, нафсни тўхтатиш орқали уига чек қўйиш мумкин. Уқубатнинг интиҳоси нирвана дейилиб, маккорлик, нафрат ва хомхәёллик алангасини ўчириш демакдир.

Нирвана – келажакда янгидан туғилиш, кексалик ва ўлимдан озод бўлиш мақомидир.

4. Йўл

Нирванага саккиз амал орқали эришилади:

Тўғри маслак – (тўрт ҳақиқатни ақлан тушуниб, уларга имон келтириш).

Тўғри ният – (ҳар қандай хирс-ҳавасдан, ёвуз ниятдан холос бўлишга қарор қилиш, барча жонзорларга раҳмдиллик ва ҳамдардлик).

Тўғри сўз – (ёлғондан, бўхтондан, кўполликдан, гийбатдан сақланиш).

Тўғри хулақ – (қотилликдан, ўғирликдан, зинодан сақланиш).

Тўғри тирикчилик – (бошқаларга зарар келтирадиган воситалар орқали (масалан, қурол-ярог сотиш, маст қилувчи ичимликлар сотиш, ўтирилик қилиш) тирикчилик қилишдан сақланиш).

Тўғри жиҳду жаҳд – (онгнинг тўғри йўлда шаклланишига ҳаракат қилиш).

Ёдда сақлаш (ҳақиқатларни бир дам ҳам эсдан чиқармаслик).

Муроқаба – (танани ва тафаккурни назорат қилиш).

Ушбу саккиз йўл уч асос устига қурилган:

Донолик – тўғри маслак ва тўғри ниятдан шаклланади.

Ахлоқ – тўғри сўз ва хулк, тўғри тирикчилик қилишнинг асоси.

Рұхий интизом – тўғри жиҳду-жаҳд, ёдда сақлап ва муроқаба орқали ҳосил қилинади.

Будда бундай йўл зуҳд, таркидунёчилик орқали амалга ошади деб ҳисоблаган ва роҳиблар жамоасини тузган. Шу билан бирга, у дунёвий ишлар билан шугууланувчиilar ҳам роҳиблар фаолиятини қўллаб-қувватлаш орқали нирванага эришишлари мумкин, дейди.

Қисқа қилиб айтганда, буддавийлик таълимоти бўйича инсон ўз дунёвий ҳаёти давомида қўйидағича йўлни босиб ўтади: дунёвий лаззатларга интилиш оқибатида нафса асир бўлади. Натижада қарма салбийлашиб, ўлимидан сўнг уни қайта туғилишга мажбур қиласди. Инсон яна қайтадан азобларга дучор бўлади. Шунинг учун инсон эзгу амаллар қилиш орқали карманни ижобийлаштириши ва нирванага (бақо) интилиши зарур. Нирвана – қайта туғилишдан холос бўлиш, уқубатлардан, яъни вақт ва макон ҳукмидан қутулишдир. Қарма – фикрлар, сўзлар ва амалларнинг оқибати бўлмиш куч. Барча лаззат ва азобларнинг сабаби қарма билан боғлиқ. Ижобий қарма саховат ва мурувват орқали ҳосил қилинади.

Буддавийлик оқимлари

Будда дунёдан ўтгач, унинг тарафдорлари Ражагрих деган жойда йигилиб, таълимот асосларини ишлаб чиқдилар. Таълимот охиригача аниқ ва чуқур

ишлиб чиқилмагани учун сўнгти юз йил давомида буддавийлар орасида жуда кўп масалаларда ихтилофлар пайдо бўлди. Шунда улар Вайшали деган жойда йигилиб, энг муҳим масалаларни ўртага ташлаб, буддавийлик таълимоти ақидаларини тартибга келтиришга уриндилар. Аммо бу ихтилофлар тугамади. Будда вафотидан кейинги иккинчи юз йиллик мобайнида ўзаро ақидавий келишмовчилик оқибатида буддавийлик 17 та оқимга бўлиниб кетган.

Тарихий тараққиёт давомида буддавийлик икки катта оқимга бўлиниб ривожланди. Бири маҳаяна оқими дейилади. Бу оқим дастлаб Кушонлар давлатида пайдо бўлган. Эрамизнинг бошларида бу қулдорлик давлати ҳозирги Ўзбекистон, Ҳиндистоннинг бир қисми, Афғонистон, Фарбий Покистон ва Хитойнинг баъзи ерларини қамраб олган. Кушон ҳукмдорлари буддавийликни давлат динига айлантирганлар. Шоҳ Канишка (78–123) даврида буддавийлик жиiddий қайта ишлиб чиқиди ва маҳаяна – ҳақиқатга олиб борувчи «кенг арава» деб аталди. Жанубий Ҳиндистондаги илк таълимот хинаяна – «тор арава» деб ажратилди. Хинаяна тарафдорлари эса бундай қарашни тан олмадилар ва ўзларининг таълимотларини тхеравада – ҳақиқий таълимот деб аташда давом этдилар. Хинаяна тарафдорлари кўпроқ жанубий ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида мавжуд. Маҳаяна ўзининг янгиликка мослашувчанлик хусусияти билан қўшини Осиё мамлакатларининг баъзиларига ҳам осон тарқалган ва мустаҳкам мавқе эгаллаган.

Ҳар иккала оқим ҳам ўз манбасини Трипитакадан бошлиайди. Асосий фарқи шундаки, маҳаяна хинаянанинг кейинги босқичидир ва қаерга етиб борган бўлса, ўша ҳалқарнинг эътиқодлари, қарашларига мослашиб борган. Биринчидан, маҳаяна илгариги илоҳларни «ўзлаштирди», иккинчидан Будданинг ўзини худо деб эълон қилди. Маҳаяна тарафдорлари бутун буддавийлар оламида Будданинг ҳайкаллари ва тасвирларини сифиниш обьектига айланишига эришидилар. Хинаянада эса Будда комиллик касб этган ва илоҳий моҳиятта айланган инсон сифатида талқин этилади. Хинаянада бодхисвата – инсоннинг маърифат йўлидаги охирги мақоми бўлиб, ундан кейинги мақом Будда сифатларини касб этиш, яъни илоҳий моҳият касб этишидир. Бунда У архатга – бу дунёдан тамоман узилган ва нирвонларга тўгридан-тўгри ўтувчига айланади. Маҳаянада бодхисвата тушунчасини янада ривожлантиради. Бу мақомни эгаллаган одам архат мақомига етганда нирвонга ўтишдан ўзини тўхтатиши керак. У сансара оламида қолиши ўзини инсонлар хизматига багишламоги, уларнинг тарбияси ва эътиқод нури билан чулганишига ёрдам бермоги даркор.

Маҳаянанинг турли давлатлар, ҳалқлар орасига тарқалгани сари мазмун-моҳияти бойиб борди. Маҳаллий ҳалқлар эътиқодидаги илоҳлар Будда атрофида жипслаштирилиб, Будда бош худо даражасига кўтарилиди ва шу тариқа илк

бүддавийлик даври эътиқодидан фарқ қилювчи, турли эътиқодлар манфатига мос келувчи янги дин – Буддага сигинувчи шакли пайдо бўлди.

2.2. ХРИСТИАНЛИК

Исо таълимоти моҳияти

Исо ўз таълимотини маҳсус ном билан атамаган, балки уни яҳудийларга юборилган диннинг ўзи деб кўрсатган. У «Мен Тавротни бекор қилгани эмас, балки уни бажаргани келдим» деганда яҳудийларнинг хато қарашларини тузатмоқчи эканлигини назарда тутган.

Исо замонасида унинг гаплари ёзиб қолинмаган. Бироқ, унинг қарашлари роя кўринишида христианлик динининг магзига сингди. Улар, асосан, қўйидаги тезисларда акс этган:

Туз ва нур ҳақида

Инсон – ернинг тузи. Туз ўз шўрини ўқотса ҳеч нарсага ярамайди. Демак, инсон Дунёнинг зийнати, у комил бўлиши лозим.

Илоҳий Амр ҳақида

Мен Тавротни бекор қилгани эмас, уни бажаргани келдим. Солих бўлинглар.

Қотиллик

Олдингилар (мусовийлар) «ким одам ўлдирса гуноҳи азимга қолади» деганлар. Мен сизларга ҳатто ўз биродарини хафа қилган ёки унга ғазаб қилган ҳам жавобгарликка тортилади дейман. Ҳудо йўлида бирор эҳсон қилмоқчи бўлсанг, один биродаринг билан ярап. Қозига боргунча ганиминг билан муросага кел.

Зино

Сен (мусовийлардан) «зино қилма!» деган ўгитни эшитгансан. Мен айтаманки, ҳатто аёлга шаҳват кўзи билан қараш ҳам зино ҳисобланади.

Талоқ

(Мусовийларда) Айтилганки, «кимки хотинидан ажralмоқчи бўлса, унга талоқ ҳатини ёзиб берсин». Мен айтаманки, ким бевафолик айбидан бошқа сабаб билан хотинини ташласа, унинг зино қилишига сабабчи бўлади. Шунингдек, ким ажralган хотинга уйланса, зино қилган бўлади.

Қасам

Сен олдингилардан (мусовийлардан) шундай эшитгансан: «Қасамни бузма. Ҳудо олдида қасамингга содиқ бўл». Аммо мен айтаманки, умуман қасам ичма, на осмон ҳаққи, чунки у Ҳудонинг таҳтидир, на ер ҳаққи, чунки у Ҳудонинг пойандозидир, на Қуддус ҳаққи, чунки у Буюк подшоҳнинг (Ҳудонинг) шахридир. Бошинг ҳақи ҳам қасам ичма, чунки сен биронта

сочингни оқ ёки қора қила олмайсан. «Ҳа» ёки «йўқ» де, бундан ортиғи шайтандандир.

Кўзга кўз, тишга тиш

Сен (мусовийлардан) эшитгансан, «Кўзга кўз, тишга тиш», деган ўйтитни. Мен айтаман, ёмонга қарши чиқма. Ким сенинг ўнг чакканга тарсаки туширса, сен унга чап чаккангни тут. Сўраганга садақа бер, қарз олмоқчи бўлгандан юз ўтирма.

Душманларга муруват кўрсатиш

«Қардошингни сев, душманингдан нафратлан», деганларини эшитгансан. Мен айтаман: Душманларингизга меҳрибонлик кўрсатинг. Сизни таҳқиrlаганларни дуои хайр қилинг.

Садақа бобида

Савобли ишларингизни кўз-кўз қилманглар. Риёкорлар шундай қиласидар. Сен садақа бераетганда чап қўлинг ўнг қўлинг нима қилаётганини кўрмасин.

Ибодат

Ибодатни махфий қил. Кўп сўзламанг, чунки Худо сиз айтмасангиз ҳам нимага муҳтоjлигингизни билади.

Рўза

Рўза пайти озода юр. Одамларга кўрсатиш учун эмас, Худо учун тут.

Самовий хазиналар ҳақида

Бу дунё матоҳларига кўнгил берманг. Нариги дунё хазинасини жамланг. Ҳеч ким икки хўжайинга содик бўла олмайди. Худога ҳам, пулга ҳам бирдек сигина олмайсизлар.

Таваккул бобида

Танангиз, ризқингиз учун ташвиш чекманг. Эртанги кун гамида қийналманг. Худонинг пайидан бўлинг, шунида барча нарсалар сизларга берилади.

Бошқалар устидан ҳукм чиқармоқ бобида

Бошқаларни қандай ҳукм қилсанг, сен ҳам шундай ҳукм қилинасан.

Худодан сўраш бобида

Сўра, сенга берилади. Изла, топасан. Эшикни тақиллат, очилади. Худодан сўра, муродинг ҳосил бўлади.

Тор ва кенг эшик ҳақида

Тор эшикдан киринглар! Чунки ҳалокатта элтувчи йўл кенгdir (маъноси: Ҳаётда қийинчилклардан қочманглир, ҳалол меҳнат билан кун кечиринглар). Осон йўл билан бойлик орттириш пайида бўлманглар).

Дарахт ва унинг меваси

Сохта пайғамбарлардан эҳтиёт бўлинглар! Ҳар бир яхши дарахт яхши мева берар, ёмон дарахт ёмон мева! (Мунофиқлардан сақланиш ҳақида)

Доно ва нодон қурувчи ҳақида

Ким менга эргашса, тош устига уй қурган доно каби бўлади. Қанча ёмғир ёғиб, сел тошиб, шамол эсмасин, унинг уйи бузилмайди. Ким менга эргашмаса, у уйини қум устига қурган нодон каби бўлар, унинг уйи қулаб, ер билан яксон бўлади³.

Христианлик таълимотининг пайдо бўлиши Исо Масиҳнинг шахси билан боғлиқ. У Истроилнинг Байтлаҳм (Bethlehem) шаҳарчасида яхудий оиласида туғилди. Отаси дурадгор бўлиб, исми Юсуф (Joseph), онасининг исми Марям (Magu) эди. Унинг туғилиши мўъжизавий суратда юз берган. Инжилда келтирилишича, унинг онаси Марям Юсуфга унаштириб қўйилган пайтда, бокира қиз бўлатуриб, ҳомиладор бўлиб қолган. Юсуф солиҳ одам эди. У Марямни шарманда бўлишдан сақлаш учун яширин суратда қочириб юбормоқчи бўлади. Шунда унинг тушига бир фаришта кириб: «Эй Юсуф! Сен Марямни ўзингга хотинликка олишдан кўркма. Чунки унинг вужудидаги ҳомила Муқаддас Руҳдан пайдо бўлган. У ўғил туғади ва унинг исмини Исо қўясан, чунки у ўз халқини гуноҳаридан поклайди» дейди. Исо яхудий тиляда Ешувъа, яъни «Тангри нажот берди» маъносини англатади. Юсуф уйғонгач, фаришта буюрганидек қилди ва Марямни никоҳига олди. Ниҳоят Марям ой-куни етиб фарзанд кўргач, исмини Исо қўйдилар⁴.

Шарқлик мунахжимлар қадимий китоблардаги башоратлар ва уларни тасдиқловчи самовий аломатлар воситасида Халоскор пайғамбар түғилганидан хабар топадилар ва уни зиёрат этиш учун Қудусга келиб, подшоҳдан унинг манзилини сўрайдилар. Бу даврда яхудийлар подшоҳини Ҳирод дер эдилар. Инжилда шундай дейилади: Ҳирод буни эшиттач, қаттиқ безовталаниб қолди. У барча яхудий уламоларини тўплаб, улардан янги пайғамбар Масиҳнинг қаерда туғилиши башорат қилинганини сўради. Улар: «У Яхудиянинг Байтлаҳм шаҳрида туғилиши керак. Чунки пайғамбарнинг китобида (Довуд пайғамбарнинг «Забур» и кўзда тутилмоқда – Ш.С.) шундай ёзилган:

«Аммо сен, эй Байтлаҳм!

Шаксиз, яхудо ерлари ичида қиролсан.

Чунки сендан чиқур бир подпоҳким,

Менинг халқим – Истроилнинг ғамхӯри!»

Буни эшитган Ҳироднинг ороми йўқолади. У мунахжимларни Байтлаҳмга юбора туриб дейди: «Боринглар, чақалоқни топинглар, сўнг менга унинг қаердалигини хабар беринглар, токи мен ҳам бориб, унга таъзим қиласай!» Аслида унинг нияти чақалоқни топиб, йўқ қилиш эди. Бу ҳол мунахжимларга ҳам, Юсуфга ҳам тушда аён бўлади. Мунахжимлар Байтлаҳмга бориб,

³ Matthew, 5-7.

⁴ Holy Bible. Matthew, 1:20.

чақалоқни топадилар ва уни зиёрат қилгач, бошқа йўл орқали ватанларига жўнаб кетадилар, Юсуф эса Худонинг амри билан оиласини олиб Мисрга қочади. Ҳирод мунахжимлар қайтиб келмаганликларидан газабланиб, Байтлаҳм ва унинг теварак-атрофидағи икки ёшгача бўлган барча гўдакларни қиличдан ўтказишни буюради.

Ҳирод ўлгандан сўнг Юсуфнинг тушига фаришта кириб, унга Исройлга қайтишни буюради. Шунда Юсуф оиласини олиб, Жалила (Galilee) минтақасидаги Носира (Nazareth) деган шаҳарга кўчиб келади. Шундай қилиб, илгари ўтган пайғамбарларнинг «Уносиралик (назаретлик) деб аталгай» деган башорати амалга оши⁵.

Исонинг пайғамбарликкача бўлган ҳаёти одатдаги яҳудий анъаналярига мувофиқ кечган. У ҳам бошқа яҳудийлар каби ота-онаси билан бирга ҳар иили Иеруссалимга зиёратга борар, барча яҳудийлик дини байрамлари ва муқаддас кунларида ўтказиладиган ибодатларда тўлиқ иштирок қилар эди. У ўттиз ёшга кирганда Худонинг амри билан Яҳё (Тавротда Юҳанно, Инжилда John the Baptist) пайғамбар билан учрашади. Яҳё, Қуръони каримда айтилишича, Закариё алайҳиссаломнинг ўғли бўлиб, келажакда Исонинг Худонинг элчиси эканлигини тасдиқлаш зиммасида бўлган пайғамбардир («Оли Имрон», 38–39-оятлар). У вояга етиб, чўлу саҳрода юриб, ҳалқни яқинлашиб келаётган Охиратдан огоҳлантирас, уларни тезроқ тавба қилиб гуноҳлардан покланишга чақирап эди. Бутун тақводор Исройл ҳалқи унинг қошига келиб, Ўрдун дарёси сувида поклана бошлади. Шунда Исо ҳам унинг ёнига келади. Яҳё билан Исо қариндош эдилар. Маръяннинг онаси Ҳанна Закариё пайғамбарнинг хотини билан опа-сингил эди. Инжилда шундай ёзилади: «Исо Жалиладан Ўрдунга Яҳёнинг ёнига чўқинтирилиш учун келди. Яҳё уни кўриб: «Аслида, мен сен томондан чўқинтирилишга муҳтожман, сен эса менинг ёнимга келдингми?» – деди. Исо айтди: «Майли, ҳозир шундай бўлгани маъқул. Илоҳий амри шу йўсинда тўла бажаришимиз бизга муносибдир».

Яҳё Исони сувда чўқинтиради. Исо сувдан чиққанда, бирдан осмон ёрилади ва ёғду таратиб, кабутардек учиб тушаётган Рұҳ кўринади. Шундан сўнг Исонинг ҳаёти Рұхнинг амрлари асосида кечади. Дастваб, бир қанча вақт шайтон васвасаларини енгиш даврини ўтайди. Сўнг даъват этиш даврига ўтади. У ўз даъватларида ўзининг пайғамбарлиги ва ҳалқни яқинлашиб келаётган Охиратдан огоҳлантириш учун юборилганини таъкидлайди. Гуноҳлардан тийилиб, тавба қилиш ва ҳидоят йўлига киришга чақиради. Йўл-йўлакай турли мўъжизалар кўрсатиб, одамларни даволайди. Ҳатто Шомдан турли бедаво касалликларга чалингандилар унинг ёнига шифо истаб кела бошлийдилар. Қуръони каримнинг

⁵ Holy Bible. Matthew, 4:6.

«Моңда» сураси, 110-оятида бу тарихий ҳодиса қўйидағича тасдиқланган: «Эсланг, Аллоҳдеди: «Эй, Исо ибн Марям, Сенга ва волидангга берган неъматимни ёдинга ол. Ӯшанда сени Рухул-Құдс билан қувватладим. Сен бешикда ётганинг ҳам гапирдинг. Сенга ёзишни, ҳикматни, Таврот ва Инжилни ўргатдим. Менинг изним билан лойдан қуш шаклини ясадинг. Үнга дам соганингда, у менинг изним билан ростакам қушга айланиб учди. Менинг изним билан кўр ва песни тузатдинг. Менинг изним билан ўлукларни қабрдан чиқардинг (тирилтиридинг)».

Исонинг шогирд-издошлари кундан кунга кўпайиб борар эди. Уни Масих (юононча Христос, иброний тилида Мошиах) деб атай бошладилар. Масихнинг асл маъноси «мой суртилган» демақдир. Яхудийлар ўз ийлобошчи подшоҳлари таҳтга ўтирганда унинг пешонасига мой сурганлар. Бу подшоҳнинг Ҳудо томонидан тайинланғанлиги рамзи ҳисобланган. Исо Ҳудо томонидан пайғамбар этиб юборилғанлиги шарафига Масих номини олди, шу даврлардан Исо издошлари масиҳий (христиан) деб чақирила бошладилар. Исо таълимотига кўра, яхудийларга юборилган дин барча ҳалқларга таалмуқлидир. Ягона тангрига сингинган ҳар бир ҳалқ Тангри хузурида афзал ҳисобланади. Бу таълимот яхудийларнинг ақидаларига зид эди. Чунки улар ўзларини Тангри ярлақаган ягона олий ирқ деб билар эдилар.

Исонинг даъвати қўплаб ҳукмдорлар ва қабила сардорларига ёқмади. Ҳавфни пайқаган Исо Жалилани ташлаб Құдусга келади. Бу орада фисиҳ (Иброний тилида «Пасех», христианларда Пасха деб аталади) кунлари бошланади. Ҳар йили яхудийлар Фисиҳ байрамини нишонлаши учун Құдусста келар, зиёратчиларнинг асосий ийгини марказий ибодатгоҳ – Масжидул Ақсода ўтар эди.

Исо ҳам тўғри ибодатгоҳга боради. Ибодатгоҳни савдо марказига айлантирган тоқирлардан жаҳди чиқиб, расталарини ағдариб ташлайди. Ўша ерда ваъз ўқиб, масжид коҳинларини мұқаддас маконни булгашда айблайди ва ҳалққа Охират яқинлашиб келаётганини эълон қилиб, үнга тайёргарлик кўришга чакиради. Масжида тўполон бошланади. Байрам бузилади.

Исо ва унинг шогирдлари бўлиб ўтган воқеага маҳаллий ҳукмдорлар ва аслзодалар бефарқ қарамасликлари ва бирор чора кўришлари аниқлигини сезар эдилар. Исо ўзининг ўлеми яқинлашганини билган. Үшбу хусусда Инжилда шундай көлтирилади: Бир неча кундан сўнг Исо пасха дастурхонини бирга баҳам кўриш учун шогирдларини ҳузурига таклиф этади. Зиёфат чогида Исо нонни синдириб: «буни енглар, бу менинг танамдир», деди ва косадаги шаробни узатиб: «буни ичинглар, бу кўпларнинг гуноҳлари кечирилиши учун тўқиладиган менинг қонимдир», дейди ва ўзининг бир неча кундан сўнг қатл этилишига ишора қилади.

Фисиҳ байрами тугагач, Исо бош олий руҳоний Каяфанинг одамлари томонидан ҳибсга олинади ва унинг ёнига олиб борилади. Исо бош руҳоний олдида ўзининг Масих эканлигини яширмайди. Бош руҳоний уни риммиклар

тайинлаган вилоят ҳокими Пүнтий Пилат ҳукмiga топширади. Янги Аҳда айтилишича, Пилат ундан: «Сен яхудийларнинг шоҳимисан?» деб сўраганда, Исо: «Ўзинг шундай дединг!» деб жавоб беради. Пилат унинг ҳукмини даъвогарларга ҳавола этади. Улар Исони хочга михланни талаб қиласилар.

У халқ кўз ўнгида хочга михланади. Тун соат учда хочга михланган Исо жон беради. Эртаси оқшомда Исонинг муҳлисларидан бўлган ариматиялик Юсуф исмли бой киши Пилатга учраб, унинг жасадини сўраб олади. У Исони хочдан олиб, тоза кафанга ўраб, кўмади. Қабр оғзини катта харсанг тош билан ёпиб қўяди. Қабр олдида Исонинг муҳлисларидан исмлари Марям бўлган икки аёл қолади. Бу орада яхудий коҳинлар Пилатга учраб: «Исо тириклигига ўлганимдан сўнг уч кундан сўнг тирилиб келаман, деб айтган. Унинг шогирдлари қабрдан мурдани ўтирглаб кетиб, «У тирилди» деб овоза қиласликлари учун қабрни қўриқлаш керак» дейдилар. Пилат соқчиларни ажратади. Инжилда Матто (Matthew) тилидан келтирилишича, икки Марям эрталаб қабр бошига борган пайтда, тўсатдан зилзила рўй беради ва осмондан кўриниши яшиндай, кийимлари оппоқ бир фаришта тушиб, қабр устидаги тошни улоқтириб ташлади ва атрофдагиларга: «Қаранглар, бу ерда Исо йўқ. У қайта тирилди. Уни Жалилада кўрасизлар» – деб гойиб бўлади⁶. Аёллар шоша-пиша кетаётгандарида уларнинг рўпарасидан Исонинг ўзи чиқади ва: «Жалилада мени кутинглар», – дейди. Исонинг 11 шогирди – ҳаворийлар (12-ҳаворий бўлган Яхудо хоинаик қилганлигидан пушаймон бўлиб, ўзини осган эди) айтилган тоққа борадилар ва ўша ерда Исони тирик қўриб, унга сажда қиласилар. Исо уларга: «Мен ҳар куни, дунё охиригача сиз билан биргаман. Барча халқлардан шогирдлар орттиринглар ва динни тарқатинглар!» – деб буюради ва осмонга кўтарилиб кетади.

Христиан динининг ёйилиши

Исадан сўнг ҳаворийлар унинг таълимотини кенг ёйишга киришдилар. Уларнинг таълимотларида янгича қарашлар римликлар ва бой яхудийларнинг қаттиқ норозилигига сабаб бўла бошлиди. Тарс шаҳридан бўлган амалдор Шоул (Saul) ҳаворийлар ва уларнинг шогирдларини жиiddий таъкиб остига олди. У Кудусда христианларнинг вазифадорларидан бири Стефанни тошбўрон қилдирди ва уйма-уй юриб, эркакми, аёлми, ҳаммани судраб, қамоққа жўната бошлиайди. У Дамашққа, христианларни қирғин қилгани бораётганда йўлда осмонда муаллақ турган Исотга дуч келади ва кўзи кўр бўлиб қолади. Уни

⁶ Инжилда бу масалада бир-биринга зид маълумотлар келтирилган, чунончи, Марк бўйича, аёллар келганида қабр тоши олиб ташланган, унинг ичидаги бир фаришта ўтирар эди (Mark16); Луко бўйича, аёллар қабрни оғзи очик, бўш ҳолда топадилар. Ҳайрон бўлиб тургандарида уларнинг ғодиларида икки фаришта пайдо бўлади (Luke 24); Юҳанно бўйича, Марям қабрнинг ичидаги икки фариштани кўради (John20).

қүлидан тутиб Дамашққа келтирадилар. Шу орада унинг ёнига Дамашқдаги Исо шогирдларидан бири Ҳанания исмли киши келди ва тушига Исо кириб, Шоулни чўқинтириш ҳамда кўзини даволашни буюрганини айтади. Ҳанания Шоулнинг бошига қўлини қўйган заҳоти унинг кўзлари яна кўра бошлади. Шундан сўнг Шоул дарҳол имон келтириб, Исо таълимоти тарғиботчиларидан бирига айланади⁷. У христиан динининг мустаҳкамланишида катта улуш қўшган сиймо сифатида Инжилга киритилган.

Христианликни гайрияхудийлар ичида ёйиш биринчи бўлиб ҳаворий Бутрусл (Peter) лақабли Симон деган кишига насиб қилди. Инжилда келтирилишича, римлик юзбоши Корнилий (Cornelius) кунлардан бир куни ибодат чогида фариштани кўради. Фаришта унга Яффа деган жойга одам юбориб, у ерда меҳмон бўлиб турган Бутруслни уйга келтириш ва унинг ваъзини эшитишни буторади. Корнилийнинг одамлари Яффага етган пайтда Бутруслга ҳам ваҳий келди ва унга рўмол ичида турли туман жониворлар қўрсатилиб, бу рамз орқали турли халқларни христиан динига даъват этиш вазифаси топширилади⁸. Корнилий ва унинг яқинлари Бутрусл воситасида гайрияхудийлар ичида биринчи бўлиб христианликни қабул қилган жамоадир. Шу тариқа христианликнинг миллий биқиқлиқдан чиқиб, дунё динига айланиши жараёни бошланади.

Исо таълимотидаги эзгулик ва инсонпарварлик гоялари Рим империяси бўйлаб тарқалган сари унинг муҳислари орта борди. Биринчи асрнинг охирларидан бошлаб, аҳолининг бой қатламлари ҳам христианликни қабул қила бошладилар. Саводҳон ва мулқорлар христиан жамоаларининг бошлиқларига айландилар. Христианлик ҳаракатида зодагонларнинг фаол иштироки диний таълимотдаги айрим гояларнинг ўзгаришига олиб келди. Аста-секин ҳаворийлар фаолиятида сезиларли бўлган ҳукмдор доираларга қарши ҷақириқлар сўнди. Таълимот давлат манфаатларига мослаштирилди. IV асрнинг бошида Шарқий Рим императори Константин (285–337) христианликни давлат дини деб эълон қилди. Император Константингача Исо пайгамбарининг ўтилари китоб ҳолига келтирилмаган эди. Христианлик дини таълимоти Исо пайгамбар ҳақидаги риоятлар, ҳаворийларнинг фаолияти, уларнинг дин асослари ҳақидаги қайдлари ва мактублари асосида олиб бориларди. Император Константин епископлардан ёзма маңбаларни тўплашни ва китоб ҳолига келтиришни буюради. Китобни тайёрлаш жараёни анча узоқ кечди. Бу орада Константин вафот этиб, китоб ҳолига келтирилган маңбалар тасдиқланмасдан қолиб кетди. Фақат 419 йилга келиб, христианлик тарихи ёритилган Янги Аҳд Карфаген йигинида тасдиқланди. Янги Аҳд қуидаги бўлимлардан ташкил топди:

⁷ Acts, 8–9.

⁸ Acts, 10.

Тўрт Хушхабар (тўрт хотира). Унинг бундай номланишига сабаб, ҳар бир хушхабар Исо пайгамбарнинг тўрт шогирди: Матто, Марк, Луқо, Юҳаннонинг хотиравлари асосланган.

Ҳаворийларнинг (Исонинг шогирлари) фаолияти.

Ҳаворийларниг 21 мактуби (14 мактуб Павелга (Paul), 1 мактуб Яъкубга (James), 2 мактуб Петерга (Peter), 3 мактуб Юҳаннога (John) ва 1 мактуб Яҳудога (Jude) тегишилидир)⁹.

Ваҳий (Revelation). Юҳаннога кўрсатилган ҳақиқатлар¹⁰.

Шу тариқа, Таврот (Қадимий Аҳд), Забур (Довуд пайгамбарнинг муножотлари) ва янги Аҳд бир китоб ҳолига келтирилди ва Инжил деб номланди.

Инжилдаги Қадимги аҳд Истроил халқининг диний-маданий ҳаёти билан боғлиқ хотира бўлиб қолмасдан, балки христианлик бевосита яхудийлик динининг давоми эканлиги ва Худонинг Бани Истроилга юборган ваҳийсининг тасдиги ҳисобланади.

Инжил Худо олами яратиши ҳақидаги нақлдан бошланади. Худо бетакрор олами яратди ва унга гамхўрлик қилишни Одамга топшириди.

Аввалига олам Одам билан уйғун эди. Худо меҳрини қозониш учун дунё неъматларидан воз кечишнинг зарурати йўқ эди. Зоро, меҳр Худонинг инояти билан одамга раво кўрилган эди. Афсуски, одам ўзбошимчалик билан илоҳий амрларни бузганилиги оқибатида бу оламга ташвиш ва алам, азоб ва ўлим кириб келди. Аммо Инжилда айтилишича, инсонлар Худога ўхшаш қилиб яратилгани сабабли Унга бўйсуниш ёки бўйсунмаслиқда эркиндирлар ва ўзлари ҳам, авлодлари ҳам ҳаётларида ўз қилимишларининг самарасини тотиб яшайдилар. Худо олий ҳакам, у инсон хулқ-атворини диққат билан кузатиб боради ва ҳар бирини муносиб тақдирлайди. Ривоятлар бутун инсониятдан дунё халқлари ва элатлари орасида кўзга кўринмас бўлган кичик халқ-яхудийларга кўчганда Инжилнинг ушбу дунёқараши янги шакл касб этади. Ривоят бу халқнинг буюк асосчиларидан (Ибрөҳим, Исҳоқ, Яъқуб) бошланади. Уларнинг Илоҳий амрларга садоқати ва Худо томонидан уларга ватанларида – ҳозирда Истроил деб аталувчи Кањонда миллий фароғат билан таъминлаши ҳақидаги ваъдаси ҳақида гапирилади. Қадимий Аҳднинг мазмун-моҳияти Худонинг миллий фароғат

⁹ Бу мактубларнинг Инжилдаги тартиби қатъий белгиланмаган. Турли нашрларда турлича жойлаштирилган.

¹⁰ Инжилнинг Куръони карим каби пайгамбар тириклигига ёзиб қолдирилмаганилиги оқибатида унинг китоб ҳолига келтирилгунга қадар ўтган 400 йилда Исо шахсиятига бўлган примитив ақида, яъни ҳаворийларнинг Исони худо деб тушунгани қонун даражасига кўтарилди. Бу христианликнинг асл йўлдан чалғишидаги биринчи хато эди. Инжил яратилгунгача ўтган узоқ шаклланиш ва тикаланиш жараёнидаги ҳаворийларнинг мактублари нечоғи ўзгаришга учрагани ҳам номаъумдир. Уларга асосланиб, янги Аҳда Исо Худо фарзанди сифатида талқин қилинади. Биз биламизки, Куръони каримда христианларнинг нотугри ақидалари қораланган.

борасидаги вәйдаси унга имон көлтирган халқларга таалуқтада эканлигидә күрсатылады. Мисрдаги құллықдан Худонинг марҳамати билан қутулған халқ Синай тогида ўз хоҳиши-иродаси билан Худо амрларига бўйин эгип, яккаю ягона Парвардигорга имон көлтириди ва бу аҳд Худонинг хоҳиши эди.

Тўртингчى асрдан бошлаб христианлик Рим империясининг расмий динига айланғач, унинг гоялари фалсафада, шу жумладан, сиёсий фалсафада ҳам маълум ўринни әгаллади. Христианликкинг етакчи динга айланиши билан ўрга асрлар тафаккури ва сиёсий ҳаётида конкрет сиёсий ўзгаришлар рўй берди. Маълумки, антик даврдан эллин-рим даврига ўтишда шахс-индивид манфаатлари ва давлат манфаатлари ажralган эди. Кейинчалик давлатда табиий ҳуқуқлар ва Рим империясининг қонунлари ўртасида ҳам ажralиш рўй берди. Рим ҳукмдорлари жамиятда қабул қилинаётган қонунларнинг универсал қонунга, табиий ҳуқуққа тўғри келиш-кемаслиқ масалаларини аниқлаш, бир сўз билан ифодалаганда, Универсал қонунларни шарҳлаш ишларини черковга топширади¹¹. Бу ҳол бир-бираига боғлиқ икки институт-дунёвий ва черков бошқарувининг пайдо бўлишига олиб келди. (Бу институтларнинг тараққиёти тўртингчى асрдан Ўрта асрлар нийхясигача давом этди.) Черков, папа бошчилигидә, давлатнинг баъзи қонунларини танқид қила бошлади. Табиийки, бу ҳол аҳоли қарашларида иккиланиш ҳиссини уйготар эди. Аммо дунёвий ва мъянавий-руҳоний ҳокимият ўртасига аниқ чегара қўйишнинг иложи йўқ эди. Икки ҳокимият ўртасида қарама-қаршилик секин-аста кучая борди. Руҳоний ҳокимият диний тарғибот ишлари учун етарли иқтисодий малакани әгаллаш, муайян дунёвий ҳокимият ҳуқуқини қўлга киритишга ҳаракат қиласа, сиёсий ҳокимиятни бой бериш хавфидан чўчиган дунёвий ҳокимият эгалари ҳам муайян руҳоний обрўга эга бўлишига зарурат сеза бошладилар.

¹¹ (Рим стоиклари Цицерон ва бошқалар олдинги тарқидунечилик гоясими хилватнишинлик ва сиёсий бўрч билан алмаштирган эдилар. Улар грекларнинг асосий сиёсий тушунчаларини ҳам ривожлантириб, инсон энди гурухнинг таркиби қисми эмас, балки умумдавлат ичидаги индивид ва умумий ҳуқуқининг субъекти деган фикрни илгари сурғандар. Барча индивидлар қонун олдида тенгдирлар ва индивиднинг ҳуқуқи унинг функцияси билан эмас, ҳамма вақт ва ҳар ерда қўлланадиган умумий универсал қонун билан белгиланади. Бу қонун инсон томонидан ўйлаб топилмаган. Инсон уни фақат билиб олиши мумкин. Универсал қонун жамиятда қабул қилинган ва кўпинча қарама-қарши бўлган юридик қонунлардан устун туради. Ҳар бир шахснинг ақла-идроқи космик ягона Ақа ва ягона қонунга алоқадор бўлгани туфайли барча инсонлар бир-бираига фундаментал жиҳатдан ўшиш. Табиий Қонун барча ерда ва барча инсонларга нисбатан қўлланади (инсоний қадриятлар). Жамиятда қабул қилинган қонунларни қайсиси универсал қонунга тўғри келиши ва тўғри кемаслигини ажратиш мумкин. Жамиятдаги қонунлар универсал қонунлар асосида ишлаб чиқилган бўлса, у ҳақиқий қонундир. Барча одамлар қонун олдида тенгдирлар. Бироннинг мулиқига кўз олайтириш универсал қонунга зид. Жамиятдаги қонун бунга қарши жазо белгилайди. Демак, мазкур қонун универсал қонун асосида яратилган. Бундай қарашлар Рим империяси манфаатларига мос тушган эди.

Диний ҳокимиятни кучайтиришнинг йўли Черков бошқарувини қонунийлаштириш эди. Папа Геласий I (492–496-йиллар) ҳар иккала ҳокимият қонуний экани Худонинг иродаси эканлиги ҳақидаги таълимоти билан черковни ҳимоя қилишга киришди. Геласий Византия императорига буйсунарди. У ҳар ҳокимиятнинг ўз вазифаси борлиги: черков маънавий-руҳоний ишларни, давлат дунёвий ишларни бошқариши ва ҳар икки ҳокимият бир-бирини қўллаши лозимлиги гоясици кўтариб чиқди.

Маълумки, Рим империясида юон фалсафий гоялари устувор мафкура эди. Грек фалсафасида Эллада-Рим давригача инсон омили биринчи ўринга қўйилмаган, «шаҳар-ҳамжамият» гояси ҳаммани қониқтирган. Инсон бошқа жонзотлардан афзал кўрilsa-да, алоҳида имтиёзга эга деб ҳисобланган эмас. Ўсимлик ва ҳайвонлар, одамлар ва худолар, тош-тупроқлар, ҳаммаси тугал бир оламни ташкил этувчи мавжудотлаар деб тасаввур қилинганд. Эллада-Рим даврида, яъни тахминан милоддан олдинги 300-йиллардан милоддан кейинги 400-йилларгача рўй берган ижтимоий шарт-шароитлар оқибатида халқ ичидан сиёсатдан маълум дараражада чекиниш, назарий фалсафага бўлган қизиқиш анча совиб, шахс этикаси олдинги маррага чиқади.

Христианликда эса ундай эмас. Христианлик таълимотида инсон марказий ўринда тураради: Худо бу дунё ташқарисида мавжуд. Бутун ер юзи, унинг тошлиари, ўсимликлари, ҳайвонлари Худо томонидан яратилган ва энг мукаммал ихтироси бўлган инсонга макон тарзида берилиб, унинг нажот топиши учун шароит яратилган.

Инсон фарогати, баҳти ҳаёт масалалари ҳақида баҳс юритаётган эллада-рим файласуфларига христианларнинг инсонни марказий ўринга қўйиш гояси жуда маъқул кўринди. Улар ўта оғир ҳаётдаги муаммоларнинг ечимини дин соҳасидан излай бошладилар. Шу йўлдаги уринишлар неоплатонизмда кўзга ташланди.

Христианлик ҳаммани умидворликка чақиравди. Сиёсий тенгисзлик, моддий қийинчилик, инсоннинг ёвузлик қаршисида иродасизлигига қарамай, умид қилиши нажотга элтувчи йўллардан бири эди. Христианликка кўра, моддий ҳаёт абадий инсон руҳи ҳаётининг бир қисми бўлиб, унинг охирги босқичида ҳар бир кишига ҳаётда кўрган азоб-үқубатлари учун оламларнинг Яратувчиси, раҳмидил, адолатли ва пок Худо томонидан муносиб адолатли ажр-мукофот берилади. Христианлар пишиб етилган ижтимоий шароитда юон фозилларини динга тортишдан манфаатдор эдилар. Аммо бунинг учун уларнинг саволларига муносиб жавоб топиш керак эди. Грек ва эллин фалсафалари руҳида вояга етган эллин фозиллари христианлик дини илоҳиётидан умуман фарқ қиласидиган тасаввурлар оламида яшар эдилар. Христианлар икки йўл билан бу масалани ҳал қиласидилар. Биринчisi, Ињиљни юончага таржима қилиш орқали бутун Рим империяси ҳудудида Иnjил таълимотини сингидирдилар. Иккинчisi,

христианликни фалсафа ёрдамида баён этиш орқали юон фозиллари руҳиятига уйғун таълимотни яратдилар.

Христианлар грекларнинг маънавиятига сингиб кетган эзгу ҳаёт, эзгу фазилатлар ҳақидағи тасаввурларни мос равишда најжот ва гуноҳ гоялари билан алмаштирилар. Табиий ҳуқук, умуминсоний бирдамлик ва тенглик ҳақидағи стоикларнинг гоялари инсон бебаҳо, барча яратилғанлар ичида шарафлиси, барча инсонлар бир хил қадрга эга деган христиан тушунчаларига жуда мос келарди. Барча учун бажарилиши возжыб бўлган биргина қонун бор, у ҳам бўлса Худонинг Каломидир. У бўйича, барча одамлар тенгдирлар, зеро уларни Худо ўз қиёфасида яратгандир. Оламда яратилған барча нарсалар инсониятнинг ерда најжот топиш учун қиласидан ҳаракатига хизмат қиласи. Дунё тарихи, стоиклар ўйлаганидек, доира шаклида эмас, балки тўғри чизиқ бўйлаб ҳаракат қиласи, яъни унинг ибтидоси ва интиҳоси мавжуд. Тарих фақат олдинга ҳаракат қиласи ва Қиёмат кунида охирига етади. Нажот топиш учун Худодан умид қилиш керак.

Христианларнинг одамзод гуноҳдан холи бўла олмаслиги ва најжот топишга интилиши лозимлиги ҳақидағи гоялари грек ахлоқий тасаввурларидан ўрин олди.

Грек ва эллин фалсафаси ўзининг муҳим догма-асосларини христиан теологиясига сингдирди, яъни христианларнинг теологик асослари эллин (неоплатонлар) қарашлари асосида шакллантирилди. Учлик ҳақидағи асос, Рұхнинг жисмоний тана устидан ҳукмронлиги ҳақидағи таълимот шу жумладандир.

Христианлик ва неоплатонизм синтези III асрдан XII асаргача, деярли бутун ўрта асрлар давомида етакчи гоя бўлиб келди. XIII асрда Фома Аквинский (1225–1274) томонидан яна Аристотелнинг гояларига қайтилиб, христиан таълимоти аристотелизм руҳи билан сугорилди. Шундан бери Рим католик черковининг фалсафаси сифатида бутунгача яшаб келмоқда.

Шарқий Рим империясининг қулаши (1453) Ренессанс даврини бошлаб берди. Бир пайтлар йўқликка маҳкум этилган антик юон фалсафаси яна долзарб бўлиб қолди. Энди табиатшунослик биринчи ўринга кўтарилиди. Янги давр фалсафасига ўтилди. Аммо фалсафа теологияни ташлаб табиатшуносликка тўла юз бураи деб айтиб бўлмайди. Декарт (1596–1650), Жон Локк (1632–1704) ва ва Жорж Беркли (1685–1753) каби кейинги файласуфлар ишларига христиан теологияси асос бўлиб хизмат қиласи.

375–568-йиллар давомида Фарбий Рим империясининг заифлашиб бориши баробарида христианликпинт таъсир доираси кенгайиб, кўплаб черковлар пайдо бўлди. Императорлик ҳокимияти ниҳоятда заифлашгач, сиёсий бошқарувнинг бир қисмини черков ўз зиммасига олди. Инжил маъноларини грек ва эллин фалсафалари ёрдамида тушунтириш христиан теологияси – илоҳиётчилигининг шаклланишига олиб келди.

2.3. Ислом

Ислом таълимоти

Христианлар ваҳийни Аллоҳнинг инсон шаклида намоён бўлиши деб тасаввур қиласидар. Яҳудийлар уни ўзларига берилган имтиёз деб тушунадилар. Ислом нуқтаи назаридан эса ваҳий Илоҳий ироди ва Амрдир. Инсондан ваҳий амрларига қатъий бўйсуниш ва илоҳий амрларни сўзиз бажариш талаб қилинади. Христианликда худони севиш марказий ўринга қўйилса, исломда Худога бўйсуниш ва унга суюниш марказий ўринда туради. Диний китобларда кўрсатилишича, Аллоҳ ваҳийси пайғамбарлар орқали инсониятга етказиб турилган. Пайғамбарлар ҳамиша инсонларга ибрат намунаси сифатида фаолият кўрсатгандар. Ўзигача мавжуд ҳаёт тарзи ва унинг қонун-қоидалари тизимини ўзгартириши лозим бўлган пайғамбарлар расуллар ва зиммасида бундай вазифаси бўлмаган пайғамбарлар набийлар дейилади.

«Ислом» сўзининг маъноси «бўйсуниш» бўлиб, Куръони каримнинг «Оли Имрон» сурасининг 67-оятида ва «Бақара» сурасининг 140-оятида барча пайғамбарлар ислом динини, яъни Тангрига бўйсунишни тарғиб қилганликлари айтилади.

Ислом фарзлари 5ta бўлиб, барчаси инсон ўз-ўзини маънан, ахлоқан ва бағрикенглик нуқтаи назаридан назорат қилиб туриши учун шарт этиб қўйилган:

1. Имон – Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлиги ва Мұҳаммад унинг расули эканлигига тил ва дил билан иқор бўлиш. Ушбу талаб инсон ягона ҳақ гояя эргашиши, турли иғво, фитна-фасодларга учмасдан ягона йўлдан бориши, тафаккур ва амалда бир хил бўлишини англатади.

Салот – (намоз) – беш вақт намоз ўқиш. Намозда инсон ҳамиша ўз хатти-ҳаракатларига танқидий ёндашиб, тавба қиласиди. Ушбу фарз инсонни кун давомида ўз хатти-ҳаракатини назорат қилишга мажбур қиласиди.

Закот – ортиқча мол-мулкидан етим-есирлар ва муҳтож-бечоралар учун ҳақ ажратиш. Ушбу фарз жамият тақдирига даҳлдорлик ҳиссини тарбиялайди. Инсон онгли равишда бағрикенглик фазилатларини эгаллайди.

Савм (рўза) – рамазон ойида Аллоҳ йўлида рўза тутиш. Ушбу фарз инсон саломатлигини сақлаш ва инсон иродасини чиниқтириш мақсадида киритилган. Рамазон бағрикенглик, саховат ва меҳр-шафқат амаллари ойи ҳисобланади.

Ҳаж – Маккадаги Каъбани зиёрат қиласига. Ушбу фарз инсонга ўтган ҳаёти устида кенг танқидий фикр юритиш ва содир этган хатоликлари, ёмонликлари учун тавба қилиш ва келгусида уларни тузатишга имконият бериш мақсадида киритилган.

Исломда ушбу фарзлар қўйидагича шарҳланади:

Биринчи фарз. Аллоҳнинг бирлигига ва Мұҳаммаднинг унинг расули эканлигига шаҳодат бериш (Ла илаҳа иллаллоҳу, Мұҳаммадун расуллалоҳ). Ислом динининг асосий ақидавий таълимоти Аллоҳнинг бирлигига имон келтириш (Тавҳид) билан белгиланади. Имон қалимасини қайтариш ва шунингдек, Аллоҳга, унинг малоикаларига, пайғамбарларига, китобларига, Қиёмат кунига, ўлгандан кейин тирилиш ҳақлигига, барча яхши ёмон ишлар Аллоҳдан эканлигига қатъий ишониш билан тасдиқланади. Ҳаётини яхши, савоб ишлар билан ўтказган, ёмон ишлардан ўзини сақлаган ва Аллоҳѓитлари ҳамда ислом фарзларини бекаму кўст бажарган инсонлар нариги дунёда жаннатга тушадилар ва аксинча, золим ва тубан ахлоқлиларни дўзах азоби кутади.

Иккинчи фарз. Мусулмонлар кунда беш вақт намоз ўқишилари ва Аллоҳ билан боғланаб туришлари лозим. Намоз орқали мусулмон кўнглини бўшшатади ва Аллоҳга муҳаббати зиёда бўлади. Намоз мусулмонни турли қабиҳ ишлар, ёвуз хаёллар ва ҳаракатларга моне бўлади. Намоз орқали инсон руҳий ҳаловат топади. Аллоҳ мусулмонга бадан ва либосларини пок тутмоқни буюради ва намоз олдидан покланиб, таҳорат олмоги, тани ва қалбини ифлосликлардан тозаламоги фарздир.

Учинчи фарз. Мусулмонлар йиллик соғ даромад ҳисобидан аҳолининг энг муҳтож қатламларига хайрия қилишлари шарт.

Тўртинчи фарз. Рамазон ойини рўза тутиш билан ўтказиш – мусулмонларнинг Аллоҳга итоатининг исботидир. Рамазон ойида Қуръони каримнинг нозил этилиши бошланган бўлиб, шунинг учун у муқаддас ой ҳисобланади. Бу ойда эртадан кун ботгунча ейиши-ичиш, ёмон сўзлаш ман этилади. Шу билан бирга, эзгу ишлар қилиш ва содир этган гуноҳларини таҳдия этиб ахлоқни тузатиш, имон тарбияси билан шугулланиш тавсия этилади.

Бешинчи фарз. Ҳаж бир неча фазилатларга эга. Биринчидан, у покланиш ва тавба қилиш маросимидир. Иккинчидан, бутун дунёдан йигилган мусулмонлар ирқидан, миллати ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил кийинадилар ва бир-бирларига бир хил ҳурмат ва эъзода бўладилар. Бу билан исломнинг барча инсонлар бир хил ҳуқуқларга эга эканлиги ва Аллоҳ қаршисида уларнинг барчаси баробар эканлиги ҳақидаги таълимотини амалда кўрсатадилар. Ушбу ҳол одамларда бирдамлик, тенглик ва биродарлик ҳисларини ўстиради. Ҳаж ислом фарзларининг ичида барча мусулмон учун бажарилиши қатъий талаб қилинмаган ягона илоҳий амрдир. Ҳажга бориш машақкатли ва муайян маблагни талаб қилгани учун фақат имкони борларга буюрилган.

2.4. ИСЛОМ МАНБАЛАРИ

Ислом шариатининг асосий манбалари – Қуръон, суннат (ҳадис) ва фатволардир. Фатво ижмоъ ва қиёс асосида чиқарилган ҳукм бўлиб, мусулмонлар учун қонун кучига эгадир.

Қуръон. Қуръони карим – бу, Аллоҳнинг Мұхаммадга ваҳий орқали нозил этилган охирги китобидир. Бу китоб Иброҳим, Мусо ва Исо пайгамбарлар айтиб қолдирған хабарларни тасдиқлади. Ҳадисларда келтирилишича, пайгамбарларнинг зиммасига юқлатилган илоҳий вазифа одамзоднинг маънавий-руҳоний камолотига халақит берадиган барча нуқсонларни тузатиш ва уларни ҳидоятта йўлламоқдан иборат бўлган.

Қуръони каримда айтилади: «(Бу Қуръон) Раббиниз томонидан (келган) Ҳақиқатдир. Бас, ҳоҳлаган киши имон келтирсин, ҳоҳлаган кимса кофир бўлсин» («Каҳф» сураси, 29-оят). Қуръони карим динга зўрлаб киритишни таъкидлайди. Инсонга ихтиёр эркинилиги беришган. Чунончи, унда айтилади: «Динда зўрлаш йўқ» («Бақара» сураси, 256-оят). Шу тариқа одамзодга палид феъл-атвордан кутулиш, жамиятда адолат ва тенглик ўрнатиш учун имконият бериб борилган.

Қуръон – (арабча «қироа» – «ўқимоқ» феълидан ясалган) Аллоҳ таолонинг барча амрларини ўзида акс эттирган муқаддас китобидир. У 114 сура и 6666 оятдан иборат (Замахшарий бўйича). Ҳанафий мазҳабида 6236 оят деб ҳисобланади. У ўқиши, ўрганиш ва ўқитиш ишларини осонлаштириш учун 30 порага (қисмга) бўлиб, китобат қилиниши мумкин. Ушбу китоб исломнинг биринчи ва асосий манбасидир.

Китоб «Ал-Фотиҳа» сураси билан бошланиб, «Ан-Нос» сураси билан тугайди. Қуръони карим дастлаб пайгамбарнинг котиблари томонидан турли ёзишга яроқли нарсаларга ёзib борилди. Мұхаммад алайҳиссалом вафотидан сўнг унинг тарқоқ ҳолдаги сура ва ояллари Халифа Абу Бакр Сиддик томонидан китоб (мусҳаф) ҳолига келтирилди. Бу ишда Расулуллоҳнинг котиби Зайд ибн Собит бош бўлди. Халифа Усмон даврида эса мусҳаф етти нусхага кўпайтирилиб, бири Мадинада қолдирилди. Қолганлари Макка, Шомга, Яманга, Баҳрайнга, Басра ва Куфага юборилди. Халифа Али ибн Абу Толиб даврида Абул Асвад Даулий исмли олим Қуръоннинг ўқилишини осонлаштириш мақсадида унга нуқта ва ҳаракат белгиларини қўйган.

Ояллар мазмун-моҳиятига кўра уч қисмга бўлинади:

Тавҳид ояллари. Аллоҳнинг ягоналигига далил бўлган ақидавий ояллар. Бу оялларнинг кўнчилиги Маккада нозил бўлгани учун «Маккий ояллар» дейилади.

Шариат аҳқомларига оид ояллар. Уларнинг аксари Мадинада нозил бўлгани учун «Мадиний ояллар» деб аталган.

Пайғамбарлар ва динлар тарихи ҳақиқати ояллар. Уларнинг баъзилари Маккада, баъзилари эса Мадинада нозил бўлган.

Куръони каримда эътиқод, дин, ахлоқ, маданият ва тарихий масалаларга оид қоида ва меъёрлар аралаш келтирилган ва шу билан бошқа самовий китоблардан фарқ қиласди. Уларни қуийдаги уч туркумга бўлиши қабул қилинган:

1. Эътиқодга тааллуқли қоида ва меъёрлар. Бунга мусулмон киши эътиқод килиши лозим бўлган нарсалар киради. Чунончи, Аллоҳга, унинг фаришталарига, Китобларига, пайғамбарларига, Қиёмат кунига, ўагаңдан кейин тирилишга ишониш ва ҳоказо.

2. Ахлоқга тааллуқли қоида ва меъёрлар. Бунда кипи қандай гўзал хулқларга эга бўлиши ва қандай ярамас иллатлардан қочиши лозимлиги кўрсатилган.

3. Амалиётга оид қоида ва меъёрлар. Булар инсоннинг ишлари ва сўзларига тааллуқли ҳукмлар бўлиб, ислом қонуншунослиги шуларга асосланади. Амалиётга оид қоидалар икки турга бўлинади:

Ибодатга тааллуқли ҳукмлар. Буларга намоз, рўза, закот, ҳаж, қасам кабилар кириб, улар инсоннинг диний фаолиятини тартибга солади.

Муомалага тааллуқли ҳукмлар. Одамлар ўртасидаги муомала, олди-сотди, гаров, ижара каби ҳаётий-хўжалик масалалари, жиноят ва жазо қоидалари.

Суннат (Ҳадислар). Исломнинг иккинчи манбаси ҳадислардир. Пайғамбаримиз айтган ҳар бир панд-насиҳат ёки маъқуллаган иш ҳақида гапирилганда, уларни «суннат», баъзан «ҳадис» ёки «хабар» дейиш расмидир. «Суннат» сўзи арабча «санна» феълидан ясалган бўлиб, «йўл» маъносини билдиради. Куръони каримда «суннат» ибораси 17 бор тақрорланган бўлиб, улардан Аллоҳнинг ҳукмлари, буюрган ва ман қилган ишлари англанилди. Истилоҳ маъносида «суннат» – пайғамбар алайҳиссаломнинг сўзлари, ҳаракатлари, тақрирлари (пайғамбар эътироz билдиrmаган нарсалар) ёки пайғамбарлик давридан бошлаб вафотигача барча хулқий сифатлари ҳақида саҳобалар ёки тобеъинлар баён этган маълумотлардир. Ҳамма суннатлар ҳадис ҳисобланган, лекин барча ҳадислар ҳам суннат бўлавермаган.

«Ҳадис» сўзининг маъноси бир нечтадир. «Ҳадис» сўзининг бир лугавий маъноси «янги» демакдир. Яна бири «айтилган сўз, ижод этилган, хабар» маъносини билдиради. Бунинг моҳияти шундан иборатки, ҳар бир айтилган хабар том маънода янги бўлиб, один бундай хабар эшитилмаган. Истилоҳ сифатида «ҳадис» пайғамбар алайҳиссаломнинг сўзлари ва панд-насиҳатларини, шунингдек, турли шароитларда мусулмонларга ибрат намунаси сифатида кўрсатган амаллари (ишлари), феъл-атвори ва ахлоқи ҳақиқати ривоятларни англатади. Ҳадислар Расулуллоҳ даврининг жонли гувоҳлари бўлган саҳобалар ва тобеъинлар томонидан ривоят қилинган. Саҳоба (бирликда «саҳобий», кўплика – «саҳоба», «асҳоб») деб Мұхаммад пайғамбарга ислом динини

ёйишда ёрдамлашган, ваҳий келган илк даврлардан бошлаб пайгамбарнинг сұхбатлари ва юришларида иштирок этган мусулмонларга, «тобеъинлар» деб, Пайгамбарни күрмаган ёки унинг сұхбатларида иштирок этмаган бўлсалар-да, саҳобаларнинг сұхбатида бўлган, уларнинг таълимларини олган мусулмонларга айтилган, «табаа ат-тобеъин» атамаси эса тобеъинларнинг шогирдларига нисбатан қўлланилган.

Пайгамбарлик даври воқеалари, шунингдек, пайгамбар алайҳиссаломнинг қырқ ёшгача бўлган ҳаёти ҳақидаги маълумотлар ҳам ҳадислар сирасига киради.

Суннат ва ҳадис тушунчалари орасида муайян фарқ бўлиб, ҳадис суннатга нисбатан кенг қамровидир. Биринчидан, суннатга Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайгамбарлик давридан олдинги ҳаёти ҳақидаги ва унинг шаклу шамойили ҳақидаги маълумотлар киymайди. Хусусан, ул зотнинг қиёфаси, қадди-қомати, сочи, қандай таомларни яхши-ёмон кўргани суннат сирасида санаалмайди.

Ҳадислар икки қисмдан – санад ва матндан ташкил топади.

Санаад – Пайгамбар алайҳиссаломга тегишли маълумотни далиллаш йўли. «Ровий» деб шу ҳадисни ривоят қилувчи манба-информаторга айтилади.

Санаад – ровийларнинг силсиласидан ташкил топган. Ҳадисни илк бор айтган информатор «Қоил» дейилади. Ровийларнинг энг сўнгисидан «Қоил» гача кўрсатиб бериш ҳадиснинг исноди дейилади.

Матн. Муҳаммад пайгамбарга тегишли маълумот ҳадиснинг матнида акс этади. Матн мазмунини панд-насиҳатлар, бўйруқлар, турли диний ва дунёвий масалалар бўйича кўрсатмалар, қонун-қоидалар, мусулмонларнинг кундалик майслий, шахсий ва оиласий муаммоларига доир маслаҳатлар, тарихий воқеалар ва илоҳиётга оид қарашлар ташкил этади.

Ҳадислар ўз навбатида икки тоифага – қудсий (ал-ҳадийс ал-қудсий) ва пайгамбар ҳадисларига (ал-ҳадийс ал-набавий) бўлинади. Қудсий ҳадислар пайгамбар алайҳиссаломдан тили билан айтилган, аммо Куръони каримда зикр этилмаган Аллоҳ ўғитларига нисбатан қўлланади. Бундай ҳадислар «Аллоҳ таоло айтадики... (қола Аллоҳ таоло, қола Аллоҳ азза ва жалла)» иборалари билан бошланади.

Қудсий ҳадисларда шариат масалалари ва аҳкомлари учрамайди. Улар, инсон маънавий салоҳиятини кўтаришга тааллуқли тавжийҳ (йўл-йўриқ, кўрсатиши) хабарларни ўз ичига олади.

Дастлабки ҳадислар пайгамбаримиз саҳобалари томонидан тарғиб килинганилиги учун шубҳасиз тўғри ҳисобланган. Саҳобаларнинг вафоти туфайли ҳадисларни инсонларга етказиш ишлари уларнинг издошлари, яъни тобеъинлар томонидан давом эттирилди.

Йиллар ўтгач, уларнинг ҳам сафи камайди. Шунда ҳадислар билан тобеъинларнинг шогирдлари – таба ат-тобеъинлар шугууландилар. Миср, Шом, Ҳижоз, Ирок, Хурросон, Марв, Мовароунинаҳр каби ўлкалар ҳадис илми кенг

тарқалған мінтақалар ҳисобланиб, шу боисдан ҳам бу жойлардан күпдан-күп мұхаддислар етишиб чиққан. Мовароуннарда пайғамбаримиз ҳадисларини жамлашга ҳаракат қылған илк мұхаддис Имом Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий ҳисобланади.

Таба ат-тобеъиналар сафининг йилдан йилга камайиб бориши муайян бир даврга келиб, ҳадисларни авлодларга етказиш занжирининг узилишига олиб келди. Ҳадислар ҳар хил ўзлаштырилғанлығы сабабли ҳар хил маңнога ега бўлган тўпламлар пайдо бўлди. Бу, ўз навбатида, ҳадисларнинг келиб чиққи тарихини ўрганиш, уларни класификациялаш асосида тўпламлар тузишга қаратилган мактабларининг шаклланишига олиб келди.

IX асрда, пайғамбаримиз вафотидан 200 йил ўтиб, ҳадис тўпламларини жиддий қайта кўриб чиққи, ҳадисларни иуқсонлардан тозалаш ва асл (саҳиҳ) ҳадисларни йиғишишлари бошланди. Бу ишда ватандошимиз Имом Бухорийнинг хизмати жаҳоншумул аҳамиятга ега бўлди.

Имом Бухорийнинг «Ал Жомеъ ас-саҳиҳ» китоби ишончли тўплам сифатида Куръондан кейин мурожаат этиладиган иккинчи асосий манбага айланди. Тўплам 16 йил давомида шаклланган бўлиб, 9087 ҳадисдан иборатdir. Шундан 7397 таси тақрорланиб келмайдиган асл ҳадисдир.

Фатволар. Ҳар бир давлат ва жамиятда бўлгани каби Мұхаммад алайҳиссалом раҳбарлигига ташкил этилган илк ислом шаҳар-давлати – Мадинада ҳам давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш ишлари олиб борилган. Жумладан, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари Пайғамбар томонидан белгилаб берилди. Мұхаммад пайғамбарнинг вафотидан кейинги даврларда ислом давлатининг улкан империяга айланиши оқибатида давлат раҳбарлари фуқароларнинг содир этган жиноятлари, исломга хилоф ҳатти-ҳаракатлари, шунингдек, никоҳ ва талоқ, мерос бўлиш, тўғри ибодат, солиқ, дин ва давлат ўртасидаги муносабатлар каби масалалар юзасидан муайян қонунлар қабул қилишга мажбур бўлғанлар. Қонунлар, биринчи навбатда, Куръони каримга асосланиши керак эди. Агар унда аниқ жавоб топиласа, суннат ва ҳадисларга мурожаат қилинар эди. Ҳадисларда ҳам масаланинг ечими топиласа, у ҳолда ислом олимлари биргалиқда Куръон ва суннатга зид бўлмаган бир қарорга келиши мумкин бўлган. Ҳукмнинг бундай тарзда чиқарилишига «Ижмөъ» (қасд қиммоқ, биргалиқда, жам бўлиб ҳукм чиқариш) дейилади. Ижмо натижасида қабул қилинган ҳукм одатда Фатво деб аталған. Бироқ, жамият тараққиёт эттани сайин янада мураккаб ва чалкаш муаммолар пайдо бўла бошлиған. Уларнинг ечими юқоридаги манбаларда топиласа, олимлар мазкур манбалардаги ўшаш ҳолатлардан келиб чиқиб, Куръони карим ва Пайғамбар суннатига хилоф бўлмаган шаклда янгича фатво берганлар. Қонунчиликнинг бундай усули «Киёс» деб аталади.

Юқорида күриб чиқылған манбалар, ислом динида «мұттафақ манбалар», яъни унинг ҳукмларига барча мазҳаб вакиллари ҳамфікр бўлган манбалар дейилади. Улар ҳукмларнинг асоси (усул ал-аҳком) ҳисобланади. Шунингдек, турли мазҳаблар олимлари томонидан ўз мазҳаблари учун чиқарган алоҳида ҳукмлар ҳам борки, фақат ўша мазҳаб ичида қонун кучига эга бўлиб, улар «мухталаф манбалар» дейилади.

АРАБ ХАЛИФАЛИГИДА ИСЛОМ ТАЪЛИМОТИ РИВОЖИ

Пайгамбар тириклигига диний ва дунёвий ҳокимият тўлалигича унинг кўлида бўлиб, шу жиҳатдан унинг даврида шаклланган давлат ислом теократик давлати дейилади. Унинг вафотидан сўнг давлат идора усулининг шу кўриниши халифалик даврида ҳам сақланиб қолди. Халифа «ўринбосар» деган маънони англатиб, пайгамбарнинг вазифасини давом эттирувчи давлат раҳбарларига нисбатан қўлланган. Уларга ваҳий келмагани учун, пайгамбар қолдирган Куръони карим ва унинг суннатига асосланиб иш кўрганлар ва диний ҳамда дунёвий ишларни бошқаргандар. Мұхаммад пайгамбар ўзидан кейин 30 йил халифалик бўлиши ва ундан кейин ислом давлати амирликка, яъни дунёвий давлатга айданишини башорат қўлганлиги ҳадисларда айтилган. Дарҳақиқат шундай бўлди. Расууллоҳ ўлеми арафасида оғир беморлиги сабабидан на-мозда имомлик вазифасини ўташни Абу Бакрға топширади. Бу, ундан кейин мусулмонларга раҳбарлик қилишга энг муносиб инсон Абу Бакр эканлигини англатарди. Шу тариқа Абу Бакр Сиддиқ (632–634) халифа этиб сайланади. Унинг вафотидан сўнг Умар ибн ал-Хаттоб (634–644), сўнг Усмон ибн Аффон (644–656) ва Али (656–661) халифалик вазифаларини бажардилар. Ушбу тўрт халифа исломда хулафои рошидин–тўғри йўлдаги халифалар номини олдилар. Уларнинг ўттиз ийлилк ҳукмдорликлари даврида ислом давлати кенгайиб, улкан империяга айланди.

Халифаликнинг умавийлар кўлига ўтиши халқ ва ҳокимият ўртасида жарлик пайдо қилди. Пойтахт Мадинадан Дамашққа кўчирилди. Айш-ишрат авжга чиқди. Кичик Осиё ва Марказий Осиёдан тушаётган хирож халифа ва сарой аъёнларининг шахсий фарогатига сарф бўла бошлади.

VIII асрнинг биринчи чорагида пайгамбарнинг амакиси Аббоснинг авлодлари ва уларнинг тарафдорлари томонидан халифаликда умавийларга қарши катта ҳаракат бошланди. Мавжуд тузумдан норози бўлган барча фуқаролар–араб ва ажамликлар, шиалар ва хорижийлар, ҳатто мусулмон бўлмаган деҳқонлар ва батраклар ҳам уларни қўллаб-қувватлай бошладилар. Аббосийлар агар ҳокимият уларнинг қўлига ўтгудек бўлса, барча мусулмонларни «хирож» – ер солигидан озод қилишга ваъда бердилар. Улар, айниқса, Ҳурросонда катта эътибор қозондилар.

Аббосийлар томонидан умавийларни ағдариб ташлаш учун Хурросонда Абу Муслим раҳбарлигига катта қўзголон тайёрланди. 747 йилнинг 9 июнь куни Марвда 4 минг қўзголончи тўпланди. Улар қора кийим кийдилар ва қора тусли байроқни кўттардилар. Уларнинг таркибида шиа, сунний ва хорижийлардан ташқари, зардустийлар ҳам бор эдилар. Қўзголон фуқаролик урушига айланниб кетиб, бутун Ироқ, Эрон, ва Марказий Осиёни ўз домига тортиди. Умавийлар Тус, Гургон ва Нахованд ўлкаларида жиҳдий талафот бериб, 750 йилнинг бошида ҳокимиятдан ажрадилар. Умавийларнинг охирги халифаси Марвон II Мисрга қочиб, ўша томонда ҳалок бўлди.

Шу тариқа аббосийлар халифалиги ташкил топди.

Аббосийлар даври ислом илм-фанининг ривожи билан ажралиб туради.

Аббосий халифалар диний билимларни чуқурлаштириш заруратини ҳисобга олиб, илм-фан ривожига алоҳида эътибор бердилар. Юнон, ҳинд, паҳдавий тилларидан турли фанларга оид асарлар араб тилига таржима қилинди. Дастлабки таржималар халифаликда яшаётган христианлар томонидан амалга оширилди. Христианлар юнонларнинг кўп китобларини араб тилига таржима қилдилар. IX асрга келиб Багдод араб дунёсининг илм-фан марказига айланди. Араблар фақат эллин маданиятини ўзлаштирибгина қолмасдан, Ҳинд ва Хитой маданиятининг илгор анъаналарини ҳам кенг ўргана бошлидилар, жумладан, хитойликлардан қоғоз тайёрлашни ўргандилар ва китобларни папирус баргларидан қоғозларга кўчиришга ўтдилар. IX аср бошида Халифа Маъмун томонидан ўша давр Шарқида фанлар академияси ролини ўйнаган «Байт ал-ҳикма» тузилди. X–XI асрларга келиб ислом дунёсида юзлаб улкан кутубхоналар вужудга келди. Масалан, шу даврлarda Багдодда юз мингга яқин қўлёзма китоблар бўлган. Ҳолбуки, XIV асрда Сарбоннада (Париж) 2000 қўлёзма китоб бўлган, Римдаги Ватикан кутубхонасида ҳам тахминан шунча китоб бўлган. «Байт ал-ҳикма»нинг катта кутубхонаси ва расадхонаси мавжуд бўлиб, илмий ва таржима ишларига халифаликнинг турли ҳудудларидан, шу жумладан, Марказий Осиёдан Мұхаммад б. Мусо ал-Хоразмий (783–850), Аҳмад ал-Фарғоний каби бир қанча иқтидорли олимлар жалб этилди. Ал-Хоразмий алгебра фанига асос солди ва математика бўйича бир қатор мұхим асарлар яратди. Хоразмий номи ва унинг асарлари Европада Ренессанс даврида машҳур бўлган. Унинг астрономияга оид асарига асосланиб, XV асрнинг иккинчи ярмида Европа университетларида дарслар олиб борилган. Жумладан, Падуяда Ренессанс даврининг буюк намояндаси, Региомонтан номи билан машҳур олмон олимни Иоганн Мюллер ўз маъruzalalarini Хоразмий асарлари асосида тузган.

Фарғонийнинг асарлари астрономияга багишланган бўлиб, саккиз жилдан иборат. 861 йилда Халифа Мутаваккил фармони билан Фарғоний Мисрнинг Рода оролида Нил дарёсининг сув ҳажмини ҳисоблайдиган асбоб яратган.

Шунингдек, у Синжари саҳросида ерни ўлчаш ишларини амалга оширган. Дайр Мурронда астронометрик кузатувлар олиб борган. Аҳмад ал-Фарғоний ҳам Европада ўз илми билан машхур бўлган кейинги ватандошимиздир. Унинг астрономияига оид асарлари, жумладан, «Астрономия асослари» номли асари XVII асрнинг ўрталарида лотин тилига икки марта таржима қилинди ва бир неча марта нашр этилди.

Тригонометрияning фан сифатида шаклланишида ватандошимиз, буюк олим Абу Райҳон Берунийning хизмати каттадир. У глобус ясаган дунёдаги илк олим ҳисобланади.

Мусулмонлар ижтимоий фанларни ривожлантиришда ҳам катта муваффақиятларга эрищилар. Киндий, Абу Наср Форобий, Ибн Сино ва Ибн Рушд қаби файласуфларнинг Ғарбдаги эътирофи Аристотелдан кам бўлмаган. Улар Аристотель ва Платон, неоплатончиларнинг асарларини ўрганиб, уларнинг қарашларини янада ривожлантирилар. Плотин (Plotinus), Порфей (Porphyry), Прокл (Proclus), Жон Филопон (John Philoponus)нинг номлари араб дунёсида машҳур эди. Ўша даврларда кўпгина ислом файласуфлари табиблик билан ҳам шугулланганлар ва шунинг учун ҳам, Гален, Гиппократ, Евклид ва Архимед ишларига мурожаат қилганлар. Уларнинг медицина, астрономия ва оптика фанларидағи муваффақиятлари нафақат шарқ, балки кейинги даврларда ғарб илм-фани ривожига ҳам муҳим улуш қўшди. Табиб ва файласуф бўлган ар-Розий (865–925) мусулмонлардан чиққан илк табиб бўлиб, у бир қанча оғир қасалликларни даволаш усулларини топган. Ибн Сино (980–1037) Розийнинг медицина соҳасидаги ишини давом эттирган буюк ватандошимиздир. Унинг «Қонун ат-Тибб» асари XVI асргача Европа университетларида медицина бўйича асосий дарслик ҳисобланган.

ІІІ ҚИСМ. БАГРИЕНГЛИК – ИСЛОМ ИЛМ-ФАНИ РИВОЖИ ГАРОВИ

Исломдаги бағриенглик, бошқа ҳалқарнинг маданиятини ҳурмат қилиш, ўзга тилли олимларни эъзозлаш, инсон зотини ирқи ва динидан қатъи назар қадрлап ғоялари исломда диний ва дунёвий илмларнинг бирдек ривожланишига олиб келди. Мумтоз исломий илмлар икки турга бўлинади. Бири нақлий ва иккинчиси ақлий илмлар дейилади.

3.1. НАҚЛИЙ ИЛМЛАР

Нақлий илмларга Пайғамбар ўрнатган диний қонун-қоидалар, бағриенглик ва эзгулик ғоялари тарғиботидан ташкил топган ҳадислар, ибодат тарзи, расм-русларга бағишлиган илмлар мажмуси киради. Унда дин моҳияти, унинг жамиятдаги ўрни муқаддас китоб – Куръони карим ва Мұхаммад пайғамбар ҳадислари, диний ривоятлар асосида очиб берилади. Бунда, асосан, Куръони каримнинг зоҳирий маъносига суюнилади. Ҳудонинг тузилишини англашга ҳаракат қатъяян қораланади. Фақат унинг буйруқларини бажариш, ибодат қоидаларига қатъий риоя қилиш талаб этилади. Ортодокс ҳисобланувчи христианларнинг православ оқими ҳам Исо пайғамбар таълимоти ва Инжил матнидан бошқа бирор диний ҳукм ва фатвони тан олмайди. Нақлий илмларга тафсир, ҳадисшунослик, фикҳ илми кирган. Тил ва адабиёт, Куръон қироати ва ваъзхоналик каби нутқ санъати билан боғлиқ соҳалар, тарих, география ҳам нақлий илмлар сирасига киритилган.

Ақлий илмлар илоҳиёт, мантиқ ва фалсафа билан боғлиқ илмлардан иборатдир. Унга биринчи навбатда қалом, фалсафа, тасаввуф илмлари киради. Қалом илми ўзининг мураккаб тарихига эга. У ривожланиш жараёнида шариат илмлари туркумига киритилганки, бу ҳақда ўз ўрнида сўз юритилади.

Инсон ақлий салоҳияти маҳсулӣ бўлган табобат, кимё, маъданлар илми, риёзат илмлари (математика, геометрия, астрономия) каби фанлар ҳам ақлий илмларнинг таркибий қисмини ташкил этади.

ҚИРОАТ ИЛМИ

Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган бир ҳадисда шундай дейилади: «Куръонни маҳорат билан ўқувчи (арабчада «қори») улуг фаришталар билан биргадир. Қорига Куръонни қийналиб ўқийдиганларга нисбатан икки ҳисса ажр бериур». Шу сабаб мусулмонлар ичида Куръони каримни тўғри ва гўзал ўқишга интилиш алоҳида илм сифатида қарор топган. Ўқиш қоидаларини ўз ичига олган тажвид санъати ишлаб чиқилган. Қироат тажвид қоидаларига асосан амалга оширилиши шарт. Ислом тарихида Куръонни етти хил усуlda қироат қилиши қабул қилинган. Уларнинг асосчилари қўйидағилардир:

Абдуллоҳ ибн Касир ал-Маккий ал-Курайший (ваф. 742 й.). У тобеинлардан. Маккада вафот этган.

Нофеъ ибн Абдурраҳмон ибн Абу Наим ал-Исфаҳоний ал-Маданий Мадинада 791 йил вафот этган.

Абдуллоҳ ибн Омир ал-Қозий ад-Дамашқий. Тобеинлардан. Дамашқда вафот этган.

Абу Амр ибн Ало ал-Басрий 779 йилда Куфада вафот этган.

Осим ибн Абинужуд ал-Куфий 750 йилда Куфада вафот этган.

Ҳамза ибн Ҳабиб ибн Имора ат-Таймий ал-Куфий (ваф. 778 йил).

Али ибн Ҳамза ал-Асадий ал-Кисоий (ваф. 811 йил).

ҲАДИС ИЛМИ

Ҳадис илми саҳоба ва тобеинлар даврида мукаммал илм шаклига кирмаган эди. Ҳадислар оғзаки равишда устозлардан шогирдларга ўргатиш орқали кейинги авлодларга етказиб борилган. Саҳобалардан сўнг тобеинлар, улардан кейин табаъ тобеинлар ҳадисларни ривоят қилиш билан шуғулланганлар. Муайян вақт ўтгач, табаъ ат-тобеинларнинг камайиб кетиши оқибатида ҳадис ривоятидаги узлуксизлик занжири узилди. Аста-секин ҳадислар подшоҳларнинг хоҳиши-эътибори ва ҳаракатларини қонунийлаштиришга бўлган уринишлар ва турли минтақалардаги шарт-шароитларга мослаштирилиш оқибатида асл қиёфасини йўқота бошлади, турли ёлғон ва тўқима ҳадислар қўпайиб кетди. Ислом уламолари бу ишнинг оқибати ёмон бўлишини сезиб, тўғри (саҳиҳ) ҳадисларни тўқималаридан ажратиш бўйича илмий изланишлар олиб боришига мажбур бўлдилар. Натижада ҳадисшунослик мактаблари юзага келди. Уларда саҳиҳ ҳадисларни йигиш, санад ва иснодлари билан китоб шаклига келтириш ишлари бошланди. Китоб-тўпламларнинг «Жомеъ» (мавзулар асосида тартибланган), «Муснад» (мавзуларга риоя қилиш шарт бўлмаган) ва «Муъжам» (муаллиф замондошлидан бўлган ровийлар ҳам илова этилган тўплам) шакллари пайдо бўлди. Ҳадислар узлуксиз (мутавотир) ва тоқ (оҳод) ҳадисларга, улар ҳам ўз навбатида бир неча турлари бўлинди. Чунончи, мутавотир: лафзий (сўзлари ўзгартирилмаган) ва маъновий (воқеалар фарқли); тоқ: гариб (ровийси бир киши бўлган), азиз (ровийси икки киши), машхур (иккidan зиёд ровийга эга) каби турларга ажратилди. Машхур ҳадислар яна ҳам конкретлаштирилиб, саҳиҳ (ишончли), ҳасан (маъқул), заиф (ишончли эканлигига кафолат йўқ) каби бўлимларга бўлинди. Улар янада майда бўлакларга бўлиб кўриб чиқила бошланди. Шу тариқа IX асрда ҳадисларни аниқдашнинг илмий усули яратилди. Ислом оламида ҳадисшунослик соҳасида энг эътиборли сифатида олти муҳаддис олимнинг асарлари эътироф этилган. Булар Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810–870) яратган «Ал- Жомеъ ас-саҳиҳ» тўплами, Имом Муслим ибн Ҳажжож (819–879) нинг «Ал- Жомеъ ас-саҳиҳ»,

Имом Абу Исо ат-Термизий (824–892)нинг «Ал-Жомеъ ал-кабир», Имом Абу Довуд Сижистоний (817–888)нинг «Ас-Сунан», Имом Аҳмад Насойи (830–915)нинг «Ас-Сунан» ва Имом Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Можа (824–886)нинг «Ас-Сунан» асарлари дид. Уларнинг ичида энг буюги ватандошимиз Имом Мұхаммад ибн Исмоил Бухорий бўлиб, у 810 йилнинг 21 июлида Бухорода туғилган.

Миср, Шом, Ҳижоз, Ироқ, Хурросон, Мовароунарх каби ўлкалар ҳадис имми кенг тарқалган минтақалар ҳисобланаб, шу боисдан ҳам бу жойлардан кўпдан-кўп муҳаддислар етишиб чиқсан. Мовароунархда биринчи бўлиб пайғамбаримиз ҳадислари жамланган маҳсус тўпламни яратган муҳаддис Имом Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий (736–797) ҳисобланади.

ТАФСИР ИЛМИ (ҚУРЬОН МАЊНОЛАРИНИ ШАРҲЛАШ ИЛМИ)

Тафсир луғатда изоҳлаш, равшанлаштириш маъносида келтирилган. Бу илм зарурат юзасидан, объектив суратда шаклланған илмидir.

Қуръон араб тилида нозил бўлгани билан унинг фасоҳатли, гўзал иборалар, ташбеҳ ва истиорага бой тили оддий авом араблар учун кўп ўринларда тушунарсиз бўлган. Айни пайтда ояти каримадан англашилган зоҳирий маъно турлича тушунилган ва бу саҳобалар ўртасида турли баҳслар чиқишига олиб келган. Мұхаммад алайҳиссалом даврида бундай тушунмовчиликлар пайғамбарнинг бевосита ўзидан сўраш орқали ҳал қилинган. Бироқ Расули акрамнинг вафотидан сўнгти даврда диний раҳнамолар юзага келган баҳсларда тушунмовчиликларни ечиб бериш масъулиятини бўйинга олишга иккиланганлар. Шу тариқа, Қуръон маънолари тушунтирилган илмий китобларга эҳтиёж сезила бошланди. Натижада кўплаб тафсир китоблари яратилди. Тафсирлар тадқиқ усулига қўра бир неча турга бўлинади. Айрим тафсирлар «тафсир бир-ривоят», яъни ҳадисларга асосланган тафсир деб номланади. Улар ҳадис китобларининг бир турига ўхшар эди. «Тафсири Табарий» шундай тафсирлардан ҳисобланади. Кейинги тури «тафсир бид-диروят», яъни мантиқ билан қилинган тафсир дейилади. Уларда мантиқий фикрлап устуворлик қилгани учун ҳам шундай номланган. Байзовый, Замахшарий каби машҳур олимларнинг тафсирлари ана шундай тафсирлар сирасига киради. Шунингдек, тафсир қилишининг яна бир неча усуллари бор. Масалан, Қуръонни Таврот ва Инжил воситасида тафсир этиш, Қуръонни ижтиҳод билан тафсир қилиш усуллари машҳурdir.

Маълумки, Қуръондаги айрим ояtlарда қисқа ёки ишора тарзида келтирилган воқеалар ёки маънолар бошқа ояtlарда кенгроқ берилади. Уларни бир-бирига муқояса қилиш натижасида кенг тушунтириш бериш «Қуръонни Қуръон билан тафсир қилиш» дейилади. Тафсир тили араб тилидир. Тафсирда Қуръони карим ояtlари эркин усуlda тушунтирилади. Зарур жойда риво-

ятлардан фойдаланилади. Оятларнинг тартиби ва чиқарилган маъноларнинг мукаммаллиги шарт эмас.

Барча усуллар Куръони карим, Ҳадислар, Ижмо ва Қиёс каби манбаларга асосланган бўлиши шарт. Шундай экан, бу усууда тафсир қилувчилар қўйидаги талабларга жавоб бермоги шарт деб ҳисобланган:

Араб тилида лугатшунос бўлиши (тилшунос олим бўлиши).

Арабларнинг урф-одатларини яхши билиши (тариҳчи олим бўлиши).

Яхудийлик ва христианлик тарихини чуқур билиши (диншунос олим бўлиши).

Оятларнинг нозил бўлиш сабабларини билиши (Куръон илмини тушунувчи олим).

Юксак ақлий салоҳият, ўтириш фадм ва идрок соҳиби бўлиши лозим.

Ижмо ва Қиёс ижтиҳод орқали амалга ошади. Ижтиҳод билан қилинган тафсирга таъвил қилиш дейилади. «Таъвил» лугатда «қайтмоқ» маъносида келади. Демак, Тафсир Куръондаги ҳар бир лафзни матндан англашилган маънода шарҳлаш бўлса, таъвил – Куръони карим оятларини ижтиҳод билан, ботиний маъноларини юзага чиқаришдир.

Фиқҳ илми

Ислом динининг илк шакланиш даврида ақида, ибодат, дин ва ҳуқуқ, диний жамоа ва давлат, руҳоний ва дунёвий ҳокимиёт масалаларида баҳслар кўтарилимаган. Муҳаммад пайғамбар барча ҳукмларни ваҳий орқали олар ва уларни сўзсиз бажариш барча мусулмонлар учун вожиб саналар эди. Айтиш мумкинки, Пайғамбар ҳаётлигига ислом жамияти мустаҳкам ва ишончли таянчга эга эди. Мусулмонлар Пайғамбарнинг шахсияти, жозибали нутқи, ҳаёт тарзи, ахлоқ-одобига фидойиларча тақлид қилишар, айниқса, қалб осудалиги ва хотиржамлигига, руҳий таскин топишга интилган одамлар учун у ибрат намунаси эди. Унинг ўйтлари мантиқий-ақдий муҳокама ва фалсафий мушоҳадаларга ўрин қолдирмас, ундан таралаётган имон нури ишонч ва эътиқодни мустаҳкамлар эди. Турган гапки, ваҳий бор экан, ҳақиқатнинг бошқа маъбаси ҳақида ўйлашнинг зарурати йўқ эди. Муҳими ваҳий орқали нозил бўлган сўзларни ёдда сақлаш, тушуниш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш эди. Бу эса Куръонни ёд билиш ва унинг ҳукмларини бажариш, Пайғамбар суннати ва у белгилаб берган тафаккур тарзидан оғишмасликни тақозо этарди.

Пайғамбарнинг ўлимни мусулмонлар жамияти олдига иккى муҳим муаммони кўйди. Бири, илоҳий ваҳийнинг тўхташи бундан сўнг ислом қоидаларини идрок этиш ва эътиқод билан боғлиқ масалаларни ечишда мантиқча суюнишни талаб қилиши бўлса, иккинчиси, пайғамбар суннатини давом эттиришга бурчли бўлган дин арбобларининг дин ривожини таъминлашдаги маҳорат ва қобилияти, шунингдек, халифаларининг пайғамбар фазилатлари ва хислатлари, унинг

умматни бошқаришдаги одиллігінің қай даражада үзлаштирганлықлары шубхა остига олина бошланғы. Мусулмонлар үртасаңда дастлабки келишмовчиліккларға, аслида, ана шу кейинги мұаммұ сабаб бўлди. Халифалик давом этган 30 йил давомида ихтилофлар аста-секин кескинлаша борди.

Ислом жамиятида биринчи фуқаролик уруши түртінчі халифа сайланиши арағасаңда юз берди. 656 йилда халифа Усмон ўдидирлігач, можаролар янада авж олди. Мусулмонлар орасаңдаги бўлиниш суннитлар, шиалар, хорижийлар каби оқимларни тарих саҳнасига чиқарди.

Кўриниб турғанидек, оқимлар ўртасаңдаги ихтилофларнинг, тураи сиёсий ва ижтимоий кўтарилишлар негизини, аслида, ҳокимият учун кураш ташкил этган. Можаро ва баҳслар, асосан, сайланадиган халифаларнинг ушбу вазифага муносиблиги, уларнинг олдинга сурәёттан сиёсатлари атрофида кўтарилган. Ҳар учала оқим ўз иddaоларида Қуръони карим ва Пайғамбар ҳадисларидан келиб чиқиб фикр юритар эдилар. Баҳслар, дастлаб, фақат ҳарбийлар орасаңда чиққан бўлса, энди уламолар орасаңда ҳам авж олди. Ихтилофлар сиёсий масалалардан диний масалаларга ҳам ўтди. Эътиборли уламоларнинг зиддияти бир диний масалага турлича ёндашув мумкинлігини қонуний ҳолга айлантириди. Бу эса, ўз навбатида, ислом асосларининг, эътиқод масалаларининг ҳам турлича талқин қилишга бўлган уринишларнинг оммалашувига йўл очиб берди.

Турли гурухларга бириккан уламолар ва уларнинг тарафдорлари орасаңда муросасиз баҳслар кучайди.

Шу ўринда ўзаро келишмовчилікклар у ёки бу даражада сиёсий тизимдаги қонунчиллик танглигини чукурлаштирганини айтиб ўтиш керак. Ҳукumat ва халқ орасаңдаги зиддиятни назарий жиҳатдан ажрим қилиш зарурати пайдо бўлди. Бу эса фиқҳни ишлаб чиқишига шароит яратди¹². Уламолар жамоа орасаңда катта таъсир кучига эга эдилар. Ислом VII асрда қарор топған даврда фиқхий-хукукий нормалар ибтидоий кўринишда бўлган бўлса, кейинги асрда Қуръони карим ва ҳадисларга асосланиб, бир мунча мураккаб қонунлар ишлаб чиқила бошланди. Уламоларнинг фатволари шариат қоидаларига айланниб, аҳолининг ҳаёт тарзини белгилай боплади.

Фиқҳ истилоҳининг лугавий маъноси «тушуниш, англаш»дир. Шариат нуқтai назаридан, фиқҳ Аллоҳ таоло ўз пайғамбари орқали нозил қилган шариатни теран фаҳмламоққа айтилади. Бошқача айтганда, Қуръони каримда ибодат ва муомалотга оид ҳукмлар, бир сўз билан айтганда, амалиётта доир қоида ва меъёрлар бериб ўтилган. Фиқҳ илми уларга асосланади. Қуръони карим ва ҳадисларда очиқ ифодаланган фиқхий қоида ва меъёрлар шаръий далиллар дейилади ва улар асоса ҳукм чиқариш фиқҳдир. Фиқҳ билан шугулланадиган

¹² Қаранг: Сайид Мұхаммад Ҳотамий. Ислом тафаккури тарихида. Форсчадан Н. Комил тарж. Тошкент, 2003, 21—22-бетлар.

олимлар фақих деб аталади. Фақиҳлар Қуръони карим ва ҳадислардаги ҳукмларни таснифлаб түрт бўлимга бўлганилар. Улар қуийдагичадир:

Мумалот – фуқароларнинг ўзаро муносабатларига доир ҳукмлар.

Уқубот – таъқиқлар ва жазо меъёларига доир ҳукмлар мажмуи.

Манокаҳот – никоҳ масалаларига доир шаръий ҳукмлар мажмуи.

Ибодат – ибодатларнинг шакли ва мазмунига доир қоидалар мажмуи.

Ушбу түрт бўлим саҳобалар ва тобеъинлар даврида Қуръон оятлари ва ҳадислар асосида тартиб берилган. Кейинчалик, ислом худудларининг кенгайиши натижасида бошқа динга мансуб ҳалқларнинг исломга киритилиши, ўзга маданият ва эътиқодларнинг яшовчанилик кучи, ёт мағкураларнинг ислом асосларига зарба бериши ҳавфи мусулмон мутафаккирларини янги билимлар манбанини қидиришга мажбур қилди. Иш шу даражага етдики, фикҳ доираларида баъзи мутафаккирлар (масалан, Абу Ҳанифа) Қуръони карим ва ҳадисларга қўшимча равишда ижмо ва қиёс усусларини таклиф этдилар, ҳаётий тажрибага суюнишни тавсия қилдилар¹³.

Бундай усувларнинг пайдо бўлишига Расулуллоҳнинг қуийдаги ҳадиси асос бўлган: «Ҳазрат Али Расулуллоҳдан сўради: «Қуръони карим ва ҳадиси шарифда ҳукми бўлмаган бирон иш содир бўлса, нима қиласиз?»» Расулуллоҳ жавоб берди: «Мўминлардан бўлган олимларни тўпланг ва ўзаро маслаҳат қилин!» Бундай ишда бир кишининг фикри билан ҳукм чиқарманглар!» Диний илмларни чукур эгалланган ва бу соҳада мустақил фикрга эга олимлар мужтаҳидлар дейилади. Ижмоъ усули билан ҳукм чиқаришда ана шу мужтаҳид олимларнинг иттифоқликда қилинган қарорига суюнилган. Қиёс усули эса, ечими Қуръон оятлари ва ҳадисларда очиқ кўрсатилмаган ва шунингдек, мужтаҳидлар томонидан ҳукми келтирилмаган ҳолатларда кўлланилган. Бунда барча олдинги ўхшаш ҳукмлар Қуръони карим ва ҳадиси шарифлардаги ишоралар асосида қиёсан ўрганилиб, янги заминга қўйилган ва ҳукм чиқарилган. Ҳукмларни чиқариш усуслари ҳақида Абдулаҳҳоб Ҳаллофинг «Усул ал-фиқҳ» дарслигида Қуръони каримнинг «Нисо» сураси, 59-ояти маъносидан келиб чиқиб, «Аллоҳга итоат этиш»дан Қуръонга эргашиш туцунилиши лозимлиги, Расулга итоат қилиш суннатга эргашиш эканлиги, ояти ҳаримада «ўзларингиздан чиқдан ишбосиларга (улул-амр) итоат этинглар» дейилиши Расулуллоҳ бўлмагандага уламоларга эргашиш англашилишини таъқидлаган. Агар шунда ҳам бирор масалада яқдилликка эришилмаса, «қиёс» асосида мужтаҳид олимларнинг «ижмоъ»сига суюниб чиқарилган ҳукм юқоридаги ояти ҳаримада қатъий таъкидланганидек, Аллоҳ ва унинг Расули ҳукмларига, яъни Қуръони карим, ҳадиси шарифга зид бўлмаслиги лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, замон ва давр ўтиб шароит ўзгарди. Ислом давлати йирик империяга айлангач, Мадинада асос солинган илк ис-

¹³ Сайид Муҳаммад Ҳотамий. Ислом тафаккури тарихидан. 48-бет.

лом давлатидағи камбагал фуқаролар жамиятида табақалашув содир бўлди. Аҳолининг бойиган табақаси ҳаётида дунёвий турмуш тарзи устуворлик қила бошлади. Қуръон матнларини зоҳирӣ талқин қилиш кундалик турмуш тарзига тўгри келмай қолди. Масалан, Куръони каримнинг «Тавба» сураси, 34-оятида айтилган, ким олтин-кумушни тўпласа ва уни Худо йўлида сарф қиласа, «аламли азоблар» олажаги ҳақидаги ҳукмни тўғридан-тўғри тушуниш IX аср ислом жамияти ҳаётининг умумий тенденциясига тўгри келмас ва кўп мунозараларни келтириб чиқариши табиий эди. Ёки, дейиқ, олинган даромаднинг қирқдан бирини тўлаш ҳақидаги диний ҳукмда тилла назарда тутилганми ёки кумуш? Ёки ҳар иккаласидан ҳам шунчадан тўлаш керакми? Бу ҳукм қимматбаҳо тошларга ҳам тегишлами ёки йўқми, деган саволлар пайдо бўлди. Шу ерда ҳуқуқий тизимда мантиқий ечимларга эҳтиёж тутилди. Фақихлар ичидан халифа ва амирларнинг ҳомийлиги остида кун кечирадиган ва уларнинг манфаати йўлида хизмат қилишни ўз вазифаси деб билувчи гурух ажralиб чиқа бошлади. Куръон оятларини таъвил қилиш ишлари, дастлаб, шу сабабларга кўра бошланган кўринади. Аммо бундай уринишлар янгиликка қарши уламоларнинг ҳужумига учради. Улар ўргасида баҳс-тортишувлар бошланди. Баҳслар доираси борган сайн кенгайиб, ижтимоий соҳаларни ҳам қамраб олди. Вақт ўтган сари, Пайғамбар ва унинг саҳобалари даврида бўлмаган янги эҳтиёж-талабларнинг келиб чиқиши, одамлар ҳаётининг мазмуни ва шаклида юз берган замонавий ўзгаришлар турли фиқҳий-мазҳабий қарашларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Шариат илмларининг кескин ривожи аббосийлар халифалиги даврида турли мазҳабларнинг шаклланиши билан боғлиқ. Мазҳаб бизнинг тушунчамизда секта маъносини ифодалайди. Уларни икки турга, ақидавий ва фиқҳий мазҳабларга бўладилар. Биринчиси ақидавий бўлиб, унга қадария, хавориж, жабария, ашъария, мўътазила, карромия, муржия мазҳаблари киради. Улар ўз таълимотларида ислом ақидаси билан боғлиқ масалаларни кўтариб чиққанлар ҳамда улар юзасидан баҳс қилиб, бир-бирлари билан муросасиз кураш олиб борганлар. Иккинчисига суннитлик оқимига мансуб ҳанафий, моликий, шофеъий ва ҳанбалий, шунингдек, шиа йўналишидаги жаъфарий, исмоилий ва зайдий мазҳаблари киради. Агар ақидавий мазҳабларда асосий баҳс эътиқод муаммолари устида кетса, фиқҳий мазҳабларда ҳуқуқий муаммолар бош масала бўлган. Фиқҳий мазҳаблар ўзларининг асосчилари номлари билан аталиб, улар қўйидагиларdir:

Ҳанафийлар мазҳаби (асосчиси – Нуъмон ибн Собит Абу Ҳанифа (ваф. 767й.).

Моликийлар мазҳаби (асосчиси – Молик ибн Анас (ваф. 795й.).

Шофеъийлар мазҳаби (асосчиси – Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофеъий (ваф. 820й.).

Ҳанбалийлар мазҳаби (асосчиси – Аҳмад ибн Ҳанбал (ваф. 855 й.).

Фиқхий мазҳаблар ислом давлатининг турли жойларида пайдо бўлиб, ҳар бири ўзига хос ижтимоий-иқтисодий шароит ва маҳаллий урф-одатлар таъсирида ривожлангани учун бир-биридан фарқланади.

Аббосийлар даврида тўрт сунний мазҳаб ичидаги шариат масалаларини ечиш бўйича уламолар икки тоифага ажralганлар. Бири ҳадис аҳли (аҳл ал-ҳадис) аталиб, унга Молик ибн Анас, Имом Шофеъий, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал каби мазҳаббошилар ва уларнинг издошлари бошчилик қилдилар. Улар фиқхий ҳукмлар чиқаришда, асосан, оятлар ва ҳадисларга суюнганлар. Иккincinnisi раъи аҳли (аҳл ал-раъи) бўлиб, шаръий масалаларни ҳал қилишда Қуръони карим ва ҳадислар билан бир қаторда мантиққа, яъни қиёсга кўпроқ эътибор берганлар. Имом Аъзам-Абу Ҳанифа ва унинг издошлари иккincinni тоифага мансубдирлар.

Уламолар ҳукм чиқариш қоидаларини ҳам ишлаб чиқиб, фиқҳшунослик фанига (усул ал-фиқҳ) асос солдилар.

Усул ал-фиқҳ қонуншунослик тўғрисидаги фан бўлиб, ислом ҳуқуқининг турли соҳаларини ўрганади. Фиқҳ асослари (усул ал-фиқҳ) бўйича энг аввал пайдо бўлган асарлар сифатида Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг «Фиқҳ ал-акбар», Молик ибн Анаснинг «Ал-Муватто», Имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг «Ал-Муснад», Зайд ибн ал-Ҳасаннинг «Мажмуъ ал-фиқҳ» асарларини кўрсатиш мумкин. Ҳанафий мазҳабида дастлабки факиҳлар Имоми Аъзам Абу Ҳанифа, унинг шогирдлари Имом Абу Юсуф, Имом Муҳаммад Шайбоний ва Имом Зуфар ҳисобланадилар. Имом Абу Юсуф ҳанафий мазҳабига мувофиқ биринчи фиқҳий асар ёзган олимдир. Имом Муҳаммад Шайбоний, манбаларда қайд этилишича, 990та фиқҳий рисола ёзган экан. Унинг энг машҳурлари «Мабсут», «Жоме ус-сагир», «Жоме ул-кабир», «Сияр ус-сагир», «Зиёдот», «Китоб ал-Осор» асарлариdir.

Имом Муҳаммад ибн Идрис Шофеъий фиқҳ қоидаларини ишлаб чиқсан дастлабки олимлардан ҳисобланади. Имом Шайбонийнинг асарлари Шофеъийга фиқҳ қоидаларини тизимлаштиришда қатта таъсир кўрсатган. Х асрда ватандошимиз Қаффол Шоший томонидан Шофеъий қоидаларининг такомиллаштирилган варианти яратилди. Яна бир ватандошимиз Бурҳониддин Маргиноний (ваф. 1197 йил) фиқҳ илмининг Мовароуннаҳрдаги тараққиётини таъминлаб берган буюк олимдир. Унинг «Ал-Ҳидоя фи-л-фуруъ» (Фиқҳ соҳалари ҳақида Ҳидоя) асари ислом оламидаги энг машҳур асарлар сирасига киради.

3.2. Ақлий илмлар

Ақлий илмлар инсон тафаккури ва мантиқ йўли билан тажриба қилиш натижасида тўпланадиган билимлар мажмуй ҳисобланади. Динда ақлий илмлар биринчи навбатда илоҳиёт билан боғлиқ равишда талқин этилади. Илоҳиёт (теология) илми – Худо ҳақидаги таълимот бўлиб (христианликда

католик ва протестант оқимларининг, исломда қалом ва тасаввуф намояндаларининг қарашлари), ҳудо ҳақида қенгроқ тафаккур билан гапириш бу илмга хосдир. Илоҳиёт илмлари у ёки бу диннинг асосий ақидаларини, қоидаларини эркин таҳдил қилиш, илоҳий китоблардаги гояларнинг яширин маъноларини тушунтириш ва уларни тарғиб этишига қаратилган. Шариат диннинг зоҳирий жиҳатларини (ақида, ибодат қоидалари, расм-русумлар) ўргатса, илоҳиёт унинг ботиний жиҳатларини (мантиқий тафаккур орқали Худони таниш йўллари, илоҳий ишқ ва ҳ.к.) ўрганишга чакиради. Ҳар иккаласи диний ҳужжатларга асосланади.

Илоҳиёт баъзи жиҳатлари билан фалсафага яқин туради. Ҳақиқат сирларини англаш ақлий ва руҳоний-маънавий фаолият турлари бўлган фалсафа ва илоҳиётнинг вазифасидир. Аммо илоҳиётни фалсафадан ажратса олиш лозим. Хўш, қанақа масалаларни фалсафа ўрганади ва қайсилари илоҳиётга тегишли?

Фалсафа соф тажриба йўлига асосланади. Илоҳий борлиқ ҳақидаги гояларни файласуфлар метафизик жараёнлар билан бўғлайдилар. Фалсафа илоҳиётдан фарқли равишда ҳамма нарсани шубҳа остига олади. Файласуфлар далилларни мантиққа асосланган мушоҳадалар воситасида келтирадилар ва диний ҳужжатларни тан олмайдилар. Борлиқ муаммоси ҳар иккаласи учун умумий ўрганиш объекти бўлса-да, Худо моҳиятини ўрганиш соф илоҳиётшунослик илмига таалуқлийdir.

Илоҳиётнинг шаклланишида мистика-гайб илми катта ўрин тутади. Илоҳиётчилар мистик билиш орқали Илоҳий борлиқни кашф этиш мумкин деб ҳисобладилар ва диний ҳужжатлар асосида фалсафий мушоҳада юритадилар. Илоҳиёт дин асосларини фалсафий истилоҳлар воситасида тушунтиришидир. Илоҳиёт таълимоти бўйича дин-ўзига хос, илоҳий ҳодиса, инсон ва Худо ўртасидаги гайритабиий алоқадир. Шу тариқа дин илоҳиёт нуқтаи назаридан табиат ва инсондан ташқаридағи олам билан боғлиқ. Бир сўз билан айтганда, илоҳиёт – мистика ва фалсафий-мантиқий тафаккур йигиндишидир.

Қалом илми

Шариат илмларининг ривожи, айниқса, ижмо, қиёс усувлари мусулмонларининг олдида кўндаланг бўлган, диний ибодатлар билан боғлиқ, кўплаб ҳаётий муаммоларни бартараф этди. Шу билан бирга, мазкур усувлар дин асосларини фалсафий мушоҳада қилишга ҳам йўл очиб берди. Содда фалсафий мушоҳадаларнинг пайдо бўлишида христиан илоҳиётшунослигининг таъсирини инкор этиб бўлмайди.

Мусулмонлар христианларнинг таълимотидан яхши хабардор эдилар. Афина, Константинопол, Антиох шаҳарларидағи қадимий фалсафа мактаблари анъаналарининг христиан дини доирасида сақланиб қолганлиги улар билан бақамти яшаётган мусулмонларга уларни ўрганишга имконият яратган эди.

Таржималар воситасида кириб келаётган юонон ва хиндларнинг фалсафий гоялари мусулмонлар тафаккурини тубдан ўзгартириб юборди. Сиёсий-мазҳабий олишувларда масалалар ечимини шубҳа остига олиш оммавий тус олиб, баҳслар жиҳдийлашди. Баҳслар «савол-жавоб» тарзида олиб борилиб, икки томоннинг бир-бирига муросасиз даҳанаки ҳужумидан иборат бўлди. Бундай «ҳужум-ҳимоя» кўринишидаги баҳс усули олдиндан оммавий бўлиб, яхудийлар, христианлар ва монийчилар ўртасида қадимдан давом этиб келаётган мунонзараларнинг бир тури эди. Аллоҳининг зоти ва сифатлари, инсоннинг ироди эркинлиги, Эзгулик ва Ёвузлик манбалари ҳақида турили фалсафий мулоҳаза ва талқинлар исломда бошланган калом баҳсларида юононлардан кириб келган тасаввур ва тушунчалар ҳисобига бойиб, уламолар ўртасида турили гурухларнинг пайдо бўлишига замин яратди. Гурухлар ўртасидағи баҳслар ошкора зиддиятга айланниб кетди. Ушбу гурухлар кейинчалик ўз раҳбарларининг атрофида йириклишиб, жабария, қадария, муржия, мұтазила, жаҳмия каби оқимларга айланди.

Калом илми ислом дини ёйилиши жараёнида шаклан ва мазмунан ўзгариб борди. Бунга сабаб бўлган асосий омиллардан бири исломнинг янги ҳудудлардаги диний эътиқодлар, янги маданиятлар, одатларга дуч келиши бўлди. Мусулмонлар янги сиёсий тизимга асосланган ўз ҳокимииятларини ёяр эканлар, турили одатлар ва анъанааларга эга халқлар билан мураккаб муносабатларга киришидилар. Уларнинг қаршисида исломга янги халқларнинг кириши натижасида юзага келган муаммолар кўндаланг бўла бошлади. Маданияти юксакроқ бўлган халқларнинг мантиқий саволларига қониқарли жавоб топиш, ўз динларининг бошка динлардан афзалигини кўрсатища мүқаддас китоблар билан кифояланнибгина қолмай, шу билан бирга, мантиқий жиҳатдан исбот қилиш ҳаёт-мамот масаласига айланди. Бу, ўз навбатида, янги гоя ва йўлларнинг пайдо бўлишига олиб келиши равшан эди. Иккинчи томондан эса, халифалик ичидаги сиёсий бекарорликни бартараф этиш, мусулмонларнинг турили фирқаларга бўлинниб кетишига йўл қўймаслик зарурати уламоларни янги изланишларга мажбур қилди. Калом баҳсларини турили гурухларнинг жizzаки ва чапани олишувлари шаклидан маданий мунонзарага, кўпгина ҳолларда ёзма баҳслар (рисолалар) шаклига ўтказиш лозим эди.

Калом, шу тариқа, ўз тараққиёти давомида шариат илмининг таркиби қисмига айланди. Бунда Абул Ҳасан Ашъарий ва Абу Мансур Мотуридийнинг хизмати алоҳида дикқатга сазовордорид.

Абул Ҳасан Али ибн Исмоил ал-Ашъарий (873–935) – илоҳиётчи олим, Басрада туғилган. Дастлаб, мўътазилик таълимотини Абу Али ал-Жуббоийдан ўрганади. 912–913-йилларда мўътазилийлар таълимотидан воз кечиб, Багдодга боради ва ўз қарашларини тарғиб қиласди. У 100 га яқин рисолалар ёзган бўлиб, улардан фақат 2 таси, «Мақолат ал-исламийин» ва «Ал-Лумъ» асарлари сақланиб қолган.

Мұғазилийлар Куръон матнларидан маңын чиқаришда мантиқ кatta түшунтириш құвватига эта, Аллоҳ ҳақида, унинг мавжудлиги, моҳияти ва сифатларини билиш ва чин эътиқодга эришиш, яхши-ёмон ахлоқни фарқлаш, пайғамбарлик ва вахийнинг мумкинлиги, моддий олам тузилиши ва унинг яратувчиси орасидаги муносабатни аниқлаш мантиқ ва тафаккур воситасида амалга ошади, деб ҳисоблаган бўлсалар, Ашъарий бу гояларга қарши чиқиб, мантиқнинг ўзи исломнинг асосий масалаларини түшунтириб беришга кодир змас, деди. Ашъарийдан кейин унинг қарашлари ал-Бокиллоний (ваф. 1013й.), Ибн Фурақ (ваф. 1015й.), Абу Исҳоқ ал-Исфараъиний (ваф. 1027й.), Абдул-Каҳир ал-Бағдодий (ваф. 1037й.), ал-Жувайний (ваф. 1085й.), аш-Шаҳристоний (ваф. 1135й.) ва Фаҳридин ар-Розий (ваф. 1209 й.) каби олимлар томонидан ривожлантирилди. Улар мантиқий билиш диний ривоятлардан (нақлдан) устун туришини эътироф этиш билан бирга, мантиқ диний ҳужжатларга мувофиқ келиши кераклигини далиллаб қўнилаб асарлар битдилар.

Ашъарий билан деярли бир даврда шаръий қалом илмини ривожлантирган буюк олим Абу Мансур ал-Мотуридий (870–944) бўлиб, Самарқандда тугилган ва шу ерда яшаб, фаолият кўрсатган. Ал-Мотуридий яшаган давр сомонийлар ҳукмронлик қилган даврга тўғри келади. У Самарқандда 944 йилда вафот этган ва қабри шаҳар чеккасида Чокардиза қабристониададир.

Ал-Мотуридий тўрт сунний мазҳаб асосчиларининг асарларини чуқур ўрганиб, фиқҳ ва қаломга оид «Таъвилот аҳл ас-сұнна» ёки (бошқа бир номи «Таъвилот ал-Қуръон») асарини ёзди. У бу асарида суннийлар ақидасига зид таъвиллар ва қарашларни рад қилишга ҳаракат қиласида ва Абу Ҳанифанинг қарашларига суюнган ҳолда иш кўради. Мотуридийнинг асарлари сони ўн бештага етади. «Китаб ат-Тавҳид», «Китаб ал-мақолот», Каъбий асарларига муносабат билдирилган бир неча асарлари, «Китабу баёни ваҳмил – мўғазила» («Мўғазилийлар ваҳму гумонларининг баёни ҳақида китоб») кабилар шу жумладандир.

Булардан ташқари, ал-Мотуридийнинг «Китоб ал-усул» («Диний таълимот усули китоби») асари ҳам маълум. Абу Мансур ал-Мотуридийнинг кўп асарлари бизгача етиб келмаган, етиб келганлари ҳам асосан хорижий мамлакатлар кутубхона ва қўлёзма фондларида сақланади.

Ал-Мотуридий кўп шогирлар етиштириди, улар орасида ислом оламига машҳур Абу Ҳасан ар-Растуғфоний (ваф. 961 й.), Исҳоқ ибн Мухаммад ас-Самарқандий ва Абдул Карим ал-Паздавий (ваф. 999 й.), Абу Аҳмад ал-Ийдий каби алломалар бор.

3.3. ТАСАВВУФ

Маълумки, Ўрта Осиё ҳалқлари маънавий ҳаётида ислом дини ва тасаввуф таълимотининг ўрни бекиёс. Тасаввуф гояларининг бевосита ҳалқ онгу шуурига

тасири мумтоз адабиёт мавзу ва мазмунидан ҳам яқол сезилиб туради. Ўзбек халқига хос кўпгина ҳуљ-атвор, урф-одат ва расм-руслар бевосита тасаввуф тарбиявий тизими сингдирган нормалар асосида шаклланган. Тасаввуф ҳақида сўз юритганда мактаб ва тариқат тушунчаларини бир-биридан фарқлаш лозим.

Тасаввуф мактабларининг пайдо бўлиши жамият ва давлатда юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан алоқадордир. VIII асрда умавийлар ҳукмронлигининг охирги даврлари, кўпроқ, аббосийлар сулоласи даврида диний доиралар ўртасида авжга чиқсан ақидавий ва фиқхий масалалар юзасидан кўтарилган мунозара-баҳслар, ижтимоий-сиёсий зиддиятлар ислом оламини турили фирқаларга бўлиб юборди. Уламолар орасида салтанат манфаатлари учун хизмат қилиш, дунё ҳою-ҳавасларига берилиш кучайди. Дунёвий ҳаётга муносабат масаласида уламоларнинг тутган йўлини қораловчи ва уларни пайғамбар йўлидан адашганликда айбловчи уламолар тоифаси пайдо бўлди. Улар фаол курашга интилмас, жамиятни тарк этиб хилватга кетиш, узлатга чекиниш орқали жамиятдан нафратини ифодалади. Зоҳидлик давлатнинг дунёвийлашуви, жамиятнинг табақаланиши, дин пешволарининг дунёвий ҳою-ҳавасларга берилиши, ислом уммати орасида тафриқанинг пайдо бўлиши, мазҳаблар ва турли оқимларнинг шаклланишига исён тарзида вужудга келди. Зоҳидлар жамиятдаги ўзгаришларга Расууллоҳ йўлидан оғиши деб қарадилар. Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳот ал-үнс» асарида келтирилишича, суфийларнинг илк уюшмаси Абу Ҳошим (ваф. 767й.) томонидан Рамла шаҳрида ташкил этилган бўлиб, бир насроний амир томонидан уларга такя-хонақоҳ қуриб берилган.

Бу давр суфийларига хос жиҳатлар икки хил зоҳидона ҳаёт тарзида кўринади. Бири нариги дунё азобларидан сақданиш ва жаннатдан умидворлик мақсадида, Расууллоҳ ҳаёт тарзини қабул қилиш, хонақоҳларда тинимсиз ибодат, риёзат ва муъоҳада билан шугулланиш орқали Аллоҳнинг розилигига эришиш учун жамиятдан узоқлашиш бўлса, иккинчиси, Аллоҳ мұҳаббати ва васлига сазовор бўлиш мақсадида ўзлигидан воз кечиб, девонавор дарбадарлик йўлини тутиш билан жамият ва шариат қонун-қоидаларига эътиборсиз қараш кўринишида учрайди.

Илк суфийлар асосан дин олимлари ва мулкдорлар табақаси вакиллари орасидан чиқсан. Ибрөҳим Адҳам қиссаси бунга далилдир. Суфийликнинг пойдеворини қурган машҳур зоҳидларнинг бир нечалари тарихий китобларда қайд этилгандир. Жумладан, VIII асрларда яшаган Жаъфар Содиқ (ваф. 767й.), Абу Ҳошим ас-Суфий (ваф. 767й.), Шақиқ Балхий (ваф. 770й.), Суфён Саврий (ваф. 777й.), Абдуллоҳ ибн Муборак (ваф. 797й.), Фузайл ибн Аёз (ваф. 802й.) қаби дин олимларини келтириш мумкин.

Суфийлар ҳис, илхом, қалб билан билиш гоясини биринчи ўринга қўйдилар. Уларнинг баъзилари диний ҳужжатларга суюниб, қайсиdir маънода мутакаллимларга яқинлашдилар. Шариат билан зоҳирни поклаш (диний илмлар, ҳадис ва фиқҳ олими бўлиш) суфийликнинг биринчи шарти деб эълон қилинди. Уларнинг етук намояндаси Ҳасан Басрий ҳисобланади. У Ҳазрат Алининг талабаси бўлиб, шариат илмларини чукур эгаллаган олим эди. У ўткинчи аунё ҳаётидан юз ўгириб, фақаттинг ёғиз Аллоҳга йўналиб, унга таваккул қилиш, суюниш ва ҳар лаҳзада ундан қўрқмоқ лозимлигини тарғиб қилди. У қўрқувнинг эзгу амаллар қилишдаги катта аҳамияти борлигини уқтириди. Ҳасан Басрий инсон ўз нафсини идора этиш ва ўз фаолиятини тафаккур қилишга чақириди. Унингча, тафаккур-инсонга яхши-ёмонни кўрсатувчи бир ойна бўлиб, ёмонлиқдан сақловчи воситадир. Шу даврда аёллар орасидан этишиб чиқсан машҳур зоҳидлардан яна бири Робия Адавиядир (ваф. 752.). У Ҳасан Басрий билан бир неча бор мулоқотда бўлган. Аммо ўнинг гоявий дунёқараши Ҳасан Басрийнидан фарқ қиласди. Робия Аллоҳга муҳаббат гоясини илгари сурди. Унингча, жаннат орзузи ва дўзах азобидан қўрқув нажот воситаси бўла олмайди. Инсон Аллоҳни шундай севиши керакки, унинг ишқи бу дунё ҳою-ҳавасларини куйдириб юбориши керак. У Аллоҳни фақат Аллоҳ бўлгани учун севиш, ўз борлигини Аллоҳнинг борлигида сингдириш ва Аллоҳ жамолига эришиш гояларини илгари сурди. Агарчи у ҳам Ҳасан Басрий каби доимо маҳзун ҳаёт кецириб, тун-кун нола қилас-да, бу қўрқув эмас, хижрон нолалари эди. Робия Адавия тасаввуф тарихига «илоҳий ишқ» тушунчасини олиб кирган биринчи зоҳид ҳисобланади. Унинг тафаккур ҳақидаги фикрлари ҳам ўз даврида катта таъсир кучига эга бўлди. Унингча, тафаккур орқали инсон илоҳий сирга эриша олади. Ҳар қандай борлиқ Аллоҳда бирлашади. Коинот Аллоҳ сифатлариниг тажаллийсидан иборат. Аллоҳга эришмоқнинг ягона йўли мухаббатдир. Илк суфийлардан Саҳл иби Абдуллоҳ Тустарий (ваф. 896й.) тасаввуфда «нафс» мавзусини бош мавзуга айлантирган бўлса, айрим суфийлар Аллоҳ маърифатига эришишни биринчи ўринга қўйдилар. Улар маърифат амалдан устун, Аллоҳни амаллар билан эмас, маърифат билан билиш мухим деган гоялар билан чиқдилар. Ушбу мактаб Мұхосибия мактаби сифатида машҳур бўлди. Унинг асосчиси Абдуллоҳ Ҳорис Мұхосибий Басрий Ҳол (екстаз ҳолати)ни мақомдан фарқлаган. Ҳол амал-мужоҳада билан мухофазаланади. Мақом эса ҳамиша ҳолнинг дарожасига қараб белгиланади. Ҳол Аллоҳнинг неъматидир. У яшин каби ёритувчи. Мақомнинг ибтидоси – тавбадир. Унингча, ризо мақом эмас. Ризо Худодан бошқани кўнгилдан чиқариш демакдир (Мо сиваллоҳ). Сарри Сақатий Мақомот ва ҳол тизимини тартибга солди. Қуйидаги гап шу олимга тегишлидир: «Илм Аллоҳнинг сифати ва амал банданинг сифатидир. Бир соатлик тафаккур икки олам ибодатидан яхшидир (Тафаккури соатин хайрун мин ибадатис сақалайн)». Зуннун Мисрий (ваф. 859й.) тасаввуф ҳақида илк асар

ёзіб, тасаввуфнинг ҳол ва мақомларини таснифлаб берган олимдір. Үнінг тағаккури Робия Адабия гоялари таъсирида шакланған. Үнінг фикрича, Аллоҳны севиш мезони – Мұхаммад алайхиссаломнинг сұннатига астойділ амал қилиш орқали ахлоқни юксалтиришдір. Аллоқ ва инсон үртасыда иккى томонлама илохий мұхаббат ётади. Бу ішқ воситасыда инсон Аллоҳға эриша олади. Үнга эришган инсон үзининг илохий зотда гарқ бўлганини, содда қилиб айтганда, үзининг илохийлашганини ҳис этади. У оддий мусулмонлар, мутакаллимлар, файласуфлар ва валийлар, яъни суфийларга хос бўлган билимлар даражаси ҳақида гапириб, энг аълоси валийларга хос билим эканлигини ва айнан шуларгина Аллоҳни ҳақиқий маънода била олиши мумкинligини исботлашга ҳаракат қиласы. Аммо үнінг фикрлари мутакаллимлар томонидан кескин қораланды.

Ўша давр машҳур суфий мутафаккирларидан яна бири Боязид Бистомийдир (ваф. 874й.). У фиқҳ олими эди. Робия Адабия ва үнінг издошлари гоялари таъсирида тасаввуфга қаттиқ бериліб, бу соҳада улкан мұваффакиятларни қўлга киригади. Жумладан, у юон фалсафасыдаги «ишқ» ва «ваҳдат тушунчаларини мистик платформада шарҳлаб, «сукр» (мастлик) концепциясини ишлаб чиқди. Тасаввуфда «тавҳид дараҳтини Боязид эккан» деган гап шундан қолган. Үнингча, инсон руҳий камолот мақомларидан ўтиб борар экан, пировард натижада Аллоҳга эришади ва ўшанда унда маст бехудлик ҳолати рўй беради. Инсон үзининг ўзлигини йўқотади ва Аллоҳ бағрига сингиб кетади. Инсон шу ҳолатда бўлганида үнінг оғзидан шундай (шариат нуқтаи назаридан, тилга олишнинг ўзи гуноҳ бўлган) сўзлар чиқиб кетиши мумкин. Зотан, у ҳақиқатни англади, Аллоҳ ва инсон вужудининг ягоналигини ҳис этди. У афсонавий оламга киради ва үзининг олам сабабига даҳлдорлигини кўради. Бу ҳолатда исмлар, сифатларнинг тажаллийсини ўз атрофида кўриб, ўз зоти ва бошқаларнинг вотини кўриб, ўзида Худо зоти ва сифатларининг нұсхасини кўради. Мастилик ҳолати рўй беради. Ҳақиқатни англагандан шундай маст бўладики, үзининг моддий сезгиларидан ажралади (фано фйллоҳ). Бу мақомда намоз фарз эмас, чунки айтилганки, маст пайтда намоз ўқиласин (Ла тақраб уссалата ва антум сукара). Үнінг мактаби «тайфурія» деб аталади. Жунайд Бағдодий мактаби эса сукр йұналишига қарама-қарши ўлароқ, сахв, яъни ҳушёрлик концепциясини илгари сурди. Жунайд 909 йилда Наҳовандада туғилган бўлиб, Бағдодда яшаган. Тасаввуф илмини тогаси Сирри Сақатий, устозлари Ҳорис Мұхосибий ва Мұхаммад Қассоб номларини машҳур суфийлардан ўрганди. У тасаввуф илмини тартибга солишига ҳаракат қиласы, шариат ва тасаввуфий илмларни бир-бирига мувофиқлаштиришга ҳаракат қиласы, шариятта ишқ менен мутафаккирларидир. Үнінг асосий гояси шундан иборатки, инсон руҳий ҳол-мақомлардан юксалиб, Аллоҳ васлига эришганда сахв, яъни ҳушёрлик йўлини тандапи керак. Шунда инсон шариатта хилоф гаплар ва хатти-ҳаракатларни амалга оширмайди. Аксинча, үнінг шу мақомда тўхташи кейинги суфийларнинг тўғри тарбияланишига хизмат қиласы. Жунайд

Багдодий, масалан, ўз қарашларини саккиз турлы қалб сифатлари устига қурди, яъни ризо, эркинлик, сабр, сукут, тажарруд (оламдан ажралиш), жун-сүф либос кийиш, дарвешлик ва факирлик. Бу сифатлар пайғамбарлар ҳәтига хос бўлиб, Иброҳим, Исҳоқ, Яъқуб, Закариё, Яҳё, Мусо, Исо ва Мұхаммад расулуллоҳга хос сифатлардир. Солик, яъни суфийлик йўлига кирган киши пайғамбарларнинг ҳар бирининг йўлини танлаши мумкин ва ўз мақомини кўлга киритиши мумкин. Унинг мақоми то Аллоҳ унда ўзини намоён этмагунча давом этаверади. Масалан, Ҳазрат Үсмоннинг мақоми камтарлик-торгинчоқлик, Ҳазрат Алиники қалб озодлиги, Имом Ҳасанники сабр ва Имом Ҳусайнники ҳақиқатда қоим туришdir. Суфийлар назарида энг буюк мақом Мұхаммад расулуллоҳницидир. Бу мактабга хос бўлган асосий хусусият муроқаба усулининг устуворлигидадир. Жунайд Багдодий оддий ҳаёт кечириш, факирлик, сиёсатга пассив муносабатда бўлиш, барча қийинчиликларга сабр ва сукут билан жавоб қайтариш орқали нафсни енгиши тарғиб этди.

Жунайд Багдодийнинг фикр-қарашларий кўплаб суфийлар учун дастур ул-амалга айланган. Имом Қушайрий ва Имом Газзолий каби буюк мутафаккирларнинг дунёқарашларига катта таъсир кўрсатган.

Суфийлар ичида зоҳидликни қоралаганлар ҳам бўлган. Шулардан бири Абу Ҳасан ибн Мұхаммад Нурийдир. У Багдода тугилиб, Марв ва Ҳирот оралигидаги Бөғсу мантақасида IX аср охирида яшаган. У Зуннун Мисрийнинг шогирди бўлиб, зоҳидликни қоралаган ва «ёлгизлик-шайтонга яқинлашишдир» деган. У инсонларнинг ичидағи фикрини ўқий олгани ва яна айтишларича, кулганида қоронғу уй ёришиб кетгани учун «Нурий» ва ҳақиқатни гапиргани учун «Жосус ул-қулуб» – қалбларни ўғирловчи, деган номларга сазовор бўлган. У саховатпешаликни тарғиб этди. Унинг ақидаси бўйича, бу дунё қурбонлик қилиш учун ярагилган, яъни инсон ўзининг энг севимли нарсасини Аллоҳ йўлида сарф қилас экан, баҳт-саодатта эриша олмайди. У Жунайд Багдодий билан бирга бозорларда юриб кўлидаги бор нарсаларни халққа улашиб юрар эканлар. Унинг мактаби «нурия» деб аталди.

Сұхайл ибн Абдуллоҳ Тустарий мактаби таналаган йўналиш «Мужоҳада йўли» дейилади. Сұхайл нафсни ўлдириш тарафдори эмас, балки уни тарбиялаш тарафдоридир. Ёмондан яхши фазилатлар касб этишига ўтиш сұхайлийлар гоясипнинг магзиидир.

Суфийлар илк зоҳидлардан фарқли ўлароқ, энди мұхим мистик билимларни тарғиб этишга, руҳий покланиш, руҳан камолотга эришув йўлларини далилашга ўта бошлидилар. Зуннун Мисрий «суфийлар – сўз ва амали бир бўлган ва дунёдан алоқасини узганлардир», дейди.

Доимий риёзатлар ва турли руҳий машқлар ҳамда ўз «Мен»ини йўқотишга қаратилган ҳаракатлар натижасида суфийлар ўзларида гайритабиий ўзгаришларни сездилар. Ақл ва мантиқ тушунтиришга ожиз олам сир-

синоатларидан воқиғ бўлдилар. Бу даврларда уларнинг мистик ҳоллари тарғиб қилинмас, улар ўзларида сезган күшупотларни яширишга ҳаракат қилгандар. Айтиш мумкинки, шу даврларда бу соҳада йигилган тажриба, тасаввудаги руҳий ҳолатлар, тажрибадан ўтган ҳол мақомларида илоҳий мукопафалар борасида муайян назарий хуласалар қилиш вақти келган. Абу Қосим ал-Қушайрийпинг «Рисола фил илм ал-тасаввуф» асарида тасаввув илми дастлаб рамзлар ва ишоралар орқали таълим берилгани, суфийлар бир-бирлари билан сұхбатларда бир оғиз сўз ишлатмай ботин тилида гаплашишгани, Зуннун Мисрий биринчи бўлиб бу илмни қоғозга туширгани, Жунайд Багдодий уни такомиллаштиргани, Абу Бакр Шибдий эса бу ҳақда масжид минбаридан бирингчи бўлиб ҳалқа эълон қилгани қайд этилган.

Тасаввув мактаблари кейинги асрларда йўқолиб, уларнинг гоялари бирлашиб кетди ва асосан, ижод аҳли, олимлар ва мутафаккирларнинг дунёкарашларида сақланиб қолди.

Машҳур суфий мутафаккир Боязид Бистомий (ваф. 874й.) гоялари Иби ал-Арабийнинг «Ваҳдат ал-вужуд» деб ном олган таълимотида катта ўрин эгаллади. Бу – илоҳий тажаллиёт назариясидир. Унга кўра, Аллоҳ тажаллиётда ўзини кўрсатади. Инсон сезгилари «илоҳий нур» бўлган илоҳий тажаллиётни ҳис этиши мумкин. Илоҳий моҳият инсон қалбида яширин. Инсоннинг жоҳиллиги шундаки, у ҳақиқатни ўз вужудидан излаб топиши кераклиги ҳақиқадаги бурч ва вазифани унугтиб қўйди. Суфий символикасида қалб бир вақтнинг ўзида ҳам илоҳий билимлар маҳзани ва ҳам мистик билиш органи ҳисобланади. Қалб ҳудди кўзгу каби илоҳий нурни акс эттиради, унда Ҳақ қиёфасини кўриш учун яхшилаб тозалаш керак. Илоҳга бўлган ишқ, чексиз муҳаббатгина Қалбнинг мусаффолигини таъминлайди.

«Илоҳий ишқ» концепцияси бўлган бу таълимот Мовароуннаҳрда XIV–XV асрлардан эътиборан ҳалқ орасида оммавийлаша бошлаган. Бу гоянинг тарафдорлари тасаввув тариқатларига кирмаган. Уларни «вужудийлар» деб атаганлар. Айниқса, шоҳ саройларида ташкил этилган мушоираларда «вужудийлар»га хос диний ҳурфиқрилик, Аллоҳга Яратувчи, Яратиш ва Эзгулик манбаси сифатида қараш талқини устувор бўлган. Зиёлилар, гарчи, ўз қарашларида «Ваҳдат ал-вужуд» таълимотига эргашсалар ҳам, бу уларнинг оддий мусулмон учун фарз бўлган диний ибодатларни бекаму кўст бажарипларига монелик қилмаган. Улар пеърсевар ҳалқ бўлиб, форсий ва туркӣ шеъриятнинг ашаддий мухлислари эди. «Ваҳдат ал-вужуд» таълимоти шеъриятнинг нозик нуқталарини тушуниш, Илоҳий ишқ моҳиятини англашга кенг имконият берарди. Таълимот тарғиботи хонлар саройида, йирик амалдорлар ва маърифатпарвар зотлар ташкил этган шеърхонлик тўгаракларида өлиб борилган. Эркаклар алоҳида, аёллар алоҳида ўз йигинларини ўтказиб

боргандар. «Ваҳдат аҳли» атамиши бу зиёлиларнинг давралари ижод билан шугулланувчи эътиборли шеършунос шахслар томонидан бошқарилган.

Улар асосий ишларидан бўш вақтларда йигинлар ташкил этиб, «Ваҳдат» сирларидан сўзлагувчи бадиий асарлар мутолааси ва шархини тинглаганлар. Йигинларда Жалолиддин Румий, Абдулқодир Бедил, Ҳофиз Шерозий асарлари мутолаа ва талқин қилинган. Айниқса, Алишер Навоий асарлари жуда севиб ўқилган. Буюк мутафаккирнинг асарларида ўз аксини топган гайб хабарлари, илоҳий ишқ дарси шеърият ихлосмандлари фантазиясини бойитган, бетакрор завқ-шавқ берган ва уларни бадиий ижодга илҳомлантирган. Ундан кейинги ўринда Бедил ва Машраб шеърияти туради. Булардан ташқари, Шарқнинг буюк сўз даҳолари Фирдавсий, Саъдий ва Жомий ва Фузулий асарлари ҳам кўп ўқилган.

ТАСАВВУФ ТАРИҚАТЛАРИ

Тасаввувуф тариқатларининг юзага келиши X–XII асрларда кенг минтақаларга ёйилган тасаввувуф мактабларининг бир-бирларидан фарқланиб бориши билан боғлиқдир. Суфийлар минтақада қадимдан илдиз отган, кейинчалик исломлаштирилган мистик тасаввурлар билан бир қаторда, бошқа эътиқодларда мавжуд бўлган метафизик қарашлар ва психо-техник усувларни ижодий ўзлаштира бошладилар. Бунинг натижасида мактаблар ўртасида айрим қарашларда тафовут кўзга ташланса борди.

Х асрдан бошлаб Ироқ, Мисрдаги суфия работ ва завиялари суфийларнинг муваққат қўноқлари эмас, балки тарбия масканларига айланди. Тариқатларниң илк шаклланиш босқичи бўлган бу даврда «пир-мурид» – тарбия шакли бўлмаган ва мистик-метафизик гоялар таҳдили устозлар томонидан шогирдларга умумий тушунтириш йўли билан, сұхбатлар кўринишида сингдирилган. Зикр ва муроқаба техникаси ҳам йога анъаналаридан ижодий фойдаланилган ҳолда такомиллаштирилган.

Тасаввувуф дастлаб ислом ақидаларидан оғишмаслик, нафси енгиш, хуљни тузатиш ва юксак ахлоқий фазилатларни касб этиш орқали камолотга эришиш, Аллоҳни таниш, ҳақиқатни излаш ҳаракати сифатида пайдо бўлган бўлса, кейинги босқичларда ақлий-мантиқий тафаккурга эрк берилиши натижасида ўзаро зиддиятили кўплаб фалсафий назариялар билан қоришиб кетди ва муайян ҳудудлар, даврлар ва замонларда жамият мағкураси, эътиқоди, тарбиявий усувлари билан ўзаро муносабатда ривожланган мураккаб тизимга айланди. XII асрдан бошлаб, тариқатлар шаклланиб, тугал ташкилотга айланди. Рифоий (ваф. 1182й.), Юсуф Ҳамадоний (ваф. 1140й.), Қодирий (ваф. 1166й.), Сұхравардий (ваф. 1168й.) Хурросонда энг дастлабки тариқатларни ташкил этдиар. Суфийликнинг шахс камолотига даҳлдор тамойиллари ишлаб чиқилди. Ҳуллас, XII–XV асрларда илми ирфон ривожи фалсафий-мантиқий-аклий тафаккур йўналишидаги на-

зарияларнинг пайдо бўлишига ва тасаввубнинг тариқатлар доирасида Кичик Осиё, Африка, Хинд, Хитой, Марказий Осиё минтақалари тарқалиб, у ерларда мавжуд турдош гоялар ва тарбия усулларини ўзига сингдиришига олиб келди.

Суфийлик ҳаракати Мовароуннаҳрга Ҳуросондан кириб келди. Бу давр мумтоз тасаввуб тариқатларининг шаклланиш даврига тўғри келади. Мовароуннаҳрда тасаввубий-мистик қарашлар икки йўналишда ривожланган. Биринчиси, тасаввуб тариқатларига уюшган суфийларнинг ахлокий камолот касб этиш орқали мистик билимни оширишидир. Бу йўналишга Жунайд Бағдодий (Х аср) қарашлари асос бўлган. Бағдодийнинг таълимотида бош ўринда турган турли руҳоний машқлар ва муроқаба Мовароуннаҳрдаги барча тариқатларнинг асосий машгулоти бўлган. Мовароуннаҳрда шаклланган яссавия, хожагон-нақшбандия ҳамда кубровия тариқатлари ўз ривожланиш босқичларида тўлалигича Жунайд Бағдодий гояларига амал қилгандар. Жунайд Бағдодий ўз қарашларини қалбнинг ризо, эркинлик, сабр, сукут, тажарруд (оламдан ташқо ўтиш ёки нафсдан ажралиш), жун-сүф либос кийиш, дарвешлик ва фақирлик каби саккиз сифати устига қурди. Бу сифатлар пайғамбарлар ҳаётига хос бўлиб, суфийлик йўлига кирган киши пайғамбарларнинг ҳаётига тақдид қилиб яшами керак. Суфийлар назарида энг буюк мақом Мұхаммад расулулоҳникидир.

Бухорода шаклланган хожагон тариқати Абдулхолик Гиждувонийнинг

Хуш дар дам

Назар бар қадам

Сафар дар ватан

Хилват дар анжуман-

деган таълимотига асосланган тамойилни ривожлантириди. Бу нақшбандия тариқатида, айниқса, ёрқин намоён бўлди. Аслида ушбу тариқатнинг нақшбандия деб номланиши кейинги асрларга хос. Ўрта Осиёда яратилган мансбаларда у тариқати хожагон – хожалар тариқати деб келтирилади. Дарҳақиат, Баҳоуддин Нақшбанд янги тариқатга асос солгани ҳақида на ўзи ва на унинг издошлари маълумот қодирмаганлар. У хожагон тариқати силсиласини бошлаб берган Абдулхолик Гиждувоний таълимотини ривожлантирган буюк пир ҳисобланади. Тариқатни унинг исми билан boglari dasglab XV асрнинг иккинчи ярмида Ҳиротда кузатилган.

Марказий Осиёда кубровия, яссавия, хожагон-нақшбандия ва қодирия тариқатлари фаолият кўрсатгани фанга маълумдир. Кубровия ва қодирия тариқатлари муайян ҳудудларда катта ижтимоий мавқега эга бўлган бўлсаларда, яссавия ва нақшбандия каби умуммамлакат миқёсида ижтимоий-сиёсий нуфузга эга бўлмаганлар. Нақшбандия XVI асрдан эътиборан, ҳатто, яссавиянинг таъсир доирасини камайтиришга муваффақ бўлган ижтимоий тузилма ааражасига кўтарилди.

Хожагон-нақшбандия таълимоти бошқаларидан, асосан, зикр услуби билан фарқ қилади. Абдулхолиқ Ғиждувоний бошлаб берган Аллоҳи яширин, хуфя тарзда қалбан зикр этиш методи Нақшбанд томонидан тариқатнинг асосий белгиси даражасига кўтарилиб, унинг тўрт машҳур тамойили ўн биттага етказилган.

Тарбиявий тамойилларда ушбу тариқатнинг бошқалардан деярли фарқи йўқ. Барча машҳур тариқатларда бўлгани каби унда ҳам асосий ургу ислом арконларини яхши билиш, Мұхаммад пайғамбар ҳулқ-автори, фазилатларини ўзлаштиришга берилади. Мансаб, мол-давлат, ҳукмдорлар даврасига интилиш каби инсоннинг маънавий камолотига халақит берадиган иллатлар қораланади.

Нақшбандия тарихига назар ташласак, XV асрдан эътиборан ушбу тамойилларнинг ҳукмдорлар ва мол-давлатга муносабат билан бояни жиҳатлари эркинлаштирилиб, баъзи рухсатлар берилганligини кўрамиз. Бу, асосан, Хожа Аҳрор фаолиятининг сиёсийлашуви билан боялиқдир.

Маълумки, чингизийларнинг қарийб иккى асрлик истилоси даврида Ўрта Осиё ҳалқларининг буюк тарихи, маънавий қиёфаси унтуилаётган, маданияти таназзулга юз туттган эди. Соҳибқирон Амир Темурнинг буюк ислоҳотчилик сиёсати туфайли Мовароуннаҳр илм-фан, санъат ва исломий маданият маркази сифатида ўзининг қадим шуҳратини тиклади.

Аммо унинг вафотидан кейин юз берган сиёсий воқеалар, империянинг иккига бўлинниб кетиши, вассал давлатларнинг мустақилликка эришуви, темурийзодалар ўртасида сиёсий низоларнинг, тож-тахт учун курашларнинг авж олиши Амир Темур обод ислом диёрига айлантирган қудратли давлатнинг емирилишини, ҳалқнинг баҳтсизлигига сабаб бўлгувчи қирғинбарот урушларни келтириб чиқаришини мұқаррар қилиб қўйди. Шундай шароитда Хожа Аҳрор ҳалқ тақдиди ва давлат манбаатларини ўйлаб, буюк маданият ва бебаҳо маънавий қадриятларни сақлаб қолиш йўлида подшоҳлар ва шаҳзодалар орасига тушишга, ўзаро низоларни тинчлик йўли билан ҳал қилишга ҳаракат қилди. Бундай шароитда сиёсатга аралашмаслик темурийлар империясининг таназзули даврида ҳалқ бошига ёғилаётган балоларга бефарқ бўлиш демак эди. Хожа Аҳрор ҳалқ тақдиди учун қайгуриш, сultonларни адолатга чақириш масаласини сүфийларнинг бурчи даражасига кўтарди. Хожа Аҳрор ўша давр шароитини тушунтириб, айтади: «Бу замонда подшоҳлар ҳузурига бориб мазлумлар ва ҳожатмандларнинг мушкулини осон қилишдан яхши хислат бўлмас. Шунга эришмоқ лозимки, бир мазлумнинг арзини сultonларга етказиб унга мададкор бўлиш, адолатсизлик ҳамда зулмни бартараф қилиш учун барча куч ва гайратни аямаслик керак». Шунингдек, унинг шаҳзодалар ўртасидаги сиёсий можароларни ҳал қилишда фаол иштирок этиши сultonлар ўртасида обрў-эътиборининг янада ошишига олиб келди. Ҳукмдорлар томонидан миннатдорчилик рамзи сифатида ҳадя қилинган ер-сувлар Хожа Аҳрордек

суфийнинг қўлида тариқат тамойилларига зид равиша ортиқча мол-мұлкнинг түпланиб қолишига сабаб бўлди.

Шунга қарамасдан, у умрининг охиригача нағсини жиловлаб, қаноат ришталарини маҳкам ушлаган буюк дарвешлигича қолди. Хожа Аҳрор муридларни мол-дунёга боғланишдан қайтарганлиги қўйидаги сўзларидан ҳам сезилади: «...менинг сизларга мол-дунёни ман этишим, дунёни сизлардан дариг тутишим баҳиллик ёки хасисликдан эмас, балки сиз бу дунё (бойлик) билан овора бўлиб, маънавият, охират саодатидан ва мақсад жамолидан маҳрум бўлиб қолмасликларингизни хоҳлайман».

Айтишларича, у ўзига тегишли мол-мұлкка мутлақо даъво қилмаган ва умумжамоа мұлки сифатида қараган. Унинг яқин шогирди ва халифаси Мұхаммад қози ёзади: «Ҳазрат мол-мұлкларининг барчаси фуқаро учун сарфланарди. Баъзан эса харажат даромаддан кўп бўлар ва йилнинг охира ида қарздор бўлиб қолардилар».

Нақшбандиянинг тарбия тамойилларига киритилган яна бир ўзгариш Махдуми Аъзам Аҳмад Косоний (1461–1542) шахси билан боғлиқ. Махдуми Аъзам Хожа Аҳрордан кейин XVI асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳр ижтимоий-сиёсий ҳаётида чуқур из қолдирган буюк нақшбандий суфийлардандир. Бу давр Ўрта Осиё нақшбандия тармоғи тарихида ҳаёт-мамот даври ҳисобланади. Шайбонийларнинг Мовароуннаҳри эгаллаши билан юзага келган сиёсий бекарорлик, маданий инқироз ва ўзаро урушлар Ўрта Осиё ҳудудида мавжуд түрли суфийлик тариқатларининг биринчилик учун зимдан кураш бошлашларига қулав шароит яратган эди. Махдуми Аъзам Мовароуннаҳр нақшбандия корхонаси учун масъул шахс сифатида тариқат обрў-эътиборини муносиб равиша сақлаб қолишига ҳаракат қиласи ва хонларнинг эътиборини қозонишга муваффақ бўлади.

Унинг асосий асарлари хонлар учун ёзилган бўлиб, уларда тариқат масалалари, силсила тарихи, турли тариқатлардаги зикрлар таҳлили, ҳукмдорларнинг фазилатлари, тасаввуф илмлари тушунтирилган. Махдуми Аъзам ҳукмдорларни хожагон тариқатига киритиш ва уларга суфиёна тарбия бериш тариқат пирларининг муҳим вазифаси деб қарайди.

Хожа Аҳрор фаолиятининг сиёсийлашуви, унинг ортиқча мол-мұлк эгасига айланиб қолиши ва Махдуми Аъзам томонидан илгари сурилган «тариқат ва салтанат бирлиги» гояси тасаввуф ақидаларига зид бўлса-да, бу буюк пири комиллар ҳалқ тақдирига масъулликни асосий вазифа деб билдилар, юрт тинчлиги, эл осойишталигини сақлашда ҳукмдорларга яқиндан ёрдам беришни ўзларига бурч санадилар. Уларнинг ҳаракатлари тарихий шароит тақозо қилганда замон ва даврга мослашувчанлик тариқатлар табиатига ҳам бегона эмаслигини кўрсатади.

Аммо Махдуми Аъзам Аҳмад Косоний вафотидан сўнг Мовароуннаҳр нақшбандия корхонаси бир неча алоҳида даргоҳларга бўлиниб кетди: марказий шаҳарлар бўлмиш Самарқанд ва Бухорода нақшбандия тараққиёти учун Жуйбор шайхлари жавобгар бўлсалар, Фарғона, Тошкент ва Ҳисор Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий ва бошқа халифалар тасарруфига ўтди. Махдуми Аъзамнинг бошқа халифалари ҳам ўзларига хайриҳоҳонлар мададида Мовароуннаҳр ҳудудини ўзаро бўлиш учун кураш бошладилар. Бу курашда бошқа тариқатлар хусусан, яссавия (Абдулқодир Турбатий) ва кубровия (Шайх Ҳусайн Хоразмий) ҳам фаол иштирок этгани ҳисобга олинса, ўша даврда жойлардаги тариқат пешволари ўртасидаги рақобат нечоғлишидатли тус олганини яхши тасаввур қилиш мумкин. Бу, натижада, уларни ўз зиммаларидағи аввал-бошдан юклатилган улкан ва масъулиятли бурч – оддий ҳалқни, жамиятни тарбия қилиш вазифасидан чалғита бошлади. Шу даврда яшаган турли тариқатлар пешволари ҳақида ёзилган маноқибларда ушбу курашларни акс эттирган маълумотлар кўп.

Шу даврларда мамлакатда ҳукм сурган сиёсий бекарорлик, маданий таназзул Ҳиндистон ва Афғонистон ҳудудларидан марду, яъни рад этилган бидъат гояларга эга бузгунчи гуруҳларнинг Мовароуннаҳрга кириб аҳоли ўртасида ўз мағкураларини тарғиб этишларига қулай шароит яратиб берди. «Сабот ул-ожизин» асарига ёзилган шарҳларнинг бирида ўша пайтларда кенг тарқалган 14 та бидъат таълимот ҳақида маълумот берилган. XVI–XVII асрларда ҳудуддаги суфийлик тариқатлари, айниқса, нақшбандия сафларидағи манбаатпарастлик, мансабпарастлик иллатларини йўқотиш учун соглом фикрли айрим суфийлар томонидан жиiddий уринишлар бўлгани шубҳасиз. Ўрта Осиёда Шайх Аҳмад Сирҳиндиј-Имом Раббоний гояларининг ёйилиши қайсиdir маънода шу ҳаракат билан боғлиқdir. Шундай бўлса-да, тариқат пирларининг ҳонлар даврасига интилиши, катта вақфларни қўлга киритишга ва мол-мулк тўплашга ҳаракат қилиши одат тусини олди. XVII–XVIII асрларда яшаган машхур ўзбек суфий мутафаккири ва шоири Суфи Оллоёр тариқат пирлари ва уламоларнинг ана шу тоифасига қарши курашган улуғ сиймоларданdir.

XVIII–XIX асрларда нақшбандия тариқатининг тобора «дунёвий»лашиб бориш жараёни одатий ҳолга айланди. Тариқат деганда асосий вазифаси фақат зикр билан муттасил шуғулланиш бўлган алоҳида гуруҳлар тушунила бошланди. Бу фақат Ўрта Осиё нақшбандиясига хос ҳодиса эмас. Ҳудди шу ҳолатни Ҳиндистондаги нақшбандия-мужаддиия ва Туркиядаги нақшбандия-мужаддиия-холидия тармоги фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Нақшбандийлар мамлакат ҳудудларини кўпроқ ва тезроқ ўз таъсир доираларига тортиш мақсадида кўплаб пир-муршидлар тайёрлаб, маълум ҳудудларга тайинлаш пойгасига тушдилар. Жойларда-

ги вакил-халифалар ҳам ўз тармоқларини ташкил этгандар. Натижада тариқат мактаблари сони ортиқ даражада кўпайиб, буюк хожагонларнинг мурид танлаш қонун-қоидалари бузилиб кетди. Махсус мурид овлари ташкил этилиб, назр бериш имконияти бор ҳеч бир кимса назардан қочирилмайдиган бўлди. Қалбаки шажара ясад, саййидлик даъво қилиш ҳолатлари пайдо бўла бошлади. Қабристонлар кунжида манзил қуриб, сохта обрў орттиришга, пайғамбаримизнинг саҳобаларию имомзодаларнинг сохта қабрларини ясад авом ҳалқни ўз таъсир доираларига тортиш ҳаракатига зўр берилди. Кўпчилик халифалар шахсий манфаат юзасидан муршидларини илоҳийлаштириб, уларнинг шахсига сигинишини ташкиллаштирилар, замондош ёки машҳур авлиё суфийларга рақобат тарзида, бўлган-бўлмаган кароматларини бўрттириб, ўз пирларининг валийлик даражаларини олий мақомларга кўтардилар ва шу орқали келажак тирикчилиги учун мустаҳкам пойдевор ясад олишга интилдилар. Бу эса аста-секин мамлакатнинг катта-кичик туманларида дағн этилган пирларнинг қабрлари сигиниши обьектига айланишига хизмат қилди. Турли сохта қабрларнинг пайдо бўлиши шу даврга алоқадор ва сабаблари юқоридаги мулоҳазалар билан изоҳланади. Албатта, жамият тариқатнинг мумтоз идеалларига содик қолган ҳақиқий пир-муршидлардан холи бўлмаган. XIX асрда Ўрта Осиёга келган рус саёҳатчилари ва олимлари ана шундай обрўли пир-муршидларнинг бир нечасини қайд этгандар. Аммо қудратли пир-муршидлар ҳам мамлакатда илдиз отган сохта авлиёликнинг пайини қирқа олмаганлар.

XIX асрга келиб, пирлар шугулланиши лозим бўлган ҳалқ гамини енгиллаштириш, хайр-саҳоват ишларига бошчилик қилиш, ҳалқни Расулуллоҳ суннатлари асосида юксак ахлоқли қилиб тарбиялаш вазифалари «дастгир»лик, «мушқулкушод»лик ва дуохонлик билан алмашди. Муридолар фақат назр-ниёз манбаси сифатида пирларни қизиқтира бошлади, холос.

4.1. ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ТИКЛАНИШИ

Маълумки, совет даҳрий тузуми даврида давлат томонидан фуқароларнинг диний эътиқоди масалалари жиддий таъқиб этилди. Анъанавий миллий урф-одатлар дин пропагандаси сифатида қаттиқ қораланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, аҳвол бутунлай ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларни том маънодаги виждан эркинлиги ва эътиқод ҳурлиги билан таъминлади. Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 90 фоизи ислом динига мансуб халқдир. Мустақилликнинг дастлабки даврлариданоқ давлат фуқароларнинг эмин-эркин ибодат қилишлари, ислом дини арконларини чуқур ўрганишлари ва исломий саводхонликларини оширишлари учун етарли даражада шароит яратди. Қурбон ҳайит (Иъид ал-адҳа – қурбонлик қилиш байрами), Рӯза ҳайит (Иъид ал-фитр – Рамазон тугасига багишланган байрам) каби диний байрамлар Президент Фармони билан дам олиш куни деб эълон қилинди.

Ислом динининг халқимиз маънавий ҳаётидаги муҳим ўрнини ҳисобга олиб, давлат томонидан исломий қадриятларни ўрганишга кенг эътибор қаратилгани, аввало, ўзбек халқининг бой ва буюк маънавий-маданий тарихини тиклаш, унга нисбатан ифтихор туйгуларини ўстириш билан белгиланади. Шу мақсадда 1995 йил 19 май куни ислом динининг бой маданий меросини ўрганишни кенг йўлга қўйиш учун Тошкент шаҳрида Халқаро ислом тадқиқот маркази ташкил қилинди. Ўзбекистон ҳудудида туғилган, ўзининг бой илмий-маънавий мероси билан ислом дунёсида табарруқ зотлар қаторида эътироф этилган буюк диний арбобларнинг таваллуд айёмлари давлат миқёсида нишонланана бошлади. Жумладан, 1993 йилнинг сентябрь ойида Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги, 1994 йилнинг ноябрида Хожа Аҳрор Валийнинг 590 йиллиги, 1995 йилнинг ноябрида аз-Замахшарийнинг 920 йиллиги ва Нажмидин Кубронинг 850 йиллиги, 1998 йилнинг октябррида Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги, 2000 йилда Имом Мотуридийнинг 1130 йиллиги кенг нишонланади. Буюк бобокалон мутафаккирларимиз юбилейлари муносабати билан ўтказилган халқаро конференциялардан ташқари, ислом қадриятларини ўрганиш ва тарғиб-ташвиқ этиш масалаларига бағишлиган турли анжуманлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, «Ўрта Осиёда ислом даври қўлёзма асарларини яратиш традициялари» мавзуида ўтказилган халқаро анжуман (1997) исломий меросни асрраб-авайлаш ва унинг илғор анъаналарини тиклаш жараёнини яна бир босқичга кўтарди.

1990 йилдан бери Имом ал-Бухорий республика илмий-маърифий маркази томонидан Самарқандда мунтазам ўтказиб келинаётган «Дунёйлик ва дин» мавзусидаги йиллик халқаро семинар глобаллашув даврида юзага чиқаётган ислом дини билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий ҳодисалар тарихини ўрганиш ишларида муҳим натижаларга эришди.

Совет даврида Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармаси (САДУМ) деб номланган Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси 1995 йилда тарқатилиб, унинг негизида Ўзбекистон мусулмонлари идораси ташкил этилди. Мамлакатимизда ислом динининг ривож-равнақи масалалари билан шуғулланиш унинг зиммасидадир. Ҳозирги кунда унинг тасарруфида 2039 масжид, 10 диний таълим муассасаси, жумладан, 1 ислом институти, 9 мадраса фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси муассислигига диний-оммабоп, диний-илмий адабиётларни чоп этишга ихтинослашган «Мовароуннаҳр» нашриёти, «Ислом нури» ҳафталиқ даврий газетаси, ҳамда «Ҳидоят» ойлик журнали фаолият кўрсатмоқда. 1992 йилда буюк юртдошимиз, муҳаддислар сultonи Имом ал-Бухорийнинг «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» («Ишонарли тўплам») асарининг тўртингчи жилди таржимаси 200 минг нусхада ва учинчи жилди 1994 йилда, иккинчи жилди 1996 йилда 200 минг нусхадан чоп этилди. Ўша иили Қуръони карим маъноларининг Алоуддин Мансур томонидан амалга оширилган биринчи ўзбекча таржимаси «Чўлпон» нашриётида 100000 нусхада чоп этилди. 2002 йилда Абдулазиз Мансур Қуръони карим маъноларининг иккинчичи таржимасини тайёрлаб, чоп эттириди.

1995 йилдан Ўзбекистон телевидениесининг Тошкент студияси орқали «Жума ўғитлари» кўрсатуви намойиш этила бошлианди. 1997 йилдан биринчи канал орқали «Ҳидоят сари» ҳафталиқ диний-маърифий кўрсатувлари экранга чиқди.

Республикадаги диний таълим муассасалари фаолияти жамият, дин ва замон талаблари асосида қайта ташкил қилинди. Бугунги кунда уларда диний ва дунёвий билимларни чуқур эгаллаган, янгича тафаккур ва дунёқарашга эга бўлган малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

Динни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсати натижасида мусулмон хотин-қизлар томонидан диний-маънавий меросни ҳар томонлама ўрганиш учун етарли шарт-шароитлар яратилди. Бугун Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфида уч хотин-қизлар малрасаси: Тошкент шаҳрида Хадичаи Кубро номидаги, Бухорода Жўйбори Калон номидаги ва Китоб шаҳрида Хожа Бухорий номидаги ўрта маҳсус таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Уларда жами уч

юзга яқин қызлар таълим оладилар. Шунингдек, ўттиз беш ёшдан ошган аёлларнинг исломий маърифатини ошириш мақсадида бир қанча тайёрлов-маърифат курслари ташкил этилган. Хотин-қызларнинг исломий ўрта махсус таълим муассасаларини тузишдан асосий мақсад-дин соҳасида назарий билимларга эга мутахассисларни тайёрлашдир. Бугунги кунда ушбу таълим муассасаларини битирған мингдан ортиқ қызлар халқ таълими соҳасида, жумладан, бөгча ва мактаблар, коллеж ва лицейларда баракали меҳнат қилмоқдалар.

Республика диний таълим муассасаларида Қуръон илми, фиқх-ислом ҳуқуқи, ақоид, ҳадисшунослик каби диний фанлар билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси умумий таълим тизимида кўзда тутилган барча аунёвий фанлар, жумладан, химия, математика, астрономия, биология, информатика ва яна бир қанча фанлар ўтилади.

2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорига биноан Тошкент ислом институти ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги барча диний ўрта махсус билим юртлари битирувчиларининг дипломлари давлат аттестация ҳужжатларига тенглаштирилди. Бу, диний таълим муассасаларини аунёвий давлат таълим муассасалари даражаси билан тенглаштириш ва давлат олий ўқув юртларида узлуксиз таълимни давом эттириш учун тенг ҳуқуқ ва шарт-шароит яратиш демакдир.

Бугунги кунда Президент Фармонига биноан республиканинг диний мазмунга эга қадимий ва замонавий ёдгорликлари, барча зиёратгоҳлар мусулмонлар идораси тасарруфига ўтказилган.

Ислом динига эътиқод қилувчи Ўзбекистон фуқароларига асосий фарзлардан бўламиш Саудия Арабистонига ҳаж зиёратига бориш учун барча имкониятлар ва шароитлар мұхәйё қилинган. Ҳар йили Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Муборак ҳаж сафарига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги Қарори қабул қилиниб, зиёратчиларга имтиёзли шароитлар яратилиб берилмоқда. Мустақиллик йилларида 50 мингдан зиёд фуқароларимиз муборак ҳаж зиёратини амалга оширидилар. 1992 йилда Президент И. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси расмий ташриф билан Саудия Арабистони Подшоҳлигида бўлди. Подшоҳ Фаҳд бин Абдулазиз ал-Сауднинг делегация аъзоларига кўрсатган эҳтироми ўларок, улар Каъбатулоҳ – Аллоҳнинг уйига кириб зиёрат қилишга мушарраф бўлдилар.

Шу даврғача 40000 дан ортиқ фуқаро Саудия Арабистонига Умра зиератини амалга ошириб қайтдилар.

1999 йил 7 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан Тошкент ислом университетиташкил этилди. Вазирлар Маҳкамасининг Тошкент ислом университетини ташкил этиш бўйича қабул қилган Қарорига асосан, университетнинг «Ислом тарихи ва фалсафаси», «Фиқҳ, иқтисод ва табиий фанлар» факультетларида 106 нафар талаба таълим ола бошлади. Университет қошида Исломшунослик илмий тадқиқот маркази ташкил этилди, кейинги ўқув йилидан эътиборан эса академик лицей ҳам ўз фаолиятини бошлади.

Бу яна бир марта Ўзбекистон Республикасида дунёвий давлат ва диннинг уйгун тараққиётiga ёрқин исботдир.

4.2. Диний Конфессиялар

Жаҳон миллий давлатчилик тарихи, айниқса, мусулмон давлатлари тарихи шуни кўрсаатади, дин, унинг жамият ва сиёsatдаги ўрни масалаларида турли давлатлarda турлича муносабат мавжуд. Ҳар бир алоҳида олинган давлат ўз ҳудудида асрлар давомида шаклланган муайян тарихий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда дин билан муносабатга киришади. Ўзбекистонда ислом динидан ташқари бир қанча диний конфессиялар ҳам мавжуд бўлиб, улар қадим замонлардан бери ислом билан бақамти ривожланиб келган. Шу сабабли мустақилликка эришилгандан сўнг ўтган қисқа давр ичida давлат мамлакатда азалдан ҳукм сурган диний бағрикенглик анъаналарини тиклади ва динларнинг сиёсатга аралашмаслик тамойилини қатъий белгилаб қўйди.

Ўзбекистонда дин мамлакатдаги маданий-маънавий анъаналарнинг ажralmas қисми ва аҳоли маънавий камолотининг асоси сифатида қаралади. Дин ўз олдига ҳеч қандай сиёсий мақсад қўйиши мумкин эмас. Бу меъёр давлатнинг дунёвий бўлиши ва мамлакатдаги барча динларга нисбатан тенгхуқуқлилик ва ўзаро тотувликни таъминлаб беришининг гарови бўлди.

Хозирги кунда республикада 16 та диний конфессия қайд этилган. Уларнинг бир қисми Ўзбекистон учун ноанъанавийdir. Давлат улар билан ўзаро муносабатда, ўз дунёвий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги тамойилларга амал қилмоқда:

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;

—диний қарашларга амал қилювчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишига йўл қўймаслик;

—маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтиришишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўлларини излаш зарурияти;

—диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишига йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш.

Охиргитамоийл Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги «Халқаро пакт»нинг 18-моддасига мувофиқ келади. Бу моддада ҳар бир инсоннинг ҳур фикрлаш, виждон ва дин эркинлигига бўлган ҳуқуқини мустаҳкамлаб қўйишдан ташқари, яна бундай дейилади: «Дин ёки эътиқодга сиғиниш эркига фақат қонун билан белгиланган ва жамоат хавфсизлигини, тартибини, саломатлигини ва ахлоқни сақдаш учун, шунингдек, бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркини муҳофаза этиш учун зарур бўлган чеклашлар билангина дахл қилиш мумкин». Юқоридаги фикрлар маънавият ва маданиятнинг бир қисми бўлган дин билан ундан муайян сиёсий мақсадлар йўлида фойдаланишига уринишларни аниқ ажратиб кўрсатади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 2219 диний ташкилот эркин фаолият кўрсатмоқда. Уларниң энг катталари сифатида Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Рус Православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё Епархияси, Евангель христиан-баптистлари черкови, Рим-католик черкови, тўлиқ Евангел христианлари черкови, Ўзбекистон Инжил жамиятини кўрсатиш мумкин. Шунингдек, 154 христиан черкови, 8 яхудий синагогаси, 1 баҳоийлар уюшмаси, 1 Кришна жамияти, 1 будда ибодатгоҳи мавжуд.

12 диний таълим муассасаси қаторида 1 православ ва 1 христиан протестант семинарийси давлат рўйхатидан ўтган.

Мамлакатимизда ислом динига қандай шароитлар яратилган бўлса, бошқа динларга ҳам худди шундай эмин-эркин ибодат ва озод фаолият учун барча шароитлар муҳайе қилинган. Ҳар йили мазкур диний ташкилотларнинг 120 дан ортиқ вакили Исройл, Гречия ва Россиядаги диний зиёратгоҳларга сафар уюштирадилар, хорижга эътиқодий зиёратга йўл олувчилар учун бериладиган имкониятлардан фойдаланмоқдалар.

Мамлакатда исломий муҳим саналарни нишонлаш билан бир қаторда бошқа конфессияларнинг ҳам диний мазмундаги бир қанча тадбирлари мамлакат миқёсида атрофлича нишонланди. Жумладан, 1996 йилнинг ноябрь ойида Рус Православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё Епархиясининг 125 йиллиги, 1996 йилнинг декабрь ойида Марказий Осиёдаги ягона Евангель-лютеранлар жамоасининг 100 йиллиги кенг кўламда

нишонланди. 1995 йилда «Бир само остида» ҳалқаро христиан-мусулмон конференцияси ўтказилди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон диний бағрикентликнинг, конструктив конфессияларо мулоқотнинг, давлат институтлари ва диний ташкилотлар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ёрқин намунасиdir.

4.3. ЎЗБЕКИСТОНДА ВИЖДОН ЭРКИНИЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Виждон эркинилиги ҳуқуқи (31-модда), диний ташкилотлар ташкил қилиш ва уларга кириш ҳуқуқи (34, 56, 58-моддалар), қонун олдида тенгҳуқуқлилик ва давлатининг диний ташкилотлар ишига аралашмаслиги (57-модда) каби масалалар ўз ифодасини топган. Конституция динлараро нифоқни тарғиб этувчи диний бирлашмаларни, шунингдек, сиёсий-диний партияларни ташкил этишини ман этади. Виждон эркинилиги борасида конституциявий меъёр диний ташкилотлардан бир-бирларига бағрикентлик тамойили асосида муюмала қилишни талаб қиласди.

Конституциянинг 61-моддасида яна бир муҳим демократик қоида акс этган: «Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ва қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний ташкилотлар фаолиятига аралашмайди». Демак, диний ташкилотлар ўз фаолиятида мустақил бўлиб, ҳар бир диний уюшма ўз ички масалаларини мустақил ҳал қиласди.

Давлат ва дин ўртасидаги ўзаро алоқаларни уйғуллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича қўмита ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонига (1992) асосан диний ташкилотлар фаолиятининг дунёвий қисмини мувофиқлаштириб турувчи маҳсус давлат органи тузилган.

Конституциявий меъёрларнинг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлаш механизми Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинилиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунида янада мустаҳкамланди (1998). Ушбу қонун – мазкур соҳада шаклланаётган ижтимоий муносабатларни моҳиятган янги погонага олиб чиқувчи муҳим ҳуқуқий асосидир. Қонуннинг 5-моддасида келтирилган қоида бағрикентлик тамойилини ифодалайди: «Давлат турли динларга эътиқод қилювчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроса ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний ва ўзга мутаассибликка ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмайди.

Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни құллаб-қувватлайды. Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратылған хатты-харакатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлік фаолияти ман этилади. Ушбу қоиданинг бузилишига айбдор шахслар қонун хужжатларида белгиланған жавобгарлықтортиладилар».

4.4. Диний мутаассиблик таҳдиidi

Мустақилликнинг дастлабки йилларида исломни әркинлаштириш жарайёнида ҳаддан ташқари күп масжид ва мадрасалар очилған эди. Уларнинг күпчилигида диний билимлари саёз ва илмий салохијити талағ даражасида бўлмаган имомдар ёки хориждан келган даъватчилар ислом дини асосларидан таълим бердилар. Таълим жараёнида араб мамлакатларида, Туркия ва Эронда чоп этилган дарсликлардан фойдаланишди. Натижада 1990 йилларнинг ўрталарига келиб, ёшлар орасида ислом асосларини мутаассибларча талқин қиласидаги баъзи гурухлар пайдо бўлди. Улар «ислом давлати» куриш, «кофири» ватандошларига уруш эълон қилиш гояларини кўтариб чиқа бошладилар. Ҳатто исломни сиёсийлаштириш, баъзи оддий фуқаролар онгига турли радикал сиёсий гояларни сингдириш ва бу билан замонавий демократик фуқаролик жамиятни қуриш йўлидаги давлат ислоҳотлари жараёнига тўқинлик қилишга уринишлар бошланди.

И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳди, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида Ўзбекистонга нисбатан диний мутаассибликнинг таҳдиidi қуийдагиларда намоён бўлаётганини таъкидлайди:

Биринчидан. Ақидапарастликни ёйиш орқали диндор мусулмонларнинг ислоҳотчи давлатга ишончини йўққа чиқаришда кўринмоқда. Яхшилик йўлидаги ўзгаришларнинг устувор шартлари бўлган барқарорликни, миллий, фуқаролараро ва миллатлараро тотувликни бузиш йўлидаги уринишларда намоён бўлмоқда. Ақидапарастларнинг мақсади демократияни, дунёвий давлатни, кўпмиллатни ва кўп динни жамиятни обрўсизлантиришдан иборатдир.

Иккинчидан. Фундаменталистларнинг адолат ҳақидаги оломонбог, жозибадор, аммо бақироқ ва асоссиз даъватларига кўр-кўrona эргапшувчилар ўзгалар иродасининг қули бўлиб қолишини англашимиз лозим. Бу даъватлар охир оқибатда бундай одамларнинг ақдигагина эмас, балки тақдирига ҳам ҳукмрон бўлиб олишини яққол англашимиз, айниқса, ёшларимиз буни аниқ тасаввур қилиши лозим. Бундай нуфузли одамларга бўйсунмай қўйиш шахсий фожиага

айланыб кетиши мүмкін. Қулларча мутелик, шахснинг эркисизлик асоратига тушиб қолиши, фикрлаш, саъй-ҳаракат ва ташаббус кўрсатиши эркинлигининг мутлақо чекланиши бунинг энг оғир оқибатлари ёдир. Бизнинг тараққиёт сари интилишимизни эса фикрлаш, ҳаракат қилиш ва ташаббус кўрсатишсиз тасаввур қилишимиз қийин.

Учинчидан. Мамлакат минтақалари аҳолиси ва ижтимоий қатламлар орасида «ҳақиқий» ва «сохта» диндорлик белгилари бўйича қарама-қаршилик келтириб чиқаришда кўринмоқда. Бундай ҳол Жазоирда, Афғонистонда миллатларининг парчаланиб кетишига олиб келди.

Тўртингчидан, Ўзбекистоннинг жанубий чегараларидағи кўшни мамлакатлардаги фуқаролар уруши тўхтамай, давом этиб келаётганлигига намоён бўлмоқда. Бу ҳолат ўзларини чин мусулмон, дин учун курашувчилар деб ҳисоблайдиган, мудҳиш тасаввурларини халқимизга зўрлаб қабул қилдиришни истайдиган террорчилар, жангариларнинг янгидан-янги авлодларини вужудга келтирмоқда.

Мусулмон ва номусулмон мамлакатлар, уларнинг жамоатчилиги орасида ҳам Ўзбекистон ҳақида кўнгилни совутадиган фикр тұғдирисига уринишларда намоён бўлмоқда. Уларга бизни гоҳ даҳрий қилиб, гоҳ эса давлатни исломлаштиришининг яширинча тарафдорлари қилиб кўрсатишни истайдилар.

Ислом цивилизацияси билан исломий бўлмаган цивилизация ўртасида ялпι қарама-қаршиликни шакллантиришда намоён бўлмоқда. Бу эса жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш жараёнларига гоят салбий таъсир кўрсатмоқда. Янги мустақил давлатларнинг қолоқдигини тургун бир ҳолатга айлантиรмоқда. Үндан ҳам даҳшатлиси шуки, одамларни диний заминда «цивилизациялар тўқнапуви» ни кутишга мажбур қилмоқда.

Омманинг онгида дин барча иқтисодий, сиёсий ва халқаро муаммолар ҳамда зиддиятларни ҳал қилишининг универсал воситаси деган фикрни қарор тоғтиришда кўринмоқда.

Юрт тинчлиги ва халқ осудалигини таъминлаш зарурати диний экстремизм ва фанатизмга қарши курашни ҳаётий масалага айлантирди. Терроризм хавфи бутун дунё ҳамжамиятига таҳдиð солиб турган бу даврда Ўзбекистон бирингчилардан бўлиб халқаро терроризм ва диний экстремизм билан кураш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтарди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг дастлабки давлариданоқ диний мутаассиблик ва терроризмнинг инсониятга хавфи, унинг демократия ва инсон ҳуқуқларига зид гояларининг тарқалишини олдини олиш, унга қарши жаҳон ҳамжамияти биргаликда кураш олиб бориши лозимлиги тўғрисида жаҳоннинг нуфузли минбарларидан туриб бонг урди. Ис-

лом Каримов БМТда сўзлаган нутқида (1993), ЕХХТнинг Истанбул саммитида (1999) давлат раҳбарлари билан учрашганда терроризм ва унинг манбалари, базалари, фаолиятини бартараф этиш бўйича амалий тақлифлар билан чиқди ва «Террорчиликка қарши кураш бўйича халқаро марказ» тузиш тақлифини ўргага ташпайди.

Муайян хорижий кучларнинг мақсадли ҳаракатлари таъсирида айрим шахслар диний оғигининг тобора радикаллашиб бориши ва зўравонликка асосланган хатти-ҳаракатларнинг юз бериши қонунчилик соҳасида баъзи амалий чора-тадбирларни қабул қилишини тақозо этди. Жумладан, «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунни қайта кўриб чиқиш давр талабига айланди. 1998 йилнинг май ойида қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Унда диндан сиёсий мақсадларда фойдаланиш, миллатлароро ва турли адоватлар кўзгашибга қаратилган хатти-ҳаракатлар учун Муайян жиноий ва маъмурий жазо чоралари кўриб чиқилди. Жиноий Кодексга дин никоби остида содир этилган жиноятлар юзасидан қатор кўшимчалар киритиб, жазо чоралари белгиланди. Жумладан, ЖКК: 145-виждан эркинлигига дахл қилиш, 156-миллий, ирқий ва диний адоват ёйиш, 159-конституциявий тузумга рахна солиш, 216-фаолияти тақиқданган жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар тузиш, 217-изоҳ – диний йигилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўtkазиш қоидаларини бузиш, 229-изоҳ – диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш, 244-изоҳ – жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш.

2000 йилда «Терроризм ва экстремизмга қарши курашни кучайтириш тўғрисида» Давлат дастури қабул қилинди. Унинг асосида ўша йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

2004 йил январь ойидан Тошкентда Шанхай Ҳамкорлиги Давлатлари Минтақавий Аксилтеррор Тузилмаси (ШҲД МАТ) ижроия қўмитасининг иш бошлаши яна бир бор Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ортиб бораётганлигини, жаҳон сиёсатининг фаол иштирокчисига айланганлигини, у танлаган сиёсий йўлнинг тўғрилигини ҳамда ўз халқи манфаатларидан келиб чиқиб саъй-ҳаракатлар олиб бораётганлигининг ёрқин далили бўлди.

4.5. МИССИОНЕРЛИК ФАОЛИЯТИ: МАҚСАД ВА МОҲИЯТ

Инсоният жамият бўлиб яшашга ўтган пайтдан бошланган тажковузкорлик, худбинлик ва зўравонлик таҳдидлари турли кўринишлар касб этиб, инсон

ҳаётига, қолаверса, бутун бошли давлатларнинг тақдирига хавф солиб келди. Даврлар ўтган сари уруш куроллари ҳам такомиллашиб бормоқда. Бугунги кунда ўзга ҳудудларни забт этиш учун ўша давлатга уруш эълон қилиш, лашкар тўплаб бостириб кириш шарт эмас. Ҳозирги давр мағкуравий босқин даврига айланди. Қурол-яроғ, ракета ёки бомбага ҳожат қолмади. Турли «эзгулик» гоялари таргиготи орқали онги ва шуури забт этилган, маънан «қул»га айлантирилган ерлик аҳоли кўмагида ҳар қандай бойлик, табиий ресурсларга эгалик қилиш мумкин бўлиб қолмоқда.

Йирик давлатлар ўзларининг геосиёсий мақсадларга эришиш йўлида хилмачил усулларни ишга солмоқдалар. Жумладан, «Мақсад воситани оқлайди» деган тамойилга амал қилган ҳолда миссионерликдан ҳам фаол фойдаланилаётганини таъкидлаш зарур. Мазкур ҳолат ҳам, миссионерлик бошқа диний эътиқодларга муросасиз муносабатда бўлиш, жамиятда бекарорлик тўлқинини келтириб чиқаришнинг ўта нозик шаклига айлангани ҳақида холоса чиқариш имконини беради.

Миссионерларнинг асосий мақсади христианликни тарғиб қилиш йўли билан жамиятда хайрихоҳ бўлган гурухларни шакллантириш ва тарафдорлар сонини кўпайтириш орқали муайян мамлакат ва ҳудуд устидан назорат ўрнатишидир. Зоро, Юртбошимиз И.Каримов таъкидлаганларидек, «Кудратли давлатлар ва муайян сиёсий марказлар ўз мақсадларига эришиш учун аввало забт этмоқчи бўлган мамлакатларнинг аҳолиси онгини ўзига қарам қилишга интилади».

Миссионерлик сўзи лотин тилидаги «missio» феълидан олинган бўлиб, «юбориш», «вазифа топшириш», миссионер эса «вазифани бажарувчи» деган маъноларни англатади. Миссионерлик эса белгиланган вазифаларни ҳал қилишга қаратилган назарий ва амалий фаолият мажмумини билдиради.

Моҳият жиҳатидан диний миссионерлик бир динга эътиқод қилювчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилишни англатади. Миссионер эса ушбу вазифани амалга ошириш учун бошқа эътиқодда бўлган кишилар орасига юборилган шахсdir.

Бугунги кунда миссионерлик фаолияти кўпроқ христиан динининг протестант оқими вакиллари учун хос бўлиб, улар «Миссионерлик ҳар бир диндор учун шарт», – деб ҳисоблайдилар. Улар «Инжил»даги авлиё Марк «Хушхабар»ида қайд этилган христианлар ўз динларини барча халқларга етказишлари зарурлиги тўғрисидаги кўрсатмани бош шиор қилиб олганлар.

Миссионерлар ўз фаолиятларини «инжиллаштириш» кампанияси негизида ташкил этадилар.

ХХ аср бошларида миссионерлик билан шугулланган ташкилотларни бирлаштириш учун ҳаракатлар бошланиб, илк ҳалқаро протестант миссионерлик тузилмалари шакллантирилди. Биринчи бутунжаҳон протестант миссионерлари конференцияси 1910 йилда Шотландиянинг Эдинбург шаҳрида бўлиб ўтди. Кейинроқ эса «Ҳалқаро миссиялар кенгаши» тузилди. Бу кенгаши «Бутунжаҳон черковлари кенгаши»га аъзо бўлиб, протестант миссионерларининг фаолиятини йўналтириб турувчи асосий ташкилот хисобланади. Мақсад фақатгина Инъилни тарғиб этиш эдими? Бу ташкилотнинг кейинги даврлардаги фаолияти кўздан кечириладиган бўлса, шуни таъкидлаш керакки, дастлаб, православ ва католик мазҳабларини йўқ қилиш, христиан оламида танҳо ҳукмронликка интилип бўлган бўлса, аста-секин бу мақсадлар кейинги ўринга сиљиб, бош мақсад молиявий ва сиёсий манфаатлар асосида қурилди. Миссионерларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга миссионерликни ўзига хос бизнесга, шахсий бойиш манбаига айлантирган ташкилотларни киритиш мумкин. Бундай ташкилотлар асосчилари эътиқод қилювчилар сонини кўпайтиришдан уларнинг мулки ва бойлигига эгалик қилиш ҳисобига ўзларининг молиявий имкониятларини яхшилаш ва кенгайтиришдек мақсадларни кўзлайдилар. Иккинчи гуруҳга миссионерликдан сиёсий қурол сифатида фойдаланаётган ташкилот ва уюшмаларни киритиш мумкин. Бундай гуруҳлар ортида муайян ҳудудларга нисбатан ўзининг аниқ геосиёсий режаларига эга бўлган давлатлар ва сиёсий кучлар туриши буғунги кунда ҳеч кимга сир эмас.

Эркин тарғибот олиб бориш ҳуқуқини қўлга киритиш ва фаолият доирасини кескин кенгайтириш мақсадида кўпгина миссионерлик ташкилотлари ҳалқаро нодавлат ташкилоти мақомини олишга интиладилар. Бунинг асосий сабаби шундаки, гаразли миссионерлик фаолияти фош бўлиб қолганда ва ҳақди эътиrozларни келтириб чиқарганда улар ҳалқаро ҳуқуқ нормаларини рўйиши қилиш ва унинг ҳимоя механизмларидан фойдаланиш, ўз ҳаракатларини хас-пўшлишга ва жавобгарликдан қочиш учун бу мақом қулай имкониятдир.

Замонавий ҳалқаро миссиялар буғунги кунда ўз фаолиятини:

- янги ҳалқаро миссиянинг мақсад ва вазифаларини эълон қилиб, кенг кўламдаги тушунтириш ишларини олиб бориш;
- ҳалқаро миссия таркибида маълум мамлакатга юбориладиган қўнгилли номзодларни аниқдаш;

– кўнгилли номзодлар орасидан бўлажак ҳалқаро миссионерларни танлаб олиш;

– танлаб олинган бўлажак миссионерларни маҳсус мактабларда ўзлари юбориладиган мамлакат аҳолиси, уларнинг тили, урф-одатлари, фаолият олиб боришининг самарали воситалари ва усуллари бўйича маҳсус тайёргарликдан ўтказиш;

– тайёр бўлган миссионерни тегиши молиявий манбалар ва маҳсус режалар билан таъминлаган ҳолда белгиланган мамлакатга жўнатишдек беш босқичда амалга ошираётганини алоҳида қайд этиш зарур.

Миссионерлар ўз мақсадларига эришиш учун хилма-хил ва турли давларга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиққанилар. Христиан назариётчиларидан бири Луис Буш христиан миссионерлари алоҳида эътибор қаратиши лозим бўлган ҳудуд – шимолий кенгликтининг 10 ва 40-параллеллари орасида жойлашган, деб хисоблаб, уни «10/40 ОЙНА», деб атаган эди. Ушбу параллеллар ораси эса буддавийлик, конфуцийлик, ҳиндуййлик, ислом, синтоийлик ва даосизм диналари кенг тарқалган ҳудудлар хисобланади. Бу ҳудудда Осиёнинг 40 га яқин, Африка қитъасининг 20 дан ортиқ давлати жойлашгани эса миссионерларнинг иштаҳаси нечоғлиқ катта эканини кўрсатади. Ушбу ҳудудда улкан нефть ва газ заҳиралари мавжудлиги эса миссионерликдан кўзланнаётган баразли геосиёсий мақсадларнинг асл моҳиятини терсанроқ англашга хизмат қиласди. Классик геосиёсат наздида ҳам 30–40 параллеллар орасида жойлашган ҳудуд асосий ва ҳал қилювчи аҳамиятга эга.

Миссионерларнинг «10/40 ОЙНА» ҳудудига кирувчи мамлакатларга нисбатан катта қизиқиш билдиришларидан асосий мақсад ушбу ҳудудлардаги ҳалқларни инжиллаштириш йўли билан уларнинг бирдамлигига птур етказиш, ички низоларни келтириб чиқариш орқали уларнинг ривожланишига тўқишлик қилиш, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатдан қарам ва тобе қилишдан иборат.

Кўзланган мақсадларга эришишни таъминлаш йўлида миссионерлар учун бир қатор рисолалар ва қўлланмалар ишлаб чиқилган. Масалан, «10/40 ОЙНА» ҳудудига кирувчи мамлакатларнинг ўзига хос хусусиятлари, аҳолисининг диний қарашлари, тўрмуш тарзи, миссионерлик фаолиятини олиб бориша эътибор берилиши зарур бўлган жиҳатлар ҳақида батафсил маълумотлар шакллантирилган.

2002 йилда АҚШда «Бутунъжаҳон христианлиги тенденцияси» китоби нацир этилди. Унда 2000 йилга бўлган кўрсаткичлар ва христианлик 2025 йилгача

эришиши лозим бўлган сифатий ҳолат қиёсий таҳдил қилиниб, саккиз асосий мақсад белгиланган. Хусусан, унда ёзилишича:

- Ер юзи аҳолисининг «Инжил» билан таништирилиши 73,1 фоиздан 100 фоизга етказилиши;
- дунё аҳолиси таркибидаги христианларнинг улуши 33 фоиздан 40 фоизга ўши;
- христианларнинг 10 фоизини ташкил қилган миссионерларнинг улуши 20 фоизга кўтарилиши;
- христианлар ўз даромадларининг 1,8 фоизини черков ҳисобига ўтказиб келишган бўлишса, бу кўрсаткич 3 фоизга етказилиши;
- ҳар 3000 кишига 1 та миссионер тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич ҳар 1000 кишига 1 та миссионерни ташкил этиши;
- черков мавжуд бўлмаган, аҳолиси 50 000 дан ортиқ 116 та шаҳарнинг барчасида черковлар юзага келиши;
- черковлар тузилмаган 1000 дан ортиқ этник гурӯҳнинг ҳар бирида черковлар ташкил этилиши;
- ё умуман таржима қилинмаган, ёки қисман таржима қилинган барча тилларга «Инжил» таржима қилиниши лозим.

Протестант жамоалари ўз аъзолари даромадларининг маълум қисмини черков ҳисобига ўтказишни талаб қилишади. Баъзи черковларда бу нарса мажбурий бўлмаса-да, хайр-эҳсон қилиш кенг тарғиб қилинади. Тадрижий ва агрессив тарғибот олиб борилиши натижасида кипшилар «ўз хоҳишлари билан» бор-будларини черковга топширишади.

Бугунги кунда миссионерлик билан шугуланаётган диний ташкилотлар молиявий ахволларини яхшилаш ва ўз ҳаракатларини моддий таъминлаш мақсадида черковнинг ишончли ва садоқатли вакиллари орқали турли цехлар, фирмалар ва босмахоналарга эгалик қилишни ҳам йўлга кўйишга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Бақувват хорижлик ҳомийлари бўлган ва ишончли вакиллари орқали юқоридаги каби корхоналарга эгалик қиласидаган миссионерлар ўз тарафдорларига ҳар бир янги олиб келинган одам учун сезиларли миқдордаги пул мукофотларини бериш имкониятига эга бўлмоқда.

Протестант жамоалари ўз гояларини ёйишда турли усул ва воситалардан фойдаланадилар. Хусусан бу борада хайрия ва тиббий ёрдам кўрсатилип амалиётлари алоҳида ўрин тутади.

Миссионерлар ўз мақсадларига эришиш учун аҳолининг энг муҳтож ва ёлғиз тоифаларини излайдилар. Айни пайтда, бемор одамда ташқи таъсирга

мойиллик, шириң ва юпатувчи сүзга, оддий инсоний құллаб-құвватлашга ташналиқ күчли бўлади. Бундай маънавий-рухий ҳолат ҳам эътиқодий босим ва тазиқ үтказиш учун қулай шароит яратади.

Миссионерлар кўп ҳолларда ўз сафларини тиббиёт ходимлари ҳисобига тўлдиришга ҳаракат қиласидар. Зоро, бемор врачнинг мунтазам назорати остида даволанаади. Бу эса, ўз навбатида, врачга беморни муайян вақт давомида психологияк таъсир доирасида ушлаб туриш, миссионерлик тарғиботини босқичма-босқич амалга ошириш имкониятини беради.

Миссионерлар ҳар қандай киши ва жамият ҳаётида учрайдиган ижтимоий-иқтисодий муаммолардан ўзларининг мақсадлари йўлида фойдаланиб қолишига доимий эътибор бериб келгандар. Улар бугунги кунда ҳам моддий-молиявий ёрдам кўрсатишнинг турли шаклларидан усталик билан фойдаланишига ҳаракат қилимоқдалар. Уларнинг «Кўзи ожизлар жамияти», «Мехрибонлик уйи» каби ташкилотларга хайрия сифатида молиявий кўмак беришга, «Қариялар уйларига» ташкилий ва моддий (озик-овқат олиб бориш, муҳтоҷ кексаларни овқатлантириш) шаклида ёрдам беришга интилаётганлари ҳам шундай хуласа чиқариш имконини беради.

Бундай тадбирларга аҳолининг турли қатламлари, жумладан, ёшлар кенг жалб этилади. Иштирокчиларга христиан адабиётларини ҳам ўз ичига олган совғалар улашилади, тадбир сўнгида албатта ибодат ва «Библия» ўқиши ҳам бўлади.

Миссионерлик билан шуғулланишига ҳаракат қилаётган айрим диний ташкилотларнинг ўёки бу ўрта мактабга янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш учун таъмирлаш материаллари олиб бериш, ибодатга қатнайдиганларнинг бевосита таъмир ишларида қатнашиши шаклида ёрдам беришга ҳаракат қилишлари ортида ҳам гаразли мақсадлар ётишини англаш қийин эмас.

Миссионерлар тил ва компьютер ўргатиш марказлари, ҳатто мактаб ёшигача бўлган болалар учун шу йўналишдаги ихтисослашган боғчалар очиш орқали ҳам ёшлар орасида тегишли тарғиботни ташкил этишига ҳаракат қилимоқдалар. Бунда ота-оналарнинг ўз фарзандларини ёшлидан бир неча гилга ўргатиш, компьютер саводхонлигини оширишга бўлган интилиши ва ёшларда бундай соҳаларга бўлган қизиқиплардан усталик билан фойдаланишига ҳаракат қилинаётганини кўриш мумкин. Миссионерлар бундай марказлар ва боғчаларда тил ва компьютер ўргатишни яхши йўлга қўйиш, пул тўловларини нисбатан арzon қилишга алоҳида эътибор берадилар. Аҳоли ўртасида ўз фаолиятлари ҳақида ижобий тасаввурни шакллантириш эса миссионерликни амалга ошириш учун ниқоб бўлиб хизмат қиласиди.

АДАБИЁТЛАР

МЕТОДОЛОГИК АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Тошкент, Ўзбекистон, 2003.
2. «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрири)». Ўзбекистон Республикасининг қонуни. - Тошкент, Адолат, 1998.
3. Багрикенглик тамойиллари Декларацияси. - Тошкент, 2002.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллӣй йистикдол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар 1-жилд. - Тошкент, Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Асарлар 2-жилд. - Тошкент, Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар 3-жилд. - Тошкент, Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар 4-жилд. - Тошкент, Ўзбекистон, 1996.
8. Каримов И.А. Янгича фикрлап ва ишлап давр талаби. Асарлар 5-жилд. - Тошкент, Ўзбекистон, 1997.
9. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. Асарлар 6-жилд. Тошкент, Ўзбекистон, 1998.
10. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Асарлар 7-жилд. - Тошкент, Ўзбекистон, 1999.
11. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровои ҳаёт – пировард мақсадимиз. Асарлар 8-жилд. - Тошкент, Ўзбекистон, 2000.
12. Каримов И.А. Ватан равнағи учун ҳар биримиз масъулмиз. Асарлар 9-жилд. - Тошкент, Ўзбекистон, 2001.
13. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашамиз. Асарлар 10-жилд. - Тошкент, Ўзбекистон, 2002.
14. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий аунё билан ҳамкорлик йўли. Асарлар 11-жилд. - Тошкент, Ўзбекистон, 2003.

15. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-құдратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Тошкент, Ўзбекистон, 2004.
16. Межрелигиозное согласие – важное условие углубления демократических процессов в странах Центральной Азии (на примере Республики Узбекистан) / Материалы международной конференции, посвященной Международному дню толерантности, Ташкент, 15-16 ноября, 2002 г.

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллатиф қори Ҳошимжон қори ўғли. Залолатга кетманг! Ҳизбут таҳрир фитнасидан огоҳ бўлинг. Тошкент, Мовароуннахр, 2003.
2. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, 1992.
3. Ашарай мубашибара (Мұхаммад пайғамбарнинг 10 саҳобаси ҳақида қисса). Нашрга тайёрловчи А.Ҳакимжонов. Тошкент, 1994.
4. Аҳмаджон Ҳожи Бобомурод. Камолот сари. Тошкент, 2000.
5. Баҳромов А. Ислом ва маърифат. - Тошкент, Мовароуннахр, 2002.
6. Бекмуродов. Ўзбек менталитети: кеча ва бугун // Тафаккур. -№4, 2002.
7. Бобомуродов А. Ислом одоби ва маънавияти. Тошкент, 1995.
8. Буюк сиймолар, алломалар (Ўрта Осиёлик машҳур мутафаккир ва дониишмандлар) 1-китоб. Нашрга тайёрловчи акад. М.Хайруллаев. Тошкент, 1995.
9. Валихўжаев Б. Ҳожа Аҳрор тарихи. Тошкент, 1993.
10. Жалолов А. Мустақиллик масъулияти. Тошкент, 1996.
11. Жумабоев Й. Ҳаёт мазмуни ва комил инсон муаммоси. Т, 1997.
12. Жузжоний А.Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги. Тошкент ислом университети, 2002.
13. Жўраев Н. Ҳалқаро терроризм ва минтақавий можаролар. - Тошкент, 2000.
14. Жўраев У., Сайджонов А. Дунё динлари тарихи. Тошкент, 1998.
15. Закураев А. Гоялар кураши. - Тошкент, Мовароуннахр, 2000.
16. Зиёдов Ш. Ал-Мотуридий ҳаёти ва мероси. Тошкент, 2000.
17. Ирисов Б. Дин, ақидапарастлик ва таҳдид. Тошкент, Маънавият, 2000.
18. Ислом: бағрикенглик ва мутаассиблик. Тошкент, Университет, 1998.

19. Ислом ва дунёвий давлат (халқаро илмий-назарий конференция материаллари). Тошкент, 2003.
20. «Ислом тарихи» фани бўйича ўқув-услубий қўлланма. Тошкент ислом университети. 2001.
21. Ислом. Энциклопедия. - Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.
22. Ислом ва дунёвий-маърифий давлат: Маколалар тўплами. З.Мунавваров ва В.Шнайдер-Детерс таҳрири остида. Тошкент, 2003.
23. Исмоил Махдум. Тошкентдаги «Мусҳафи Усмоний» тарихи. Тошкент, 1996.
24. Исҳоқов С. Бурҳониддин Маргиноний ва фиқҳ илми. Тошкент, Адолат, 2000.
25. Комилов Н. Тасаввуп ёки комил инсон ахлоқи. Биринчи китоб. Тошкент, 1996.
26. Комилов Н. Тасаввуп: Тавҳид асрори. Иккинчи китоб. Тошкент, 1999.
27. Мансур А. Имом Аъзам – буюк имомимиз. Тошкент, 1999.
28. Маргиноний Б. «Ҳидоя». 1-жилд. Тошкент, Адолат, 2000.
29. Матьнавият юлдузлари. Тошкент, 1999.
30. Миллий истиқдолғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, 2001.
31. Мозийдан тараган зиё. Имом ал-Бухорий. Тошкент, 1998.
32. Мустақиллик. Изоҳи илмий-оммабоп лугат. Тошкент, 1988.
33. Нуритдинов М. Тафаккур шуълалари. Тошкент, 1998.
34. Обидов Р. Қуръон, тафсир ва муфассирлар. Тошкент, Мовароунихар, 2003.
35. Расулов А. Усмон мусҳафи Тошкентга қачон қайтарилган? // Имом ал-Бухорий сабоқлари. №3, 2002. 165-166-бетлар.
36. Раҳмонов Н. Рұхиятдаги нур муроди. Тошкент, 2002.
37. Реадон Б. Бағрикенглик: тинчлик сари олға қадам. Тошкент, ЮНЕСКО ишлари буйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси, 2002.
38. Сайид Мухаммад Хотамий. Ислом тафаккури тарихидан. Тошкент, 2003.
39. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Гарб. Тошкент, Ўзбекистон, 1997.
40. Турап У. Тасаввуп тарихи. Туркчадан Н. Ҳасан тарж. Тошкент, 1999.

41. Уватов У. Имом ал-Мотуридий ва унинг таълимоти. Тошкент, Фан, 2000.
42. Уватов У. Мұҳаддислар имоми. Тошкент, 1998.
43. Уватов У. Мұслим ибн ал-Хәжжәк. Тошкент, 1995.
44. Ульрих Рудольф. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Тошкент, 2001.
45. Форобий. Рисолалар. Тошкент, 1975.
46. Шер А. Ахлоқшунослик. Тошкент, 2003.
47. Шайх Нажмиддин Кубро: Мақолалар. Мас. мұх. Э.Юсупов. Тошкент 1995.
48. Яссавий ким эди. Нашрға тайёрловчи Б.Дүстқораев. Тошкент, 1994.
49. Қориев О. Ал-Марғиноний–машхур фикқшунос. Тошкент, 2000.
50. Ҳасаний М., Қиличева К. Фиждувоний илм аҳллари хотирасида. Тошкент, 2003.
51. Ҳасанов А. Макка ва Мадина тарихи. Тошкент, 1994.

РУС ТИЛИДАГИ АДАБИЁТЛАР

1. Авеста. Избранные гимны. / Пер. с авестийского и комментарии И. Стеблин-Каменского. Душанбе, «Адаб», 1990.
2. Азимов А. Религиозный экстремизм и фундаментализм. - Ташкент, 1998.
3. Антонян Ю. М. Терроризм: криминологическое и уголовно-правовое исследование. - М.: 1998.
4. Архиепископ Владимир... А друзей искать на Востоке. - Ташкент, 2002.
5. Бертельс Е. Суфизм и суфийская литература // Избр. труды: т. 3. -М., 1965.
6. Беруни Абу Райхан. Избр. произведения. Ташкент, 1963.
7. Брейз З. Тотем и табу. М., 1997.
8. Болтаев М. Абу Али ибн Сина – великий мыслитель, ученый энциклопедист средневекового Востока. Ташкент, 1980.
9. Васильев Л. История религий Востока. М., 1999.
10. Введение христианства на Руси/ Авторский коллектив. Москва, 1987.
11. фон Грюнебаум. Г. Э. Классический ислам (600-1258) М.: 1988.
12. Дворкин А. Сектоведение. Нижний Новгород, 2002.

13. Дервиш Р. А., Левтеева Л., Мусакаева А. Памятники истории, религии и культуры в Узбекистане. Ташкент, 1994.
14. Дни трепета / Сборник еврейских молитв и статей к праздникам. Иерусалим. 1991.
15. Джеймс У. Многообразие религиозного опыта. М., 1993.
16. Из истории древних культов Средней Азии. Христианство / Сборник статей. Сост. Л. Жукова. Ташкент, 1994.
17. Ислам. Энциклопедический словарь. М., 1991.
18. Индуизм. Джайнизм. Сикхизм. Словарь / Под ред. Альдебиль М. и др. М., 1996.
19. К истории христианства в Средней Азии: Сборник статей. Сост. Л. Жукова. Ташкент, 1998.
20. Кочетов А. Н. Буддизм. М.: 1983.
21. Крывелев И. История религии. Москва, 1988.
22. Леви-Брюль Л. Сверхъестественное в первобытном мышлении. М., 1994.
23. Леви-Строс К. Первобытное мышление. М., 1994.
24. Малиновский Б. Магия, наука, религия. М., 1998.
25. Массе Э. Ислам. Очерки истории. М., 1963.
26. Мир философии. В 2 томах. М.: Мысль, 1991.
27. Основы религиоведения / Под. ред. И.Н. Яблокова. Изд. третья, перераб. и доп. Москва, 2000.
28. Основы философии. Ташкент: Мехнат, 2004.
29. Оливер П. Мировые религиозные верования. М., 2003.
30. Переселение душ. Сборник статей. Москва, 1994.
31. Радугин А.А. Введение в религиоведение. 2-е изд., испр., и доп. Москва, 2000.
32. Религиозные традиции мира. Справочник школьника. Бишкек, 1997.
33. Свет из глубины веков. // Отв. ред. А. Азизходжаев. Ташкент, 1998.
34. Скирбекк Г., Нильс Г. История философии. Учебное пособие. М.: 2000.
35. Снесарев Г. Реликвии доисламских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М.: 1969.
36. Солдатов А.В. Религиоведение. М., 2004.

37. Ставинский Б. Судьбы буддизма в Средней Азии. М.: 1998.
38. Суфизм в контексте мусульманской культуры: Сборник статей / Под ред. Н. Пригарина. Москва, 1989.
39. Тайлор Э. Первобытная культура. М., 1989..
40. Торчинов Е.А. Даосизм. М., 1998
41. Тора (с русским переводом). Под ред. П.Гиля. Москва, 1993.
42. Учение ал-Матуриди и его место в культуре народов Востока. Сборник докладов участников международной конференции, проведенной 19-20 ноября 1999 г. Ташкент, 2000.
43. Хайруллаев М. Фараби: Эпоха и учение. Ташкент, 1975.
44. Шавит Ш., Афек И., Циммерман М.. История еврейского народа. Библиотека - Алия, Иерусалим, 1993.
45. Шри Ишупанишад. The Bhaktivedanta Book Trust reg., 1992.
46. Шримад-Бхагаватам. Первая песнь. В 2-х томах. (rus) The Bhaktivedanta Book Trust reg., 1990.
47. Штереншиц М. Евреи Центральной Азии: В будущее из прошлого / Центральная Азия и Кавказ. Общественно-политический журнал, 1(13)2001 (Швеция).
48. Щербатской Ф. И. Избранные труды по буддизму. Москва, 1988.
49. Юнг К. Архетип и символ. М., 1991.
50. Юнг К. Сознание и бессознательное. М., 1997.
51. Яковлев Е.Г. Искусство и мировые религии. Москва, 1985.

ИНГЛIZ TIILI DAGI ADAABIYETLAR

1. Bhagavad-gita As It Is. The Bhaktivedanta Book Trust reg., 1990.
2. Cobbola, George. Religion in Japan: Shintoism, Buddhism, Christianity. London, 1905.
3. Conze, Edward. Buddhism: a short history. Oxford: 2000.
4. Delli, David. Guide to Hindu religion. Boston, Mass, 1981.
5. Eller, Meredith. The beginning of the Christian religion: a guide to the history and literature of Judaism and Christianity. London, 1924.
6. Edward Tylor. Religion in primitive culture. Gloucester, Mass.: P.Smith, 1970.

7. Jaina J. Jainism: the oldest living religion. Varanasi: P.V.Research Institute, 1988.
8. Holy Bible. British Isles: Cideons International, 2003.
9. Geza Roheim. Animism, magic, and the divine king. New York, 1972.
10. Glasenapp, Helmuth von. Buddhism-a non-theistic religion. London: 1970.
11. Groot, J. J. The religion of the Chinese. New York: Macmillan, 1910.
12. Klostermaier, Klaus. Buddhism: a short introduction. Oxford: 1999.
13. Lilia, Kohn. Daoism and Chinese culture. Cambridge, Mass, 2001.
14. Nicholson, Julia. Jainism: art and religion. Leicester, 1987.
15. Smith, Jonathan. Imagining religion: from Babylon to Jonestown, Chicago, 1982.
16. The sacred east: Hinduism, Buddhism, Confucianism, Daoism, Shinto/gen. editor C. Scott Littleton. London, 1999.
17. Titze, Kurt. Jainism: a pictoral guide to the religion of non-violence. Delhi, 1998.
18. Read Carveth. Man and his superstitions. 2nd ed. London: Senate, 1995.
19. Underwood, A. C. Shintoism: the indigenous religion of Japan. London, 1934.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I қисм. Қадимий динлар.....	7
1.1. Қадимги Миср халқлари диний таълимотлари	8
1.2. Месопотамия халқларининг диний эътиқодлари	9
1.3. Марказий Осиё ва Эрон халқлари диний таълимотлари	11
1.4. Хитой диний ва фалсафий таълимотлари	25
1.5. Иудаизмда ахлоқий бурчлар	31
1.6. Ҳинд веда адабиётлари таълимоти	47
II қисм. Жаҳон динлари.....	57
2.1. Буддавийлик.....	57
2.2. Христианлик.....	64
2.3. Ислом	75
2.4. Ислом манбалари	77
III қисм. Бағрикенглиқ – ислом илм-фани ривожи гарови.....	84
3.1. Нақдий илмлар	84
3.2. Ақдий илмлар	91
3.3. Тасаввұф	94
IV қисм. Ўзбекистон – бағрикенг диёр	106
4.1. Ўзбекистонда диний қадриятларнинг тикланиши	106
4.2. Диний конфессиялар	109
4.3. Ўзбекистонда вијқон эркинлиги	111
4.4. Диний мутаассиблик таҳдиidi	112
4.5. Миссионерлик фаолияти: мақсад ва моҳият	114
Адабиётлар.....	120

Шуҳрат Сирожиддинов

**БАГРИКЕНГЛИК — ДИНЛАРНИНГ
МАЪРИФИЙ АСОСИ**

«Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2010

Мухаррир: **С. Очилов**
Мусаххих: **У. Инсонбоева**
Саҳифаловчи: **И. Караджаев**

Босишига 2010 йил 6 декабрда руҳсат этилди.
Бичими 60×84 ¼. Шартли б.т. 7,44. Нашр т. 7,40.
Адади 500 дона. Буюртма № 24.
Баҳоси шартнома асосида.

«Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа
бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.
100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.